

Абдулқадим Заллум



ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИДА МОЛЛАР



1403ж-1983м

Исломий шаклдаги дастлабки шаръий динорни халифа Абдулмалик ибн Марвон ҳижратнинг 77-йилида куфий-арабий хат билан шаръий мисқол вазнида зарблағандир. Бу динорнинг вазни 4,25 граммга тўғри келади, диаметри тахминан 2 см бўлган. Бу китоб муқовасида халифа Абдулмалик нбн Марвон зарб қилган тилла динорнинг олд томонидан кўриниши тасвирланган. Динорнинг ўртасида «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шариқа лаҳу», деб ёзилган. Атрофига эса: «Муҳаммадун Расулуллоҳ арсалаҳу билҳуда ва динил ҳаққи лиюзҳираҳу аладдини куллиҳи», деб нақшланган.

بِاسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

مَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْ أَهْلِ الْقُرْبَى فَلِلَّهِ
وَلِرَسُولِهِ وَلِذِي الْقُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينِ وَابْنِ
السَّبِيلِ كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ وَمَا
آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَاتَّهُوا وَاتَّقُوا
اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿١١﴾ لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ
الَّذِينَ أَخْرَجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنْ
اللَّهِ وَرِضْوَانًا وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ هُمُ
الصَّادِقُونَ ﴿١٢﴾ وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ
يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ
حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْثِرُونَ عَلَى أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ
خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقَ شُحَّ نَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ
وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَغْفِرْ لَنَا
وَلِإِخْرَانَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا
خَلَّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿١٣﴾

„Аллоҳ қишлоқ, шаҳарларнинг (коғир) аҳолисидан ўз пайғамбариға ўлжа қилиб берган нарсалар токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юрувчи нарса бўлиб қолмаслиги учун Аллоҳники, Пайғамбарники ва (у зотнинг) қариндош-уруғлари, етимлар, бечорамискинлар ва йўловчи-мусофириларницидир. Пайғамбар олиб келган нарсаларни олинглар, у зот қайтарган нарсадан қайтинглар. Ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдири, (у ўлжалар яна) ўз диёrlаридан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар камбағал муҳожирларницидир. Улар Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Аллоҳ ва унинг Пайғамбариға ёрдам берурлар, Ана ўшалар (иймонларида) содик зотлар. У (муҳожир)лардан илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар эса, ўзларига ҳижрат қилиб келган кишиларни суюрлар ва дилларида у (муҳожир)ларга берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда, гарчи ўзларида эҳтиёж бўлсада, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсини баҳиллигидан сақланса, ушалар нажот топгувчи зотлардир. Улардан кейин келган зотлар айтурлар: „Парвардиторо, бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун нафрат-адоват қилмагин».

[

(59:71)

Мндарижа

Муқаддима	8
Байтулмол ва унмнг девонлари	
Байтилмол	10
Байтилмол девонлари	12
Девонларнинг ташкил топиши	12
Байтилмол девонларининг қисимлари	14
Даромадлар	14
Ўлжа ва хирож девонлари	14
Умумий мулк девони	14
Садсқа девони	15
Нафақотлар қисми	15
Дорул хилоқа девони	15
Давлат манфаатлари девони	16
Ато-бериладиган ҳақлар девони	16
Жиҳод девони	16
Садақотларни сарфлаш ўринлари девони	16
Умумий мулкнинг сарф қилинадиган ўринлари девони	16
Фавқулодда ҳолатлар девони	17
Умумий мувозанат, умумий ҳисобот ва назорат девонилари	17
Халифалик Давлатининг моллари	
Моллар	19
Анфол ва ъаниматлар, фай ва хумс	
Анфол ва ғаниматлар	22
Ғаниматларнинг тақсимланиши ва сарф қилиш ўринлари ҳамда унга ҳақли шахслар	23
Фай	26
Хумс	29
Хирож	30
Унва хирожи	30
Сулҳ хирожи	31
Хирож ва ушрнинг жамланиши	32
Бугунги кунда қилиниш зарур бўлган амалий воқелик	33
Хирож солиш тартиби	33
Хирожнинг миқдори	34
Хирож сарф қилинадиган ўринлар	35
Узунлик, ер майдони, кайл ва вазнларнинг меъёрлари	37
Узунликлар ва майдонлар	37
Микёл ва вазнлар	39
Жизя	41
Жизя кимлардан олинади?	41
Жизя қачон соқит бўлади?	43
Жизянинг миқдори	44
Жизянинг тўлиқ олиш вақти	45
Жизянинг сарф вилинадиган ўрни	46
Жамоат мулки ва унинг турлари	47

Омма мулкларининг биринчи тури	47
Жамоат мулкининг иккинчи тури	48
Жамоат мулкининг учунчи тури	50
Жамоат мулки бўлган нарса ва уларнинг киirimларидан фойдаланиш қоидалари	51
Жамоат мулкидан бўлган баъзи нарсаларни қўриқ қилиб олиш	54
Ер, бинолар, қулайликлардан иборат дамлат мулклари ва унинг киirimлари	57
Давлат мулкининг турлари	57
Давлат мулкини ишлатиш	60
Марофиқ (қулайликлар)	63
Ушрлар	65
Ушрлар нималардан ва қачон олинади?	69
Ҳоким ва давлат хизматчиларининг хиёнат моллари, ғайришаръий орттирилган моллар, жарима моллар	71
Пора	72
Ҳадя ва совғалар	72
Салтанат қуввати билан хукмронлик ва эгалик қилинган моллар	73
Даллолчилик ва воситачилик хаққи	73
Ўриликлар	74
Жарималар	76
Хазина (Рикоз) ва маъданларнинг хумуси	77
Меросхўри йўқ кишининг моли	79
Муртадларнинг моли	80
Солиқлар	82
Садақот моллари	
Закот	88
Ҳайвон закоти	90
Туя	90
Мол (сигир)	92
Қўй	93
Қўй закотида ҳисобланадиган, олинадиган ва олинмайдиган нарсалар	93
Қўйлардаги шерикларнинг хукми	94
Мева ва эгинларнинг закоти	96
Закот вожиб бўлган мева ва экинларнинг турлари	96
Экин ва меваларнинг нисоби	97
Меван чамалаш	97
Экин ва мевалардан олинадиган закот миқдори	98
Экин ва мевалардан садақа олиш тарзи	99
Тилла ва кумуш закоти	100
Кумуш нисобининг миқдори	100
Кумуш нисобида вожиб бўлган закот миқдори	101
Тилла нисоби миқдори ва тилладава тиллада вожиб бўлган закот	101
Қофоз пуллардаги закот	102
Тижорат молларнинг закоти	104
Қарзнинг закоти	105
Қимматбаҳо тақинчоқлар закоти	106
Закотти халифага бериш	108
Закот бермайдиган кишининг хукми	109

Закотнинг сарф қилиш ўринлари	110
Пуллар	
Исломда пуллар	115
Дирҳам ва динор вазни	116
Пулга оид низомлар	122
Маъдан низоми	123
Ягона мадан низоми	123
Зарбланган тилла ва кумиш низоми	123
Тилла ёки кумуш ём билари низоми	123
Тилла ёки кумуш билан айирбошлаш низоми	123
Икки маъдан низоми	124
Қоғозга оид низом	125
Пулларни чиқариш	126
Тилла ва кумуш меъёри	128
Тилланинг кумушга нисбати	128
Тилла ва кумиш низомининг фойдалари	130
Оламда мавжуд тилланинг кифоя қилиши	132
Тилла қоидасига қайтиш қандай тўлиқ амалга ошади?	134

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МУҚАДДИМА

Аллоҳ ўз элчиси Муҳаммад ﷺ Ислом билан юборган ҳаётий низом олам учун рисолат бўлгач, мусулмонларга уни татбиқ қилиб оламга олиб чиқадиган давлат лозим бўлди. Ислом бу давлатни Халифалик Давлати деб билдириди ва уни оламдаги давлатларнинг барчасининг шакли, рукнлари ва ҳатто жиҳозларидан ва инсонлар тузган қонундан эмас, Аллоҳнинг шариатидан бўлганлиги учун халифа ва умматга уни лозим тутиш, унинг қоидаларини татбиқ қилиш, аҳкомларига боғланиш вожиб бўлган, Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ ﷺ суннатидан олинган дастур ва қонунларида фарқли бўлган мумтоз шакл ва ягона услубда қилди. Ислом уммат ишларини бошқариш ва даъватни ёйишга қодир бўлиш учун давлат хазинасига келадиган молларни идора қилиш ва сарфлашни Халифалик Давлатига топширди. Дарҳақиқат, шаръий далиллар молларга ҳақли кишилар ва сарфлаш ўринларини баён қилиб берганидек, давлатнинг молиявий киrimларини, молларнинг навларини ва ҳосил қилиш усулларини ҳам баён қилиб берди.

Биз бу китобда Халифалик Давлатидаги моллар ва унинг аҳкомларига тўхталиб ўтдик ва унинг киrimларини, навларини, қандай олиниши, кимдан олиниши ва олиш лозим бўлган вақтларини ҳамда уни ҳосил қилиш усулларини, мол олингач, у сақланадиган муассасаларни, шунингдек, молга ҳақли бўлганларни ва уни сарф қилиш ўринларини баён қилдик.

Молларни қўлга киритиш узунлик, майдон ўлчовлари ва вазнларни билишни талаб қилгани учун буларнинг воқесини баён қиладиган ва ноаниқликларни бартараф этадиган мавзуулар тафсилотини бердик. Бу атамаларни узунлик, майдон ўлчовлари ва вазнлар (оғирлик, суюқлик) тушунишга осон, чигалликдан узоқ бўлиши учун бугунги кунда ишлатилаётган терминлар билан белгиладик.

Пул жиҳатининг шаръий аҳкомларга боғлиқлиги, Халифалик Давлатидаги молларда ўзига хос аҳамияти бўлгани сабабли, биз унинг тафсилотига киришиб, воқесини, у асосланган бирлик, унга нисбат бериладиган бирликлар, пулнинг вазнлари ва унга алоқадор муаммолар ҳамда бу муаммоларнинг муолажа қилиш усулини баён қилиб бердик .

Халифалик Давлатидаги молларнинг шаръий ҳукмлари саҳобалар, тобеинлар ва уларга эргашганларнинг, шунингдек, мужтаҳидларнинг шу хусусдаги сўзларини чуқур ўрганиб чиқишидан сўнг, Китоб ва Суннатдан олинди. Шаръий ҳукмлар ғалабатуззон ва уларда ақидада шарт қилинганидек қатъийлик шарт қилинмайди, деган эътибор билан биз қувватли, деб билган далилларга биноан истинбот қилинди.

Биз Аллоҳдан бу аҳкомларни Халифалик Давлатида татбиқ ва ижро этишга миёссар қилишини ва орзуларимизни руёбга чиқаришини сўраймиз. Аллоҳ бизнинг хожамиздир, у зот нақадар буюк зотdir ва нақадар кўмак бергувчидир.

16-рабиуссоний 1402ҳ
10-февраль 1982м

БАЙТУЛМОЛ

ВА УНИНГ ДЕВОНЛАРИ

БАЙТУЛМОЛ

Байтумол бу, давлатга келадиган ёки давлатдан чиқадиган мусулмонлар ҳақли бўлган барча молларга ихтисослашган идорадир. Мусулмонлар шаръий аҳкомга мувофиқ ҳақли бўлган ва гарчи ўрни таъйин бўлса ҳам эгасининг шахси таъйин бўлмаган молларнинг ҳаммаси ер, бино, кон, пул ёки мато бўладими, хуллас, қийматга эга мулкнинг барчаси, байтумол ҳимоясига киргизилган ёки киргизилмаганидан қатъий назар, мусулмонлар байтумолининг ҳаққидир. Унинг ҳақдорига ва эгасига ёки мусулмонларнинг манфаатларига, уларнинг ишларини бошқариш йўлида ёки даъватни ёйиш учун сарфлаш вожиб бўлган барча моллар, сарфланиш ёки сарфланмаслигидан қатъий назар, байтумол зиммасидаги ҳақдир. Демак, байтумол бу маънода идора демакдир.

Бундан ташқари, байтумол сўзи давлат киримларидан бўлган моллар сақланадиган ва сарфланадиган макон маъносида ҳам ишлатилади,

Идора маъносидаги байтумолни дастлаб барпо қилиш Бадр жанги тугаб, ўлжалар хусусида талашиб-тортишилганда, Бадр ҳақида Аллоҳ таолонинг мана бу ояти тушгандан кейин содир бўлди:

يَسْأَلُوكَ عَنِ الْأَنْفَالِ قُلْ الْأَنْفَالُ لِلَّهِ وَالرَّسُولِ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَصْلِحُوا ذَاتَ بَيْنِكُمْ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٨﴾

„ (Эй, Мұхаммад), сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар. Айтиңг: „Ўлжалар Аллоҳ ва пайғамбарницидир. Бас, Аллоҳдан Қўрқингиз ва ўз ораларингизни ислоҳ қилингиз. Агар мўмин бўлсангизлар Аллоҳ ва унинг Расулига итоат қилингиз «. [8:1]

Саъийд ибн Жубайрдан ривоят қилинган ҳадисда Саъийд айтадиларки: «Мен Ибн Аббосга Анфол сураси қачон нозил бўлган? дедим, у: «Бадр урушида», деди». Бадр ўлжалари Абдуллоҳ ибн Жаҳш сарийяси қўлга киритган дастлабки мол бўлиб, Аллоҳ уни тақсимлаш ҳукмини баён қилиб, бу молни мусулмонларнинг ҳаққи қилди ва Расул ﷺ мусулмонларнинг манфаати йўлида тасарруф қилиш ҳуқуқини берди. Демак, бу ўлжалар (мусулмонларнинг иш бошилари мусулмонларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш ниятида тасарруф қиласидилар.) байтумолга оид бўлди.

Қўлга киритилган моллар сақланадиган ва сарф-харажатлар олинадиган макон (яъни давлат хазинаси) маъносидаги байтумолга келсак, Расулуллоҳ ﷺ замонларида у учун муайян жой ажратилмаган. Чунки келаётган моллар ҳали кўп эмас эди. Мусулмонларга тарқатиладиган улушлар ва мусулмонларнинг ишларини бошқаришга сарфланадиган харажатлардан бирор нарса ортиб қолмасди, Расулуллоҳ ﷺ ўлжа ва хумсларни (тақсимланаётган ўлжанинг бешдан бир қисми) жанг тугагандан кейин тақсимлар, молларни тақсимлаш ва ўз ўрнига сарфлашни кечиктирмас эдилар. Ханзала ибн Сайфий Расул ﷺнинг (у киши Расулуллоҳ ﷺнинг котиблари бўлган); «Ҳар бир нарсани учинчи куни мендан ажралмасдан ёдимга солгин», деганларини ривоят қилганлар ва яна: «Қачон мол ёки таом уч кун туриб қолса, Расулуллоҳ ﷺнинг ёдларига солар эдим. Расулуллоҳ ﷺ бу моллардан бирор нарса ҳузурларида қолган ҳолда кечани ўтказмас эдилар», деб ривоят қилганлар. Кўпинча Расулуллоҳ ﷺ

молларни келган куниёқ тақсим қилар эдилар. Ҳасан ибн Мұҳаммаддан ривоят қилинған ҳадисда: «Расууллоҳ әхъ жүзурларидан мол бўлган ҳолда кундузи ва кечаси ухламас эдилар», - дейилади. Яъни Расууллоҳга әрталаб мол келса, кун ярим бўлгунча уни тақсимлаб бўлардилар, агар мол кечқурун келса, тонггача қолдирмас эдилар. Шунинг учун ўша пайтда сақлаш жойи ёки қайдлаш дафтарини талаб қиласиган даражада йиғилиб қолган мол бўлмаганди.

Расууллоҳ даврлари шу тарзда ўтди. Абу Бакр әхлифа бўлгач, биринчи йили ҳам шу ҳолда давом этди. Унга баъзи минтақалардан мол келса, уни Расууллоҳ әхънинг масжидларига келтирас ва ҳақдорларга тақсимлардилар. Абу Бакр тақсимлаш ишларидан Абу Убайда ибн Жарроҳни ўзларига ўринбосар қилиб таъйинлаган эдилар. Абу Убайда бу лавозимни эгаллагач, Абу Бакрга: «Мен молни тақсимлашда кафилман», деганди. Абу Бакр ҳалифаликнинг иккинчи йили Байтулмолга асос солди. У ўз ҳовлисидан Мадинага келган моллар қўйиладиган макон ажратди. Бу ердаги барча нарсаларни мусулмонлар манфаатлари йўлида сарфлар эди. Абу Бакр әхъ вафот этиб, Умар әхлифа бўлгач ишончли кишиларни тўплаб, Абу Бакрнинг ҳовлисига кириб, байтулмолни очди ва у ерда қопдан тушиб колган битта динордан бошқа нарса топмади. Умар әхъ замонларидан фатҳлар ошиб, мусулмонлар Кисро ва Қайсар ерларини фатҳ қилгач, моллар қўпайиб, Мадинага катта миқдорда кела бошлади. Умар бу моллар учун бир уйни ажратиб, уларнинг рўйхатини тузди ва девон котибларини таъйинлади. Бу девондан бериладиган молларни белгилади ҳамда ундаги маблағ ҳисобига қўшин жамлади. Умар гоҳида келган ўлжаларнинг хумсларини масжидга қўярди ва уни кечиктирмасдан тақсимларди. Ибн Аббосдан ривоят қилинған ҳадисда Ибн Аббос айтадики: «Умар ибн Хаттоб мени чақирди, бориб унинг олдида тиллалар сомондек сочилиб ётган бўйрани кўрдим. Умар ибн Хаттоб: «Бу ёққа кел, буни қавмингга тақсим қил. Буни Пайғамбар әхъга, Абу Бакрга бермай, менга берганида Аллоҳ яхшиликни хоҳладими ёки ёмонликни? Аллоҳ билади», деди. Абдураҳмон ибн Авфдан ривоят қилинған ҳадисда айтадики: «Умар әхъ куннинг ярмида менга одам юборди. Борсам, Умар ибн Хаттоб қўлимдан ушлади ва бир уйга олиб кирди. Шунда мен уйилиб ётган қопчаларни кўрдим, Умар ибн ал-Хаттоб: Мана шу ерда Хаттобнинг оиласи Аллоҳга хор бўлди. Агар биз Аллоҳга азиз бўлганимизда эди, бу қопчалар мендан олдинги икки соҳибимга насиб бўларди. Икки соҳибим мен учун бу нарсада унга эргашадиган ишни бажаришарди, деди. Абдураҳмон айтадиларки: Мен Умарга келган нарсаларни кўрганимда, эй амирул-мўминин, биз билан ўтиринг, фикрлаб кўрамиз, дедим. Сўнгра биз ўтиридик ва Мадина аҳолисини, камбағаллиги сабабли Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиқолмаганларни, Расууллоҳ әхънинг аёлларини ва булардан бошқаларни ёзиб чиқдик», деди.

Мол жамланадиган, девонлар сақланадиган, совғалар чиқариладиган ва моллар ўз ҳақдорига бериладиган барқарор байтулмол мана шу тарзда барпо бўлди.

Байтумол девонлари

«Девон» сўзи умумий маънода бўлиб, ундан котиблар ўтириши, қайд дафтарлар сақланиши учун макон бўлган жой тушунилади. Шунингдек, қайднома дафтарларининг ўзи ҳам ишлатилади. Ва бу икки маъно орасида ўзаро алоқадорлик бор.

Девонларнинг ташкил топиши

Девонларнинг ташкил топиши ва унга муайян макон ажратилиши, Умар ибн Хаттоб замонларида, ҳижратнинг 20-йилида содир бўлган. Расулуллоҳ замонларида, гарчи у киши молия котибларини таъйинлаган бўлсалар ҳам, байтумол учун махсус девон бўлмаган эди. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ Муайқиб ибн Абу Фотима ад-Давсийни ўлжаларга, Зубайр ибн ал-Аввомни садақотларга, Ҳузайфа ибн ал-Ямонни Ҳижоз меваларини, Абдуллоҳ ибн Равоҳани эса Хайбар меваларини ўлчашга, Муғийра ибн Шуъбани қарз олишибериш ва муомалот ишларига, Абдуллоҳ ибн Арқамни одамларнинг ер ва сувларига котиб қилган эдилар. Лекин, шу билан бирга Расулуллоҳ даврларида девонлар (яъни қайд дафтарлари) тузилмаган, ёзиш ва сақлаш учун уларга бирор макон ажратилмаган эди. Ҳазрат Абу Бакр ~~ибн~~нинг халифалик муддатларида ҳам мана шундай давом этди. Умар ибн Хаттоб халифа бўлганларидан кейин аҳвол ўзгарди, жуда кўп молларнинг Мадинага оқиб келишига сабаб бўлган фатҳлар кўпайди. Бу нарсалар девонлар тузиш ва қайднома дафтарлари ёзишни ва бу ишлар учун макон ажратишни тақозо қилди,

Девонлар тузиш ҳақида ўйлашга бевосита сабаб бўлган воқеа хусусида қўйидагича ривоят келган. Абу Ҳурайра ~~ибн~~ Баҳрайндан Умар ибн Хаттобга жуда кўп мол олиб келади. Сўнгра Умар: «Нима келтирдинг?» деб сўрайди. Абу Ҳурайра: «500000 дирҳам олиб келдим», дейди. Умар ибн Хаттоб унга: «Нима деганингни биласанми, сен уйқусирайпсан, бор, эрталабгача дамингни ол», деб айтади.

Абу Ҳурайра эртаси куни келгач, Умар ибн Хаттоб: «У қанча?» дейди. Абу Ҳурайра: «500000 дирҳам», деб жавоб беради. Умар: «У ҳалолданми?» дейди. Абу Ҳурайра: «Албатта ҳалол деб биламан», дейди. Сўнгра Умар минбарга кўтарилиди, Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнг, эй инсонлар, бизга жуда кўп мол келди. Агар сизлар хоҳласангиз, тарозида тортиб берамиз. хоҳласанглар санаб берамиз, деди. Шунда қавмдан бир киши: «Эй амирулмўминин, инсонлар унга кўра ҳақ оладиган девонларни тузинг», деди. Воқидий айтадиларки, Умар иби Хаттоб девонларни тузиш хусусида мусулмонлардан маслаҳат сўради. Али ~~ибн~~ «Сенга келган моллардан бирор нарсани тутиб қолмай, ҳар йили тақсимлайсан», дедилар. Усмон ~~ибн~~ эса, «Одамларга келаётган кўп молларни кўраяпман. Агар олган одам, олмаган одамдан ажратилиши учун улар ҳисобланмас экан, иш чигаллашиб кетишидан қўрқаман», деди. Ворид ибн Ҳишом ибн ал-Муғийра эса: «Мен Шомда бўлдим, уларнинг подшоҳлари девонлар тузганларини ва ундаги маблаг ҳисобига қўшин жамлаганини кўрдим. Сиз ҳам девонлар тузинг ва қўшин жамланг», деди. Умар у кишининг сўзини қабул қилди ва Ақийл ибн Абу Толибни, Маҳрама ибн Навфални, Жубайр ибн Мутъимни чақирди. Улар қурайш уруғидан эдилар. Уларга, «Инсонларни

даражаларига қараб ёзинглар», деди. Улар Бани Ҳошимдан бошладилар. Сўнг Абу Бакр ва унинг қавмини, сўнг Умар қавмини ва бошқа қабилаларни ёзишиди ва Умарга олиб боришиди. Умар рўйхатга қарагач, «Йўқ бундай бўлишини ёқтирмайман. Расулуллоҳ ғанинг қариндошларидан бошланг, сўнг уларнинг яқинларини, кейин уларга яқинларни ёзинглар, Умарни Аллоҳ қўйган ўринга қўйинглар», деди.

Бу ҳақ бериш ва қўшин жамлаш девонига нисбатан қилинган ишлардир. Бу девон араб тилида ёзилди. Аммо ҳақ олиш ва молларни йифиш девонида эса, ҳолат бундан бошқачароқ эди. Чунки Ироқ девони Форс давлатига қарам бўлгани учун форс тилида ёзилар эди. Шунингдек, форслар ҳукмига бўйсунган бошқа ўлкаларда ҳам девон форс тилида юритиларди. Бу шаҳарларни жизяси ва хирожини олиш ва молларни йифиш форс тилида ёзилган эди. Шом ва Румларга бўйсунган бошқа минтақалардаги девон румликларнинг ҳукмронлик кунларида бўлганидек, рум тилида иш юритар эди. Бу шаҳарларнинг жизяси ва хирожини олиш, молларини йифиш рум тилида ёзилган эди. Ироқ ва Шом Умар ибн Хаттоб замонидан то Абдулмалик ибн Марвон ал-Умавий замонигача шу ҳолда қолди. Абдулмалик ибн Марвон Шом девонини ҳижрий 81йили араб тилига кўчирди.

Зикр қилинишича, девонни рум тилидан араб тилига кўчиришга Абдулмалик ибн Марвонни унданаган нарса шуки, румлик котиби сиёҳдони учун сувга муҳтож бўлади, сув топа олмагач, сувнинг ўрнига ўзининг пешобидан фойдаланади, бу хабар Абдулмаликка етиб боради ва у котибни жазолайди ҳамда Сулаймон ибн Саъдга девонни араб тилига ўгиришни буюради. Саъд ундан ўзининг Урдун хирожига валий қилиб бир йилга таъйинлашни сўрайди. Ўшанда Урдуннинг хирожи 180 минг динор бўлган эди. Бир йил ўтмасданоқ Сулаймон девонни ўзгартиради ва Абдулмалик ибн Марвонга олиб келади. Абдулмалик ўзини Саржун номли котибини чақириб, аҳволни баён қиласиди. Саржун Абдулмалик ҳузуридан ғамгин ҳолда чиқиб кетади. Сўнг румлик котибларни учратиб қолади, шунда у: «Сизлар тириклик учун бу ҳунардан бошқасини қидиринглар, Аллоҳ сизлардан бу ҳунарни кесиб қўйди», дейди.

Ироқда эса, Абдулмаликнинг Ироқдаги волийси Ҳажжож котиби Солиҳ ибн Абдураҳмонга девонни форсчадан арабчага ўгиришни буюради. Солиҳ, икки тилни яхши биларди, у рози бўлади ва волий унга муддат беради. Солиҳ девонни араб тилига ўгиради. Буни Ҳажжожнинг форс котиби Мародиншоҳ ибн Зодон Фаррух билгач, Солиҳга девонни араб тилига кўчиришдан ожизлигини Ҳажжожга билдириш эвазига 100000 дирҳам пора таклиф қиласиди. Солиҳ эса унамайди: «Аллоҳ бўғинларингни худди форсларнинг аслини кесганидек кессин, дейди.

БАЙТУЛМОЛ ДЕВОНЛАРИНИНГ КИСМЛАРИ

Байтумол девонлари асосан икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисм: байтумолга кирувчи, байтумол ҳақли бўлган молга тааллуқли. Иккинчи қисм: буромад яъни, сарфланадиган ва байтумол зиммасида бўлган молга тааллуқли бўлади.

Даромадлар қисми

Биринчи қисм, хазинага тушадиган маблағнинг турига мувофиқ қўйидаги девонларни ўз ичига олади.

Ўлжа ва хирож девони

Бу барча мусулмонлар учун ўлжа деб эътибор қилинадиган давлат киримлари ва уларни қайднома дафтарларига ёзиш, сақлаш девонидир. Шунингдек, давлат хизматчилари, волий, ҳоким, ўқитувчилар сингари хизмати эвазига маоши ҳукумат зиммасида бўлган соҳа вакилларига ёки эваз суратида эмас, мусулмонларга қулайлик яратиш, уларнинг манфаати йўлида йўллар, масжид, мадраса, шифохоналар каби қурилишлар учун пул ажратишга байтумол кифоя қилмаган ҳолатда мусулмонларнинг зиммасига вожиб бўладиган солиқ киримларини қайднома дафтарига ёзиш ва сақлаш девонидир. Бу девон киримлари учун, байтумолда хос, бошқа моллар аралаштирилмайдиган макон белгиланади. Чунки у моллар халифанинг фикри ва ижтиҳодига мувофиқ, мусулмонларнинг ишларини бошқаришда ва мусулмонлар манфаатлари йўлида сарф қилинади.

Ўлжа ва хирож девони ва бу девонга оид бўлган моллар қўйидаги бўлимлардан иборат:

а) Фаниматлар бўлими: бу бўлим фанимат, анфол, фай ва хумусни ўз ичига олади.

б) Хирож бўлими.

в) Ерлар бўлими: бу бўлим унва ерларини (хирожий ерлар, яъни мусулмонлар уруш билан фатҳ қилган ерлар), ушрий ер, соф ерларни, давлат мулкларини, умумий мулк ерларини, кўриқхона ерларини ўз ичига олади.

г) Жизя бўлими.

д) Фай бўлими: бу бўлим соф ерларни, ушр ерларини, хазина ва конларнинг хумусини, (бешдан бирини) ва давлат ерларидан, биноларидан сотилганини ёки ижарага бериладиган ерни ва биноларни, меросхўри йўқ кишининг мерос молини ўз ичига оладиган қайднома дафтарларидан иборат.

е) Солиқлар бўлими.

Умумий мулк девони

Бу умумий мулк молларини қидириш, қазиб олиш, бозорга олиб чиқиш ва даромад-буромадни ёзиш ва сақлаш ишлари бажариладиган девонидир. Байтумолда умумий мулкнинг киримларини бошқа молларга аралаштирилмайдиган макон ажратилади. Чунки бу моллар барча мусулмонларнинг мулкидир. Халифа шаръий аҳкомлар доирасида, ўз ижтиҳоди

ва фикрига кўра, мусулмонлар учун манфаатли деб кўзлаган ижиҳодига мувофиқ бу молларни сарф қиласди. Умумий мулк девонининг бўлимлари бу мулкичилик шакллари ва бу молларга лозим бўлган нарсага қараб қўйидагилардан иборат бўлади:

- а) нефт ва газ бўлими;
- б) электр энергияси бўлими;
- в) конлар бўлими;
- г) денгизлар, дарёлар, кўллар, чашмалар бўлими;
- д) ўрмон ва яйловлар бўлими;
- е) қўриқхона бўлими.

Садақот девони

Бу вожиб бўлган закот молларини ёзиш ва сақлаш учун макон бўладиган девондир. Садақотлар девонининг бўлимлари вожиб бўлган закот молларининг турига қараб қўйидагича бўлади:

- а) пул ва тижорат матолари закоти бўлими;
- б) экин ва мевалар закоти бўлими;
- в) туя, сигир, қўйлар закоти бўлими.

Закот моллари учун байтулмолдан алоҳида бошқа бирор мол билан аралаштирилмайдиган макон ажратилади, Чунки Аллоҳ таоло закот ҳақдорларини саккизтага ажратган.

إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسَاكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤْلَفَةِ قُلُوبُهُمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَارِمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللهِ
وَابْنِ السَّبِيلِ... ﴿٩:٦٠﴾

„Албатта садақалар: камбағаллар, мискинлар, садақа йиғувчилар, қалблари исломга улфатланувчилар, қуллар, қарздорлар, Аллоҳ йўлида (жиҳодга кетаётган кишилар), ўйловчи мусофиirlар учундир». [9:60]

Булардан бошқаларга бу садақотдан бериш жоиз эмас.

Нафақотлар қисми

Бу байтулмол девонларининг биринчи қисмига нисбатандир. Нафақа қилиш жиҳатига ва байтулмол зиммасига ҳақли бўлган молга тобе бўладиган иккинчи қисм девонлар, бўлимлар, идоралар ва қўйидаги ҳақли бўлган муассасаларни ўз ичига олади.

Дорул хилофа девони

Бу девон қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) дорул хилофа;
- б) маслаҳатчилар идораси;
- г) тафвиз (халифа ўз ҳуқуқини унга берадиган) муовини идораси;
- д) танфиз (ижро қилувчи) муовини идораси.

Давлат манфаатлари девони

Бу девон қўйидагиларни ўз ичига олади;

- а) жиҳод амири бўлими;
- б) волийлар бўлими;
- г) Қозилар бўлими;
- д) давлат манфаатлари бўлими ва унга тобе бўлган бошқа бўлимлар, идоралар ва умумий қулайликлар бўлими.

Ато - бериладиган ҳақлар девони

Бу халифа хақ беришни лозим қўрган камбағал, мискинлар, муҳтожлар, қарздорлар ва йўловчи мусофиirlар, дехқонлар ҳамда корхона эгалари, хуллас, халифа уларга ҳақ беришда мусулмонлар учун манфаат бор деб билган кишиларнинг қайднома дафтарлари юритиладиган девондир. Бу юқоридаги учта девонга фай ва хирож девонининг киrimларидан сарфланади.

Жиҳод девони

Бу девон қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) асос солиш, тузиш, тайёрлаш, машқ қилдириш учун қўшин девони;
- б) қуролланиш бўлими;
- в) қурол саноати бўлими.

Бу девонга барча биринчи қисм девонларининг киrimларидан сарфланади. Ва яна бу девонга фай ва хирож киrimларидан сарфланади. Чунки бу девон бадал (эваз) билан ва бадалсиз байтулмолдан ҳақдор бўлган девондир. Шунингдек, бу девонга ҳимоя қилинган умумий мулкчилик ва яна садақот девонлари киrimларидан ҳам сарфланади. Чунки бу девон оятда келган саккиз синфнинг биридир.

إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسَاكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤْلَفَةُ قُلُوبُهُمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَارِمِينَ وَفِي سَبِيلِ
اللَّهِ وَابْنِ السَّبِيلِ ...

- „Албатта садақалар (закотлар) камбағаллар, мискинлар, садақа йиғувчилар, қалблари исломга улфатланувчилар, қуллар, қарздорлар, Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчилар ва йўловчи мусофиirlар учундир». [9:60]

Садақотларни сарфлаш ўринлари девони

Бу девонга садақотлар бўлганда садақотлар девони киrimларидан сарфланади.

Умумий мулкнинг сарф қилинадиган ўринлари девони

Бу девонга халифа шаръий аҳкомга мувофиқ уни ижтиҳодига кўра, умумий мулк девони киrimларидан сарфланади.

Фавқулодда ҳолатлар девони

Бу девон зилзила, тўфон, очарчилик ва шуларга ўхшаш мусулмонларга келган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олади. Бу фавқулодда ҳолатларга фай, хирож ва умумий мулк девонлари киримларидан сарфланади. Агар бу икки девонда мол мавжуд бўлмаса, мусулмонларнинг молларидан ишлатилади.

Умумий мувозанат, умумий ҳисобот ва назорат девонлари

Умумий мувозанат девони давлат киримлари ва давлат молларини сарф қилиш ўрнини белгилаш борасида Халифанинг ижтиходига мувофиқ давлатнинг келажак мувозанатини тайёрлайдиган, шу мувозанат билан киримлар ва амалий умумий нафақаларни солиширадиган, давлат киримларини, давлатнинг амалий нафақалари натижасини текширидиган девондир. Бу девон дорул хилофа девонига бўйсунади. Умумий ҳисобот девони эса, давлат назорат қиласидиган, яъни давлатнинг мавжуд ашёларини, эҳтиёжларини, киримларини, сарфларини ва уларнинг рўёбга чиқсан ва рўёбга чиқишга тааллуқлиларини ҳисоб қиласидиган девондир.

Назорат девони давлат молларини ва манфаатларини ҳисоб-китоб қилувчи баёнотларни ҳамда мавжуд нарсаларни (активини), буларнинг тўғрилигини, талабларини, кирим ва сарф харажатларини аниқ текшириб турувчи, шунингдек, идорий ишларда давлатнинг барча девонларини, идора бўлимларини, ишчи-хизматчиларни муҳосаба ва назорат қиласидиган девондир.

Булар Халифалик Давлатиннинг умумий шаклдаги молиявий девонларидир. Бу девонларни барпо қилиш далилларига келсак, бу девонлар идорий услублардан бир услуб ва ишни бажариш воситаларидан бир воситадир. Расулуллоҳ ёзлари бевосита идорани бошқарганлар ва бу идорага молиявий жиҳат ва ундан бошқасига бўлган котибларни таъйинлаганлар.

Дарҳақиқат биз девонларнинг ташкил топиши баҳсида Расулуллоҳ молиявий жиҳатга котиб қилиб белгилаган кишиларни зикр қилиб ўтдик. Лекин анфол, ғанимат, фай, жизя, хирожни мубоҳ қилиш, молларни кофирлардан мусулмонлар учун олинадиган мустаҳиқ мол эканлиги ҳақида ва закотни вожиблигини ҳамда закот бериладиган кишига ва умумий мулкка далолат қилувчи оят ва ҳадислар «далолатул илтизом» билан (яъни лафзий маънони лозим тутувчи зеҳний маъно билан) идорий услубларни тузуш мубоҳ эканлигига далолат қиласиди. Чунки бу услублар аслнинг бир жузъидир ва аслга киради,

Халифанинг бу услублардан олиши ва бу молларни ҳосил қилиш, сақлаш, тақсимлаш, сарфлаш учун лозим деб билган услубни табаний қилиши жоиздир. Дарҳақиқат девонларни барпо қилиш ва табаний қилиш хулафои рошидинлар замонасида, саҳобаларнинг кўз ўнгига, улар инкор қилишмаган ҳолда содир бўлган.

ХАЛИФАЛИК

ДАВЛАТИНИНГМОЛЛАРИ

МОЛЛАР

Расулуллоҳ iese Мадинаға ҳижрат қилиб, масжидларини қуриб, Исломий Давлат биносини аста-секин тиклай бошлаганларида Аллоҳ мусулмонларга жанг қилишга рухсат берганидан кейин, мусулмонлар қўлга киритган дастлабки мол Абдуллоҳ ибн Жаҳш сарийясининг ўлжаси бўлди. Қурайшнинг баъзи туяларига тери ва тижорат моллари юкланданди. Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг сарийяси бу карвонни ҳижратнинг иккинчи йили жумодал охир ойида қўлга киритди. Шу йилнинг рамазон ойида Бадр жанги бўлди. Бу жангда мусулмонлар мол ва қурол-аслаҳаларни ўлжа қилиб олишди ва бу ўлжаларни тақсимлашда ихтилоф қилишди. Шунда Аллоҳ таоло Анфол сурасини нозил қилди:

يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَئْفَالِ قُلْ أَلْأَئْفَالُ لِلَّهِ وَالرَّسُولُ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَصْلِحُوا دَارَتِ يَنِّيْكُمْ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ

مؤمنين

„Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар, ўлжалар Аллоҳ ва Расули учун деб айтинг». [8: 1]

Аллоҳ бу ўлжалар тақсимотини Расулуллоҳ iese нинг қўлларига топширди. Расулуллоҳ iese бешдан бирини олмасдан уни тақсим қилдилар. Сўнgra Бани Қайнуқо яҳудийлари аҳдни бузганликлари сабабли мусулмонлар уларнинг молларини ўлжа қилиб олдилар ва Расулуллоҳ iese уларни (яҳудийларни) Шомдаги Азруот деган жойга сургун қилдилар. Бу ишлар Бадр жангидан бир ой ўтиб содир бўлди, Расулуллоҳ iese бу ўлжаларни Бадрдан кейин нозил бўлган «ўлжалар» оятига мувофиқ тақсимлаб, бешдан бирини олдилар.

وَاعْلَمُوا أَنَّمَا غَمْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَإِنَّ اللَّهَ خُمُسُهُ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِي الْقُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ

„Билингларки сизлар ўлжа қилиб олган нарсанинг бешдан бир қисми, Аллоҳ ва Расули ва қариндошлари ва етимлар ва мискинлар ҳамда мусофиirlар учундир». [8:41]

Расулуллоҳ iese фатҳ қилган биринчи ер Бани Назир қабиласининг еридир. Бани Назир қабиласи Уҳуд жанги аҳдини бузган эди. Расулуллоҳ iese уларни ўн беш кеча қуршаб турдилар, сўнг Уларнинг қурол-яроқ ҳамда совутсиз, бир туяга юкландиган нарсаларни ўzlари билан олиб, Мадинадан чўкиб кетишлари шарти билан сулҳ туздилар. Расулуллоҳ iese уларнинг ерларидан бошқа молларни ансорларни аралаштирмасдан муҳожирларга тақсимладилар. Фақатгина, Саҳл ибн Ҳаниф ва Абу Дужона Самок ибн Харша икковлари фақирликларини айтганликлари сабабли Расулуллоҳ iese уларга ҳам ғаниматдан бердилар ва ерни тақсимламадилар. Ўша ердан ўз аҳлларига бир йиллик нафақани бериб турардилар ва нафақадан қолганини Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишлик учун от, хачир, эшак ва қурол-аслаҳаларни сотиб олишга ишлатар эдилар. Мана шу fazot хусусида Ҳашр сураси нозил бўлди:

وَمَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْهُمْ فَمَا أَوْجَفْتُمْ عَلَيْهِ مِنْ خَيْلٍ وَلَا رَكَابٍ وَلَكِنَّ اللَّهَ يُسَلِّطُ رُسُلَهُ عَلَى مَنْ يَشَاءُ
وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

„Аллоҳ ўз пайғамбариға улардан ўлжа қилиб берган нарсаларнинг устига сизлар оту-туяларни ўйнатиб, чоптириб борганларингиз йўқ. Лекин, Аллоҳ ўз Пайғамбарларини ўзи хоҳлаган кимсалардан устун қилиб қўюр.

Аллоҳ барча нарсага қодирдир»

[59:6]

Аллоҳ (ўлжани) Расулуллоҳ ﷺ га хос қилиб қўйди. Бани Қурайза қабиласи аҳдни бузиб мусулмонларга хиёнат қилиб, Хандақ ғазотида душманларга қўшилганидан кейин, Бану Қурайза қабиласи билан жанг бўлди. Расулуллоҳ ﷺ уларнинг молларини мусулмонларга тақсимладилар. Отлиқقا уч улуш, пиёдага бир улуш бердилар. Сўнг Расулуллоҳ ﷺ Ҳудайбияда Қурайш билан тинчлик сулхини тузганларидан кейин, Хайбар ғазоти бўлди. Аллоҳ Хайбарни Расули ﷺ ва мўминларга куч билан фатҳ қилиб берди ва уларнинг диёрию молларига Расули ﷺни эга қилди. Расулуллоҳ ﷺ ўлжалар ва ерларининг бешдан бирини олганларидан кейин уларни тақсимладилар. Ерларни бир минг саккиз юз улуш қилдилар, шунда у ўн саккиз қисмга бўлинди. Ҳар бир кисм юзта улушни ўз ичига оларди, Сўнг Хайбар аҳли билан ерида етиштириладиган мева, донларининг ярмини олишга келишдилар. Хайбар фатҳидан кейин Фидак аҳли келдилар. Улар Расулуллоҳ ﷺ билан, ер ва хурмозорларининг ярми Расулуллоҳ ﷺга, Фидак аҳлига эса қолган ярми қолиши ҳақида сулҳ туздилар. Фидак улушкининг ярми Расулуллоҳ ﷺнинг ўzlари учунгина хос бўлди. Чунки унга оту туяларни чоптириб, юриш қилиб борилгани йўқ. Расул ﷺ Фидакдан келган нарсани садақа ҳолида сарфладилар. Шунингдек, Расулуллоҳ ﷺ Водийул Қурони куч билан фатҳ қилганларидан кейин, худди Хайбар аҳли билан тузган сулҳларига ўхаш Водийл Қуро аҳли билан ери уларнинг қўлида қолдириш ҳақида сулҳ туздилар. Тоймо аҳли шаҳарлари ва ерлари ўzlарига қолган ҳолда жизя тўлашга Расулуллоҳ ﷺ билан ахдлашдилар.

Макка фатҳидан кейин Ҳунайн ғазоти бўлди. Расулуллоҳ ﷺ Ҳунайн аҳлиниң молларини тақсимладилар. Ҳавозин элчилари аёллару ёш болалардан иборат бўлган асиirlарни авф қилишлиқни Расулуллоҳ ﷺдан сўраб келишганда, Расулуллоҳ ﷺ авф қилдилар. Табук ғазотида эса, Ақаба соҳиби ўзи насроний бўлган Яхнат ибн Руҳба билан жизя беришлигига сулҳ туздилар. Шунингдек, Азраҳ ва Жарбо ва муқанно аҳллари билан, жизя беришликларига сулҳ туздилар. Уша қабила аҳли яхудийлар эди. Яна шу каби Расулуллоҳ ﷺ насроний Укайдир Дувма деган одам билан унинг жизя тўлашшилигига сулҳ туздилар. Бу сулҳ Холид Укайдирни асиirlга олиб, Расулуллоҳ ﷺ уни авф қилганларидан кейин бўлди. Сўнг Нажрон ва Яман элчилари келишди, улардан Исломни қабул қилганларига закот фарз бўлди ва ўз насронийлигида ёки яхудийлигида қолганларига жизя белгиланди. Бу вақтга келиб, жизя ояти нозил бўлган, закот фарз қилинганди. Расулуллоҳ ﷺ маъдан, сув, ўт-ўлан ҳамда оловни жами мусулмонларга умумий мулк қилганлари каби, мана шу ғазотлар давомида, садақа туялари ҳамда Аллоҳнинг йўлидаги туя ва отлар учун Нақийъ деган жойни қўриқ ер қилдилар.

Расулуллоҳ ۋا ۋاپتىلارидان كېيىن، أبۇ بâكر ۋە، أبۇ بâكىردان كېيىن ئەسە
ئۆمۈر ۋە خалиفا بۇلدىلار. فاتحەلار боشلاندى وە ىلاردا ئۇلچە، حىزىيە وە
خىرەجىلارдан иборات ھىسىبلىز موللار مادىنادагى مۇسۇلمۇنلار بایتۇلмолىغا
ئۆكىب كەلا بوشلادى.

مۇسۇلمۇنلارنىڭ بایتۇلмолىغا تۇشادىغان وە آللوҳ مۇسۇلمۇنلارغا ھالول
ئىلىب қۇйىغان ھامدا уни بایتۇلмолغا ھاڭلى ئىلىب қۇйىغان وە شۇ موللارنى
خалиفا مۇسۇلمۇنلارنىڭ مانفااتى وە يىشلارىنى بوشقاپىش ىچۇن ئىجتىھىدiga
كۇرا شارەئى ھۇكم ۋە ئۆيم بۇلغان ھىخاتلارغا يىشلاتىلادىغان مولлارنى مانا شۇ
ئىسەقەگىنا ماڭلۇمۇت بىلەن تاسаввۇر ئىلىش مۇمكىن.

Бەرىلگان ماڭلۇمۇتلارغا كۇرا خالىفەلەك داۋلاتىدагى موللار қۇيىدагى
سىنفلارдан تاشкиل تۆپغان.

1 - آنفوللار; فانىماتلار; فاي وە خۇمس.

2 - خiroj.

3 - Жизя.

4 - بارچا تۇرلارى بىلەن үمۇمیي ھۇكىملىرى.

5 - Ер، بино، شارت-شاپортلار وە ىلارنىڭ كىرىملىرىدەن иборات داۋلات
ھۇكىملىرى.

6 - Ушрلار.

7 - ھۆكىملىرى وە داۋلات اماڭدۇرلارى تاراфидан زۇراۋونلىك ئۆلى بىلەن
تۆپىلگان مول، نوشارەئى كاسب وە جارىما مولي.

8 - خازина، конлارنىڭ بەشدىن بىرى.

9 - مەرسىخۇرى ئۆلکە كىمىسانىنگ مولي.

10 - مۇرتادلارنىڭ مولي.

11 - سولىقلار.

12 - ساداقا - زاكوت موللارى.

Бۇ سىنفلارنىڭ مۇھىيەتىنى بىلىش ىچۇن بۇندا يىش يورىتىش ھۇكۇمى
تۆپشىرىلگان كىشىنى، بولارنى يىشلاتىش كایفىيەتىنى، سارफلاشلىك
ھىخاتلارىنى وە ھاڭدورلارىنى текшиرىب چىقىمىز.

АНФОЛ ВА ФАНИМАТЛАР, ФАЙ ВА ХУМС

Анфол ва фаниматлар

Анфол деганда ўлжани тушунмоқ керак. Аллоҳ айтадики:

يَسْأَلُنَّكُمْ عَنِ الْأَنْفَالِ قُلْ أَنْفَالُ اللَّهِ وَالرَّسُولِ...

„ Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар, ўлжалар Аллоҳ ва Расулини деб айтинг“. [8: 1]

Ибн Аббос ва Мужоҳиддан, Аллоҳ таолонинг;

يَسْأَلُنَّكُمْ عَنِ الْأَنْفَالِ

„ Сиздан Анфол (ўлжалар) ҳақида сўрайдилар «, [8:1] деган сўзидағи Анфол ҳақида сўралганда улар «Анфол фаниматлар яъни ўлжалардир», дейишган. Шунингдек, жангдан олдин ёки кейин Амир тақсимлайдиган кофириларнинг молларига ҳам «Анфол» сўзи ишлатилади. Демак, Анфол ва фаниматлар битта нарса бўлиб, мусулмонлар жанг қилиш билан бирга қўлга киритишган пуллар, қурол-аслаҳалар, матолар, озиқо-вқат ва шу кабилардан иборат кофириларнинг молларидир. Бу эса, Аллоҳ таолонинг ушбу сўзидан англаради.

وَاعْلَمُوا أَنَّمَا غَنِمْتُمْ مِّنْ شَيْءٍ فَإِنْ لَّهُ خُمُسُهُ وَلِلرَّسُولِ

„Билингларки, сизлар фанимат (ўлжа) қилиб олган нарсаларингизнинг бешдан бири Аллоҳ ва Расули учундир“. [8:41]

Дарҳақиқат, ўлжалар ўтган умматларга ҳаром қилинганидан кейин Расууллоҳ, ﷺ га ҳалол қилинди. Расууллоҳ ﷺ айтадилар: «Мендан олдин бирорта кимсага берилмаган бешта нарса менга берилди, ўша бештадан биттаси ўлжалар менга ҳалол қилинди», деб зикр қилгандилар. Яна Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: «Расууллоҳ ﷺ айтадилар: «Сизлардан бошқа Ҳеч қайси қавмга ўлжалар ҳалол қилинмаган, осмондан олов тушиб ўлжаларни ёндириб юборарди».

Мана бу Анфол ва фаниматлар воқеси. Дарҳақиқат, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло шу Анфол фаниматларни тақсимлаш ва уни тасарруф этиш салоҳиятини мусулмонлар амирига топширди, Бу Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларида очиқ-ойдин айтилган:

يَسْأَلُنَّكُمْ عَنِ الْأَنْفَالِ قُلْ أَنْفَالُ اللَّهِ وَالرَّسُولِ

— „ Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар, ўлжалар Аллоҳ ва Расулини, деб айтинг“. [8:1]

وَمَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَيْ رَسُولِهِ

„Аллоҳ Расулига ўлжа қилиб берган нарса...“ [59:6]

Бу ҳолат ўлжаларни тақсимлашдаги Расууллоҳ ﷺнинг ҳамда у кишидан кейинги халифаларнинг ишларидан очиқ-равshan кўриниб турибди. Дарҳақиқат, Расууллоҳ ﷺ ўлжаларни ўзлари тақсимлаганлар ва ўзлари тасарруф қилганлар. Шунингдек, халифалар ўзлари тақсимлашган ёки тақсимлаш вакил орқали бошқарилган. Демак, мусулмонлар халифаси, ўлжаларни тақсимлаш ва тасарруф этишда салоҳият соҳиби бўлади.

Ўлжалар билан иш юргизиш йўл-йўриқлари шаръий ҳукмлар тақозоси бўйича мусулмонлар манфаатини кўзлаб бўлади. Мусулмонлар ишларини бошқариш, манфаатлари, ҳожатларини ўташ шаръий ҳукмга мувофиқ равища халифа раъйи ва ижтиҳодига кўра, Ислом ва мусулмонлар манфаатини рўёбга чиқарган ҳолда амалга оширилади. Халифа мусулмонларнинг манфаати бор, деб кўрган нарсага мувофиқ ҳолда бўлади. Чунки Шореъ мусулмонларнинг ҳожатларини адо этиш ва уларнинг аҳволини идора қилишни шаръий ҳукмларга биноан Ислом ва мусулмонлар манфаатини кўзлаб ўз ижтиҳодига кўра иш тутишни халифага топширган.

Ғаниматларнинг тақсимланиши ва сарф қилиш ўринлари ҳамда унга ҳақли шахслар

Ғаниматлар тақсимоти, уни сарф қилиш ўринлари ҳамда унга ҳақли шахслар масаласига келсак, Расулуллоҳ ﷺ Бадр ғаниматларининг бешдан бирини олмасдан жангчилар ўртасида тақсимладилар. Отликга уч улуш, пиёдага бир улуш бердилар. Лекин бошқа ғазот ва жангларда ғаниматларни бешдан бирини олардилар. Булар ғаниматларда Расулуллоҳ ﷺнинг иш юргизишлари ҳар хил бўлиб, бир шаклда бўлмаганлигини кўрсатади. Гоҳида Расулуллоҳ ﷺ ғаниматлардан ўлжаларни тақсимлашдан олдин ва тақсимлашдан кейин берардилар, гоҳида бешдан бири олинмасдан олдин, ғаниматнинг аслидан ўлжа берардилар, гоҳо бешдан бири олингандан кейин берардилар, Гоҳида, кутилаётган ғанимат ва фатҳлардан бўлган ўлжаларни ваъда қиласи эдилар. Расулуллоҳ ﷺ бу ишларини Ислом ва мусулмонлар учун манфаатли деган фикр билан юргизар эдилар. Анфол ва ғаниматлар хусусида нозил бўлган биринчи оят уларнинг ишини ҳамда улар билан иш юргизишни Аллоҳга ва Расулига топширди. Демак, Расулуллоҳ ﷺдан кейин мусулмонлар амирига топширилган бўлади. Аллоҳ таоло айтадики:

يَسْأَلُنَّكَ عَنِ الْأَنْفَالِ قُلْ إِنَّ الْأَنْفَالَ لِلَّهِ وَالرَّسُولِ

„ Сендан ўлжалар ҳақида сўрайдилар, ўлжалар Аллоҳ ва Расулини деб айтгин». [8:1]

Мана бу оят ўлжа ва ғаниматларни тақсимлаш ва улар билан иш юритиш кайфиятини Расулига, яъни мусулмонлар амирига топширди. Абу Умомадан қилинган ривоятда айтадиларки: Убода ибн Сомитдан ўлжалар тўғрисидаги оят ҳақида сўраганимда айтдики: «Биз, яъни Бадр асҳоблари, ўлжаларни тақсимлашда келишолмай, беодоблик қилиб турганимизда ушбу оят нозил бўлди, Аллоҳ таоло уларни тақсимлашни бизнинг қўлимиздан олиб, Расулуллоҳ ﷺга топширди. Расулуллоҳ уни теппа-тeng тақсимладилар. Ушбу оят ҳамма ўлжаларни ўз ичига олади. Фақат Бадр жангига хос эмасдир».

Расулуллоҳ ﷺ ишларидан кўриниб турибдик, ўлжалар имом, яъни бошлиқнинг раъийга ҳавола қилинган бўлиб, у ўлжаларда Ислом ва мусулмонлар манфаатини рўёбга чиқариш учун иш юритади.

Расулуллоҳ ﷺ ўлжалардан бешдан бири олингандан кейин, тўртдан бирини берганлари каби учдан бирини ҳам берганлар. Абу Умома Убода ибн Сомит айтадики: «Расулуллоҳ ﷺ билан бирга ғазот қилдик, ғазотни бошланишида ўлжани тўртдан бирини, қайтганимизда эса, учдан бирини олдик. Худди шунингдек, жангда ўлдирилган кофирнинг нарсаларини ўлдирувчисига бердилар».

Абу Қатодадан ривоят қилинади; «Хунайн кунида Расулуллоҳ ﷺ шундай дедилар: «Кимки бир кимсани (яъни Аллоҳ ва Расулининг душманини) ўлдирса, шунга ҳужжати бўлса, ўлдирилган кимсанинг нарсалари ўлдирувчисиникидир».

Расулуллоҳ ﷺ Бани Назир қабиласининг ўлжаларини ансорларни аралаштирмасдан муҳожирларнинг ўзларига тақсимадилар, фақатгина Саҳл ибн Ҳаниф ва Абу Дужоналарга фақирликлари сабабли, ушбу ўлжалардан бердилар. Аллоҳ таоло Ҳашр сурасидаги ушбу каломи билан бунинг бериш сабабларини баён қилди:

كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ

„токи, ўлжалар сизлардан бойй-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун».

[59:71]

Расулуллоҳ ﷺ Хунайн жангида Исломга янги кирганлар қалбларини Исломга мойил қилиш учун кўп ўлжалар бердилар. Анас ибн Моликдан қилинган ривоятда айтиладики: Расулуллоҳ Хунайн ўлжаларини тақсимлаб Ақраъ ибн Ҳобисга 100 тую, Уяйна ибн Ҳиснга 100 тую, Абу Суфён ибн Ҳарбга 100 тую бердилар. Шунингдек, Ҳаким ибн Ҳизом, Ҳарис ибн Калада, Ҳорис ибн Ҳишом, Суҳайл ибн Амр, Ҳувайтиб ибн Абдулузза, Ало ибн Жория ас-Сақафиylарга 100 тадан тую бердилар ва булардан бошқа Исломга янги кирганларга бундан озроқ бердилар. Расулуллоҳ ﷺ ансорлардан бирортасига ўлжа бермаганликлари сабабли, ансорларнинг аччиқлари келди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ уларни тўплаб хутба ўқидилар. Уларни йифлатиб бу тақсимотга рози қилдилар.

Расулуллоҳ ﷺдан кейинги хулафои рошидинларнинг ҳолати худди шунингдек бўлди. Халифалар ўлжаларнинг баъзисини жангдан ёки тақсимланишдан олдин берардилар, Умар ибн Ҳаттоб Жарир ибн Абдуллоҳ Албажалий Ироқقا боришини таклиф қилганларида шу таклифга «лаббай», деб жавоб берганди. Умар Жарирга ва унинг қабиласи Бажилага Ироқ ерларидан (яъни, Фурот ва Дажла атрофидаги ерлардан) бешдан бирини олгандан кейин учдан бирини бердилар. Жарир ва унинг қабиласи икки ёки уч йил муддат ичидан бу ерларнинг ҳосилидан учдан бирини еб туришди. Сўнг Умар ундан ерларни қайтариб олдилар ва унга айтдиларки:

Эй Жарир, мен масъул тақсимлагувчи бўлмаганимда сизларга берилган нарса қўлингизда қолган бўлар эди. Одамлар кўпайишди, мен ерларни уларга қайтишини фикр қилаяпман.

Жарир ерларни қайтариб берди ва Умар Жарирни 80 динор билан мукофотладилар.

Расулуллоҳ ﷺ ва у кишидан кейинги халифаларнинг ишларидан ва мана бу оятлардан билинадики, ўлжаларнинг иши имом, яъни бошлиқقا топширилган бўлиб, бунда Ислом ва мусулмонлар учун яхши деб билган фикр билан иш юргизар экан. Бошлиқ ўлжаларни ҳаммасини ёки баъзисини жангда қатнашган жангчиларга тақсимлашни лозим топса, шундай қилади. Мусулмонларни манфаатларига ишлатиш учун Байтулмолга фай, жизя, хирожларнинг қаторига қўшиб қўйишни афзал кўрса, қўшиб қўяди. Хусусан, шу кунларда давлат амалий ва эҳтиётдаги армияларни таъминлаб, ҳарбийлар оилаларига

маошларини бериб, қурол-аслаҳаларни тайёрлайди. Оғир қуроллар ва аслаҳа-анжомлар ўтмишдаги каби жангчилар эгалик қиласиган шахсий нарса эмасдир. Ҳарбий саноат ривожланиб, янги-янги қуроллар ишлаб чиқарилаётган бир пайтда давлат мулки бўлган қуролларни шахсларга мулк қилиб бериш мумкин бўлмайди.

Шунга кўра, ўлжаларнинг ҳукми фай, хирож, жизя, ушрларнинг ҳукми каби бўлиб, байтулмолга қўйилади ҳамда мусулмонларнинг ишларини бошқаришда ва уларнинг ҳолатларини адо этишда сарф қилинади. Халифа жангда қатнашганлар учун Ислом ва мусулмонлар манфаатини кўзлаган ҳолда бу ўлжаларни тақсимламоғи жоиздир.

ФАЙ

Фай деб оту туяларни ўйнатиб, чоптириб бормасдан, яъни қўшинни ҳаракатга солмасдан, сафар машаққатини чекмасдан ҳамда жанг қилмасдан осон қўлга киритилган кофирларнинг молларига айтилади. Бани Назир қабиласида рўй берган воқеа бунинг мисолидир. Шунингдек, бу ҳол яҳудийлардан бўлган Фидак аҳлида содир бўлганидек, кофирлар мусулмонларнинг жанг қилишларидан қўрқиб, уларга ерлари ва молларидан бир қисмини бериш тўғрисида сулҳ тузиш учун мусулмонлар олдига келганликларида ҳам кўринади.

Файга берилган бу маъно Аллоҳ таолонинг «Ҳашр» сурасидаги ушбу оятида ҳам мурод қилинган.

وَمَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْهُمْ فَمَا أَوْجَفْتُمْ عَلَيْهِ مِنْ خَيْلٍ وَلَا رَكَابٍ

• „Аллоҳ ўз пайғамбарига, улардан ўлжа қилиб берган нарсаларнинг устига сизлар оту туяларни ўйнатиб, чоптириб борганларингиз йўқ». [59:6]

Бани Назир ҳамда Фидак молларининг устига мусулмонлар оту туяларни ўйнатиб, чоптириб боришмаган, бу фай деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўша моллар фақат Расулуллоҳ нинг ўзлари учун бўлди. Расулуллоҳ шу моллардан аҳли оиласирига бир йиллик нафақасини берар эдилар, ундан қолганини Аллоҳнинг йўлида жиҳод тайёргарлиги учун от, хачир, эшак ва қурол-аслаҳага ишлатар эдилар. Расулуллоҳ вафот этганларидан кейин бу ишларни Абу Бакр, ундан сўнг Умар давом эттирдилар.

Бухорий Хумс бобида ривоят қиладиларки, Усмон ва Абдураҳмон ибн Авф, Зубайр ҳамда Саъд ибн Аби Ваққос Умарнинг олдига киришга изн сўрашди. Умар рухсат бердилар, улар озгина ўтиришлари билан Али ва Аббос ҳам Умарнинг олдига киришга рухсат сўраб келишди. Улар у икковларига ҳам рухсат бердилар. Улар кириб салом бериб ўтиришди. Шунда Аббос: «Эй амирал мўминин, мен билан Алиниң ўртасида ҳукм чиқаринг», деди. Улар Аллоҳ ўз Расулига ўлжа қилиб берган Бани Назирнинг моли хусусида тортишаётган эканлар, Усмон ва унинг атрофидагилар: «Эй амирал мўминин, бу икковлари устида ҳукм чиқаринг ва уларни тинчлантиринг», дейишиди. Умар: «Шошманглар, уни изни билан, осмону ер қойим бўладиган Аллоҳни ёд қилиб айтаманки, Расулуллоҳ «Биз мерос қолдирмаймиз, қолдирган нарсаларимиз садақадир» деб ўзларини ирова қилганликларини биласизларми?» деганда, тўпланганлар: «Ҳа, шундай деганлар», дейишиди. Шунда Умар Али билан Аббосга қараб: «Сизларга Аллоҳни ёд қилиб айтаманки, Расулуллоҳ мана шундай деганларини биласизларми?», деганида икковлари: «Ҳа, мана шундай деганлар», дейишиди. Умар Али ва Аббосга ўғирилиб айтдики: «Мен сизларга мана шу иш ҳақида сўзлаб бераман, Дарҳақиқат, Аллоҳ мана шу ўлжада Расулуллоҳнинг у кишидан бошқа биронтасига бермаган нарса билан хослаб қўйди. Сўнг ушбу оятни:

وَمَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْهُمْ...

„Аллоҳ ўз Пайғамбарига улардан ўлжа қилиб берган нарсалар...”, (59:6) то «қадиyr» деган сўзигача ўқиб, “бу моллар Расулуллоҳнинг холис ўзлари учун бўлгандир. Аллоҳга қасамки, сизларни қўйиб, у молларга эга бўлмадилар,

сизлардан уни тортиб олмадилар ва уни сизларга бердилар ва орангизда уни тарқатдилар, ҳатто у моллардан мана шу мол қолди, Расулуллоҳ аҳли оиласирига мана шу молдан бир йиллик нафақаларини берардилар. Сўнг колганини олиб Аллоҳнинг моли қўйиладиган ўрнига қўярдилар. Расулуллоҳ ҳаётлари давомида мана шундай қилдилар. Сизларга Аллоҳни ёд килиб айтаманки, мана шуни биласизларми?» Улар, «Ҳа», дейишди, Умар айтдики: «Аллоҳ пайғамбарини вафот эттирди. Шунда Абу Бакр: «Мен Расулуллоҳ нинг ўринбосари дурман» деб, молларини ўз қўлларига олиб, Расулуллоҳ нинг ишларини давом эттирдилар. Аллоҳ биладики, Абу Бакр у молларда содик, ҳаққоний, тўғри йўлни ушловчи, ҳаққа эргашувчи булганлар. Сўнг Аллоҳ Абу Бакрни вафот эттирди. Мен Абу Бакрнинг ўринбосари бўлдим. Мен у молларни олиб икки йил амирлигим давомида Расулуллоҳ ва Абу Бакрдек давом эттирдим. Аллоҳ биладики, мен у молларда содикман, ҳаққоний, тўғри йўлни ушлагувчи ҳаққа эргашувчиман», деди. Бу ҳадис тўлигича Бухорийда бор.

Шу билан мусулмонлар қўшинни ҳаракатга солмасдан, жанг қилмасдан, кофирлардан олинган ҳар бир молнинг ҳукми хирож, жизя каби Аллоҳ молининг ҳукмидек бўлиб, мусулмонларнинг байтулмолига қўйилади ҳамда халифанинг мусулмонлар манфаатини рўёбга чиқарувчи раъйига мувофиқ равишида мусулмонлар манфаатлари ва уларни бошқариш йўлида сарф қилинади. Яна фай деб, куч билан ёки сулҳ қилиб фатҳ қилинган ери ҳамда мана шу ўлкадан олинадиган ер хирожи, жизя ва савдо-тижорат ушрига ҳам айгилади. Буни Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи кўрсатиб туради.

مَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْ أَهْلِ الْقُرْبَى فَلَلَّهُ وَلِرَسُولِهِ وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ

„Аллоҳ таоло қишлоқ-шаҳарларнинг (кофир) аҳолисидан ўз пайрамбарига ўлжа қилиб берган иарсалар токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган иарса бўлиб қолмасин учун...».

[59:7]

Бу эса, Билол ва унинг дўстлари, Аллоҳ уларга ўлжа Қилиб берган Ироқ ва Шом ерларини тақсимлашни Умардан сўраганларида, Умар ушбу оятдан келиб чиқиб Ироқдаги Савод (Дажла ва Фурот атрофларида ер) деган ерда, Шом ва Миср ерларида уни қўллаган. Умар ва саҳобалар Ироқ, Шом, Миср ерларининг файлигини тушуниб етишган. Чунки улар бу ерларни куч билан, яъни қиличлар билан фатҳ қилишган. Бу эса, Умар билан баҳслашувларнинг сўзларида очиқ-оидин келгандир. Улар Умарга шундай дейишган: «Аллоҳ таоло бизга қиличларимиз билан ўлжа қилиб берган ўлжани жангда қатнашмаган қавмга ва мана шу қавмнинг фарзандларига, фарзандларининг фарзандига берасанми, ваҳоланки, улар жангда ҳозир бўлмаганлар».

Яна мана шундай тушунча Умарнинг ўнта ансорий билан бўлган суҳбатларида ҳам мавжуд. Умар хирож ва жизяни, файнинг қаторида ҳисоблашда маслаҳатлашиш учун ансорийларга одам юбордилар. Айтдиларки: «Мен ерларни кофирларнинг қўлида қолдириб, уларга хирожни таъйин қилдим ва бўйинларига жизя тўлашни қўйдим. Ана ўша ерлар мусулмонларнинг жангчиларига ҳам, болаларига ҳам ва улардан сўнг келадиган фарзандларига ҳам фай бўлиб қолади».

Мана шу фай молларнинг ҳаммаси ва унга эргашиб келадиган жизя, хирож, ушр ва ундан бошқа солиқлардан тушган даромад мусулмонларнинг бой-камбағалларига умумий бўлади ҳамда байтулмодда сақланади ва бу молдан мусулмонларнинг ишларини бошқаришда ва эҳтиёжлари йўлида сарфланади. У молда ҳамма мусулмонларнинг ҳаққи бўлади. Умар  Ироқ, Шом, Миср ерларига хирожни таъйин қилганларидан кейин, айтиб ўтилган моллар хусусида шундай дедилар: «Ҳар бир мусулмоннинг мана шу молда ҳаққи бордир» ва шу оятни:

مَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِ مِنْ أَهْلِ الْقُرْآنِ

„Аллоҳ қишлоқ, шаҳарларнинг (кофир) аҳолисидан ўз пайғамбарига ўлжа қилиб берган нарсалар». [59:^]

мана бу оятга етгунча ўқидилар:

„Улардан кейин (дунёга) келган зотлар».

[59:10]

Сўнг айтдиларки: «Бу (яъни Ироқ ва Шом ерлари) ҳамма мусулмонларга тегишли. Токи мен тирик эканман, Сарви Химярдаги мусулмонларнинг бу ерлардаги насибаси пешона терисиз ўзи келади».

Хумс

Хумс тақсимланадиган ўлжанинг бешдан биридир. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи бунга далилдир:

وَاعْلَمُوا أَنَّمَا غَنِمْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَإِنَّ لَهُ خُمُسَهُ وَلِرَسُولِ وَلِذِي الْقُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ

— „Билингларки, сизлар ўлжа қилиб олган нарсанинг бешдан бири Аллоҳ ва Расули ва қариндошлари ва етимлар ҳамда мискинлар учундир.». [8:41]

Расулуллоҳ даврларида хумс беш қисмга тақсимланарди. Бир қисм - Аллоҳ ва Расули учун, яна бир қисми Расулуллоҳ қариндошлари учун, қолган уч қисми етимлар, мискинлар ҳамда йўловчи мусофиirlар учун. Расулуллоҳ хумсдан бўлган ўзларининг насибаларини мусулмонларга инфоқ қилар эдилар ҳамда Аллоҳ йўлига ишлатиб от, хачир, тую, қуро-ляроқлар сотиб олардилар, жангчиларни тайёрлардилар. Расулуллоҳandan ривоят қилинадики, Ҳунайн фазотида одамлар Расулуллоҳandan ўлжаларни тақсимлашларни талаб қилишган вақтда, уларга хитоб килиб, шундай дедилар: «Сизларнинг ўлжангиздан мана бу қилчалик ҳам мен учун нарса йўқдир. Бўлса ҳам бешдан бири бор. У ҳам сизларга қайтарилгандир».

Қариндошларнинг улушкига келсак, Расулуллоҳ даврларида, Расулуллоҳ қариндошларидан Бани Ҳошим, Бани Мутталиблардан бошқаларга ҳақ берилмас эди. Расулуллоҳ қариндошларининг улushi Бани Ҳошим, бани Мутталибларнинг Расулуллоҳ ва Исломга бўлган ёрдамлари сабабли Расулга ҳадя ўрнида бўлди. Шунинг учун ҳам ўлжадан фақат уларга берардилар. Жубайр ибн Мутъимдан бўлган ривоятда айтдики: «Расулуллоҳ қариндошлари улушкини бани Ҳошим, бани Мутталиб ўртасида тақсимлаганларида, мен ва Усмон келиб: Эй Расулуллоҳ, бани Ҳошимнинг улуғликларини Аллоҳ таоло сизга берган даража сабабли инкор қилмаймиз, айтингчи, нега бани Мутталибга бериб бизга бермадингиз, ваҳоланки, биз ҳам, улар ҳам сизнинг ҳузурингизда бир даражадамиз, дедим. Шунда Расулуллоҳ: «Улар жоҳилиятда ҳам, Исломда ҳам биздан ажраб кетишмади. Бани Ҳошим ва бани Мутталиб битта нарсадир, деб бармоқлари орасини кириштирилдилар».

Расулуллоҳ вафот этганларидан кейин ҳамда Абу Бакр халифа бўлганларидан сўнг, Расулуллоҳнинг ва қариндош уруғларининг хумсдан бўлган улушлари байтулмолга қўшилиб, мусулмонлар манфаати ва Аллоҳ йўлида ишлатилди. Расулуллоҳ вафот этганларидан кейин қариндошларининг насибаси ҳақида Аббосдан сўралганда, у зот шундай жавоб бердилар: “Биз у улушки ўзимиз учун, деб ўйлаган эдик, қавмимиз буни хоҳламади”. Наждатул Ҳурурий ибн Аббосдан қариндошлар улushi ҳақида сўраганида, у шундай деб жавоб берди: “У улуш биз учун эди. Умар шу улушдан беваларимизни турмушга беришга ҳамда шу улушдан оиласизга хизматчи олиб беришга чақирганди. Биз у улушки ҳаммасини бизга топширмоқлигини истагандик, Умар буни истамади”.

Биз юқорида ўлжалар баҳсида далил билан шуни баён қилдикки, бугунги кундаги ўлжалар байтулмолга қўйилади ва у ўлжаларни халифага топширилиб, у ўз раъий ва ижтиҳодига мувофиқ мусулмонлар манфаати йўлида иш юргизади. Хумс ўлжаларнинг бир жузъи бўлганлиги сабабли, жизя, хирож, ушр каби ўлжа ҳукмида юради.

ХИРОЖ

Хирож жанг қилиб ёки сулҳ билан кофирлардан ўлжа қилиб олинган ерга қўйиладиган мусулмонларнинг ҳаққидир. Хирож икки турли бўлади. Унва хирожи ва сулҳ хирожи.

Унва хирожи

Мусулмонлар кофирлардан куч билан қўлга киритишган Ироқ, Шом, Миср ерларига ўхшаш ҳар бир ерга белгилаб қўйиладиган хирож унва хирожидир. Унва хирожига ҳақиқий далил Аллоҳ таолонинг ушбу сўзиdir:

مَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْ أَهْلِ الْقُرْبَى فَلَلَهُ وَلِرَسُولِهِ وَلِذِي الْقُرْبَى وَالْمَسَاكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَاتَّهُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْفَقْرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ الَّذِينَ أَخْرَجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنْ اللَّهِ وَرَضِوْا نَا وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ الْعَقَابَ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ ﴿١﴾ وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ ﴿٢﴾ وَرَسُولَهُ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مَمَّا أُوتُوا وَيُؤْثِرُونَ عَلَى أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَاصَّةٌ وَمَنْ يُوقَ شُحًّ نَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٣﴾ وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَغْفِرْ لَنَا وَلَا إِخْوَانَنَا الَّذِينَ سَيَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غَلَّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٤﴾

„Аллоҳ қишлоқ-شاҳарларнинг (кофир) аҳолисидан ўз Пайғамбарига ўлжа қилиб берган нарсалар токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасида айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун, (У ўлжа) Аллоҳники, пайғамбариники ва (у зотнинг) қариндош-уруғлари, етимлар, бечора мискиилар ва йўловчи мусофиirlарницидир. Пайғамбар ўзи сизларга олиб келган нарсани олинглар, у зот қайтарган нарсадан қайтинглар қўрқинглар! Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир”. (у ўлжалар яна) ўз диёrlаридан ва молу мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар камбағал муҳтоjжарницидирки, улар Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Аллоҳ ва унинг Пайғамбарига ёрдам берурлар. Ана ўшалар иймонларида содиқ зотдирлар. У (муҳожир)лардан илгари (Мадина) диёрига ўrnashgan ва иймон-эътиқодини (мустаҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) ўзлари(нинг ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суюрлар ва дилларида у (муҳожир)ларга берган нарсалар -- ўлжалар сабабли ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлсада, ўзларини қўйиб, (ўзгаларга) ихтиёр қилурлар. Кимки, ўз нафсининг баҳиллигидан сақланса, бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотдирлар. Улардан кейин дунёга келган зотлар: „Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин», (деб дуо қилурлар)», [59:7-10]

Расулуллоҳ ﷺ Хайбарни фатҳ қилиб унинг ерларини жангчиларга тақсим қилганликлари каби, Аллоҳ мусулмонларга қиличлари билан ўлжа қилиб берган Ироқ, Шом, Миср ерларини жангчиларга тақсимлашни Билол, Абдураҳмон, Зубайрлар сўраганда, Умар ﷺ бу ерларни жангчиларга тақсимламаслик ҳақидаги фикрларига шу оятни ҳужжат қилди.

Маслаҳатлашгани чақирган ансорларга далил келтириб шундай деди: Мен ерларни коғирларнинг қўлларида қолдириб, уларга хирожни таъйин қилишни ва бўйинларига жизяни қўйишни афзал кўрдим. Ана шунда ўша ерлар мусулмонларнинг жангчилариға ҳам, болалариға ҳам, кейингилариға ҳам фай бўлиб қолади. Бу чегараларни кузатиб, текшириб турадиган кишилар кераклиги ҳақида, Шом ва Жазирада, Кўфа, Басра, Миср каби буюк шаҳарларни қўшинлар билан тўлдириб, уларга катта маблаг бериб туриш тўғрисида фикр юритдингизми? Агар ерлар ва коғирлар тақсимланса, уларга ҳақ қаердан берилади? Сўнг фикрлариға фай оятларини далил қилдилар. Аллоҳ таолонинг ушбу:

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ ...

„... ва улардан кейин (дунёга) келгандар», [59:10] деган сўзига етганларида айтдиларки, «Бу ерлар то қиёматгача барча инсонларга умумийdir ва ҳар бир мусулмоннинг бу файда ҳаққи ва насибаси бордир». Саҳобалар Умарнинг бу фикрлариға қўшилиб шундай дедилар: «Гап сиз айтгандай бўлсин. Сиз қандаям яхши гапни ва яхши фикрни айтдингиз. Агар бу чегараларни ва мана шу шаҳарларни қўшин билан тўлдирмасангиз ҳамда улар кувват оладиган хирожни уларга жорий қилмасангиз, куфр аҳли шаҳарлариға қайтади». Умар айтдилар: «Менга бир фикр келди. Ҳамма ишни ўз ўрнига қўядиган ва коғирларга улар кўтара оладиган миқдорни қўядиган оқил кишилардан ким бор?» Шунда саҳобалар, Усмон ибн Ҳанифни кўрсатиб: «Бундан ҳам муҳимроқ ишга уни юборсангиз бўлади, чунки у билимли, ақлли, тажрибалидир», дедилар. Умар уни Савод (Ироқдаги Дажла ва Фурот дарёларининг атрофидаги ерлар) ер майдонини ўлчашга бошлиқ қилиб таъйинладилар.

Усмон бориб Савод ер майдонини ўлчаб унга маълум хирожни таъйин қилдилар ва бу ҳақда халифага хабар юбордилар. Умар уни тасдиқладилар. Умар вафот этишларидан олдин биргина Кўфа ерларининг даромади 100 миллион дирҳамга етди. Дирҳам ўша пайтда мисқол (4,68г) вазнида эди. Шу билан Умар ерни эгалари қўлида қолдириб, ердан Байтулмолга келадиган хирожни белгилаб бердилар ҳамда то қиёмат кунигача ўша хирожни мусулмонларга ўлжа қилиб қўйдилар. Хирож ерининг эгалари Исломга киришсада ёки мусулмонга сотишса ҳам хирож ушрий ерга айланмайди. Чунки ерга белгиланган сифат, яъни куч билан фатҳ қилингани ва ерда хирож белгиланганлиги ўзгармас боқийдир, Ториқ ибн Шихобдан қилинган ривоятда айтадики: Умар ибн Хаттоб Наҳрул мулкнинг Исломга кирган аёл бошлиги хусусида менга хат ёзиб юбордилар. «Унга ерини беринглар, хирожини тўлаб турсин». Бу Умар ибн Хаттоб куч билан фатҳ қилинган ердан соҳиби Исломга кирган бўлса ҳам хирожни доимий олиб туришни лозим кўрганликларини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Сулҳ хирожи

Сулҳ хирожи аҳолиси билан сулҳ тузилган ҳар бир ерга солинади. Сулҳ хирожи мусулмонлар ва улар билан сулҳ тузган кишилар орасида келишилган битимга мувофиқ бўлади. Агар ер аҳли ўз ерлари устидан бериладиган хирож эвазига ер мусулмонларники бўлишига сулҳ тузса, у ҳолда, гарчи бу ер мусулмонларга Исломга кириш, сотиб олиш ёки бошқа йўллар билан ўтса ҳам, ер қиёматгача хирожий бўлиб қолади.

Аҳоли уларга белгиланган маълум бир хирож эвазига ер ўзларининг қўлларида қолишига сулҳ тузса, мана бу хирож жизя ўрнида бўлади ва ер аҳлининг Исломга кириши ёки ерни мусулмонга сотиши билан хирож соқит бўлади. Ибн Можа Ало ал-Ҳазрамийдан ривоят қиласидики: «Расулуллоҳ ﷺ мени Баҳрайн ва Ҳажарга юбордилар. Мен улардан бири Исломга кирган ака-ука орасида бўлган боғда бўлдим. Мен мусулмондан ушр ва кофирдан хирож олардим». Бунинг сабаби, Баҳрайн ва Ҳажар ерлари сулҳ орқали фатҳ қилинган эди. Аммо ерни кофирга сотишса, албатта ернинг хирожи боқий қолади ва соқит бўлмайди. Чунки кофир хирож ва жизя аҳлидандир.

Хирож ушрдан фарқ қиласиди. Ушр ернинг ҳосилидан олинади. Ушр ерлари қўйидагилар:

а) Араб ярим ороли, чунки улар бутпараст бўлишган, уларга фақат Ислом буюрилган. Расулуллоҳ ﷺ бу ерда уруш қилиб ва бир қанча жойларни фатҳ қилган бўлсалар ҳам ерга хирож белгиламаганлар.

б) Исломга ихтиёрий равишида кирган аҳоли ери. Масалан, Индонезия ва Жанубий-шарқий Осиё. Расулуллоҳ ﷺ айтганларки: «Инсонлар токи: «Ла илаха иллаллоҳ», дегунигача уларга қарши урушишга буюрилдим. Кимки, «Ла илаха иллаллоҳ» деса, ҳақиқатда мендан жонини ва молини шаръян ҳақли бўлмаган вақтда сақлаб қолади, деб эътибор қилинади. Ухровий ҳисоб-китоби эса Аллоҳга ҳаволадир.

в) Куч билан босиб олинган ва халифа уни жангчиларга бўлиб берган ерлар. Масалан, Хайбар ери. Халифа жангчиларга бир бўлагига эга бўлишга рухсат берган ер. Масалан, Умар Шом жангчиларига Химсдаги Ирбид дарёси қирғоқларини ва Дамашқдаги Барода ўтлоқларини эгаллашга рухсат берганлар.

г) Аҳоли берадиган хирож эвазига, ерга эгалик аҳлининг ўз қўлларида қолишлигига сулҳ тузган жойлар. Чунки Исломни қабул қилсалар ёки ерни мусулмонга сотсалар, у ер ушр ерига айланади,

д) Мусулмон экинзорга айлантирган қаровсиз ер. Расулуллоҳ ﷺ «Кимки ҳеч кимники бўлмаган ерни тирилтиrsa, у шу ерга ҳақлидир», деганлар. Бухорий ривоят қиласидилар: “Кимки ҳеч кимники бўлмаган ерни ободонлаштиrsa, у шу ерга ҳақлидир”.

Мана бу айтиб ўтилган ушр ушрлигича қолади Лекин кофир куч билан босиб олинган ерлардаги мусулмондан ушрий ерни сотиб олса, у бу ердан хирож беради. Чунки кофир учун хирож бериш вожибdir. Кофирдан ушр олинмайди. Чунки ушр закотdir, кофир эса закот аҳлидан эмас. Ушр ва садақа мусулмон учун покланишдир. Аммо кофир мусулмондан куч билан босиб олинмаган бошқа ушрий ерни сотиб олса, у мана шу ерга хирож ҳам, ушр ҳам бермайди. Чунки ушрий ердан хирож берилмайди. Кофирга закот вожиб эмас. Худди, кофир мусулмондан чорва ҳайвонларини сотиб олганда унга закот вожиб бўлмаганидек.

Хирож ва ушрнинг жамланиши

Фатҳ қилинганда кофирлар эга бўлган, куч билан босиб олинган ерга уруш тугаши биланоқ хирож қўйилади. Агарда ер кофирларнинг қўлларида қолса, экин экиладими ёки экилмайдими, хирож олинади. У ердан ушр олинмайди, чунки ушр закот ҳисобланади. Кофирлар эса закот аҳлидан эмас. Агарда улар Исломга кирсалар ёки ерни мусулмонга сотсалар, у ердан хирож соқит

бўлмайди. Чунки куч билан босиб олинган деган сифат ердан хирож доим олинишини тақозо этади. Шундай ҳолат юз берса, у ердан хирож билан бирга ушр ҳам олинади. Чунки хирож ерга вожиб бўлган ҳақдир. Ушр эса, мусулмон еридан чиққан ҳосилга вожиб. Оятлар ва ҳадислар ҳам шуни тақозо қиласди ва иккита ҳақ орасида зиддият йўқдир. Чунки у иккови хилма-хил икки сабабга кўра вожиб. Буни мисоли шунга ўхшайди: агарда, эҳром боғлаган киши бировга мулк бўлган овни Ҳарамда ўлдириб қўйса, унинг қийматини эгасига бериши вожиб, жазо эса, Аллоҳнинг ҳаққидир. Аммо Ҳанафийлар ушр ва хирож орасини жамламасликка Расулуллоҳ ﷺдан «мусулмон ерида хирож ва ушр жамланмайди» деган сўзларини далил қилиб келтиришган ҳадисларига тўхтасак, албатта, у ҳадис эмасдир ва ҳадис ҳофизлари ҳам бу Расулуллоҳ ﷺнинг сўзларидан эканлигини исбот қилишмаган.

Аввало, хирож адо қилинади. Агар хирож тўлангандан сўнг, ушр бериладиган мева ва экиндан чиққан фойда нисобига етган бўлса, ундан закот олинади. Агар нисобига етмаган бўлса ундан закот олинмайди.

Бугунги кунда килиниши зарур бўлган амалий воқелик

Бизлардан фатҳлар замони узоқлашиб, сулҳ орқали ёки куч билан фатҳ қилинган ерларнинг барчасида инсонлар Исломга киргандан кейин, сулҳ ерлари, куч билан босиб олинган ерлар, тирилтирилган ёки ажратиб берилган ерларни белгилайдиган дафтар ва девонларнинг кўплари йўқ бўлиб кетган бугунги кунда жойларнинг аҳли ўз ихтиёри билан Исломга бўйсунгани ёки куч билан босиб олинганлиги ёки муайян ҳолатда тутиб турилганлиги тўғрисидаги умумий маълумотни эътиборга олган ҳолда қўйидаги тарзда чора кўриш мумкин бўлади.

Ироқ ерларининг ҳаммаси, Кувайт, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Туркистон, Бухоро, Самарқанд, Шом ўлкаси, Туркия, Миср, Судан, Шимолий Африка ҳаммаси хирожий ер деб ҳисобланади. Чунки улар куч билан фатҳ қилинган. У ердаги мусулмон ва кофиirlар хирож бериши вожиб. У ернинг мусулмонлари хирож тўлаганларидан кейин закот бериладиган экин ҳосили закот нисобига етган бўлса, ушр ҳам беришлари вожиб бўлади. Лекин, мусулмонлардан бўлган бир киши ҳужжатлар билан унинг ери ушрий ерлигини исботласа, у хирож бермайди, балки ушр бериш билан кифояланади.

Араб ярим ороли, Яман, Индонезия, Жанубий-шарций Осиё ва шу каби минтақалар ушрий ер ҳисобланиб, хирож лозим эмас. Уларга ер ҳосилидан закот сифатида ушр вожиб бўлади.

Хирож солиши тартиби

Хирож солинаётганда халифа ер ўлчаш, қиёс қилиш, белгилаш борасида билимли, тажрибали шахсларни жўнатиши лозим. Худди Умар ибн Хаттоб Ироқ атрофидаги қишлоқлардан хирож олиш учун ақлли бир кишини таъйинлаганлари каби. Дарҳақиқат, Умар ﷺ мусулмонларга шундай дедилар: «Ақлли, ишни ўз ўрнига қўядиган ва кофиirlарга улар кўтара оладиган миқдорни қўядиган ким бор?» Мусулмонлар Усмон ибн Ҳанифни кўрсатишида ва: «Усмонни бундан ҳам муҳимроқ ишга жўнатишингиз мумкин, чунки унда идрок, ақл ва тажриба бор». дейишиди. Сўнгра Умар Усмонга Ироқ атрофидаги

қишлоқларни ўлчашни топширдилар. Хирож олиш учун жўнатиладиган киши ернинг ҳолатини, яъни ҳосили яхши ва кўп бўлишини ёки ернинг ҳосили кам бўлишини, бу ернинг осмон суви билан ёки чашма ва қудуқ ёки канал ва анҳор сувлари билан сугорилишини ва оқар сув билан ёки сув тортувчи асбоблар ёрдамида сугорилишини эътиборга олиши лозим. Чунки буларнинг сарф-харажатлари баробар эмас. Яна экин ва экилиб ҳосил берадиган мевага эътибор қилиши лозим, чунки баъзи экин ва меваларнинг баҳоси ва қиймати қиммат, баъзисининг баҳоси ва қиймати эса паст бўлади. Ва ернинг жойлашган ўрнига ҳам диққат қилиши зарур. Ер шаҳарга ва шаҳар бозорига яқинми ёки узоқми, шаҳарга етиш ва ер маҳсулотларини бозорга етказишни осонлаштирадиган текис йўллари борми ёки йўллари нотекисми, шуларга ҳам эътибор бериши шарт. Бу ишларнинг ҳаммаси ерга зулм қилинmasлиги ва имкониятидан ортиқча миқдор юкланmasлиги учун асосий тамоийллардир.

Умар ибн Хаттоб Усмон ибн Ҳаниф ва Ҳузайфа ибн ал-Ямон Ироқ атрофидаги ерларни ўлчаб ва хирож олиб қайтишгандан кейин, шундай деди: «Ерга қандай ҳолда хирож солдиглар, эҳтимол одамларга улар тоқат қилаолмайдиган нарсани юклагандирсизлар?» Ҳузайфа: «Уларга ортиқча ер ташладим», дедилар. Усмон эса: «Икки баробар ортиқча ер ташладим, агар хоҳласангиз, қайтариб оламан», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ ер эгаларига худди закотда мевани чамалашда хурмо эгаларига учдан бир ёки тўртдан бир қисмини қолдиришга буюриб: «Чунки мол (мевалар)ни ўткинчи одамлар ейиши, пишмасдан тўкилиб кетиши, меваси териб олинган дараҳтлар бўлиши мумкин», деганлари каби ер эгаларига кутилмаган мусибат ва оғатлар учун ён босишга риоя қилиш лозим бўлади. Хирож ерга, экин ва мевага солиниши мумкин. Агар хирож ерга солинса, хирожни қамарий йил билан айланиши эътибор қилинади. Чунки қамарий йил шаръян закот, дия, жизя ва бошка нарсаларнинг муддати ўлчанадиган йилдир. Агар хирож экин ва меваларга солинса, экин ва меванинг пишиб етилишига эътибор қилинади. Бу хирож муддатининг айланиши бўлади. Хирож нақд пул ёки нақд пул ўрнига мева бўлиши, тақсимланган ҳолатда бўлиши ҳам мумкин. Агар хирож нақд пул ёки нақд пул билан бирга донга ёки экин, мевага тақсимланган ҳолда бўлса, албатта, хирож муддатини айланиши экин, мева пишиб сараланганда бўлади, Бугунги кунда хирож ерга экиладиган нарсага мувофиқ, нақд пул бўлиши осонроқ.

Хирожнинг миқдори

Албатта, ерга солинадиган хирож миқдорини белгилаш учун хирож солиш кайфиятини билувчи, юқорида зикри келганидек, мутахассислар зарур. Умар ибн Хаттоб Ҳузайфа ибн Ямонни Дажла орасидаги жойларга, Усмон ибн Ҳанифни Кўфага, Фурот дарёси қирғоқларига жўнатдилар ва икковлари Кўфа ва Басра орасидаги қишлоқ ерларини ўлчашди ва мумкин булган хирожни белгилашди. Сўнгра Умар ﷺ бу ишни тасдиқладилар. Амр ибн Маймун ривоят қиласидилар: Мен Умар ибн Хаттобнинг ҳузурларида эдим ва олдиларига Ибн Ҳаниф келиб сўзлай бошлади. Биз Ҳанифнинг Умар ﷺга шундай деяётганини эшитдик: «Аллоҳга қасамки, агар ҳар бир таноб ерга бир дирҳам ва қафиз (оғирлик ўлчов бирлиги) солсангиз, бу хирож ерга оғир бўлмайди». Муҳаммад ибн Убайд ас-Сақафий ривоят қилиб айтадилар: «Умар ибн Хаттоб Ироқ

атрофидаги ерларнинг ҳар бир жарийбига обод ер бўлсин ёки сув босган ер бўлсин бир дирҳам ва қафиз солди ва бедани жарийбига (яъни беда экиладиган бир жарийб ерга) беш дирҳам солди». Шаъбий Умардан қилган ривоятда Умар Усмон ибн Ҳанифни Ироқ атрофидаги қишлоқларга жўнатганини ва арпани жарийбига икки дирҳам ва бедани жарийбига тўрт дирҳам ва шакарқамиш жарийбига олти дирҳам, хурмо жарийбига саккиз дирҳам ва узум жарийбига ўн дирҳам ва зайдуннинг жарийбига ўн икки дирҳам согганини зикр қилди. Булардан билинадики, Усмон ибн Ҳаниф Ироқ ерларига солган ва Умар тасдиқлаган хирож миқдори бир хил бўлмаган, балки ер ҳолати, суғорилиши ва экиладиган нарса навига ҳисобга олинган ҳолда турли хил бўлган эди. Албатта, Умар ~~و~~ экин экиладиган обод ердан, сувга сероб ердан, ерни ўзидан ва экин мевалардан солиқ олдилар. Хирож миқдорини нақд пул ва дон билан белгиладилар. Бу белгилаш тоқат миқдорига кўра бўлган эди. Бундаadolatcizlik, солиқ миқдори ер эгалари тоқат қилаолмайдиган даража бўлмаган эди ва Умар ~~و~~ қолганини ер эгаларига топширган эди. Хирож миқдорини белгилаш муайян вақтда ва ижтиҳод асосида мумкин бўлади. Халифа ўз ижтиҳоди, фикрига мувофиқ ернинг ҳолатини серҳосил ёки ҳосил ёмон бўлиши, ер ҳолатини яхшилаш ёки ерни ҳароб бўлиши, ерни бузиб юборадиган мусибатлар билан бекор қолиши, сувнинг кўпайиб-камайиши, тўхтаб қолиши, оғатлар бўлиш-бўлмаслиги, нархнинг кўтарилиб-тушиши билан бўлган ўзгаришга мувофиқ хирож миқдорини ошириши ёки камайтириши жоиздир. Буларнинг ҳаммаси хирож миқдорини белгилашга таъсири бордир ва бу ўзгаришлар эътиборга олиниши лозим. Байтулмолга ва ернинг эгасига зулм бўлмаслиги учун вақти-вақти билан хирож миқдори қайтадан белгилаб турилиши керак.

Хирож сарф қилинадиган ўринлар

Умар ибн Хаттобнинг Шом ва Ироқ ерларини бўлиш масаласида низолашган кишиларга айтган гаплари хирож сарф қилиладиган ўринларни равшан англаатади. Ўша тортишувларда шундай деганлар: «Агар ерни бўлиб берсам сизлардан кейин келадиганларга бирор нарса қолмайди. Мусулмонларга нима бўлади? Қарасаларки, ер бўлиб берилган ва оталаридан мерос ерга эга бўлиб олишган. Бу тўғри фикр эмас. Чегаралар нима билан ҳимоя қилинади? Бу Ироқ, Шом ва булардан бошқа шаҳарлардаги гўдакларнинг ва бева аёлларнинг ҳоли не кечади?»

Маслаҳатлашган ансорларга Умар ~~و~~ шундай дейди: «Ерни кофир эгалари билан ушлаб туришни фикр қилдим ва уларга у ерда хирож белгилайман, бўйинларига жизя қўяман, уни адо қиладилар ва мусулмон жангчиларига, фарзандларига ва улардан кейингиларга ўлжа бўлади. Кўраяпсизларми, бу чегараларга уни қўриқлайдиган кишилар керак. Кўраяпсизларми, Шом, Жазира, Кўфа, Басра ва Миср каби буюк шаҳарларни. Улар аскарлар билан таминланиши ва аскарларга доим маблағ берилиши керак. Қаердан уларга маблағ берилади, агар ер ва унинг эгалари бўлиб бериб юборилса? Сўнг фай оятини ўқиб шундай деди:

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ...

- «... улардан кейин (дунёга) келгәнлар», [59:10] бу оят барча инсонларни ўз ичига олади. Ҳар бир мусулмоннинг бу молда ҳаққи бор. Агар мен тирик бўлсам, барча мусулмонга сарви Химярдаги чўпонга ҳам пешона терисиз ҳам ҳаққи етиб келади».

Булардан равшан бўладики, хирож жамики мусулмонлар ҳаққидир ва давлат уни барчанинг манфаатлари йўлида қилади ҳамда давлат ходимларига ва аскарларга ҳақи шу хирождан берилади. Ундан аскарлар тайёрланади, қуроллар билан жиҳозланади ҳамда бева аёлларга ва муҳтожларга сарф қилинади, одамларнинг ҳожатлари адo қилинади, уларнинг ишлар бошқарилади. Хирожни Халифа Исломга ва мусулмонларга яхшилик ва манфаат бўладиган тарзда ўз ижтиҳоди ва раъй билан белгилайди.

УЗУНЛИК, ЕР МАЙДОНИ, КАЙЛ (ўлчов идиш) ВА ВАЗНЛАРНИНГ МЕЪЁРЛАРИ

Хирожга, жизяга, закотга, хун тўлашга, қўл кесишга (ўгри кўлини) ва каффоротга тааллуқли бўлган кўпгина шаръий ҳукмларни билиш учун Расууллоҳ ﷺ ва саҳобалар ﷺ даврида фойдаланилган узунлик ўлчови ва вазнларни билиш лозим. Ўша даврдаги узунлик ўлчови ва вазнлардан бугунги кунга келиб фойдаланилмай қолгач, уларни бугунги кунда ишлатилаётган, фойдаланиш, тушуниш осон ва аниқ бўлган ўлчовларга нисбатан қандай эканлигини билиш осон бўлмай қолди.

Шунинг учун ўша ўлчовларни бугунги ишлатилаётган ўлчовларга бўлган нисбатини аниқ ва осон шаклда тафсил қилишга киришамиз.

Узунликлар ва майдонлар

Жарийб мулкларни белгилашда ва экинзор ерларни ўлчашда қўлланадиган асосий ўлчов бирлиги бўлиб, шу асосда хирож миқдори белгиланар эди. Шаъбий айтади: «Умар ибн Хаттоб Савод (Кўфа ва Басра орасидаги қишлоқлар) ерларини ўлчади, ер майдони ўттиз олти миллион жарийбга етди». «Султоний аҳкомлар» деган китобда шундай дейилган: «Бир жарийб майдон энига ўн қасаба ва бўйига ўн қасаба бўлган ер майдонидир. Қафиз энига ўн қасаба ва бўйига бир қасаба бўлган майдондир ва бир қасаба олти зироъдир, Демак, бир жарийб майдон уч минг олти юз зироъ бўлади. Бир қафиз уч юз олтмиш зироъдир ва у бир жарийб майдоннинг ўндан бири бўлади». Жаъфар ибн Қудома фарсах ҳақида дейди: «Бир фарсах масофа зироъси, яъни ҳошимий зироъ билан 9000 зироъ бўлади», Қалқашандий шундай дейди: «Зироъи ҳошимийнинг узунлиги асл зироъ бўлган қўл зироъсининг бир бутун учдан бирига тўғри келади. (Зироъ қўлнинг тирсагидан бармоқ учларигачадир). Қўл зироъси, ўртача инсоннинг олти қабzasига тўғри келади ва бир қабза тўрт бармоқнинг энига тўғри келади. У тўрт бармоқ, кўрсатгич бармоқ, ўрта бармоқ, номсиз бармоқ ва жимжилоқдир. Ҳар бир бармоқнинг эни олтига кўндаланг ҳолдаги арпа дони».

Мусулмонлар қўйидаги узунликлардан фойдаланишган:

Қабза 4 бармоқ.

Зироъ мурсала - 6 қабза ёки 24 бармоқ.

Зиоъ ҳошимий - 8 қабза ёки 32 бармоқ.

Қасаба - зироъ ҳошимий

Жарийб - 10 қасаба X 10 қасаба.

Ўн қасаба = 6 зироъ X 10 = 60 зироъ.

Шундай қилиб, бир жарийб майдон бир томонининг узунлиги зироъ экан.

Бир жарийб ер майдони = 60 зироъ X 60 зироъ = 3600 квадрат зироъ ҳошимий.

Қафиз = бир жарийб ернинг ўндан бири, яъни 360 квадрат зироъ ҳошимий.

Бу узунликларнинг воқесини метр ёрдамида билиб олишмиз мумкин бўлади, чунки метр майдон ва узунликларни ўлчаш учун энг қулай ўлчовдир. Бунинг учун энг аввало ўртача бармоқнинг энини сантиметр ёрдамида аниқлаб олсак.

Ҳисоб-китоб қилишдан шу нарса маълум бўладики, ўртача бармоқнинг эни 1,925 см.га тўғри келади. Демак, юқорида айтиб ўтилган ўлчовларнинг узунлиги қўйидагича бўлади:

бармоқ = 1,925см,

қабза = 4 бармоқX1,925см. Демак, қабзанинг узунлиги 7,7см.

Зироъ мурсала = 24 бармоқX1,925см. Демак, зироъ мурсаланинг узунлиги 46,2см.

Зироъ ҳошимий = 32 бармоқX1,925см. Демак, зироъ ҳошимийнинг узунлиги 61,6см.

Қасаба = 6 зироъ ҳошимийX61,6см. Демак, қасабанинг узунлиги 3,696м.

Ўн қасаба = 10X3,696м (қасаба узунлиги) = 36,96м.

Демак, бир жарийб майдон бир томонининг узунлиги 36,96м.

Бир жарийб ер майдони 36,96мX36,96м=136бкв,м.

Демак, бир жарийб ер = 136бкв,м экан.

Донум билан ҳисоблайдиган бўлсак, тақрибан 1,3 донумга яқин бўлади.

Бир қафиз ер, бир жарийб ернинг ўндан биридир, яъни 136,6кв.м.

Булар ер майдонининг ўлчовларига нисбатан олинди. Аммо, масофа узунлигининг ўлчовларига келсак, улар: барид, фарсах ва милдир. Бу ўлчовларнинг миқдори зироъ мурсала билан белгиланади. Зироъ мурсала аслий ва шаръий зироъдир. Зироъ мурсаланинг узунлиги юқорида айтиб ўтганимиздек, олти қабза ёки йигирма тўрт бармоқдир, яъни 46,2см. «Султоний аҳкомлар» деган китобда шундай дейилади. «Бир мил масофанинг узунлиги тўрт минг зироъ мурсаладир. Фиқҳ. китобларида, бир фарсах масофанинг узунлиги уч мил ва барид масофанинг узунлиги тўрт фарсах эканлигига иттифоқ қилинган».

Бу ўлчовлар миқдори юқорида айтганимиздек, масофа узунлигининг энг енгил ва аниқ миқёси деб эътибор қилинадиган бугунги кунда истеъмол қилинаётган километр билан бўлса, ҳисоб қўйидагича бўлади:

Зироъ мурсала = 6 қабза ёки 24 бармоқ.

Мил = 4000 зироъ мурсала.

Фарсах = 3 мил.

Барид = 4 фарсах.

Буларни метр ёки километр билан ҳисобласак қўйидагича бўлади.

Зироъ мурсала = 24X1,925см. Демак, зироъ мурсаланинг узунлиги 46,2см экан.

Мил = 4000 зироъ мурсалаЧ46,2. Демак, бир мил масофанинг узунлиги 1848м ёки 1,848км.

Фарсах = 3 милX1848м. Демак, бир фарсах масофанинг узунлиги 5544м ёки 5,544км экан,

Барид = 4 фарсахX5544м. Демак, бир барид масофанинг узунлиги 22176м ёки 22,176км экан.

Шу билан бирга, намозни қаср қилиб ўқиладиган масофа 16 фарсах ёки 48 милдир. Километр ҳисоби билан қўйидагича бўлади:

Қаср масофаси = 16X5,544км = 88,704км ёки

= 48X1,848км = 88,704км.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, майдонлар ва масофалар узунлигини ўлчаш учун фақатгина олдинги даврда қўлланган ўлчовлардан фойдаланиш шаръян вожиб эмас, чунки у даврдаги ўлчовлар ҳисоб-китобни амалга ошириш учун

қўлланган восита эди, холос. Шунинг учун, ўша даврдаги ўлчовларни ҳам, ҳозирги даврдаги осон ўлчовларни ҳам ишлатса бўлаверади.

Маълумки, жарийб аслида форсий ўлчов эди, фаддон эса Мисрдаги ўлчов бирлиги эди, ҳозир ҳам Мисрда ўлчов бирлиги бўлиб келмоқда. Бир фаддон майдон бир жарийб майдондан фарқ қиласди.

Бугунги кунда истеъмол қилинаётган метр, километр ва донум ўлчовлари аниқ ва энг осон ўлчовлар деб эътибор қилинади. Шунинг учун донум ернинг майдонини ўлчайдиган, метр эса бино ҳамда газламаларни ўлчайдиган ўлчов бирлиги қилиб олиниши ҳам мумкин. Километр эса масофа узунлигини ўлчайдиган ўлчов бирлиги бўлиб қолиши мумкин. Шундай қилиб, Умар ибн Хаттоб хирож белгилаган бир жарийб майдон (сатҳи) 1366кв.м экан ва уни донумга солиштирадиган бўлсак, тақрибан бир бутун учдан бир донумга яқин бўлади, чункни бир донум майдон 1000кв.метрдир.

Микёл ва вазнлар

Абу Саид ал-Худрий шундай дейди: «Биз Расулуллоҳ ﷺ даврларида фитр закоти учун бир соъ таом ёки арпа ёки майиз ёки пишлоқ чиқаардик». Жобир ибн Абдуллоҳ шундай дейди: «Расулуллоҳ ﷺ бир соъ сув билан фусл қилар ва бир мудд сувга таҳорат қилар эдилар». Абу Саид ал-Худрий ҳадисни Расулуллоҳ ﷺга боғлаган ҳолда шундай дейди: «Садақа (закот) беш васақдан кам нарсада йўқдир ва бир васақ олтмиш маҳтум бўлади». Яъни олтмиш соъ бўлади, Чунки Ҳасан ва ибн Сийрин икковлари шундай дейдилар: «Бир васақ олтмиш соъдир». Шаъбий, Расулуллоҳ ﷺ Каъб ибн Ужрага шундай деганларини ривоят қиласди: «Жонлифинг борми? Каъб деди: «Йўқ», Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Ундан бўлса; хоҳласанг уч кун рўза тут, хоҳласанг, олтида мискинга яrim соъдан 3 соъ садақа қил ва сочингни олдир». Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ас-Сақафий шундай дейди: «Умар ибн Хаттоб Ироқ атрофидаги Басра ва Кўфа орасидаги қишлоқлар аҳлига, обод бўлган ёки обод бўлмаган, ҳар бир жарийб ер учун бир дирҳам ва бир қафиз белгиладилар». Абу Убайд “Моллар” номли китобда шундай дейди: «Бир соъ тўрт мудд бўлади ва бир мудд бир бутун ўндан уч Бағдод ратлига тўғри келади. Демак, бир соъ беш бутун учдан бир ратл бўлади ва бу Молик ва Ҳижоз аҳлининг айтганларидек Набий ﷺ соълариdir.

Кўплаб ҳадисларни ҳамда фуқаҳолар, ҳадисшуносалар ва луғат имомларини сўзларида келган кайл ва вазнларни текширишдан шу нарса маълум бўладики, соъ истеъмол қилинган барча кайллар учун ўлчов бирлиги эди. Бир соъ тўрт муддга ва бир мудд бир бутун ўндан уч Бағдод ратлига тўғри келади. Бир Бағдод ратли 128 бутун $4/7$ дирҳамдир. Дирҳам, бугунги кунда истеъмол қилинаётган грамм билан қўйидагича белгиланади: бир дирҳамнинг вазни 3,17г бўлади. Бу дирҳам пул қабилидаги дирҳам эмас, Чунки пул қабилидаги шаръий кумуш дирҳамнинг вазни 2,975г ва бир Бағдод ратлининг вазни 408г бўлади.

Шундай қилиб, микёл ва вазнларни, буғдойдан грамм ва килограммга нисбатан миқдори қўйидагича бўлади;

Мудд -1 бутун $1/3$ Бағдод ратли.

Мудд - $408 \times 1/3 = 544$ г мудд вазни.

Демак, мудд, буғдойдан 544г.

Соъ - 4 мудд кайл.

Соъ - 4Х544г мудд вазни = 2176г ёки 2,176 кг.

Демак, бир соъ буғдой вазни 2,176кгга түгри келадн.

Қафиз — 12 соъ кайл.

Қафиз — 12Х2176г = 26112г ёки 26,112кг бўлади.

Демак, 1 қафиз буғдой вазни буғдойдан 26112г ёки 26,112 кг бўлади.

Васақ 60 соъ кайл,

$60 \times 2176\text{г} = 130560\text{г}$ ёки 130,56 кг.

Демак, бир васақ буғдой вазни 130560г ёки 130,56 кг.га түгри келади.

Булардан қўйидаги нарсалар равшан бўлади:

Закотнинг нисоби беш васақ бўлгани сабабли, беш васақнинг вазни 652 кг. буғдой бўлади. Хурмо, пишлоқ, майиз вазнлари бир соъ буғдой вазнидан бошқача бўлганлиги учун гарчи хурмо, пишлоқ, майиз ўлчовда буғдой билан баробар бўлса ҳам, хурмо, пишлоқ, майиз закотининг нисоби буғдой нисоби вазнидан бошқача бўлади. Чунки бу моддалар кайл ўлчови баробар бўлса ҳам вазнлар баробар эмас.

Фитр закоти буғдойдан бир соъ 2,176кг бўлади. Ибодатлар фидяси буғдойдан 3 соъ бўлганлиги учун, 3 соъни вазни 6,5кг булади.

Шуникгдек, Умар ибн Хаттоб Ироқ ерларини бир жарийбига дирҳам билан бирга хирож солган қафизни вазни буғдойдан 26,112кгга teng бўлиши равшан бўлади.

Умар ибн Хаттоб солган бир дирҳам, мисқол вазни билан 4,25г кумуш бўлган экан. Бир жарийб майдон 1,366 донумга баробар бўлганлига учун Умар ибн Хаттоб бир донумга солган хирож миқдори - 116кг буғдой ва 3,116кг кумуш бўлади.

Жизя

Жизя кофирларнинг Ислом ҳукмига бўйсунгани учун мусулмонларга тўланадиган солиқдир. Мусулмонларга жизя берган кофирларни ҳимоя қилмоқ ва улардан тийилмоқ лозим бўлади, токи бу ҳимоя ва ўзларини тийишлари сабабли улар тинч ва хотиржам бўлсинлар. Жизя хусусидаги асл далил Аллоҳнинг қўйидаги сўзиҳидир:

قَاتَلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنْ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ حَتَّىٰ يُعْطُوا الْجُزْيَةَ عَنْ يَدِهِمْ صَاغِرُونَ ﴿١٩﴾

- „Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва унинг Пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни, Ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши, то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида, ўз қўллари билан (зиммаларидағи) солиқни тўламагунларича жанг қилингиз». (9:29)

Жизя кимлардан олинади?

Юқорида ўтган **منْ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ** оятининг далилига кўра жизя, яҳудий ва насоролардан иборат бўлган аҳли китоблардан олинади. Бу яҳудий ва насоролар, араб бўладими ёки арабдан бошқа миллат бўладими, фарқи йўқ. Чунки Расулуллоҳ ﷺ Яман яҳудийлари ва Нажрон насороларидан жизя олганлар. Урва ибн аз-Зубайрдан бўлган ривоятда айтиладики: Расулуллоҳ ﷺ Яман аҳлига шундай деб хат ёздилар: «Кимки яҳудийлигида ёки насронийлигида қолса, динидан қайтарилмайди ва унга жизя тўлаш вожиб бўлади». Ибн Шиҳобдан бўлган ривоятда айтадики “Биринчи бўлиб жизя берган кимсалар Нажрон аҳлидир. Улар насроний эдилар». Абу Бакр ؓ Хийра насронийларидан жизя олганлар. Улар араб эдилар. Худди шунингдек, Умар ؓ Шомнинг араб ва араб бўлмаган насронийларидан ҳам жизя олганлар.

Аҳли китобдан ташқари мажус (ўтга сигинувчилар), собиа (фариштага сигинувчилар) ва ҳинду ҳамда коммунистлардан жизя олинади. Расулуллоҳ ﷺ Ҳажар мажусларидан жизя олганлар. Ҳасан Ибн Мұҳаммаддан бўлган ривоятда айтиладики: «Расулуллоҳ Ҳажар мажусларини Исломга чақириб, шундай деб хат ёздилар: «Кимки Исломни қабул қиласа, қабул қилинади. Кимки Исломни қабул қилмаса, унга жизя вожиб бўлади. Мажусларнинг сўйган гўштлари ейилмайди ҳамда уларнинг аёлларига уйланилмайди». Ибн Шиҳобдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ Ҳажар мажусларидан жизя олганлар ва Умар Форс мажусларидан жизя олганлар ва Усмон барбарлардан жизя олганлар». Абдураҳмон ибн Авф, Расулуллоҳ ﷺ Ҳажар мажусларидан жизя олганликларига гувоҳ бўлгунигача Умар ибн Хаттоб мажуслардан жизя олишдан тўхтаб турганлари ривоят қилинади. Шунингдек, Расулуллоҳ ﷺнинг қўйидаги сўзларни айтганликлари ривоят қилинган: «Мажусларга аҳли китобга тутилган йўлни тутинглар, фақатгина улар сўйган нарсаларни еманглар, аёлларига уйланманглар».

Аммо бутга сифинувчилардан иборат бўлган арабларга келсак, улардан фақатгина Ислом қабул қилинади. Агар Исломга кирмасалар Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларига биноан жанг қилинади:

فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدُّتُمُوهُمْ

„мушрикларни тутган ўрнингизда ўлдирингиз” [9:5)
Ҳамда

سَتَدْعُونَ إِلَى قَوْمٍ أُولَئِي بَأْسٍ شَدِيدٍ تُقَاتِلُونَهُمْ أَوْ يُسْلِمُونَ

„Сизлар тезда қаттиқ куч эгаси бўлган қавмга чиқариласизлар, улар билан жанг қиласизлар ёки улар Исломга кирадилар». [48:16)

Бу ҳижратнинг тўққизинчи йилида, Табук йилида бўлган ва шу йили аҳли китобдан жизя олиш, бутларга сифинувчи мушрик арабларни ўлдиришни вожиб қилган «Бароат» сураси нозил бўлди. Ҳижратнинг 10-йилидан бери бутга сифинувчи арабларнинг мавжуд бўлиши тўхтади.

Мусулмон бўлиб кейин Исломдан қайтган, яъни, муртад бўлган шахслар ёки гуруҳларга келсак, улар бугунги кунда мавжуд бўлиб уларнинг воқелигига қаралади: Агар улар муртадларнинг фарзандлари бўлишса ва ўзлари муртад бўлишмаса, улардан муртад бўлганлар, оталари ёки боболари ёки боболарининг бобоси бўлса, масалан, Дурузлар, Баҳоийлар, Исмоилийлар ҳамда Алини илоҳ қилиб олган насирийларга ўхшаш - улар билан муртадлар муомаласи қилинмайди. Балки, уларга мажус ва собиаларга қилингандай муомалада бўлиб, жизя вожиб қилинади Сўйган нарсалари ейилмайди, аёлларига уйланилмайди. Лекин, улар Исломларини янгилаб, Исломга янгитдан келсалар, у холда уларга мусулмонлар ҳукми жорий бўлади.

Аммо уларнинг ўзлари Исломдан қайтсалар, яъни, яҳудий ёки насроний динига ёки коммунизмга ё Исломни Аллоҳ ҳузуридан туширилган дин эканини ҳамда Муҳаммад Аллоҳнинг злчиси эканлигини инкор қиласидиган, ёки Исломни татбиқ қилиш вожиб эканини инкор қиласидиган, коммунистлар ва уларга ўхшашлар, Қуръон оятларининг баъзисини инкор қиласидиган фикрга қайтсалар, уларга тўғридан-тўғри муртадларга қилинадиган муомала қилинади.

Жизя балофатга етган, ақлли кишилардан олинади. Ёш боладан, жиннидан ҳамда аёл кишидан олинмайди. Расулуллоҳ ﷺ Муозни Яманга юборган вақтларида, унга балофат ёшига етган ҳар бир кишидан бир динор олмоғлигини буюрдилар. Умар ﷺ қўшинлар амирига шундай деб хат ёздилар: «Жизяни аёллар ва ёш болаларга лозим қилиб қўйманглар. Жизяни фақатгина устара ишлатадиган кимсадан олиш лозим, яъни, балофатга етган кимсалардан». Ёш болани балофатга етси ёки жиннининг ҳушига келиши қавмининг жизя бериш йили бошида бўлса қавми билан ўша йилнинг ҳаммаси учун жизя беради. Агар жизя бериш йилининг орасида балофатга етси ёки ҳушига келса, унинг жизя бериш йили қавмининг йили билан бир хил тартибда бўлишлиги ва ҳар бир кишига хос йил бўлмаслиги учун ўз улушкини қавми билан бирга беради. Жизя монастирдаги роҳибларга ва кулба аҳлига яъни, манаҳларга ҳам вожибdir. Худди шунингдек, ўзларига тўқ бўлсалар касалларга ва кўрларга ҳамда қарияларга ҳам вожибdir. Чунки жизя тўғрисида келган оят ва ҳадислар, уларни ўз ичига олган ҳолда умумий бўлиб, уларни истисно

қилиб, ажратадиган нас (яъни оят, ҳадис) мавжуд эмас. Агар улар садақа оладиган даражада фақир бўлсалар, улардан жизя соқит қилинади ва олинмайди. Чунки улар жизя беришга қодир эмаслар. Оят шундай деди:

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا

„Ҳеч қайси жонга Аллоҳ тоқатидан ортиқ нарсани юкламайди”

Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинадики, у киши зиммий аҳлидан бўлган бир қарияни одамлар эшиги тагида тиланчилик қилиб юрганини кўриб: «Сени бунга нима мажбур қилди», дедилар. У: «Жизя, қарилик ва муҳтоҷлик мажбур қилди», деди. Шунда Умар “Биз сендан йигитлик пайтингда жизя олиб, ёшинг улғайгандан сени зор қилган бўлсанк инсоф қилмабмиз” деб уни уйларига олиб кетдилар ва унга озиқ-овқат бердилар. Сўнг қарияни байтулмолнинг хазиначисига юбориб, ундан жизяни бекор қилишни, байтулмолдан унга мол беришни буюрдилар.

Жизя қачон соқит бўлади?

Исломга кириш билан жизя соқит бўлади. Кимки Исломга кирса, тўлайдиган жизяси соқит бўлади. Хоҳ йилнинг бошида, ярмида, охирида ёки тугагандан кейин мусулмон бўлсин, Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи сабабли унга мутлақо ҳеч нарса вожиб бўлмайди:

قُلْ لِلّذِينَ كَفَرُوا إِنْ يَنْتَهُوا يُغْفِرُ لَهُمْ مَا قَدْ سَلَفَ

„Кофири кимсаларга айтиингки, агар куфрларидан тийилсалар, ўтган ишлари мағфират қилинади». [8:38!]

Расулуллоҳ дан Ибн Аббос шундай деб ривоят қиласидилар. Расулуллоҳ айтадиларки: «Муслимга жизя вожиб эмас». Жизя куфр сабабидир, уни Ислом соқит қиласиди. Жизя Ислом билан бирор кўринишда жамланмайди. Зотан Ислом ўзидан олдинги ширк, куфр, гуноҳларни бекор қиласкан, қандай қилиб жизя ва унинг хорлигини бекор қиласин? Расулуллоҳ дан ушбу сўзлар ривоят қилинди: «Ислом ўзидан олдинги нарсаларни бекор қилиб ташлайди». Масруқдан ривоят қилинадики: ажам (яъни араблардан бошқа миллатдаги одам)лардан бири Исломга кирди. Ундан жизя олинарди. Шунда у Умар ибн Хаттобнинг олдиларига келиб шундай деди: «Эй амирул мўминин, мен Исломга кирдим», Умар : «Балки, сен сақланиш учун киргандирсан?» дедилар. Шунда у: «Исломда мени сақлайдиган нарса йўқми?», деганди, Умар “Бор” дедилар. Умар ундан жизя олинмаслиги ҳақида хат ёзиб юбордилар.

Жизя тўлайдиган шахс, жизя тўлаш йили ўтмасдан ўлса, ўлими билан жизя соқит қилинмайди. Чунки жизя унга вожиб карз бўлгандир. Шунинг учун меросидан, қолган қарзлари каби жизяни ҳам тўлаш вожиб бўлади. Улган одамни ташлаб кетган мероси бўлмаса, жизя ундан соқит бўлади ва меросхўрларига вожиб бўлмайди. Чунки ўлган одам фақир, муҳтоҷнинг ҳукмида бўлади.

Зиммий аҳлидан жизя вожиб бўлган бирон кимсанинг жизясидан кечилмайди. Чунки оят ва ҳадислар кечишини эмас, олишни вожиб қиласиди. Кечиш тўғрисидаги ҳадис келган кимсанигина кечирилади, Агар, бир зиммий

Ислом қўшинига аскар бўлиб кирса, мусулмонлар қаторида кофирлар билан жанг қилса ёки унга вазифа юкланса, у куфрда экан, бу ишлар ундан жизяни соқит қилолмайди. Чунки у қўшинга қўшилганига ёки вазифасига кўра маош олади.

Зиммий аҳлининг динлари ва гуруҳларига кўра, ҳаммасига хос қайднома тутилади. У қайднома учун кишилар рўйхатида ажратилган хос ўрин бўлиб, зиммийларнинг туғилиш вақтлари, умрлари, вафотлари ҳамда молиявий ҳолатлар, маълумотлар қайд қилинади. Жизяни белгиланиши шунга асосланади. Зиммийлар, мусулмонлар қайдномасига ёзилмайдилар, балки уларнинг қайдномалари ўзларига хос юритилади.

Жизянинг миқдори

Фарз қилингандай жизянинг миқдори Расулуллоҳ ﷺ ва у кишидан кейинги халифалар даврида бир хил бўлмай, балки, бир ўринда бошқача, иккинчи ўринда бошқача бўлган. Расулуллоҳ ﷺ Муозни Яманга юборган вақтларида, зиммий аҳлидан иборат балофатга етган ҳар бир кимсадан бир динор ёки бир динор баробарлигида мат олмоқлигини буюрдилар. Умар ؓ Шом ва Миср аҳлининг бойларига тўрт динор, ўртаҳол одамларга икки динор, касб қилувчи фақирга бир динорни белгиладилар, Шунингдек, жизядан ташқари қўшинни озиқлантириш ва мусулмонларни меҳмон қилишни белгиладилар. Ироқ аҳлининг бойларига қирқ саккиз дирҳам, ўртаҳол одамларга йигирма тўрт дирҳам, касб қилувчи камбағалга ўн икки дирҳам беришни юкладилар.

Бану Тағлиб насронийлари жизя бериш вожиблигини рад қилганларида, Умар ؓ закотни икки баробар ошириб қўйдилар.

Нўмон Ибн Зураҳдан ривоят қилинадики, у киши Бану Тағлиб насронийлари хусусида Умар ибн Хаттоб билан гаплашдилар. Умар Бану Тағлиб қабиласидан жизя олишни қасд қилганда улар шаҳарларга тарқаб кетдилар. Нўмон Умар ؓга айтдики: «Эй мўминлар амири, Бану Тағлиб араб қавмидир, улар жизя беришдан ор қилмоқдалар, Улар фақатгина экин-тикин ва чорва эгаларидирлар. Уларда душмандан ўч олишлик бор. Ўзингизнинг заарингизга улар сабабли душманингизга ёрдам бериб қўйманг». Умар ؓ улар билан садақа (яъни, закотни) икки баробар қилиб бериш ҳақида сулҳ тузди».

Саҳиҳи Бухорийда Абий Нажихдан ривоят қилинади. Айтадиларки: «Мен Мужоҳидга нимага солиқ Шом аҳлига тўрт динор, Яман аҳлига бир динор қилиб белгиланган?» деган эдим, у: «Бу нарса уларнинг бойлик даражасига қараб белгиланган», деди. Умар ؓ зиммийларга белгилаб берган динорларни бугунги кунда тилла учун ўлчов бирлиги деб эътибор қилингандай грамм билан белгилаш қўйидагича бўлади.

	динор	Динорнинг граммни	Тилла граммлари
Бой	4x	4,25=	17,00 гр
Ўртаҳол	2x	4,25=	8,50 гр
Касб Қилувчи камбағал	1x	4,25=	4,25 гр

Шундан аниқ бўлдики, жизяниг миқдори бир хил эмас ҳамда закот нисобларига ўхшаш ўтиб кетиш жоиз бўлмаган ҳад билан чегараланмаган. Балки, бу миқдорни белгилаш, халифанинг раъйи ва ижтиҳодига ташлангандир. Халифа зиммийларга мashaққат келтирмайдиган, тоқатларидан ошиини юкламайдиган даражадаги, мнқдорни белгилашда бойлик ва камбағаллик томонларига риоя қиласди. Шунингдек, миқдорни белгилашда байтулмолга зиён етмаслигини, зиммийлар бўйнидаги молдан байтулмолни маҳрум қилмаслик ҳам эътиборга олинади.

Бойлик, ўртаҳоллик, фақирлик даражаларини белгилашда урфга ҳамда шу хусусда билимли, тажрибали кишиларга мурожаат қилинади. Халифа бойлар, ўртаҳоллар, фақирлар орасини ажратиш учун ҳамда уларга хос даражаларни белгилаш учун ва бой ҳам ўртаҳол ҳам, касб қилувчи фақир ҳам қурби етадиган миқдорни билиш учун, билимли, тажрибали шахсларни таъйин қиласди. Бу таъйин қилиш халифанинг раъйи ва ижтиҳоди билан жизя миқдорини белгилаш зиммийларни, уринтириб қўймайдиган тоқатларидан ошиқ нарсани уларга юкламайдиган, шу бирга байтулмолга зиён етказмайдиган ва байтулмол ҳаққини камайтириб қўймайдиган даражада бўлишини таъминлайди..

Жизяниг тўлиқ олиш вақти

Жизя тўлаш вақти йилнинг кириши билан бўлади. Жизя йилда бир марта олинади. Жизя тўлаш вақтини 1-муҳаррамдан бошлаб зулҳижжанинг охирги кунигача бўлган муддат ичидан таъйин қилиш мумкин, токи келаси йилнинг муҳаррам ойи келгунча жизя тўлиқ қилиб олинган бўлсин. Жизяни тўлиқ қилиб олишликка ваъдалашилган вақт қилиб йилнинг охирги уч ойи: шаввол, зулқаъда, зулҳижжа ойларини таъйин қилиш мумкин. Ана шунда ҳар бир шахснинг ўзига хос бўлмай, барча кимсаларга боши ва охири чекланган жизя тўлаш вақти бўлади. Бу эса, аниқликни ҳосил қилиб, жизяни тўлиқ қилиб олишни осонлаштиради.

Жизяни йифиб олиш учун, жизя идорасидаги фай ва хирож девонидан хос омиллар таъйин қилиниб, уларга хос қисм ажратилади. Буларнинг маошлари зиммийлардан эмас, байтулмолдан бўлади.

Жизя йиғувчи шахсларга белгиланган миқдордан зиёда бўлган нарсани жазо кучи билан олмоқ ман қилинади. Чунки зиёда (яъни ортиқ қилиб олишлик) зулмдир. Зулм эса қиёмат кунидаги зулуматдир. Йиғувчиларнинг зиёда қилиб олишлари хиёнатдир ва хиёнатчининг жойи дўзахдир. Шунингдек, жизя йифиб оловчилар жизя олиш вақтида уриш ёки азоблашлари ман қилинади. Чунки Расулуллоҳ ﷺ бундан қайтарганлар. Ҳишом ибн Урвадан, у отасидан ривоят қиладики, Умар ибн Хаттоб Шомдан қайтаётгандарида, Шом кўчаларининг бирида қуёш тагига турғизилиб, бошларидан ёғ қуйилаётган қавмнинг олдидан Ўтиб қолдилар. Шунда Умар: «Нима учун бу ҳолатдалар?», деб сўраган эдилар, улар: «Бўйинларидаги жизяни тўлашмади, то тўламагунларигача азобланишади», дейишди. Шунда Умар ﷺ “Улар жизя тўғрисида нима дейишаяпти, нима узр билдиришаяпти?” деганларида, «Тополмаяпмиз, дейишаяпти», дейишди.

Умар ﷺ «Қўйинглар, уларга тоқатларидан ортиқ нарсани юкламанлар. Чунки мен Расулуллоҳ ﷺдан шундай деганларини эшитганман дедилар:

«Одамларни азобламанглар, дунёда одамларни азоблаган кимсаларни, қиёматда албатта, Аллоҳ таоло азоблайди». Умар уларни озод қилиншиликни буюрдилар ва зиммийлар озод қилинди. Расулуллоҳ ﷺдан ривоят қилинадики, у киши Абдуллоҳ ибн Арқамни зиммийлардан жизя олишликка таъйинладилар. Абдуллоҳ ибн Арқам Расулуллоҳ ﷺни олдиларидан бурилганларида, Расулуллоҳ ﷺ унга шундай деб нидо қилдилар. “Огоҳ бўлингизким, ким бирон зиммий бўлган кимсага қасдан зулм қилса, ёки тоқатидан ортиқ нарсани юкласа ёки шарафини булгаса, ёки хоҳиши (яъни розилигисиз) бирон нарсани олса, қиёмат куни у билан мен ҳужжатлашаман”.

Зиммийлардан кимки жизяни тўлашга қодир эмаслигини (яъни, камбағаллигини) даъво қилса, камбағаллигини исботлаб бериш талаб қилинади. Агар у исботласа, ўзини ўнглаб олгунгача муҳлат берилади. Агар исботлай олмаса ва чўзиб юргани аниқ бўлса, то жизя бергунга қадар қамоқقا олинади. Расулуллоҳ ﷺ қарзини бермай чўзиб юрган кимсани қамаганлар. Жизя бир бирига қўшилмайди. Агар жизя берилмасдан икки йил ёки ундан кўпроқ йил ўтса, у икки йил бир бирига қўшилмайди. Худди барча қарзларни тўлаш вожиблиги каби, жами жизяни тўлаш ҳам вожиб бўлади. Жизяни адо қилиш учун зиммийнинг матоси сотилмайди.

Жизяда фақатгина тилла, кумуш таъйин қилинмайди. Жизя тилла, кумуш ҳамда улардан бошқа матолар ёки ҳайвонлар бўлиши ҳам жоиз бўлади. Шунингдек, жизяни қийматга чақиб уни ўрнини босадиган нарса олса ҳам бўлади. Муозни Яманга юбориш тўғрисидаги ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ Муозга зиммийлардан балофатга етган ҳар бир кишидан бир динор ёки уни баробаридаги кийим олишини буюрганлари келгандир. Шу билан бирга, Расулуллоҳ ﷺ Нажрон аҳли билан 2000та тўнга сулҳ қилганлар. Улар унинг ярмини сафар ойида, қолган ярмини ражаб ойида беришган. Умар رض динор, дирҳамнинг ўрнига жизяда, чорва ва дон олар эдилар. Бошқа халифалар ҳам худди шундай йўл тутишган. Шу бугунги кунларда жизяни тўлиқ олиш ва сақлаш ҳамда тақсимлашни осонлаштириш учун, жизяни муомалада юрган пуллардан қилиш жоиз бўлади.

Жизянинг сарф қилинадиган ўрни

Жизянинг сарф қилинадиган ўрни хирож, ушр, ўлжа молларидек эканлигига мусулмонларда ҳеч ким ихтилоф қилмади. У байтулмолга қўйилади. Халифа мусулмонларнинг ишларини бошқариш, ҳожатларини бажо келтиришда ижтиҳоди ва раъийга кўра мусулмонларнинг манфаатлари ва жиҳод йўлида ишлатади.

ЖАМОАТ МУЛКИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Омма мулки - бу Шореъ мусулмонлар жамоасининг мулки қилган, мусулмонлар орасида умумий қилган, шахслар ундан фойдаланишларини мубоҳ қилган, унга шахсларнинг эгалик қилишини таъқиқлаган нарсалардир.

Бу нарсалар учта асосий турга бўлинади:

- 1) Жамоат кундалик ҳаёти беҳожат бўлмайдиган қулайликлар.
- 2) Унинг табиати, шахсларнинг унга эгалик қилишлик хусусиятини таъқиқлайдиган нарсалар.
- 3) Улкан конлар,

Мана шу учта асосий тур ва бу учтадан чиққан фойдалар, мусулмонлар жамоаси учун улар орасида умумий мулк бўлади. Бу мулк, халифа шаръий аҳкомга мувофиқ ўз ижтиҳоди билан тарқатадиган, мусулмонлар байтулмолининг манбаъларидандир.

Омма мулкларининг биринчи тури

Бу мулк жамоат кундалик ҳаёти учун зарур бўлган сувга ўхшайди. У бўлмаса, жамоат тарқаб кетадиган, умумий ҳаёт қулайликлариридир. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ ֤ бу қулайликлар сифатини унга тааллуқли ҳадисларда жуда ёрқин баён қилиб берганлар. Абу Хурошдан, у киши Расулуллоҳ ֤нинг асҳобларидан баъзиси Абу Харрош ривоятида айтдики: «Расулуллоҳ ֤ дедиларки, мусулмонлар уч нарсада: сувда, яйловда, ўтда шерикдирлар». Бошқа ривоятда эса: «Инсонлар уч нарсада: сувда, яйловда, ўтда шерикдирлар». Яна Расулуллоҳ ֤дан ривоят қилинган ҳадисда: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, ҳар икковига сув, дараҳт умумий бўлади». Абу Хурайрадан ривоят қилинган ҳадисда эса, Расулуллоҳ ֤ айтдиларки: «Сув, ўт, яйлов ман қилинмайди». Бу ҳадислардаги сув, яйлов, ўт Расулуллоҳ ֤ инсонларнинг ҳаммасига мубоҳ қилган нарсаларнинг дастлабкиси эди. Бу нарсаларда уларни шерик қилиб, булардан бирортасини ўзиники қилиб ўраб олишлики ман қилдилар. Чунки бу нарсалар ҳамма мусулмонларнинг ҳаққи эди. Қавм ўз сафарларида Аллоҳ ҳайвонлар учун ўстириб қўйган, бирор киши ҳайдаб, экиб, суғориб меҳнат қилмаган ўсимликлари бор ерга тушади. Бу уч нарса олдин келган кишиларнидир. Бирор киши бошқаларсиз хос ўзи эгалик қилолмайди, лекин бу нарсаларда инсонларнинг таяни, мол, қўйлари биргаликда ўтлайди, сувга ҳам шу каби. Бу нарсаларда инсонлар шерикдирлар.

Умумий мулкчиликнинг бу шакли фақатгина ҳадисларда зикр қилинган уч нарсада чегараланмаган, балки, жамоат қулайликлари деган сифатга эга бўлган ҳамма нарсага тааллуқлидир. Бунинг далили, Расулуллоҳ ֤ «Инсонлар уч нарсада: сувда, яйловда, ўтда шерикдирлар» деган вақтларида, Хайбар ва Тоифда баъзи шахслар учун ўзлари ичган, ҳайвонларини, боғларини сугорган ҳолатда сувга шахсий эгалик қилишларини тасдиқладилар ва бу шахсларнинг қудуқларга эгалик қилишдан қайтармадилар. Бу қудуқлар кичкина бўлиб, жамоатнинг унга ҳожати тушмасди. Бу икки ҳадисни мувофиқлаштиришлик билан аниқ бўладики, жамоат ҳожати тушган сув жамоат мулки бўлади ва шахс мулки бўлиши таъқиқланади. Агар сув озгина бўлиб, жамоатнинг ҳожати тушмайдиган бўлса, шахсий мулк бўлиб, шахсларнинг унга эгалик қилиши

жоиз бўлади. Бу нарсаларга инсонлар эҳтиёжининг ўлчови жамоат ундан ўзининг қундалик ҳаётида беҳожат бўлмаслиги ва қабилалар сув бўлмаса ёки подаларига ўтлоқ бўлмаганда тарқаб кетганидек, унинг талабида тарқалиб кетишидир. Мана шу сабабли жамоат ҳожати тушадиган ва жамоат ўзини қундалик ҳаётида усиз яшолмайдиган ва у бўлмаса, тарқалиб кетадиган ҳар бир нарса омма мулкидир.

Омма мулкининг бу турига бу навда ишлатиладиган асбоблар (қуроллар) ҳам қўшилади. Чунки асбоблар бу нав ҳукмини олади ва бу навга ўхшаш умумий мулк бўлади. Шу сабабли умумий сувларни, яъни, булоқ, чашма, анҳор, кўллар сувини чиқариб олиш асбоблари, сувларни тортиш асбоблари ва инсон манзилларига етказиб бериш трубалари омма мулкидир. Лекин бу асбоблар Нил ёки Фрот дарёлари каби катта дарё ва кўлларга ўрнатилса бу асбоблар шахсий мулк бўлиши мумкин ва ундан шахсий эҳтиёжида фойдаланиш жоиздир.

Канал ва дарёларга каби умумий сувларнинг шаршарасидаги электр пайдо қилиш асбоблари ҳам омма мулкидир. Бу асбоблар омма мулки бўлган нарсалардан токни ҳосил қиласяпти. Шунингдек, электр пайдо қилиш асбоблари, электр станциялари ва симлари, симёфочлар, гарчи электрни генераторлар ёрдамида пайдо қиласа ҳам, омма мулкидир. Чунки агар электр тики кўпинча бўлса ҳам, ёқилғи учун ишлатиладиган нарсалардан бўлса ёритиш ҳам ёқилғига тобе бўлган ҳолда, электр тики таом пишириш, иситиш, ёки корхона асбобларини айлантириш ёки маъданларни эритиш учун ишлатилгани каби бу ҳолда электр тики ўт бўлади, Ўт эса, омма мулкидир. Шунинг учун ўтдан пайдо бўлган нарсалар унинг станциялари, асбоблари, симёфочлари, симлари, ўтга тобе ҳолда омма мулкидир.

Агар бу асбоблар умумий йўлга ўрнатилса, хоҳ ёнилғи сифатида ишлатилсин, ёки ёритиш учун ишлатилсин омма мулкидир. Чунки умумий йўлнинг бирор нарсасини бирор шахс ёки ширкат ўзиники қилиб хослаб олиши жоиз эмасдир. Инсонлар унга эгалик қилишдан таъқиқланадилар. Омма мулкини қўриққа айлантириш фақатгина давлат учун жоиз. Аммо электр тики генератор орқали олинса, генераторлар ва электр станциялар умумий йўлга қўйилмаса, ўз эгаларининг мулкига ўрнатилса, бу асбоб-ускуналар шахсий мулк бўлади ва унга шахс эгалик қилиш жоиздир.

Газ ва тошкўмир омма мулки бўлганлиги учун буларга тобе ҳолда, газ ва тошкўмир ишлаб чиқарувчи корхоналар, заводлар омма мулки бўлиши жоиздир. Газ ва тошкўмир битмас маъданлардан ва ўтдандир, битмас маъданлар ва ўт эса омма мулкидир.

Жамоат мулкининг иккинчи тури

Бу тур ўзининг табиий тузилиши шахсларнинг унга эгалик қилишини таъқиқлайдиган муайян нарсалардир. Унинг бу нави гарчи аввалги навга ўхшаш жамоат қулайликларидан бўлса ҳам, унинг далиллари ичига кирса ҳам, лекин бу навнинг тузилиш табиати аввалги навнинг акси ўлароқ шахсларнинг унга эгалик қилишини таъқиқлайди. Чунки аввалги навнинг тузилиш табиати шахсларнинг бу навга хосланишини таъқиқламайди, шунинг учун жамоат ҳожатлари тушмайдиган кичкина қудуқлар шахсий мулк қилиб берилди.

Аввалги турда келтирилган далиллардан ташқари бу турнинг жамоат мулкидан эканлигининг далили Расулуллоҳ ғанинг «Мино олдин борган кишининг манзилгоҳидир», деганлариdir. Шунингдек, Расулуллоҳ ғанинг жамоат йўл мулкчилигига ўзаро шерикликни тасдиқлашлари бирор шахснинг жамоат йўлига эгалик қилишига ижозат бермасликлариdir. Мино Маккаи мукаррама ташқарисидаги бир макон. Бу жойда ҳожилар тош отиш ва қурбонликларни сўйиш, кўноқ (кечаси ётиш) каби муайян ибодатларини бажариш учун Арофатда туришни бажо қилгандан кейин, ҳожилар тушадиган жой. Расулуллоҳ ғанинг «Мино олдин борган кишининг манзилгоҳидир», деганларининг маъносини «Мино мусулмонларнинг ҳаммасига мулкдир. Минодаги бирор маконга ким олдин борса ва жойлашса ўша жой унивидир. Чунки Мино мусулмонлар учун муштаракдир. Бирор киши учун мулк эмасдир», деб тушунмоқ керак. Жамоат йўли ҳам шу кабидир. Расулуллоҳ ғанисонлар йўлда шерик эканликларини ва барчанинг бу йўлдан ўтиш ҳақлилигини тасдиқладилар ва йўлдан озор берувчи нарсаларни олиб қўйишликни садақа қилиш ўрнида деб ҳисобладилар. Ҳадисда: «Йўлдан озорни кетказиш садақадир», дейилади. Расулуллоҳ ғанинг йўлда ўтиришдан қайтардилар ва дедиларки: «Сизлар йўлларда ўтиришдан сақланинглар». Чунки йўлда ўтириш инсонлар ўтишини тўсиб қийинлаштиради.

Мино воқесига ва жамоат йўли воқесига назар қилган киши уларнинг тузилиши шахслар уларга эгалик қилишининг таъқиқлашини кўради. Ҳожилар ҳаж ибодатларининг баъзисини бажариш учун Минога тушади. Минони тузилиш табиати, уни барча мусулмонлар учун ҳаж ибодотларини бажариш ўрни эканлиги жиҳатидан, муайян бир шахс ёки бир қанча шахсларга хосланишини таъқиқлайди, Арафот, Муздалифа ҳам Мино каби. Иўл ҳам шу каби ҳамма учун ва ҳамманинг ўтиши учун тайёрлангандир. Бирор шахс ёки шахсларнинг эгалик қилишга ҳаққи йўқ. Шу сабабли, Мино ва йўл ҳақида келган далиллар, тузилиш табиати, шахсларнинг эгалик қилишга хосланишини таъқиқлайдиган ҳар қандай муайян нарсага мувофиқдир. Улар жамоат мулки бўлади. Шунга кўра денгизлар, дарё ва анхорлар, кўллар, бўғозлар, Сувайш каналига ўхшаш умумий каналлар, умумий майдонлар, масжидлар жамоат мулки бўлади,

Жамоат мулкининг бу турига поездлар, трамвай, электр симёғочлари, сув трубалари, жамоат йўлидан ўтган канализация трубалари буларнинг ҳаммаси жамоат мулки бўлади. Бирор киши учун жамоат мулки бўлган бирор нарсага эгалик қилиши ва инсонлар учун умумий бўлган нарсани ўзлаштириши жоиз эмас. Чунки Расулуллоҳ ғанинг «Қўриқхона қилиш фақат Аллоҳ ва унинг Расули учундир», деганлар, яъни давлатга хосдир. Ҳадиснинг маъноси бирор киши инсонлар учун умумий бўлган нарсани ўзи учун қўриқ ерга айлантириши жоиз эмас. Поезд, трамвай, электр симёғочлари, сув трубалари, жамоат йўлидан ўтган канализация трубаларини жамоат мулкига айлантирган нарса уларнинг доимий равища жамоат йўлидан бир қисмини эгаллаганлигидир. Шунинг учун бу нарсалар қўриқ қилинган нарсаларга айланди. Қўриқ қилиш эса фақат давлатга жоиздир. Шу боисдан юқоридаги нарсалар жамоат мулки бўлади.

Жамоат мулкининг учинчи тури

Бу тур улкан захиралик конлардир. Бироқ, миқдори оз конлар шахсий мулк бўлиши мумкин. Худди Расулуллоҳ ﷺ Билол ибн Ҳорис ал-Музанийга Ҳижознинг Фаръ деган жойидаги кичик конларни мулк қилиб берганлари каби, Билол Расулуллоҳ ﷺдан бу конни беришларини сўраганда Расулуллоҳ ﷺ унга бу конни ажратиб мулк қилиб бердилар. Шунга кўра, тижорий бўлмаган оз миқдорда мавжуд тилла ва кумуш конлари шахсий мулк бўлади ва буларга шахслар эгалик қилиши жоиздир. Шунингдек, давлат тарафидан шахсларга ажратиб берилиши ҳам жоиздир. Шахслар бу конлардан чиқариб олган нарсаларнинг миқдори қанча бўлишидан қатъий назар уларнинг бешдан бирини байтулмолга беришлари лозим.

Аммо миқдори битмас-туганмас конлар барча мусулмонлар учун жамоат мулки бўлади. Бу конларга шахслар ёки бир шахснинг эгалик қилиши ёки шахс ва шахсларга ажратиб берилиши жоиз эмас. Шунингдек, шахсларга ёки ширкатларга бу конларни қазиб олиш ишларида имтиёз бериш ҳам жоиз эмасдир. Улар муштарак мулк бўлиб қолиши, давлат бу конларни қазиб олмоғи, саралаб эритмоғи ва мусулмонлардан ноиб бўлган ҳолатда сотмоғлиги ва пулини мусулмонларнинг байтулмолига қўймоқлиги лозим бўлади. Бу конлар туз, сурма каби машаққатсиз олинадиган очиқ ҳолатда бўладими ёки тилла, кумуш, темир, мис, қўргошин, қалай, кремний, уран, фосфат ва бошқа конларга ўхшаш фақатгина машаққат билан чиқариб олинадиган ер ости конлари бўладими булар орасида фарқ йўқдир.

Миқдори чексиз конларнинг жамоат мулки эканлигининг далили Абяз ибн Ҳаммол ал-Мозинийдан ривоят қилинган ҳадис: «Абяз ибн Ҳаммол Расулуллоҳ ﷺдан Маъраб деган жойидаги туз конини беришларини сўради ва Расулуллоҳ ﷺ у кишига бу туз конини ажратиб бердилар. У кетгач, ё Расулуллоҳ, унга ажратиб берган нарсангизни биласизми? Унга катта туз конини ажратиб бердингиз, дейилганда Расулуллоҳ ﷺ конни ал-Мозинийдан қайтариб олдилар». Расулуллоҳ ﷺнинг Абяз ибн Ҳаммолдан унга ажратиб берилган кон битмас-туганмас, қўп эканлигини билганларидан кейин қайтариб олишлари, миқдори чексиз конларнинг шахсий бўлиши жоиз эмаслигига далилдир. Чунки бу конлар мусулмонларнинг ҳаммаси учун мулкдир. Гап фақат туз ҳақида эмас, балки тури қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай конга тааллуқлидир. Лекин жамоат мулки бўлишининг шарти битмас кон бўлишлигидир.

Улкан конлар барча фуқаролар учун жамоат мулки бўлганлиги сабабли, давлатга бу мулкларнинг шахсларга бериши ва ширкатлар бу конларни ўз ҳисобларидан чиқариб олишларига рухсат этиши жоиз эмас. Балки, бу конларни мусулмонларнинг ишларини бошқарувчиси сифатида мусулмонлар номидан давлатнинг ўзи чиқариб олиши вожиб бўлади. Улардан чиқариб олинган барча нарсалар мусулмонлар учун жамоат мулки бўлади.

Конларни қазиш учун асбоб-ускуналар, заводлар зарур. Давлат бу ишларни ўз тасарруфидаги ёки жамоат мулкига тегишли бўлган асбоб ва заводлар ёки ёлланган шахслар эга бўлган асбоблар ёрдамида бажаради.,

Агар давлат бу конларни ўзи эга бўлган асбоб ва заводлар ёрдамида чиқариб олса, бу завод ва асбоблар давлат мулкилигicha қолиши ёки жамоат мулкига айлантирилиши ҳам жоиздир. Бу асбоб ва заводлар конлар ҳукмида бўлишлиги учун жамоат мулки бўлиб қолиши афзалдир. Бу ҳукм, яъни асбоб ва заводлар

жамоат мулки бўлишлиги Анас (РА)дан ривоят қилган ҳадисга кўра: «Расууллоҳ ﷺ ароқдан ўн тоифани лаънатладилар: шулардан ароқ сиқтирувчиси ва сиқувчиси. Ибн Умардан ривоят Қилган ҳадис: «Ароқ ўнта кўринишига кўра лаънатланади: ароқ ароқ бўлганлиги учун, ичувчиси, сугорувчиси, сотовчиси, сотиб оловчиси, сиқтирувчиси, сиқувчиси... лаънатланади», денилган. Ҳадисдан олинган ароқнинг ҳаромлигига мувофиқ ароқ ишлаб чиқариш ва ароқ заводларига эгалик қилишнинг ҳаромлиги далили келиб чиқди. Бу ароқ ҳақидаги ҳадислар узумни ароқ қилиш мақсадида сиқишни ва ароқ ишлаб чиқаришни ҳаром қилди, лекин, ароқдан бошқа нарса учун узумни сиқиш мубоҳдир Узумни айнан ароқ олиш учун сиқиш ҳаромдир. Шу сабабли ароқ ишлаб чиқариш ҳаром қилинади ва ароқ ишлаб чиқаришга мувофиқ ароқ ишлаб чиқарадиган заводларга эгалик қилиш ҳаром қилинди. Давлат битмас конларни чиқариб олиш учун эга бўлган асбоб ва заводларнинг жамоат мулки бўлиши конларнинг жамоат мулки бўлганлиги сабаблидир. Шунга кўра, бу асбоб ва заводларнинг пуллари жамоат мулки кириларидан ҳисобланади.

Аммо, давлат бу конларни ёлланган шахсларга ҳақ тўлаш билан ёки шахслар эгалик қилаётган асбоблар ёрдамида қазиб олишига келсак, бу асбоб ва заводларни шахсий мулк эканлиги эътибори билан, шахсий мулк бўлиб қолади. Дарҳақиқат, Расууллоҳ ﷺ шахслар учун заводлар ва асбобларга шахсий мулк сифатида эгалик қилишларини тасдиқлаганлар ва саҳобалар ҳузурида ўз минбар ва узукларини ясаттирилар.

Лекин, бу асбоб ва заводларни шахсларга мулк бўлиши инсонларга асбоблар билан катта конларни ўzlари учун қазиб олишда ишлатиши мубоҳ қilmайди. Чунки конлар барча мусулмонлар учун мулкдир. Мусулмонлардан бирор киши бу конларга ёлғиз ўзи эгалик қилиши жоиз бўлмайди. Бундай асбобларни давлат конларни қазишда ишлатиши учун ижарага, маълум ҳақ эвазига олиши жоиз. Давлат бу конлардан чиқариб олган барча нарсалар, барча мусулмонлар учун жамоат мулки бўлади. Чиқариб олинган нарсалардан тушган даромад жамоат мулки девонидаги байтулмолга қўйилади. Булар гарчи барча мусулмонлар мулки бўлса ҳам байтулмол кириллар учун сақланадиган ўриндир.

Шулар сабабни битмас конлар ва нефтни чиқариб олиш асбоблари ва заводлар шахслар ёки ширкатлар мулки бўлганидек давлатники ва жамоат мулки бўлишлиги жоиздир.

Жамоат мулки бўлган нарса ва уларнинг кириларидан фойдаланиш қоидалари

Жамоат мулкининг муайян нарсалари ва кириллари барча мусулмонлар учун муштарак бўлган мулклиги сабабли ҳар бир фуқаронинг бундан ва кириларидан фойдаланиш ҳуқуқи бордир. Бу шахслар эркак бўладими, аёл бўладими, катта бўладими, кичик бўладими, солих бўладими ёки бўлмайдими фарқи йўқ.

Жамоат мулкининг нақд нарсалари ундан фойдаланиш кайфиятида баробар эмас. Жамоат мулкининг баъзисидан бевосита ёки билвосита фойдаланиш осон бўлади, баъзисидан эса осон бўлмайди.

Биринчи қисм: Сув, яйлов, ўт, умумий йўллар, денгизлар, дарё, кўллар, катта каналлар. Шахснинг ўзи бевосита сув, яйлов, ўтдан фойдаланиши, қудуқ ва

чашма, дарёлардан сув ичиши ва булардан сув олиши, ўз молларини суғориши ва яйловларда чорваларини боқиши, ўрмондан ўтин териши.

Шахс экин ва дарахтларини сугориш учун катта дарёга ўзининг сув тортиш жиҳозини ўрнатиши мумкин. Чунки катта дарё инсонларнинг ҳаммасига етарлидир. Шахс ўз анжомини ўрнатиши бирор мусулмонга зарар бермайди. Ҳар бир шахс умумий йўлдан, денгиздан, дарёлар, Сувайш канали каби умумий каналлардан фойдаланиши жоиз бўлгани каби, шахс жамоат йўлидан ўзи ёки ҳайвонлари ва машинаси билан ҳам ўтиши жоиздир. Денгиз, дарё ва умумий каналлардан ўз улови, кемалари билан кесиб ўтиши жоиздир. Чунки бу бирор мусулмонга зарар бермайди.

Жамоат мулкининг иккинч кисми бевосита фойдаланиш осон бўлмай, мاشаққат ва меҳнат қиласидиган қисмдир. Улар нефт, газ конлари каби мешаванд, мешаванд талаб қиласиди. Албатта, давлат мусулмонларга бошқаш бўлиб, бу конни қазишини ўз зиммасига олади ва киримларини мусулмонларнинг байтулмолига қўяди. Халифа ижтиходига мувофиқ мусулмонларнинг манфаатлари учун бу конлар маҳсулотини ва киримларини тарқатади.

Жамоат мулки маҳсулотларини ва киримларини тарқатишда халифа қўйидагича йўл тутиши мумкин.

Бириңчи: умумий мулкка тааллуқли нарсаларга сарфланади:

1) Жамоат мулки девонига, биноларига, идора қайдномаларига, текширувчиларига ва ишчиларига;

2) Маслаҳатчиларга, мутахассисларга ва нефт, газ конларини қазиб, очиб, буларни ишлаб чиқариш, қайта ишлашда ва сувни чиқариб етказишда ва электр ишлаб чиқариш, уни етказишда хизмат қилувчи ишчиларга;

3) Асбоб-ускуна, заводларни ва нефт, газни чиқариб, тозалаш учун ва конларни ишлаб чиқариб, тозалаб, истеъмолга яроқли қилиш учун лозим бўлган нақлиёт воситаларини сотиб олишга ҳамда жамоат мулкининг муайян нарсаларини қайта ишлаб ундан фойдаланиш учун лозим бўлган асбоб-ускуна ва заводларга;

4) Сувни чиқарыб тортувчи асбобларга, сувни етказувчи трубаларга;

5) Электр пайдо қилувчи генераторларга, электр станцияларга, уларнинг симёғоч ва симларига;

6) Поездлар, трамвайларга;

Бу сарфларнинг ҳаммаси жамоат мулкига ва жамоат мулки идораларига ва ундан фойдаланиш учун қайта ишлашга тааллуқли бўлади, Шунинг учун буларни барчасига жамоат мулки киримларидан сарф қилинади, худди, закот садақаларини йиғувчи омилларга садақа молларидан сарфлангани каби, (Закот сарф қилинадиган саккиз тоифанинг бири омиллар, яъни, закот йиғувчилардир). Дарҳақиқат, Аллоҳ омилларга, яъни, садақа йиравчиларга садақа йиғишлари эвазига садақадан насиба қилди.

وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا

„Садақа йиғувчиларга».

[9:60]

Иккинчи: Умумий мулкни унинг киримларига эга бўлган мусулмонларга тарқатиш: Бунда халифа муайян шакл билан чекланмайди. Халифа сув, электр, нефт, газ каби мусулмонлар ўз уйларида, бозорларида муҳтож бўлган

нарсаларнинг барчасини бепул тарқатиши жоиздир. Халифа мусулмонларга жамоат мулки фойдаларининг нақд пулини тарқатиши жоиз бўлгани каби, нақд жамоат мулкини ўз таннархига ёки бозор нархи билан сотиши ҳам жоиздир. Буларнинг ҳаммасида халифа мусулмонларга яхшилик ва манфаат бор деган раъйи асосида иш юритади.

Учинчи: Бугунги кунда, давлат масъулияти кенгайиб, сарфлари ҳам зиёдалашгандан кейин, давлат сарф-харажатлари кўпайиб кетганлиги ва байтулмол киримларидан бўлмиш ўлжа, жизя, хирож, ушр, хумслар давлат сарф-харажатларини қопломаганлиги сабабли, худди Расулуллоҳ ﷺ ва у кишидан кейин барча халифаларнинг даврида бўлгани каби, ҳаёт воситалари, маданий шакллар, айниқса, ҳарбий қуролга тааллуқли нарсалар кучли ривожланди. Булар улкан сарф-харажат талаб қилиши табиий. Шу сабабли давлат учун байтулмолда мол бўлган ва бўлмаган ҳолда байтулмол зиммасидаги, байтулмолда мол бўлмаганда мусулмонлар бериши вожиб бўладиган сарфларни қоплашга қодир бўладиган бошқа манбаъ лозимdir. Байтулмолга сарфлаш вожиб бўлган сарфлар, давлат идора ва девонлари, яъни муассасалари харажати, ҳокимларнинг ойлик ҳақлари, ҳарбийларнинг озиқовқати, ишчилар ойликлари каби ва уммат ундан беҳожат бўлолмайдиган, унинг йўқлиги сабабли умматга заар етадиган сувни мўл-кўл қилиш, йўл очиш, мадраса ва университетлар, масжид ва шифохоналарга, мусофиirlарга, етимларга, бева, ожиз, муҳтожларга сарфлаш каби ва жиҳоднн фарзлигига, қувватли армия тайёрлашга ва Аллоҳ таолони сўзига жавобан;

وَأَعْدُوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهُبُونَ بِهِ عَدُوُ اللَّهِ وَعَدُوُّكُمْ وَآخَرِينَ
مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمْ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ

„Улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлангизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган Аллоҳ биладиган бошқаларни ҳам қўрқитурсиз». [8:60]

Жиҳод талаб қиласидиган атом, ракета, самолёт, танк, артиллерия, кема ва бошқа ривожланган қуролларни ишлаб чиқариш учун оғир санаотни ривожлантиришга сарфлаш жиҳатларининг ҳаммаси сарф-харажат учун улкан манбаъга муҳтож бўлади. Бу жиҳатларга сарфини қоплаш учун халифанинг олдида футуҳотлардан (жиҳод йўли билан шаҳарларни очиш) қеладиган нарсалардан ташқари уч йўл бор.

- 1) Ажнабий давлатдан ва халқаро молиявий муассасалардан қарз олиш;
- 2) Нефт ва газ конлари каби баъзи жамоат мулкининг муайян нарсаларини қўриқлаб қўйиш;
- 3) Умматга солиқ солиш.

Ажнабий давлатдан ва халқаро молиявий муассасалардан қарз олиш шаръан жоиз эмас. Чунки бу давлат ва муассасалардан олинган қарзлар рибовий фойда ва шартлар билан бўлади. Рибо билан бўлган қарзлар шахс учун бўладими, давлат учун бўладими, шаръан ҳаромдир. Шартлар асосида қарз бериш эса ажнабий қарз берувчи давлат ва муассасани мусулмонларга ҳукмрон қилиб қўяди ва мусулмонларнинг ирова ва тасарруфларини қарз берувчи давлат муассасалар иродасига боғлаб қўяди. Бу эса, шаръан жоиз эмасдир. Дарҳақиқат, бугунги кунда халқаро қарзлар Исломий мамлакатлар,

шашарлар учун энг хатарли балолардан ва уларнинг мусулмонлар юртлариға ҳукмрон бўлиш сабабларидан бўлди. Модомики, уммат мусибатларни бошидан кечираркан, халифа сарф-харажатларини қоплаш учун давлатлараро қарзларга мурожаат қилиши жоиз бўлмайди.

Жамоат мулкидан бўлган баъзи нарсаларини қўриқ қилиб олиш

Халифага нефт, газ, бошқа конлардан иборат жамоат мулки бўлган нарсаларни, газ ва нефт қудуқларини, фосфат, тилла, мис конлари каби конларни қўриқ қилиш ва уларнинг киримларини мусулмонлар манфаати юзасидан ўта муҳим жиҳатларга сарфлаши шаръян жоиздир. Бу йўлни тутиш юқорида зикр қилинган жиҳатларга сарфланадиган харажатларни етарли, мўл-кўл қилиш учун фойдали йўлдир. Халифа қўйидагиларга суюнган ҳолда қўриқ қилиши жоиздир.

1) Расулуллоҳ ﷺ ва у кишидан кейинги халифалар жамоат мулкига кирувчи маконларни қўриқ қилишган. Ибн Аббос, Саъб ибн Жусомодан ривоят қилиб дедилар: «Расулуллоҳ ﷺ «Қўриқ фақат Аллоҳ ва Расули учундир», дедилар. Бу ҳадиснинг маъноси қўриқ қилиш фақатгина Аллоҳ ва Расули, жиҳод, камбағал, мискин ва барча мусулмонларнинг манфаатлари учун давлатга хосдир. Бу қўриқ қилиш жоҳилиятда зўравон киши ўзи учун бирор маконни қуриқ қилиб олганидек бўлмаслиги керак. Нофиъ Ибн Умардан ривоят қилиб айтадиларки: “Расулуллоҳ ﷺ Нақийни (Мадинадаги маълум жой) мусулмонларнинг отлари учун қўриқ қилдилар”. Шунингдек, Абу Бакр ؓ Робзани садақа туялари учун қўриқ қилиб, бу жойга қуллари Абу Саламани омил қилдилар. Шунингдек, Умар ؓ Робзанинг ён бағрларини қўриқ қилиб, Ҳаний деган қулларини у жойга қўриқчи қилдилар.

Бу қўриқ қилиш ўт-ўлан ва яйлов маконлари учун бўлган эди. Ўт-ўлан ва яйлов жамоат мулкидир. Расулуллоҳ ﷺ қўриқ қилган Нақийъ Мадина ташқарисида бўлган эди. Бу жойда сув тўпланиб қоларди ва қачон сув қуриса, бу жойдан ўт ўсиб чиқарди, яъни барча мусулмонларга мулк бўлган эди. Дарҳақиқат Абу Убайда: “Қўриқ қилиш фақатгина Аллоҳ ва Расули учундир” дейилган ҳадисни зикр қилганларидан кейин. Бунинг баёнида дедиларки: «Бизнинг раъйимизча, Аллоҳу аълам. ҳадисда кайтарилиган қўриқ қилишдан мурод Аллоҳнинг Расули барчани шерик деб эътибор қилган нарсаларни қўриқ қилишдир. У сув, яйлов, ўтдир».

Расулуллоҳ ﷺ ва Абу Бакр ؓ ва Умар ؓ ўzlари қўриқ килган маконларни Аллоҳ йўлида отлар ва садақотларнинг пода ва туялари учун хосладилар ва бошқа от-туяларни бу жойда боқишини таъқиқладилар». Омир ибн Абдуллоҳ ؓ Ибн Зубайр ؓ отларидан бўлган ривоятида айтилдики: «Аъробий Умар ибн Хаттоб ؓга келиб, эй, амирул мўминин, жоҳилиятда юртимиз учун урушдик ва ўз шаҳарларимизда Исломга кирдик, нима учун уни қўриққа айлантирасиз?» деди. Ровий айтадиларки, Умар ؓ мўйлабларини бураган ҳолда сукут қилдилар. Умар ؓни бирор иш қийнаб қўйса, мўйлабларини бураб уф тортардилар. Аъробий Умар ؓнинг ҳолатини кўргач, сўзини қайтара бошлади. Сўнгра Умар ؓ «Мол Аллоҳнинг моли, бандалар Аллоҳнинг бандалариридир. Аллоҳга қасамки, агар Аллоҳ йўлида ишлатиладиган нарсалар бўлмаганида эди, (яъни, от-туялар) ердан бирорбир қарични қўриқ қилмаган бўлардим». Асламдан ривоят қилинган ҳадисда айтдиларки: «Умар ибн Хаттоб ؓ Ҳанийни

Робза қўриқхонасиға омил қилган пайтларида шундай деганларини эшитдим: «Эй,, Ҳаний, инсонлардан қўлингни тий ва мазлумни дуосидан қўрқ, чунки у ижобат қилнингандир, озгина туя, қўй эгаларини киргизгин ва Усмон ибн Аффон , Абдурраҳмон ибн Авф  чорваларини менга қўйиб бер. Албатта, бу иккисининг чорваси ҳалок бўлса, хурмо ва экинлари бор. Агар бир мискиннинг чорваси ҳалок бўлса, мени олдимга эй, амирул мўминин, пичан менга енгилроқми ёки тилла-кумушни заарими? деб қичқириб келади, Албатта бу ер уларнинг ерлари. Жоҳилиятда унинг учун урушдилар ва шу ерларда Исломга кирдилар. Улар бизни зулм қиляпти, деб ўйлашяпти. Аллоҳ йўлида ишлатиладиган подалар бўлмаганда эди шаҳарларидан ҳеч қачон бирор нарсани қўриққа айлантирмас эдим».

Бу ҳадис ва ривоятлар жамоат мулкидан жиҳод ва ўнга тааллуқли бўлган нарсаларни қанчалик кўп бўлмасин ва мусулмонларнинг бошқа манфаатлари учун муҳтоҷ бўлинадиган жамоат мулкини давлатнинг уни қўриққа айлантириши жоиз эканлигига ёрқин далилдир.

2) Албатта, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло мусулмонларнинг барчаларига бойларига, камбағалларига моллари ва жонлари билан жиҳод қилишни фарз қилган:

لَكِن الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ جَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ وَأُولَئِكَ لَهُمُ الْحَيْرَاتُ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

„Лекин Пайғамбар ва у киши билан бирга иймон келтирган кишилар моллари ва жонлари билай жиҳод қилдилар. Барча яхшиликлар ўшалар учундир ва иажот топгувчилар ҳам уларнинг ўзиdir». [9:88]

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ

„Иймои келтириб, ҳижрат қилиб, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи кимсалар... « [8:72]

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَأُبُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ

„Ҳақиқий мўминлар, Аллоҳга ва Расулига иймон келтириб сўнгра гумонга бормаган, моллари ва жонлари билай Аллоҳ йўлида жиҳод қилган кимсалардир ва улар (ўз иймонларига) содиқдирлар». [49:15]

وَقَاتَلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ

„Аллоҳ йўлида жанг қилингиз!» [2:190]

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ

„Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиган кимсаларга қарши жанг қилингиз!» [9:29]

وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ كَافَةً كَمَا يُقَاتِلُونَكُمْ

„Барча мушриклар сизларга қарши жанг қилгани каби, сизлар ҳам барча мушрикларга қарши жанг қилингиз!» [9:36]

Бу оятлар мусулмонларга жон ва мол билан жиҳод қилиш вожиб бўлишининг ёрқин далилидир. Расулуллоҳ ﷺ ва у кишидан кейинги халифалар замонларида мусулмонлар, жиҳодга моллари ва жонлари билан чиқардилар. Мусулмонлар жиҳодда зарур бўлган қурол, от, тую, озиқ-овқатларни давлат уларга тайёрлаб беришини кутмасдан, ўзлари тайёрлардилар. Чунки бу нарсаларни Аллоҳ уларга фарз қилган.

Мана шуларга биноан, жиҳод ва жиҳодга лозим бўлган нарсаларга сарфлашнинг вожиблиги, байтулмолда мол бўлмагандан мусулмонларга кўчади. Халифа бу жиҳатларга сарфлаш учун лозим бўлган молни мусулмонлардан олиши ёки мусулмонлардан олмасдан мусулмонларнинг мулки бўлган жамоат мулкини қўриқда айлантириб, унинг киримларидан олиши жоизdir.

3) Умар ибн Хаттоб Ироқ, Шом, Миср ерларини қиличлари билан фатҳ қилган кишиларга, улар бу ерларни тақсимлаб беришни талаб қилганларида, бу ишни рад этди. Шу билан бирга Умар ﷺ улар бу юртларни фатҳ қилишганини ва бу ерлар улар учун ўлжа эканини, ўлжа ўлжа олувчиларга берилишини ва бешдан бир қисми жангчиларга тақсимланишини билардилар. Расулуллоҳ ﷺ Хайбар ерини Хайбар жангига ҳозир бўлган жангчиларга тақсимлаганларини ҳам билардилар. Мана шуларга қарамасдан, ўлжа оятлари мазмунига биноан ва ундан давлат манфаатларига, аскарларга, чегараларга, камбағалларга, мискинларга, етим, беваларга нафақа қилинадиган ва ундан мусулмонларнинг манфаатларини бажарган киши учун ҳам нафақа қилинадиган доимий манбаъни мавжуд бўлишини лозимлигини билиб, бу ерларни жангда ҳозир бўлган мусулмонларга тақсимлашни рад қилдилар. Чунки Умар ﷺ уларга ва маслаҳат учун чақирилган ансорларга шундай деган эдилар: «Мусулмонлар ерларни кофиirlари билан эгалланиб кетган ҳолда кўрсалар, ерлар ота-боболардан мерос бўлиб қолса, кейинги келган мусулмонлар нима қиласди? Бу тўғри раъй эмас. Агар Ироқ ери ўз кофиirlари ва Шом ерлари ўз кофиirlари билан тақсимланса, нима билан чегаралар тўсилади? Бу шаҳарлардаги, шунингдек, Шом, Ироқ ерларидаги болалар, бевалар нима бўлади?». Ансорларга Умар ﷺ шундай дедилар; «Ерларни ўз кофиirlари билан ушлаб туриш ва уларга хирож қўйишни (яъни, солиқ ундиришни) раъй қилдим. Бу моллар мусулмонлар, жангчилар, болалар ва булардан кенингилар учун ўлжа бўлади. Сизлар бу чегараларда доим турадиган кишилар лозимлигини ва Шом, Жазийра, Кўфа, Басра, Миср каби катта шаҳарларни аскарлари билан тўлдириш зарурлигини, буларга жуда кўп жамоат кераклигини биласизларми? Агар ерлар ва кофиirlар тақсимланса, буларга ҳақларни қаердан берилади?».

Мана бу тортишув ва ҳужжатлар, албатта Умар ﷺ жиҳодга ва давлатга харажат лозим бўлган жиҳатларга сарфлаш учун событ, доимий манбаъни мавжуд қилиш лозимлигини идрок қилганининг далилидир. Умар ﷺ Ироқ, Шом, Мисрда фатҳ қилинган ерлар исталган манбаъ эканлигини кўрди. Шунинг учун бу ерларни фатҳ қилганларга тақсимламади. Умар ﷺ бу ерларни, ер эгалари тўлайдиган хирож эвазига бу хирожни барча мусулмонларни манфаатлари йўлида сарфлаш учун ўз эгаларида қолдирди.

Халифа байтулмолда мол бўлмагандан, мусулмонларга вожиб бўладиган жиҳатларга сарфлаш учун жамоат мулкидан, барча мусулмонлар учун мулк бўлган нарсаларни қўриқ қилиши афзаллик жиҳатидан жоиз эканлигини кўрсатади.

ЕР, БИНОЛАР, ҚУЛАЙЛИКЛАРДАН ИБОРАТ ДАВЛАТ МУЛКЛАРИ ВА УНИНГ КИРИМЛАРИ

Барча мусулмонларнинг ҳаққи бўлган, бироқ омма мулки каторига кирмайдиган ҳар бир нарса давлат мулкидир. Давлат мулки ер, бино ва кўчувчи нарсалар каби, шахсий мулкчиликни қабул қилувчи айни мавжуд нарсадир. Лекин бу нарсаларга барча мусулмонларни ҳаққи тааллуқли бўлганлиги сабабли, бу нарсаларни тадбир килиш, улар устида иш юритиш, уларни тасарруф қилиш халифага топширилгандир. Чунки халифа, барча мусулмонларнинг ҳаққига тааллуқли бўлган ҳамма нарсаларни тасарруф қилишда салоҳият эгасидир. Давлат мулкининг нарсалари жамоат мулкидан бўлмаганлиги сабабли халифа шахсларга давлат мулкини аслини ёки манфаатларини мулк қилиб бериш жоиз, лекин халифа омма мулкининг аслини бирор шахс ёки жамоатга мулк қилиб бериши жоиз эмас. Шунинг учун барча мусулмонларнинг ҳаққига тааллуқли бўлган ер, бино ва шу каби нарсалар давлат мулкидир. Чунки давлат бу нарсалар устида иш юритишга ҳукмрондир. Бу давлат мулкчилигининг маъносидир.

Давлат гарчи умумий мулк ва давлат мулкини бошқарса ҳам, бу икки мулкчилик орасида фарқ бор. Нефт, газ, битмас конлар, денгиз, анҳорлар, булоқ, майдон, ўрмон, яйлов, масжидлар каби жамоат мулкига киравчи нарсаларни халифа бирор шахс ёки жамоатга, бу нарсалар барча мусулмонларнинг мулки бўлгани сабабли, бериши жоиз эмас. Халифа муайян тадбир билан мусулмонларнинг ишларини бошқариш ва манфаатларини ўташдаги ижтиҳодига мувофиқ барча мусулмонларнинг бу мулкдан фойдаланишига имкон яратиб бериши лозим.

Аммо давлат мулкига киравчи ер ва биноларни халифа шахсларга ернинг аслини ва манфаатини ёки фақат манфаатини мулк қилиб бериши ёки мусулмонлар учун манфаат бор деган эътибор билан бу ерларни ўзлаштиришга ва эгалик қилишга Рухсат бериши жоиздир.

Давлат мулкининг турлари

1- Саҳролар, тоғлар, денгиз соҳиллари, шахсларга мулк бўлмаган бўз ерлар.

Барча саҳро, тоғ, тепалик, водий, денгиз соҳиллари ва мутлақо дехқончилик қилинмаган қаровсиз ёки дехқончилик қилиб кейин бўз ерга айланган ерлар, буларнинг ҳаммаси бўз ер деб эътибор қилинади ва давлат мусулмонларга фойда келтиради деган раъйига ва ижтиҳодига мувофиқ тасарруф қиласди. Халифанинг бу ерларни ажратиб, ўзлаштиришга ва тош билан ўрашга изн бериши жоиздир. Билол ибн Ҳорис алМузанийдан ривоят қилинган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ ﷺ Билолга Ақиқнинг (макон) ҳаммасини ажратиб бердилар. Бошқа ривоятда Расулуллоҳ ﷺ Билол ибн Ҳорис алМузанийга денгиз билан харсанг тош орасини ажратиб бердилар. Амр ибн Шуъайб оталаридан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ Музайна ёки Жуҳайнა қабиласидан бўлганларга ер ажратиб бердилар. Адий ибн Хотамдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ Фурот ибн Ҳаййон ал-Ажалийга Ямомадаги ерни ажратиб бердилар. Абяз ибн Ҳаммол ал Мозаний ривоят қилган ҳадисда, Абяз Расулуллоҳ ﷺдан Маҳрабдаги туз конини ажратиб беришларини сўради ва унга Расулуллоҳ ﷺ ажратиб бердилар. Ровий айтадиларки, Абяз кетгач: «Ё Расулуллоҳ, нимани

ажратиб берганингизни биласизми? Унга миқдори катта конни ажратиб бердингиз», дейилганды, Расулуллоҳ ғундан қайтариб олдилар, дейдилар. Амр ибн Диңор ривоят қилган ҳадисда Амр айтади: «Расулуллоҳ ғуда Мадинаға келгач, Абу Бакр ва Умар ғана ер ажратиб бердилар, Шунийнгдек, Расулуллоҳ ғуда Зубайр нбн Аввомга кенг ер ажратиб бердилар. Унга Нақийъни ўлик ерларидан от чоптирадиган, дараҳт ва хурмо бор жойни ажратиб бердилар». Товус Лайсдан ривоятида айтдики: «Расулуллоҳ ғуда дедиларки; «Оддий ер Аллоҳ ва Расулинивидир, сўнгра сизлар учундир. Ким ўлик ерни ўзлаштираса, у унинг учундир».

Абу Бакр, Умар, Зубайр, Билол ал-Музаний, Абяз ибн Ҳаммол, Фурот ибн Хаййон Музаний ёки жуҳайналиклар ва бошқаларга Расулуллоҳ ғуда ер ажратиб берганларини баён қилган бу ҳадислар саҳролар, тоғлар, водийлар, бирор кишига мулк бўлмаган бўз ерлар давлат мулки бўлишини кўрсатади. Халифа бу ерларда мусулмонлар учун фойдали деб билган раъи билан иш кўради. Расулуллоҳ ғуда ерлардан юқоридаги шахслар учун ажратиб беришлари Расулуллоҳ ғуда мерос жиҳатидан ва фатҳ жиҳатидан хос мулк бўлмаган ҳолда, тасарруф қилишлари, бу ерлар давлат учун мулк эканлигига ёрқин далолат қиласди. Агар бу ерлар давлат мулки бўлмаганда Расулуллоҳ ғуда бўлиб бермаган ва давлат у ерга ҳукмронлик қилмаган бўларди. Товуснинг ҳадислари бу ерлар, Аллоҳ ва Расули, сўнгра бошқа мусулмонлар учун мулк эканлигини равшанлаштиради.

«Аллоҳ ва Расулининг мулки» давлат мулки маъносини ифодалайди. Расулуллоҳ ғуда инг бу ерларга эгалик қилишлари, Расулуллоҳ ғуда учун бу ерларга ҳукмронлик ва бу ерларни тасарруф қилиш ҳуқуқини беради. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ ғуда ҳукмронликлари ва бу ерларни тасарруф қилиш ҳуқуқи ўзларидан кейинги халифаларга кўчди. Шунийнг учун Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али ғана ва улардан кейин келган халифалар, Расулуллоҳ ғуда инсонларга ер ажратиб берганларидек, саҳролар, тоғлар, бўз ерларни давлат мулки эканлигини ва ўзларининг тасарруф қилишда салоҳият эгаси эканликтарини тушунгандарни сабабидан одамларга бўлиб беришарди. Шунийнгдек, саҳобалар ва мусулмонлар бу саҳролар, тоғлар, бўз ерларда барча мусулмонларнинг ҳаққи борлигини ва бу ерларга ҳукмронлик қилиш давлат ҳаққи эканлигини Расулуллоҳ ғуда улардан кейинги халифалар бу ерларни идора қилишда ва ишларини тадбир қилишда, ажратиб беришда, ўзлаштиришда ва обод қилишда ўзларида салоҳият борлигини тушунишарди. Шунийнг учун Зубайр Ибн Аввом ва Абяз ибн Ҳаммол ва Билол ибн Ҳорис ал-Музаний, Абу Саълаба Хошаний, Тамим ад-Дорий ва бошқалар Расулуллоҳ ғуда ер ажратиб беришларини талаб қилишди. Шунийнгдек, Басра аҳли Сақиф қабиласидан бўлган Ноғиъ Абу Абдуллоҳ Умар ибн Хаттобдан отига беда экиш учун Басрадаги хирожий бўлмаган, бирор мусулмонга зарар келтирмайдиган ерни ажратиб беришини талаб қилди. Шунийнгдек, Касийр ибн Абдуллоҳ оталаридан, оталари боболаридан қилган ривоятда айтиладики: «Биз Умар ибн Хаттоб билан бирга ўн еттинчи йил Умра зиёратидан келдик. Умар ғана йўлдаги сув аҳли (яъни, қишлоқ аҳли) Макка ва Мадина орасидаги жойда илгари бўлмаган уйларни бино қилишни айтишди. Умар ғана уларга изн бердилар ва уларга мусоғир сувга ва сояга ҳақли эканлигини шарт қилдилар», Шунийнгдек, Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Абу Марям Атийя ибн Қайсдан қилган яна бир ривоятда одамлар Умар ибн

Хаттобдан Дамашқдаги Анзар-Кийсон еридан отхона учун ер ажратиб беришини сўрашди. Мана шу ҳадислардан саҳролар, тоғлар, бўз ерлар давлат мулки эканлиги очиқ маълум бўлади. Халифа бу ерларда ўз ижтиҳодига мувофқ өр ажратиб бериш, ерни ўзлаштириш, сотиш, ижарага бериш, маблағ сарфлаш ёки бундан бошқа тасарруфотлар билан унда мусулмонлар учун яхшилик ва манфаат бор деган раъйига мувофиқ иш юритади.

2—Ўзанлар

Ўзан сув босган ерлардир. Кўфа, ва Басра орасидаги Дажла ва Фрот дарёларини ўраб турувчи тўсиқларнинг баъзиси бузиб ташлангандан кейин, бу дарёларни суви тошиб ҳосил бўлган ўзанлар каби ерларни дехқончиликка яроқсиз қиласидиган нарсалардандир. Аммо, бир замонларда бу ерлар боғ, экинзор бўлган эди. Ўзанлар Қуббод ибн Фийруз даврида ҳосил бўлди. Кейинчалик

бу ерлар ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, мусулмонлар ва форслар орасидаги урушлар сабабли ўзанлар кенгайди. Ҳатто, майдони ўттизга-ўттиз фарсахга етди. Яъни, 27225 квадрат км. Чунки фарсах тахминан 5,5 км.дир. Сув босиб кетганлиги сабабли дехқончиликка яроқсиз бўлиб қолган ерлар бўз ерлар ҳукмини олади, гарчи, илгари бу ерлар бинолари ва дехқончилиги билан обод бўлган бўлса ҳам. Модомики, бирор кишига мулк бўлмас экан, чакалакзорлар, бутазорлар, шўрхок ерлар, ботқоқлар ўзанлар ҳукмини олади.

3—Соф ерлар

Бу халифа байтулмолга қўйишга қарор қилган, аҳли у ердан чиқиб кетгандан кейин эгасиз қолган, фатҳ қилинган мамлакат ерлариdir ёки фатҳ қилинган давлат ҳокимлари, қўмондонлари, урушда ўлдирилган киши, ёки урушда бу ерни ташлаб қочган киши ериdir.

Соф ерларни биринчи бор ажратиб, байтулмол учун хос қилган киши Умар нбн Хаттобdir. Абу Юсуф айтадиларки: «Менга Абдуллоҳ ибн Ави Ҳурранинг қули Абдуллоҳ ибн Валид ҳадис ривоят қилиб дедилар: Умар ибн Хаттоб Ироқ атрофидан ўн тоифанинг ерини соф ерга айлантириди: урушда ўлдирилган киши ерини; урушдан қочган киши ерини; Кисронинг ҳамма ерларини; Кисро оиласига тегишли бўлган ҳамма ерларни; сув босган ерларни; чопарлар юрадиган оралиқ ерларни. Ровий Кисролар учун бўлган тўртта ҳислатни унудим дедилар ва Умар ибн Хаттоб ажратган ерлар етти миллион дирҳам бўлган эди, дедилар».

Халифалик Давлати бир ўлкани фатҳ қилганда, халифа фатҳ қилинган давлатнинг мулкини, ҳокимининг, қўмондонининг, жанг майдонида ўлдирилган душманнинг, ўз ерини ташлаб кочиб кетган кишининг ер ва биноларини байтулмолга қўшиши лозимdir. Халифа бу мулкларни тасарруф қилишда Ислом ва мусулмонлар учун яхшилик бор деб кўрган ижтиҳоди билан иш юритади.

4 - Бинолар ва усти ёпиқ иморатлар

Бу давлат ўзи фатҳ қилган мамлакатлардаги давлат жиҳози, идоралари, муассасалари, қулайликлари, университет ва мадрасалари, завод-фабрикалари учун хос бўлган бинолар ва шу давлатга, ҳокимларига, қўмондонларига, урушда ўлдирилган кишиларига ёки жангдан қочган ёки мусулмонлардан қўрқиб ташлаб қочган кишиларга мулк бўлган ҳар бир қаср ва бинолардир. Бу қаср ва бинолар, усти ёпилган иморатларнинг ҳаммаси мусулмонлар учун ўлжа бўлиб, улар байтулмолга тегишли ва давлат учун мулк бўлади.

Шунингдек, давлат бино қилган ёки байтулмолнинг молларидан сотиб олиб, давлат жиҳозлари ва манфаатлари ёки идоралари, университет ва мадрасаларига, шифохоналарига, давлат ўзи барпо қилган бирор қулайликлар учун ажратган ҳар бир бино ва шифтланган иморатлар давлат учун мулк бўлади. Шунингдек, давлатга ҳадя қилинган, васият қилинган ёки мерос олувчиси йўқ кишидан олган ёки ўлган муртадга ёки муртадлигига кўра ўлдирилган кишига оид бўлган ҳар бир бино ва шифтланган иморатлар давлат мулкидир.

Давлат мулкини ишлатиш

Шореъ, халифага унда яхшилик ва манфаат борлигини раъй қилган ижтиҳодига мувофиқ, мусулмонларнинг ишларини бошқаришни ва манфаатларини адо этишни топширган. Шунинг Учун халифа давлат мулкини имкони борича байтулмол тушумларини мусулмонларга фойдаси умумий бўлган нарсалар билан зиёда қилсин, аммо давлат мулки ишлатилмасдан, фойдаси зое бўлиб, киримлари тўхтаб қолмасин.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ ﷺ ва у кишидан кейинги халифалар бу мулкларни Ислом ва мусулмонлар манфаатидан деб билган ижтиҳодига мувофиқ ишлатардилар.

Давлат мулкини ишлатиш бу давлат тижоратчи ёки ишлаб чиқарувчи ёки ишчи бўлиб қолишини сўнг давлат тижоратчи ё ишлаб чиқарувчилар ё ишчилар тасарруфига ўхшаш тасарруф қилишини англатмайди. Давлат бошқарувчидир. Шунинг учун давлатни, давлат мулкини, инсон ишларини бошқариш ва мусудмонлар манфаатларини ўташ ва ҳожатларини мўл-кўл қилиб бажо келтириш зоҳир бўладиган даражада ишлатиши вожиб бўлади. Мақсад бошқаришдир, бойлик эмас.

Давлат мулкини ишлатиш бир нечта йўллар билан бўлади. Булардан:

1. Сотиш ёки ижарага бериш. Давлат мусулмонларга қулайлик яратиш ўйлида давлат мулки бўлган ер ва биноларни эҳтиёжга қараб сотиш ёки ижарага бериши жоиздир. Бу ер шаҳарлар ичидаги ер бўлса уни бозор ёки бошқа масканлар барпо қилиш учун, шаҳарларнинг ташқарисида ёки шаҳарга яқин бўлса, уларни дўкон қуриш, ҳайвон ва паррандалар боқиши майдони барпо қилиш ёки денгиз ва дарё қирғоқларидағи ер бўлса, бу жойда корхона ёки иқтисодий иншоотлар қуриш учун, обод ер бўлса, бу ерларни деҳқончилик ва дараҳт экишга сотишлиги ёки ижарага бериши жоиздир. Лекин, ер деҳқончилик учун ижарага берилмайди, балки сотилади.

2. Давлат мулки бўлган ҳаммаси ёки аксари дараҳтзор ерларни Расууллоҳ Хайбар, Фадак ва Водил Қуро аҳли билан муомала қилганлари каби, ўша ердан чиққан нарсаларнинг 1/2, 1/3, 1/4га биноан муомала қилишлиги жоиз.

3. Экин экиш, ҳайдаш, қараш учун ишчиларни ижарага олиб, обод экин экадиган ерларда ишлатишлик.

4. Ўзанларни, ботқоқларни, чакалакзорларни, шўрхок ерларда сув ўйларини пайдо қилиш, сувни тортиб қуритиш билан ўзлаштириш, Токи экин экишга, дараҳт ўтқазишга яроқли бўлсин.

5. Ерни ажратиб бериш. Халифа инсонларга давлат мулки бўлган ерлардан, бунда Ислом ва мусулмонларга манфаат бор деб билган раъйига мувофиқ ажратиб бериши. Халифа Исломда баркамол бўлган кишига ёки фозил кишига, шунингдек, қалби Исломга улфатланишини қўзлаган кишига ер ажратиб бериши жоиздир. Халифа ерни обод қилиш ва бекор ташлаб қўймаслик учун ёки фалла ва дон, меваларни кўпайтириш учун ерни ажратиб берганидек, ризқ воситасига муҳтоҷ бўлган дехқонларга ҳам ажратиб бериши жоиздир. Қачонки манфаат ерни ажратиб беришга боғлиқ бўлганда халифага уни ажратиб бериш жоиздир. Дарҳақиқат, Расууллоҳ шунингдек, у кишидан кейинги халифалар бу мавзуда келган ҳадисларда айтилганидек, ерни ажратиб бердилар.

Ерни ажратиб бериш ё ушрий ердан ёки хирожий ердан бўлади. Агар ушрий ердан бўлса ушрий ер бу Араб ярим ороли ва Индонезия каби аҳолиси ўз ихтиёри билан Исломга кирган ерлардир ер ажратиб берилган кишига ернинг аслини ва манфаатини ер бўлиб берилган кишига мулк қилиб, бунда мусулмонларнинг манфаатлари бор деган раъйига мувофиқ абадий ёки чекланган муддатга бериши халифага жоиздир. Бу ерлар ҳеч вақт дехқончилик қилинмаган ёки дехқончилик қилиниб, сўнгра бўз ерга айланган ёки дехқончилик ва дараҳт экишга яроқли ер бўлса, уларни мулк қилиб берилгани жоиз. Бу ҳолатларнинг ҳаммасида мулк албатта, бўз ердан ажратиб берилган ерни ўзлаштириш ва обод ерда дон ва мева экиб дехқончилик қилиш билан собит бўлади. Нисобга етганда закот вожиб бўлган нарсаларда бўлиб берилган ерларда мутлақо хирож вожиб бўлмасдан ушр вожиб бўлади. Чунки ушр ерида хирож вожиб бўлмайди,

Аммо ерни ажратиб бериш хирожий ердан бўлса (хирожий ер Ироқ, Шом, Миср каби куч билан фатҳ қилинган ерлардир) қаралади: агар ажратиб бериш обод ердан бўлса, бу ерга илгари хирож солинган бўлсин ёки хирож солинган бўлмасин, ажратиб берилган ернинг манфаатигина мулк қилиб берилади. Ернинг ўзи мулк қилиб берилмайди. Чунки ернинг ўзи мусулмонлар мулкидир.

Бу ажратиб берилган ерлардан, хирожни адо қилгандан кейин, агар нисобга етса, закот вожиб бўлган экин ва меваларга ушр берилади. Мусо ибн Талҳадан ривоят қилинган ҳадисда: “Усмон ибн Аффон Набий асҳобларидан беш киши Зубайр, Саъд, Ибн Масъуд, Усома ибн Зайд ва Ҳаббоб ибн ал-Аротга ер ажратиб бердилар ва булардан иккиси - Ибн Масъуд ва Ҳаббоб Усмонни тасдиқлаган эди», - дедилар. Абу Юсуф дедиларки, Абу Ҳанифа ривоят қилиб айтадилар: «Абдуллоҳ Ибн Масъуд ва Ҳаббобнинг хирож еридан жойлари бўлган эди, Ҳусайн ибн Алининг, булардан бошқа саҳобаларнинг ва Шурайҳнинг ҳам хирож ери бўлган эди ва ҳаммалари хирожни адо қилишарди».

Аммо ажратиб бериш бўз ердан бўлса, қаралади: агар бу бўз ер абадий ўлик бўлган ер бўлса, ёки илгари обод бўлиб деҳқончилик қилиниб, сўнг хароба бўлиб, хирож солинишидан илгари ўлик ерга айланган бўлса, Кўфа ва Басра орасидаги ўзан ерлар каби, халифа бу ажратиб берилган ернинг ўзини ва манфаатини мулк қилиб бериши жоиз ёки фақат манфаатини мулк қилиб бериши жоиз. Бу ерларга эгалик қилиш ажратиб берилгач, ери бутунлай ўзлаштириш билан эгалик содир бўлади. Гарчи, ажратиб бериш ажратиб берилган кишига бу ерга ҳақлиликни берса ҳам, эгалик бутунлай ўзлаштирилгандан сўнг бўлади. Ўзлаштириш ажратиб берилганидан кейин уч йил муддат ичидан содир бўлиши лозим. Товус ривоят қилган ҳадисда шундай келган: «Тош билан ерни ўровчига уч йилдан сўнг ҳақ йўқдир». Мухаммад ибн Абий ас-Сақафийдан ривоят қилинган ҳадисда ровий айтадики: «Басра аҳлидан бўлган Нофиъ Абу Абдуллоҳ Умар ибн Хаттобдан хирож еридан бўлмаган, мусулмонларнинг бирортасига зарап бермайдиган ери отига беда олиш учун ажратиб беришини сўради. Умар ибн Хаттоб Абу Мусо ал-Ашъарийга, агар ер айтганидек бўлса, ажратиб бер, деб мактуб ёздилар». Усмон ибн Аффон Абу ал-Ос ас-Сақафийга Басрадаги шўрхок ва чакалакзор ери ажратиб бердилар, сўнг бу киши ерни ишлаб ўзлаштиридилар.

Бу ерлар мусулмон киши учун ажратиб берилса, мусулмон кишига бу ердан ушр бериш вожиб бўлади, хирож вожиб бўлмайди. Чунки бу ернинг ҳукми ушр ердан ажратиб бериладиган ва ўзлаштириладиган бўз ер ҳукмидадир. Бу хусусда ҳадислар ворид бўлган Урва оталаридан, оталари Расулуллоҳ ﷺдан ривоят қилган ҳадисда: «Ким бўз ерни ўзлаштиrsa у ер уникидир», дейилган. Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари боболаридан; боболари Расулуллоҳ ﷺдан ривоят қилган ҳадисда: «Ким бўз ерни ўзлаштиrsa, у ер уникидир», дейилган. Агар бу ерлар, зиммий кофирга ажратиб берилса, фатҳ қилингандан кейин аҳллари бу ерга ўzlари тўлайдиган хирож муқобилида жойлаштирилган ер каби хирож тўлаш вожиб бўлади.

Аммо ажратиб берилган бу бўз ер илгари обод бўлган ва хирож вожиб қилинган бўлса, бу ер мусулмонга ёки зиммий-кофирга ажратиб берилса ҳам хирож вожиб бўлади, Чунки фатҳ қилинган ерлардан хирож вожиб қилингандари доимо хирожий ерлигича қолади.

6. Бўз ерни ўзлаштиришга изн бериш ва унга рағбатлантириш. Бу халифа инсонларни ушр ер ёки хирожий ер ёки илгари обод қилинмаган бўз ёки обод бўлиб, сўнгра хароб бўлган ерми, бўз ерни ўзлаштиришга изн бериши ва ўзлаштиришга қизиқтириши билан бўлади.

Ери ўзлаштириш, агар яшаш учун ёки магазин, корхона, ҳайвон ё паррандаларга майдон барпо қилиш учун бўлса, ўзлаштириш бино қилиш ва шифтлаш билан тўла бўлади. Чунки ўзлаштириш яшаш мумкин бўлган ёки магазин, корхоналар учун ишлатиш мумкин бўлган ёки ҳайвон ва паррандаларни қўйиш мумкин бўлган иморатнинг битиши билан бўлади. Агар ери ўзлаштириш деҳқончилик ёки кўчат экиш учун бўлса, ўзлаштириш агар ер қуруқ бўлса, экинлар суфориладиган, тош билан ўраб, бошқа ерлардан ажратиб, у ерга сув олиб келиш ва бу ердан кудуқ кавлаш билан тўла бўлади. Агар ер сув билан тўла бўлса, сувни тўсиш ва сувни қуритиш билан ва ери ҳайдаш, баланд жойларни суриб кетгазиш, чуқур жойларни тўлдириш билан бўлади. Ўзлаштиришнинг тўлиқ бўлиши билан юқорида ўтган ўзлаштиришга

оид ҳадислар ва Оиша ~~нинг~~ Расулуллоҳ ~~дан~~: «Ким бўз ерни ўзлаштиrsa, у ер уникидир», деган ҳадислари сабабли эгалик тўлиқ комил бўлади,

Аммо, тош билан ерни ўрашга келсақ, у билан эгалик тўлиқ бўлмайди. Агар тош билан ўралган ер ўзлаштиришсиз уч йил қолиб кетса, ўровчининг ҳаққи кетади. Товусдан ривоят қилинган ҳадисда ровий айтади: «Расулуллоҳ ~~на~~ экин ер Аллоҳ ва унинг Расулиники, сўнгра сизлар учундир. Ким бўз ерни ўзлаштиrsa, ер ўшаникидир. Тош билан ўраб оловчига уч йилдан кейин ўзлаштирилмаса ҳақ йўқдир».

Ким ушр еридан бўз ерни ўзлаштиrsa, мусулмон бўлсин ёки кофир бўлсин ернинг ўзига ва манфаатига эга бўлади, мусулмон кишига эса бу ердан, мевадонлар агар нисобга етса, закот вожиб бўлади. Мусулмон кишига хирож вожиб бўлмайди, Чунки ушр ерда хирож йўқдир. Аммо кофирга ҳам ушр ва ҳирож вожиб бўлмайди, Чунки кофир закот аҳлидан эмас ва ҳирож ушр ерида вожиб бўлмайди.

Агарда ким илгари хирож вожиб бўлмаган хирожий ердаги бўз ерни ўзлаштиrsa, агар ўзлаштирувчи мусулмон бўлса, ерни асл ўзига ва манфаатига эга бўлади. Агар ўзлаштирувчи кофир бўлса фақат ер манфаатига эга бўлади. Ва мусулмонга бу ердан хирож эмас, ушр, вожиб бўлади ва кофирга эса хирож вожиб бўлади.

Кимки бўз ерга айланишдан илгари хирож вожиб қилинган хирожий ерда бўз ерни ўзлаштиrsa, кофир ё муслим бўлсин, аслига эга бўлмасдан фақатгина манфаатига эгалик қиласди ва унга хирож вожиб бўлади, Чунки у ер хирож вожиб қилинган, фатҳ қилинган ер қоидасига тушади. Шунинг учун бу ерда хирож муслим ё кофир эга бўлишидан қатъий назар бардавомлигича қолади.

Агар ўзлаштириш деҳқончилик учун бўлмай, яшаш, корхона ёки магазин ёхуд майдонлар барпо қилиш учун бўлса, бу ерга ушр ҳам, хирож ҳам йўқ. Ушрий ер бўладими, хирожий ер бўладими фарқи йўқдир. Ироқ, Шом ва Мисрни фатҳ қилган саҳобалар ва Умар ибн Хаттоб даврларида хирож вожиб қилинмаган эди. Улар закот бермадилар, Чунки закот маскан ва биноларга эмас, балки экин ва меваларга вожиб бўлади.

Марофиқ (қулайликлар)

Марофиқ мирфақнинг кўплигидир. Мирфақнинг маъноси эса фойдаланиладиган нарсалар, ҳовли, шаҳар, давлат мирфақлари деган истеъмол бор. Бу лугат араб тилининг «рафақа биҳи» деган, яъни «уни фойдалантириди ва унга ёрдам берди», деган гапидан олинган. Демак, умумий марофиқ деганда барча халқ фойдаланиши учун давлатнинг яратиб берган хизматлари ва қулайликлари тушунилади. Қулайликлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) Почта, хат, телефон, телеграмма, телекс, телевизион алоқалар, ер йўлдоши ва бошқа шу каби нарсалардан иборат хизмат қулайликлари.

2) Омонат қўйиш, пулни алмаштириш, тилла ва кумуш пулларни зарб қилиш ва уларни қўйма ҳолига анлантиришдан иборат банк хизматлари қулайликлари. Давлат бу хизматларни бажаради ва бу хизматлар рибовий эмаслиги учун бу хизматларни бажариш жоиздир.

3) Умумий нақлиёт ва алоқа қулайликлари. Булар умумий йўлда бўлмаган поездлар каби. Чунки умумий йўлдаги поездлар, умумий йўлга мувофиқ, самолётлар ва дengiz нақлиёти каби омма мулкидир.

Бу воситалар шахсий мулқидир ва шахслар әгалик қилиши жоиздир ва бир вақтнинг ўзида давлат, самолёт, поезд, пароходлардан иборат воситаларга, агар бунда мусулмонларнинг манфаатини ва уларга қулайлик яратиш зарурати учун буларда (транспорт воситасида) енгиллик бор деб кўрса, әгалик қилиши жоиз.

4) Заводлар.

Давлат, инсон манфаатларини бошқариш вожиблигига мувофиқ икки хил заводларни қурмоғи вожиб бўлади.

Биринчи тур:

Бу маъданларни қазиш, тозалаш, эритиш заводлари ва нефтни чиқариб олиш, тозалаш заводлари каби умумий мулкчиликка тааллуқли бўлган заводлардир, Бу хилдаги заводлар ишлаб чиқарган маҳсулотларига мувофиқ жамоат мулки бўлиши жоиздир. Жамоат мулкининг нақди айни нарсалари барча мусулмонлар учун жамоат мулкидир ва бу жамоат мулкининг заводлари, барча мусулмонлар учун жамоат мулки бўлиши жоиз. Давлат бу заводларни мусулмонлар номидан ўзи барпо қиласди.

Иккинчи тур:

Бу тур оғир саноатга ва қурол-аслача саноатига тааллуқли заводлардир. Бу тур заводлар шахсларга мулк бўлиши жоиздир. Чунки бу тур шахсий мулкчиликдандир. Лекин, бу каби заводлар ва саноатлар улкан маблағга муҳтоҷ бўлганлиги ва шахсларда бундай маблағ етарли эмаслиги бугунги кунда оғир қуроллар, Расулуллоҳ ﷺ ва у кишидан кейинги халифалар кунларида бўлганидек, бу каби саноат ва оғир қуроллар шахсий мулк эмас, балки давлат мулки бўлади. Давлат бу қуролларни етарли даражада ишлаб чиқаради. Унинг зиммасидаги бошқарув масъулияти шуни талаб қиласди, хусусан, қурол-аслаҳалар юксак даражада ривожланган ва жуда катта сарфхаражатларни талаб қиласиган бугунги кунда уларни ишлаб чиқариш учун заводларни барпо қилиш давлатнинг зиммасидаги вазифа бўлиб қолади. Бу нарса шахсларни ушбу саноатни барпо қилишдан таъқиқланишини англатмайди.

Давлат ўзининг зиммасидаги масъулиятини бошқариш тақозоси билан бу тўртта қулайликларни одамларга тўла етарли қилиши вожибдир. Бу қулайлик давлат мулки бўлганлиги сабабли унинг кирим ва фойдалари ҳам давлат мулки бўлиб, байтулмол киримларидан ҳисобланади ва ўлжа, хирож девонига қўйилиб йўз ўринларига сарфланади.

Аммо мадраса, университет, шифохона, умумий йўллар каби, одамларга қулайлик яратадиган кўпгина қурилишлар ва давлатга етарли қилиш вожиб бўлган бошқа қулайликлар байтулмолга бирор-бир фойда келтирмайди, балки, доимий сарф-харажатга муҳтоҷ бўлади ва бу қулайликларнинг мутлақо кирими йўқдир.

УШРЛАР

Ушрлар бу мусулмонлар учун бўлган ва Халифалик Давлати чегарасидан ўтувчи дорул-ҳарб аҳлларининг ва зиммийларнинг тижорат матолари ва молидан олинадиган ҳақдир. Ушр йифувчига ошир дейилади.

Макс - давлат чегарасидан ўтаётган молдан олинадиган ноҳақ молдир. Уқба ибн Омир Расулуллоҳ ғанинг «Соҳибул макс жаннатга кирмайди», деб айтганларини эшитганини ривоят қиласди. Шу каби максни ёмонловчи ва бу ҳақда ёмон хабарларни келтирадиган бир нечта ҳадислар мавжуд. Рувайфуъ ибн Собит: «Мен Расулуллоҳ ғанинг «Соҳибулмакс дўзахдадир», деб айтганларини эшитдим», деб ривоят қилган. Ровий бу ҳадисдаги соҳибул максни давлат чегарасидан ўтаётган тижорат молига ушр оловчи маъносидадир, деган. Курайз ибн Сулаймондан «Умар ибн Абдулазиз Абдуллоҳ ибн Авғ ал-Қорийга «Рафҳдаги (макон номи) божхона дейиладиган уйга боринг ва бузиб денгизга сочиб юборинг, деб хат ёзган», деб ривоят қилинган. Шунингдек, Умар ибн Абдулазиз Удай ибн Артоага: «Инсонлардан фидяни ва таомни ва солиқни олиб ташланг, бу солиқ эмас, балки, Аллоҳ таоло у ҳақида айтган уриб камайтириб қолишдир:

وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تَعْثُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ

„ Одамларнинг нарсаларини (тарозуда) уриб қолмангиз ва ерда бузғунчилик билан санқимангиз“. [11:85]

Кимки садақани келтирса уни қабул қилинг, ким келтирмаса унга Аллоҳнинг ўзи кифоя қиласди», деб хат ёздилар.

Бу ҳадисларнинг ҳаммасида макс ёмонланган. Макс йифувчига қаттиқ ва ёмон хабарларнинг келиши макс олишнинг жоиз эмаслигига далолат қиласди.

Шунингдек, ушр мусулмонлардан ва чегарадан ўтаётган зиммийларнинг молларидан олинмаслигини баён қилган бошқа ҳадислар ҳам бор. Ушр фақат дорул-куфр аҳлидан олинишини кўрсатадиган бошқа ҳадислар келган. Масалан: Абдураҳмон ибн Маъқилдан ривоят қилинган ҳадисда, Абдураҳмон айтадики: “мен Зиёд ибн Ҳадийрдан «Кимдан ушр олардинглар?», деб сўрадим». У; «Биз мусулмондан ва зиммийдан ушр олмас эдик”,- деди. Мен: «Яна кимдан ушр олардинглар?», деб сўрадим. У: “Дорул-куфр тижоратчиларидан биз юборганда биздан ушр олганлари каби, биз ҳам ушр олардик”, деди. Амр ибн Диёнордан ривоят қилинган ҳадисда, Амр айтадиларки: «Муслим ибн Мисбоҳ, Ибн Умардан: «Сиз Умарнинг мусулмонлардан ушр олганини билдингизми?», деб сўраганини ва Ибн Умар: «Йўқ, олганини билмайман», деб айтганини менга хабар беради». Бу ҳадислар мусулмонлардан ва зиммийлардан ушр олинмаганлигини, балки, ушр дорулкуфр аҳлларидан тенгма-тенг муомала қилиш қоидасига биноан, улар солиқ олганлари учун, ушр олинишини очиқ баён қилиб беради.

Лекин Умар ибн Хаттоб ва у кишидан кейинги халифалар, Усмон, Али, Умар ибн Абдулазизлар давлат чегарасидан ўтаётган тижоратчилардан ушр олганларини баён қилиб берадиган бошқа хабарлар ҳам келган. Улар мусулмонларни тижоратчиларидан рубъул ушр (яъни, қирқдан бири) ва зиммийлардан ушрнинг ярмини (йигирмадан бири) ва дорулкуфр тижоратчиларидан ушр олишарди. Зиёд ибн Ҳадийрдан ривоят қилинган

ҳадисда Зиёд айтадики: «Умар ибн Хаттоб мени ушр йифувчи қилди ва менга мусулмонларнинг тижоратчиларидан қирқдан бир олишни буюрди». Зиёд бошқа ҳадисда айтадиларки: «Умар ибн Хаттоб менга Бани Тағлиб қабиласи насронийларидан ушр олишни ва аҳли китоб (яҳудийлар, насроний)лардан ушрнинг ярмини олишни буюрди». Абдураҳмон ибн Маъқол Зиёд ибн Ҳадийрдан қилган ривоятида Зиёд дорул-куфр аҳли тижоратчиларидан ушр олгани ривоят қилинган. Соиб ибн Язиддан ривоят қилинган ҳадисда Соиб айтадиларки: «Мен Умар ~~ибн~~ замонларида Мадина бозорида бўлдим. Биз набатлардан (ажамлардан бўлган қавм) ушр олардик». Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилиб айтадики: «Умар ~~ибн~~ Мадинага юк кўпайиши учун Набат қавмидан ёғдан ва буғдойдан ушрнинг ярмини (яъни, набатлар ёғ ва буғдойини Мадинага жалб қилиш, уларни рағбатлантириш учун) пахтадан бўлган матолардан эса тўла ушр олардилар». Зурайқ ибн Ҳаййон ад-Димашқийдан ривоят қилинган хабарда Зурайқ Мисрга ўтадиган жойда ушр оловчи бўлган эдилар. Умар ибн Абдулазиз у кишига: «Зиммийлар тижорат молларининг ҳар 20 диноридан бир динор олгин. Агар 20 динордан кам бўлса, то ўн диноргача ўша ҳисоб билан, агар, динорнинг Здан биридан кам бўлса, молларидан бирор нарса олмагин», дейилади.

Бу ҳадислар Умар ибн Хаттоб ва у кишидан кейинги халифалар, чегарадан ўтаётган мусулмон тижоратчилардан ушрнинг тўртдан бирини, зиммий тижоратчилардан ушрнинг ярмини, дорул-ҳарб аҳли тижоратчиларидан ушр олганларига ёрқин далилдир. Бу ҳодиса саҳобаларнинг кўз ўнгига содир бўлган эди, уларнинг сукут қилишлари ушр олиш жоиз эканлигига «ижмо» бўлади. Адий ибн Артоага инсонлардан максни олиб ташлашни, Абдуллоҳ ибн Авф ал-Қорийга Рафҳ деган жойдаги максхонани бузиб ташлашни айтган Умар ибн Абдулазиз эса, Мисрдаги ушр йифувчи Зурайқ ибн Ҳаййон ад-Димашқийга зиммийлардан ушрнинг ярмини олишни буюрган. «Биз мусулмонлардан ва зиммийдан ушр олмас эдик», деган Зиёд ибн Ҳадийр ўзининг бошқа ривоятида: «Умар ибн Хаттоб мусулмонлардан ушрнинг тўртдан бирини, зиммийлардан ушрнинг ярмини олишни унга буюрди», дейди. Мана бу ҳадис ва ривоятлар зоҳирда юқоридаги макс олишни ёмонлайдиган ва макс оловчини қаттиқ койийдиган Умар ибн Хаттоб ва Зиёд ибн Ҳадийр «Мусулмондан ва зиммийдан ушр олмагандик», деб ривоят қилишган ҳадисларга зид эканлиги кўринади.

Бу мавзуда келган ривоят ва ҳадисларнинг барчасини диққат билан текшириш натижасида, бу ҳадис ва ривоятлар орасида мутлақо зиддият йўқ эканлиги равshan намоён бўлади. Чунки ёмонланган ва оловчиси қаттиқ койилган макс олишлик, бу мусулмонлардан ҳақсиз олинган моллар ёки чегаралардан ўтувчи тижоратчиларга ушрнинг тўртдан биридан кўпроқ олинган молларда кўринади. Мусулмон кишига ушр вожиб бўлмайди, тижорат матоларига эса, фақат закот вожиб бўлади. Тижорат матоларида вожиб бўлган ушрнинг тўртдан бири бу солиқ ҳам эмас, ушр ҳам эмас. Ибн Умар ва Зиёд ибн Ҳадийр ҳадисларидан мақсад Умар ушр олмаганлари, балки, мусулмонлардан закот олганликларидир. Унинг миқдори ушр бўлмасдан, балки рубъул-ушр эди (яъни, ўндан бир бўлмай, қирқдан бир эди).

Зиммийлардан ҳам ушр олинмаган, балки ушрнинг ярми олинган. Улардан олинган ушрнинг ярми эса Умар ибн Хаттоб замонларида Ироқ, Шом, Миср фатҳ қилинганда улар билан ушрнинг ярмини бериш шарт қилинган эди. Мана

шу билан қайтарилиган ва олувчиси қаттиқ ёмонланган макс бу мусулмондан бўлсин ё зиммийдан бўлсин ёки дорул-ҳарб аҳлларидан бўлсин, уларга шарт қилинганидан кўпроқ ёки мусулмон тижоратчиларимиз кофирларнинг диёрларига борган пайтларида улар олишганидан кўпроқ олиниши ноҳақ олинган нарсадир.

Дарҳақиқат, бу зиддиятни кетказувчи ривоятлар мавжуд. Абу Убайд «Моллар» китобида, ушр олувчини зикр қилган вақтда марфуъ ҳадисни келтириб, шундай деган: «Ушр олувчи ҳаксиз садақа оладиган кишидир». Ба буни шундай деган ҳолда тафсир қилган: «Агар ушр олувчи, ушр олишда закотни аслидан зиёда олса, закотни ҳақсиз олибди». Сўнгра Абу Убайд шундай деб давом эттирган: «Иbn Умар, Умарнинг мусулмонлардан ушр олганини биласизми?, деб сўралган пайтда у: «Йўқ, билмайман», деб жавоб берган ҳадис мазмуни ҳам шунга ўхшашдир». Албатта, биз Иbn Умарнинг закотни аслидан ортиқча олишни ирова қилганини, закот олишни ирова қилмаганини кўраяпмиз. Умар ва бошқа халифалар ҳақларни бераётгандан закот олишарди. Иbn Умарнинг фикри закотни уларга бериш ҳақида бўлган. Сўнг Абу Убайд шундай деб давом этди: «Шунингдек, Зиёд ибн Ҳадийрнинг «биз мусулмондан ва зиммийдан ушр олмас эдик», деган ҳадисида ҳам, «биз мусулмондан ушрнинг тўртдан бирини ва зиммийдан ушрнинг ярмини олардик», деган маънода айтилган. Булар Зиёд ибн Ҳадийрдан ривоят қилинган бошқа ривоятларда очиқ келгандир». Абу Убайдга зиммийлардан ушр олииш ўзи мушкул бўлганини зикр қилди. Чунки улардан садақа олинса, зиммийлар мусулмон эмаслар, улар аҳли ҳарб ҳам эмасларки, мусулмонлардан аҳли ҳарб олганчалик миқдор улардан олинса. Сўнг Абу Убайд: «Мен ҳадисни яхшилаб ўйладим ва Умарнинг зиммийлар билан ҳар бир бош жизяси ва хирождан ташқари ўша миқдорга сулҳлашганини топдим», деди. Шунингдек, Қатоданинг Абу Мужлиздан қилган ривоятида, Умар ~~ибн~~ Усмон ибн Аффонни Ироққа жўнатгани ҳақидаги узун ҳадисида, Умарнинг мана бу сўзлари келган: «Бориб-келиб юрган зиммийларнинг молларини ҳар бир 20 дирҳамига бир дирҳам ва уларнинг ўзларидан жизя олгин». Абу Убайд шундай деб давом этади: «Мен зиммийларнинг тижоратчилари билан ушр олишга сулҳ тузилган деб фикрлардим. Бу ушр ҳозирда мусулмонларнинг зиммийлар гарданидаги ҳаққидир», Шу каби Молик Ибн Анас: «Зиммийлар агар ўз шаҳарларидан тижорат учун чиқишича, ҳар бир чиқишигани учун улардан олинишига сулҳлашганлар», - дедилар. Мана шундай қилиб, ҳадислар орасида зиддият йўқ эканлиги ва мазамматланган солиқ - бу молни ҳақсиз олиш эканлиги равшан бўлади.

Шуларга биноан мусулмонлар тижоратчиларнинг давлат чегарасидан ўтаётган молларига рубъул ушр, яъни қирқдан бир закот олинади. Чунки тижорат матоларининг закоти пул кабидир. Пул закотида вожиб бўлган нарса эса, қирқдан бир эди. Тижорат матоларини закоти ҳам пул закоти каби бўлади. Пул закотидан оширилмайди ва камайтирилмайди. Чунки бу миқдор Аллоҳ мусулмон кишига Қуръондаги саккиз синфга молини поклаш учун вожиб қилган мусулмон кишининг молидаги ҳақдир. Ва бу садақот девонга қўйилиб ўз ўринларига сарфланади.

Зиммий тижоратчиларнинг чегаралардан ўтаётганларига Умар ибн Хаттоб даврларида ақд қилинган сулҳ ва иттифоққа мувофиқ нисфул ушр, яъни йигирмадан бир олинарди. Агар бугунги кунда аҳли китоблар ёки улардан

бошқалар билан янги иттифоқ тузилса, улар давлат чегарасидан олиб ўтаётган тијорат молларига олишаётган солиқ миқдори ушр билан ушрнинг ўндан бири ё тўртдан бири ёки ушрнинг ярми билан, ё ярмидан кўпроғи ёки озроғи билан белгиланади. Иттифоқ қилинган нарсага риоя қилиш вожиб бўлади.

Дорул-ҳарб тијоратчиларининг давлат чегарасидан олиб ўтаётган молларидан уларнинг давлати мусулмонлардан ушлаб қолаётган миқдорида бир хил муомала қилиб ушр олинади. Улар бизни тијоратчиларимиздан олганлари каби оз бўлса оз, кўп бўлса кўп оламиз. Дарҳақиқат, Умар ибн Хаттоб ва у кишидан кейинги халифалар даврида дорул-куфр аҳллари билан бир хил муомала қилиниб ушр олинарди. Зиёд ибн Ҳадийрдан ривоят қилинган ҳадисда, Зиёд ибн Ҳадийр; «Умар ибн Хаттоб ушр олишга жўнатган кишиларнинг аввали мен бўлган эдим. Умар ибн Хаттоб мусулмонлардан қирқ дирҳам ҳисобидан бир дирҳам, зиммийлардан ҳар йигирма дирҳамдан бир дирҳам олишимни, зиммий бўлмаганлардан, биз уларнинг диёrlарига борганимизда биздан олишгани каби ўндан бир олишимни буюрди», деди. Анас ибн Моликдан ривоят қилнган ҳадисда, Анас ибн Молик; «Умар ибн Хаттоб мени ушр олишга жўнатдилар ва менга мусулмонларни тијоратлари учун бориб-келиб юрган молларидан қирқдан бирини, зиммийлардан йигирмадан бирини олишимга ва дорул-ҳарб аҳлларидан ўндан бир олишимга фармон ёзиб бердилар», деб айтади.

Абу Мусо ал-Ашъарий Умар ~~ибн~~ Абу Абдуллоҳи: «Албатта биз тарафдан Тијоратчи мусулмонлар куфр диёрига боришганда, улар мусулмонлардан ўндан бир олишади», деб хат ёзди. Шундан сўнг Умар ~~ибн~~ Абу Мусо ал-Ашъарийга: «Сен куфр диёри аҳлларидан мусулмон тијоратчиларидан олганлари каби олгин», деб хат ёздилар. Ва Манбиж аҳли Умарга: Бизга ерингизга тијорат учун киришга ижозат беринг, биздан ўндан бирини оласиз, деб хат ёзишди. Сўнг Умар ~~ибн~~ Расулуллоҳ ~~ибн~~ Абу Абдуллоҳи саҳобалари билан шу ҳақда маслаҳатлашди. Улар Умарга ўндан бирини олишга маслаҳат беришди, Шунинг учун, куфр диёри аҳлларидан олинадиган солиқ миқдори у билан бир хил муомала қилиниб, бизнинг тијоратчиларимиздан олишган миқдорида бўлади. Агар биз бугунги кунда давлатлар билан янги иттифоқ тузсак. бу иттифоқ, улар бизнинг тијоратчиларимиздан оладиган солиқни белгилаб беради ва биз уларнинг тијоратчиларидан иттифоқ белгилаб берган солиқ миқдорини олишга риоя қилишимиз вожиб бўлади, бу миқдордан ортиқча олишимиз жоиз эмас.

Албатта, зиммий ва куфр диёри аҳллари тијоратчиларидан олинадиган нарсалар, мусулмонлар учун фай ўлжадир ва булар фай ва хирож девонига қўйилиб, жизя ва хирож ўринларига сарфланади.

Зиммийлар ва куфр диёри тијоратчиларидан олинадиган миқдор халифанинг ихтиёрига топширилгандир. Халифа тузилган ёки тузиладиган сулҳ иттифоқи доирасида ва бизнинг тијоратчиларимизга муомала қилишгани каби бир хил муомала қоидасига биноан, унда Ислом ва мусулмон, даъватни ёйиш манфаатли деб кўрган раъйига мувоғиқ миқдорни ошириши ёки камайтириши жоизdir. Абдуллоҳ Ибн Умардан ривоят қилинган ҳадисда Абдуллоҳ: «Умар ~~ибн~~ Набат қавмининг ёғ ва буғдойидан, Мадинада товарлар кўпайиши учун, йигирмадан бирини олардилар, пахта матосидан эса ўндан бирини олардилар»; дедилар.

Ушрлар нималардан ва қачон олинади?

Ушрлар мато бўладими, ҳайвон, эки мева бўладими тури қандай бўлмасин, тижорат молларининг ҳаммасидан олинади, тижорат молларидан бошқа моллардан олинмайди. Шахснинг кийимларига, асбобларига ва ўзи ишлатадиган хос нарсаларига ва таомига ушр олинмайди. Агар бирор шахс ўзи билан кўтариб юрган нарсалари тижорат учун эмаслигини даъво қилса, буни фақатгина ҳужжат билан исботлаши лозим.

Зиммийлар ва куфр диёри тижоратчиларидан фақат чегаралардан ўтувчи тижорат молларидангина ушр олинади. Зиммийлар ва куфр диёри аҳларининг чегара ичкарисидаги тижоратларидан эса олинмайди, фақатгина, сулҳ иттифоқи ёки давлатлар билан бўлган тижорат иттифоқлари чегара ичкарисидаги молдан ушрлар олишни баён қилган бўлса, олинади. Чунки зиммий ва куфр диёри аҳлларига закот йўқ. Зиммийлар чегара ичкарисида фақат ўзлари учун жизя, ерлари учун хирож беришади холос, лекин зиммийлар билан сулҳ иттифоқида «Ўҳдатул-Умарий»да, яъни, Умарнинг битимларида келгани каби, аскарларни боқиш ва мусулмонларни меҳмон қилиш каби нарсаларни баён қилган бўлса, зиммийлар жизя ва хирожга қўшимча равишда иттифоқдаги нарсаларни беришади. Куфр диёри аҳллари билан бир хил муомала қилишга, иттифоқ битимларига, уларнинг Ислом диёрига киришларига рухсат бериш шартларига риоя қилиш лозим бўлади. Агар келишилган битимларда Ислом диёри ичida уларнинг тижоратлари учун бирор нарса олиниши шартлашилган бўлса олинади, бўлмаса олинмайди. Мусулмонларга келсак, уларнинг моллари ва тижорат матоларига закот вожиб бўлади.

Ушр бир йилда бир матога бир марта олинади, тижоратчи оширенинг олдидан қанча кўп ўтмасин. Зиёд ибн Ҳадийрдан ривоят қилинган ҳадисда, Зиёд ибн Ҳадийр айтадиларки: «Зиёднинг оталари бир насронийдан ҳар йилда икки марта ушр олар эдилар. Насроний Умар ибн Хаттобга келиб: «Эй, амирул мўминин, ушр оловчингиз мендан ушрни бир йилда икки марта оляпти», деди. Умар ~~ибн~~ унга: «Бир йилда икки марта олиш жоиз эмас, балки ҳар йили бир марта олиш жоиз», дедилар. Сўнгра насроний Умарга иккинчи маротаба келиб: «Мен насроний чолман», деди. Шунда Умар: «Мен ҳаниф чолман, сенинг ҳожатинг Ҳақида ёзиб юбордими», дедилар.

Аммо, агар зиммий ва дорул-ҳарбда яшовчи тижоратчи ҳар бор аввалгисидан бошқа, янги мол билан ёки турли хил матолар билан бир неча бор ўтса, у мусулмон кишининг олиб ўтаётган тижорат молининг ҳар бирига закот олингани каби, зиммийнинг олиб ўтаётган ҳар бир янги тижоратидан ушрлар олинади. Агар, мусулмон киши тижоратининг закотини берганини айтса, қасами билан ёки ҳужжат билан тасдиқлаши лозим. Чунки закот бир йилда бир мартағина вожиб бўлади. Мусулмон киши олиб ўтаётган тижоратининг закоти учун рубъул ушр (1/4) закот ҳолида олинади.

Мусулмон тижоратчи моли нисобига етса ва унга бир йил айланса, яъни, қиймати 20 мисқол тиллага етса, (яъни 85 гр. тиллага) ёки 200 дирҳам кумушга (яъни, 595 гр. кумуш қийматига) рубъул ушр (1/40) олинади. Агар моли закот нисобига етмаса, ундан бирор нарса олинмайди. Аммо зиммий ва куфр диёрида яшовчидан кўп бўладими, ёки оз бўладими тижорат молининг ҳар бирига ушр олинади.

Ушр олувчининг вазифаси нозикдир. Чунки ошири инсонларга зулм қилиш, улардан пора олиш каби иллатларга йўлиқади. Шунинг учун ушр олувчи инсонларга зулм қилиб, уларнинг муомалаларини ёмонлаштирмаслиги, олиши вожиб бўлгандан кўпроқ олмаслиги, очкўз ва порахўр бўлмаслиги, пора эвазига савдогарлардан олиниши вожиб бўлган нарсани камайтириб, байтулмол, яъни, мусулмонлар ҳаққини зое қилмаслиги учун тақво ва эзгулик аҳлидан бўлиши лозим. Шунингдек, ушр олувчининг ҳолини текшириб туриш лозим бўлади. Кимки вазифасини сустеъмол қилган ҳолда топилса, жазоланади ёки қаттиқ танбеҳ берилади ёки амалдан четлатилади.

ҲОКИМ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ХИЁНАТ МОЛЛАРИ, ФАЙРИ ШАРЪИЙ ОРТТИРИЛГАН МОЛЛАР, ЖАРИМА МОЛЛАР

Хиёнат моли мансабдор шахсларнинг ёки ишчи ва давлат хизматчилари нинг файри шаръий йўл билан давлат ёки инсонларни молларидан орттирган барча молларидир. Мансабдор шахс ва хизматчиларга, фақатгина давлат белгилаган эваз ва ойлик маошгина ҳалол бўлади. Волий ва ишчи, хизматчилар куч, мансаб, ҳукмронлик билан давлат ёки шахсларни молидан орттирган мол хиёнатдир. Хиёнат мол ва ҳаром касб-фойда эгасиз мол деб эътибор қилинади. Чункин бу мол файри шаръий йўл билан орттирилган. Бу молларнинг агар эгалари топилса, уларга қайтариш вожиб. Лекин, бу молларнинг эгалари топилмаса, мусодара қилиш ва мусулмонлар байтулмолига қўйиш вожиб, Аллоҳ айтадики:

وَمَنْ يَغْلِبْ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

„Кимки хиёнат қилса, қиёмат куни хиёнат қилган нарсаси билан келур». [3:161]

Муоз ибн Жабалдан ривоят қилинган ҳадисда Муоз айтадиларки: «Мени Расулуллоҳ ﷺ Яманга жўнатдилар. Мен жўнагач, изимдан элчи жўнатдилар. Мен қайтдим, сўнг Расулуллоҳ ﷺ «Нима учун сенга элчи жўнатганимни биласанми? Менинг изнимсиз бирор нарсага эришмайсан, чунки бу хиёнатдир. Кимки хиёнат қилса, қиёмат кунида хиёнат қилган нарсаси билан келур, шунинг учун чақирдим, энди бор», дедилар». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилганлар. Абу Масъуддан ривоят қилинган Ҳадисда У киши: «Расулуллоҳ ﷺ мени садақа йиғувчи қилиб жўната туриб, «Эй, Масъуд, боргин, мен сени қиёмат кунида, орқангда хиёнат қилиб олган садақа туяси бўкирувчи ҳолда келганингни кўрмайин», дедилар. «Ундай бўлса, бормайман», дедим. Шунда Расулуллоҳ ﷺ «Сени мажбур қилмайман»,-дедилар».

Волийлар, ишчилар, давлат хизматчиларининг файри шаръий касб йўллари қўйидагилардир:

Пора

Пора бу волийга, ишчига, қозига, давлат хизматчисига, уни олмасдан бажариш вожиб бўлган, шахсларнинг бирор эҳтиёжини адо этиш учун берилган молдир. Пора, тури қандай бўлишидан қатъий назар, кўп бўладими ёки оз бўладими, қайси йўл билан берилмасин ва қайси бир муомала учун олинмасин, барчаси ҳаромдир. Абу Довуд Абу Ҳурайрадан ривоят қилиб айтадики: «Расулуллоҳ ﷺ ҳукм чиқаришда пора берувчи ва пора оловчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин!», дедилар. Термизий Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилиб айтадиларки: «Расулуллоҳ ﷺ пора берувчи ва пора оловчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин!», дедилар. Аҳмад Савбондан ривоят қилиб айтадики: «Расулуллоҳ ﷺ пора берувчини ва пора оловчини ва уларнинг орасидаги воситачини лаънатладилар». Бу ҳадислар порани қатъий ҳаромлигини исботлайди.

Пора гоҳида эвазсиз бажариш вожиб бўлган эҳтиёжни бажариш эвазига, уни бажариш вожиб бўлган киши тарафидан олинади, гоҳида бажариш вожиб бўлган амални бажармаслик эвазига олинади ёки давлат бажарishни таъқиқлайдиган амални бажариш эвазига олинади. Бу зарарни даф қилиш, эҳтиёжни бажараётганда манфаат ҳосил қилиш учунми, хоҳ ҳақ бўлсин, хоҳ ботил бўлсин фарқи йўқдир. Пора йўли билан орттирилган барча моллар ҳаром, эгасиз мол деб эътибор қилинади. Бу молни мусодара қилиб байтулмолга қўйиш вожиб бўлади. Чунки бу мол гайри шаръий йўл билан орттирилгандир ва пора оловчини, берувчини ва булар орасидаги воситачини жазолаш ҳам вожибдир.

Ҳадя ва совгалар

Бу масъул шахсларга, волийларга ёки давлат ишчиларига ёки қозиларга ёки давлат хизматчиларига ҳадя ёки совға деб тақдим қилинган барча моллардир. Бу моллар ҳам пора кабидир. Мансабдор шахсларга ҳадя ёки совға қилувчининг эҳтиёжи тушмасдан ҳам берилган мол уларга ҳалол бўлмайди. Чунки бу молларда ҳадя қилувчининг кейинчалик пайдо бўладиган манфаатни бажариш ёки илтифотга эришиш йўлидаги таъмаси бўлади. Волийлар, ишчилар, қозилар, давлат хизматчилари учун бўлган барча совға ва ҳадялар хиёнат деб эътибор қилинади, бу хиёнатнинг ўрни дўзахдир. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ ﷺдан бу молларни қабул қилишдан очиқ наҳӣ хабарлари келган Расулуллоҳ ﷺ ривоят қилинган ҳадисда айтадиларки: «Амрларга ҳадя қилиш хиёнатдир». Бухорий ва Муслим, Абу Хумайдий Соидий ривоят қилишган ҳадисда Абу Хумайд айтадиларки: «Расулуллоҳ ﷺ Бани Асад қабиласидан ибн Атбиййа дейиладиган бир кишини садақа йиғувчи қилдилар. У келгач, мана бу сизларга ва мана бу менга ҳадя қилинди деди. Сўнг, Расулуллоҳ ﷺ минбарга чиқдилар ва Аллоҳга ҳамдусано айтдилар ва Садақа йиғувчига нима бўлди? Биз уни садақа йиғишга жўнатсак, келиб: «Бу сизларга ва мана бу менга ҳадя қилинди», дейди. Ота-онасининг уйида ўтирсинчи, унга ҳадя қилинармикан ёки йўқми, қараса бўлмайдими? Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, қайси одам садақот молидан бирор нарсани олса, қиёмат кунида олган нарсаси тута бўлса бўкирган туюни, сигир бўлса мўраган сигирни, қўй бўлса маъраган қўйни кўтариб келади, сўнгра Расулуллоҳ ﷺ қўлларини кўтардилар, ҳаттоки,

биз қўлтиқларининг оқини қўрдик, сўнг Расулуллоҳ ғарб икки марта: «Аллоҳим, етказдимми?» дедилар».

Шунга кўра, волийларга, ишчиларга, қозиларга ва давлат хизматчилари га ҳадя ёки совға қилинган барча моллар ҳаром, эгасиз орттирилган мол, деб эътибор қилинади ва бу молни мусодара қилиш ва мусулмонларни байтулмолига қўшиш вожиб бўлади. Чунки бу мол файри шаръий орттирилгандир.

Салтанат қуввати билан ҳукмронлик ва эгалик қилинган моллар

Бу ҳокимлар, волийлар, давлат ишчилари, ёки уларнинг қариндош-уруглари давлат молларини ёки ерларини ёки инсонларнинг моллари ёки ерларини салтанат ва мансаб қуввати ва зўрлик билан эгаллаб олган моллардир. Давлат молларидан ва ерларидан ёки инсонларнинг молларидан ва ерларидан бу йўлларни бирортасн билан эгалланган барча моллар ҳаром орттирилган мол, деб эътибор қилинади ва бу молга эга бўлинмайди, чунки бу мол файри шаръий йўл билан орттирилгандир. Бу йўлларни бирортаси билан эгалланган барча моллар зулм, деб эҳтибор қилинади. Зулм эса ҳаром, қиёмат кунининг зулматларидандир. Шунингдек, бундай мол хиёнат, деб эътибор қилинади. Хиёнатнинг ўрни эса дўзахдир. (Яъни, хиёнат мол соҳиби). Расулуллоҳ ғарбдан ривоят қилинган ҳадисда: «Кимдаким, ердан ҳақсиз бир нарсани олса, қиёмат кунида етти қават ер остига юtkизиб юборилади». Бошқа ривоятда эса: «Кимдаким бир қарич ерни зулм билан олса, қиёмат кунида етти қават ер бўйнига осилажак», дейилади. Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим ривоят қилишган. Оиша ғарбдан ривоят қилинган ҳадисда, Набий ғарб «Кимдаким бир қарич ерни зулм билан олса, Аллоҳ етти қават ерни бўйнига осиб қўюр», дедилар. Бу муттафақун алайҳ ҳадисдир,

Эгаллаб олинган ер ва моллар инсонларнинг мулкидан бўлса, агар эгалари маълум бўлса, уларга қайтариш вожиб бўлади. Агар эгалари маълум бўлмаса байтулмолга қўйиш вожиб бўлади. Аммо эгалланган мол давлат мулкидан бўлса, қатъий байтулмолга қайтариш вожиб бўлади. Худди Умар ибн Абдулазиз халифа бўлган пайтларида Бани Уммайя, яъни уммавийлар салтанат қуввати билан инсонларнинг мулкларидан ёки давлат мулкидан эгаллаб олган ер ва молларни байтулмолга жамлаб, эгаси билинса эгасига қайтарганлариdek. Умар ибн Абдулазиз уммавийларни уларга ажратилган ер, маблағ ва эгаллаб олган барча нарсалардан маҳрум қилдилар. Чунки Умар ибн Абдулазиз бу молларга Бани Уммайя салтанат қуввати билан ва эгалик қилиш жоиз бўлмаган файри шаръий йўллар билан эга бўлганлар деб, эътибор қилдилар. Бу ишни ўзларидан бошладилар ўзларининг барча молу мулкларини 23000 динорга соттириб байтулмолга қўйдилар.

Даллолчилик ва воситачилик ҳаққи

Бу волийлар, давлат ишчилари, давлат хизматчилари даллолчилик ёки воситачилик қилган ҳолда, ажнабий ёки маҳаллий ширкатлардан ёки шахслардан, улар билан давлат орасида тузилган битим ёки шартнома муқобилига олган моллардир. Улар бу йўл билан орттирган барча моллари хиёнат ва ҳаром мол деб, эътибор қилинади. Бу молларни мусулмонларнинг

байтулмолига қўйиш вожиб бўлади. Чунки бу мол гайри шаръий орттирилгандир. Муоз ибн Жабалдан ривоят қилинган ҳадисда Муоз айтадиларки; «Мени Расулуллоҳ ﷺ Яманга жўнатдилар. Мен Яманга жўнагач, изимдан одам юбордилар ва мен қайтдим. Шунда Расулуллоҳ ﷺ «Нима учун одам жўнатганимни биласанми? Мени изнимсиз бирор нарсани олмайсан, чунки бу мол хиёнатдир. Кимки, хиёнат қилса, қиёматда хиёнат қилган нарсаси билан келур. Шунинг учун, сени чақирдим. Амалингни давом эттир», дедилар».

Ширкат ва шахслар даллоллик ва воситачилик ҳаққини волий ва давлат ишчилариға давлатдан яширинча, махфий равишда берадилар. Бунда уммат манфаатлари эмас, ўзларининг манфаатларини рӯёбга чиқарадиган қонун лойиҳаларини тузиш ёки ижарага бериш битимини тузишга эришишлари кўзда тутилади ва бу ҳам пора ўрнидадир.

Ўриликлар

Бу волийлар, давлат ишчилари ва давлат хизматчилари иншоотларга, лойиҳаларга ёки бошқа давлат манфаатларига ва қулайликларига бошчилик қилганлари учун уларнинг тасарруфлари остига қўйилган давлат моларидан ўғирлаб олган моллардир. Бу молларга почта, телеграф, телефон ва алоқа хизматлари, булардан бошқа идора хизматчилари фафлатларидан фойдаланиш, алдов, қалбаки йўл билан инсонлардан белгиланган ҳақдан ортиқча олинган ҳақлар алдов билан ўғирланган молларга киради. Давлат молларидан ўғирлаш ёки инсонларнинг молидан бепарволигидан фойдаланиш, алдов йўли билан орттирилган барча моллар ҳаром, эгасиз орттирилган мол, деб эътибор қилинади. Бу хиёнат йўли орқали орттирилган молдир. Уни мусодара қилиш ва байтулмолга қўйиш вожиб бўлади.

Дарҳақиқат, Умар ибн Хаттоб бирор волийдан ёки давлат ишчисидан шубҳаланса, унга белгиланган ризқидан ортиқча молларини мусодара қилардилар ёки мол ўзиники эканлигига қасам ичирадилар. Умар ибн Хаттоб волий ва давлат ишчиларини амалга минмасдан илгари ва мингандан кейин, молларини ҳисобларди. Агар ортиқча мол топса ёки ўша молдан шубҳаланса уларнинг молини мусодара қиласди ёки қасам ичиради. Улардан олган нарсаларни байтулмолга қўярди. Шунингдек, Умар ибн Хаттоб Абу Суфён ўғли Муовиянинг ҳузуридан қайтганида, Абу Суфённинг молини мусодара қилдилар. Муовия Умар رض Шомдаги волийси бўлган эди. Абу Суфён Умар رض салом бергани келганда, «Муовия отаси қайтаётганда унга пул бериб юборгандир», деган ҳаёл Умарнинг кўнглидан кечди. Умар ибн Хаттоб шундай деди: «Эй Абу Суфён, бизга олган молни бер». Абу Суфён: «Берай десак бирор нарса олганимиз йўқ», деди. Сўнг Умар رض қўлини Абу Суфённинг қўлидиги узукка чўзди ва қўлидан узукни олди. Узукни элчи билан Абу Суфённинг хотини Ҳиндга юбораркан, элчисига: «Ҳиндга Абу Суфён номидан «мен келтирган икки хуржунга қара ва уни жўнатгин!», - деб айтишни буюрди. Элчи тезда 10000 дирҳам бўлган икки хуржунни келтирди. Умар رض бу дирҳамларни байтулмолга ташлади».

Волийлар, давлат ишчилари ва давлат хизматчилари юқорида ўтгани каби гайри шаръий йўл билан орттирган барча моллар байтулмол киримларидандир. Шунингдек, шахслар у билан мулкни ўстириши шаръян тақиқланган йўллардан

бир йўл билан орттирган барча моллар ҳам байтулмол киримларидан бўлади, Чунки у ҳаром орттирилган мол бўлиб, эгасиздир.

Кимдаким, рибо йўли орқали бирор нарсани орттирса, бу нарса ҳаром ва эгасиз бўлади. Чунки Аллоҳ таоло рибони ва рибо йўли орқали молни ўстиришни ҳаром қилди. Аллоҳ таоло айтадики:

الَّذِينَ يَا كُلُونَ الرَّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنْ الْمَسِّ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مُثْلُ الرَّبَا وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَمَ الرَّبَا فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَأَنْتَهَى فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

„Судхўр кимсалар (қабрларидан) жин чалган мажнун каби туурлар. Бунинг сабаби улар: «Савдо бу рибонинг ўзику!» - деганларидир. Аллоҳ савдони ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимгаки, парвардигор тарафидан панд-насиҳат етгач, судхўрликдан тўхтаса, у ҳолда, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга топширилади. Ва ким судхўрликка қайтса, ўшалар жаҳаннам аҳлларидир ва унда абадий қолажаклар». [2:2751]

Рибони, агар берган эгалари маълум бўлса, улардан олиб эгаларига қайтариш вожиб бўлади. Агар эгалари маълум бўлмаса мусодара қилиниб, байтулмолга қўйиш вожиб бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرَّبَا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١﴾ إِنَّمَا لَمْ تَفْعَلُوا فَإِذَا نَوَّا بِحَرْبٍ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِنْ تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ

„Эй, мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. Агар бизнинг фармонимизни қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйишиг. Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга, золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз». [2:278,279]

Кимдаким, қимор йўли орқали мол орттирган, ўз эгаси учун қайтарилиши вожиб бўлган мол бўлади. Агар эгаси маълум бўлмаса, мусодара қилиниб байтулмолга қўйилади. Чунки мулкни қимор йўли орқали ўстириш шаръан жоиз эмас. Ва қимор ҳаромдир. Аллоҳ таоло айтадики:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٢﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقَعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةُ وَالْبُغْضَاءُ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَتُنَّمِّي مُنْتَهُونَ ﴿٣﴾

„Эй мўминлар, ароқ, қимор, бутлар ва (фол) чўплар шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг барчасидан четлашингиз. Ароқ ва қимор сабабли шайтон ораларингизга адоват солишини ҳамда сизларни Аллоҳни Зикр қилишдан ва намоз ўқишидан тўсишни истайди холос. Энди тўхтарсизлар». [5:90,91]

Жарималар

Шунингдек, давлат баъзи гуноҳ ишларни қилувчилар ёки баъзи қонунларга қарши чиқувчиларга, идоравий ёки тартибга олиш низомларига қарши чиқувчиларга белгилаб қўйган жарималар ҳам байтулмол киримлариданdir. Жарималар суннат билан исботланган. Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобоси Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Амр ибн Ос Расулуллоҳ ﷺдан ривоят қилиб, айтадики: «Расулуллоҳ ﷺ осилиб турган мева ҳақида сўралдилар, шунда Расулуллоҳ ﷺ муҳтож киши еб ўзи билан бирга бирон нарса олмаса зарари йўқ, кимда ким ўзи билан бирга бирор нарсани олса олган нарсасини икки баробар жаримаси ва жазоси бор». Шунингдек, Расулуллоҳ ﷺдан: «Адашувчи ҳайвонни яшириб қўйувчига шу ҳайвон жаримаси ва жарима билан бирга ҳайвоннинг мислини бериш зиммасидадир», деб айтганлари ривоят қилинади. Шу кабин Расулуллоҳ ﷺ закотни беришдан бош тортган кишини, унга таъзир бўлиши учун, вожиб бўлган закотдан ташқари молининг ярмини олишлари байтулмол киримларидан бўлган эди. Буларнинг ҳаммаси таъзир берувчи жазо сифатида жаримани таъйинлашни шаръий эканлигига далолат қиласи. Халифа гуноҳ ва қаршиликларнинг турини ва жарималар миқдорини, жарималарнинг энг олийсини, энг пастини чегаралаб қўйиши ва волийлар, давлат ишчилари, давлат хизматчиларини бу жарима миқдорларига риоя қилишга мажбурлаши жоиздир. Шунингдек, халифа жарима миқдорини белгилашни волий, давлат ишчиси, қози ва хизматчиларнинг ижтиҳодига топшириши жоиздир. Халифа ижтиҳоди билан етган фикрига мувофиқ мусулмонларнинг ишларини бошқаришда энг яроқли деб кўрган нарсани қиласи.

ХАЗИНА (РИКОЗ) ВА МАЪДАНЛАРНИНГ ХУМУСИ

Хазина бу кумуш, тилла, жавоҳир, маржон ва булардан бошқа тақинчоқ ва қурол каби ерга кўмилган молдир. Бу мол илгариғи мисрликлар, бобилликлар, осурийлар, сосонийлар, румликлар, греклар ва бошқа қавмлар подшоҳларининг ёки буюк кишиларнинг қабрларида ёки уларнинг қадимий бузилиб кетган шаҳарлари тепаликларида топилган пуллар, тақинчоқлар, жавоҳир каби ҳазина бўладими ёки жоҳилият кунларида ёки ўтган исломий кунларда ерга яшириб, кўза ёки бошқа нарсаларга қўйилган пул, тилла, кумушлар бўладими, буларнинг барчаси хазина деб эътибор қилинади.

«Рикоз» сўзи маҳфий бўлди деган маънодаги «фараза, яғризу» феълига ўхшаш «раказа, яркузу» феълидан иштиқоқ қилингандир. Араблар ерга найза санчса «раказаррумҳа» дейди. «Махфий товуш» маъносидаги «Рикз» сўзи ана шу феълдан олингандир. Аллоҳ таоло айтадики;

هَلْ تُحِسْنُ مِنْهُمْ مِنْ أَحَدٍ أَوْ تَسْمَعُ لَهُمْ رَكْزَا

„Сиз уларда бирортасини кўрўмисиз ёки овозларини эшитурмисиз“. [19:98]

Аммо маъдан бу Аллоҳ еру осмонни яратган кунда ернинг ичида яратган тилла, кумуш, мис, қўроғшин ва бошқа маъданлардир. «Маъдин» сўзи бу «Аъдана фил макони» «яъдину» феълидан иштиқоқ қилинган бўлиб, «бир жойда турди» маъносидадир. «Жаннати адн» сўзи мана шу феълдан олинган. Чунки жаннат абадий қолиш диёридир. Маъдан бу инсонлар кўмган нарса бўлмай, балки Аллоҳнинг яратган нарсадир. Шу сабабли, маъдан кони хазинадан фарқ қиласи, Чунки хазина инсонларнинг кўмиши билан бўлади.

Хазина ва маъданлардаги асл далил, Абу Ҳурайра Расулуллоҳ ﷺдан ривоят қилган ҳадисдир. Бу ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтадиларки: «Ҳайвон тўловсиз ҳам бенуқсондир ва хазинада эса хумус бордир». Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Набий ﷺ Од қабиласи харобаларидан топилган нарса ҳақида сўралдилар. Шунда Расулуллоҳ ﷺ “Унда ва хазинада хумус бор”, дедилар. Али ибн Абу Толибдан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтадиларки: «Хазиналарда хумус бор. Хазина бу ер остидаги тилла ва кумуш бойликлариdir».

Шунга кўра, қабрларда ёки тепаликларда ёки шаҳарларда ёки ўлик ерда ёки Од қавми харобаларида, жоҳилият пайтида кўмилган бўлсин ёки Исломнинг ўтган асрларида кўмилган бўлсин тилла ва кумуш ёки тақинчоқ ёки жавоҳирлар ёки бошқа моллар барчаси топиб оловчи учун мулк бўлади. Топиб оловчи бу молдан байтулмолга хумус беради.

Шунингдек, бирор киши учун мулк бўлмаган ўлик ерда топилган, кўп бўлмаган озгина тилла ва кумуш маъданларини барчаси бу маъданлар маъдан ҳолатида бўладими ёки маъдан ҳолатида бўлмайдими булар, топиб оловчи учун мулк бўлади ва топиб олган нарсасидан байтулмолга хумус беради.

Хазина ва маъданни топиб оловчидан олинадиган хумус, фай ўрнида бўлади ва файнинг ҳукмини олади ва байтулмолнинг фай ва хирож девонига қўйилиб, унинг ўринларига сарфланади. Хумуснинг иши халифага топширилади, халифа хумусни уммат ишларини бошқаришга ва уммат манфаатларини ўташ йўлида, унда яхшилик ва манфаат бор, деб билган раъй ва ижтиҳодига мувофиқ сарфлайди.

Мужолид Шаъбийдан ривоят қилган ҳадисда: «Бир киши Мадина ташқарисидан кўмилган 1000 динор топиб олди ва уни Умар ибн Хаттобга олиб келди, Умар ~~ш~~ ундан хумус, яъни 200 динор олиб, қолганини қайтариб бердилар. Умар 200 динорни олдиларда ҳозир бўлган кишиларга тақсимлаб бера бошладилар, ҳаттоки, 200 динордан бир қисм орттириб қолдириб: «Бу динорларнинг эгаси қани?» дедилар. У киши Умар ~~ш~~нинг олдиларига келди. Шунда Умар ~~ш~~ «Бу динорларни олгин, булар сенга», дедилар.

Ҳорис ибн Абу ал-Ҳорис ал-Аздийдан ривоят қилган ҳадисда: «Ҳорисни оталари маъдан конини яхши биладиган кишилардан бўлган эди. Оталари маъдан топган кишига келиб бу маъданни 100та бир ёшга тўлиб икки ёшга ўтган қўй баробарига сотиб олди». Ҳорис айтадиларки: «Отам маъданни олиб эритдилар ва ундан 1000та қўйнинг пулини чиқардилар, сўнг маъданни сотган киши келиб: «Савдони бузамиз», деди. Ҳориснинг оталари: «Бузмаймиз!» дедилар. Сотувчи: «Али ибн Абу Толибга бориб сени айтаман», деди. Алига бориб: «Абу ал-Ҳорис ёмби топди», деди, Сўнг Али Абу ал-Ҳорисга келиб: «Сен топган хазина қани?» - деди. Шунда Абу ал-Ҳорис: «Мен хазина топганим йўқ, у топиб олди ва мен уни 100та бир ёшга тўлиб икки ёшга ўтган қўйга сотиб олдим», деди. Али ибн Абу Толиб сотувчига: «Хумусни сен берасан», дедилар ва 100та қўйдан хумус олдилар».

Шаъбий ва Ҳориснинг ҳадисларидан билинадики, Умар ибн Хаттоб хазина топиб оловчиidan ва Али ибн Абу Толиб маъдан топувчиidan олган нарсани миқдори фақатгина хумус бўлган. Бешдан бир қисмдан қолган тўрт қисми хазина ва маъданни топиб оловчига қайтарилган ва бу олинган хумус закот эмас, балки, фай ўрнидадир. Чунки хумус агар закот бўлганда эди, хумусни закот сарф қилинадиган ўрнига сарф қилган ва Умар ~~ш~~ хазинани топиб оловчига хумусдан бермаган бўлардилар. Чунки хазина топиб оловчи бой бўлган эди. Закот эса бойга ҳалол бўлмайди.

Хазина ёки маъдан топиб олган барча кишилардан, топиб оловчи эркак киши ёки хотин киши, кичкина ёки катта, ақлли ёки жинни, кофир ёки мусулмон бўлсин хумус олинади ва бу хумус ҳар қандай миқдордан топиб олинган нарса оз ёки кўп бўлса ҳам олинади.

Ўз мулкидаги ер ёки бинодан хазина ёки ёмби топиб олган киши бу ери ёки бинони мерос ёки сотиб олишидан қатъий назар, топиб олган нарсаларига эга бўлади. Бирорни еридан ёки биносидан хазина ёки ёмби топиб олган кишини хазина, кон ер ва бино эгаси учун бўлади, топиб оловчи учун бўлмайди.

Кимдаким, кофирлар диёридан хазина ёки кон топиб олса, бу хазина ва конга эга бўлади. Топиб оловчига бу хазина ёки кон фай бўлади. Ислом диёридаги ўлик ер ва қадимий харобалардан хазина топиб олган киши каби хумус тўлаш лозим бўлади.

Хазина ва конни топилишини ўзи билан хумус бериш вожиб бўлади. Хумусни байтулмолга беришни кечиктириш жоиз бўлмайди,

Топиб оловчи эга бўладиган маъдан кони бу оз миқдордаги кондир. Аммо миқдори кўп битмас кон топиб оловчига мулк бўлмайди, Чунки кўп миқдордаги конлар шахслар эга бўлиши жоиз бўлмайдиган омма мулкчилигидир. Балки бу барча мусулмонларнинг мулкидир.

МЕРОСХҮРИ ЙҮҚ КИШИННИГ МОЛИ

Эгалари вафот этган ва бирор бир меросхўри бўлмаган кўчмас ва кўчадиган барча моллар, яъни бир шахс вафот этиб унинг меросхўри бўладиган хотини ёки фарзанд, отаоналари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки қариндошлари бўлмаган кишининг барча моллари байтулмолга мерос ҳолида қўйилади. Бухорий Миқдом ал-Киндийдан, Миқдом ал-Киндий Набий ~~дан~~ ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ~~з~~ айтадиларки: «Мен ҳар бир мўминга ўзидан ҳам ҳақлидирман. Кимдаким қарз ёки бола-чақасини қолдирса, менинг зimmамдадир. Кимдаким мол қолдирса, меросхўрларигадир. Ва мен валийси йўқ кишининг валийсиман, молини мерос оламан ва машаққатини кеткизаман». Бу ҳадисни Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган. Бу ҳадис шахс вафот этса ва меросхўри бўлмаса, уни меросхўри Расулуллоҳ ~~з~~ эканликларига ёрқин ва очиқ далолат қиласи Чунки Расулуллоҳ ~~з~~ барча мўминларнинг, валийси йўқ кишиларнинг валийсидирлар. Расулуллоҳ ~~з~~дан кейин валийлик халифага кўчади. Халифа барча мўминларнинг ва валийси йўқ кишиларнинг валийси ва меросхўри йўқ кишининг меросхўридир, Халифанинг меросхўрлиги ўзи учун эмас, балки, мусулмонларнинг байтулмоли учундир. Шу сабабли меросхўри йўқ кишининг мероси хусусий мулқдан давлат мулкига айланади ҳамда байтулмолнинг фай ва хирож девонига қўйилади. Халифа бу молни мусулмонларнинг манфаатлари йўлида кўзлаган, унда яхшилик ва манфаат бор, деб билган раъйига мувофиқ сарф қиласи. Халифа бу молни сотиши ва ижарага бериши, вақф қилиши, ҳадя қилиши, ажратиб бериши (ер бўлса) ва ундан мусулмонларнинг бирор бир манфаатлари йўлида нафақа қилиши жоиздир. Меросхўри йўқ бўлган мусулмоннинг молига меросхўри йўқ зimmийнинг моли ҳам киради.

Бирор бир зimmий ўлса ва кўчмас ёки кўчадиган, меросхўри йўқ молни қолдирса, бу зimmийнинг моли мусулмонлар учун фай бўлади. Шунингдек, меросхўрларидан ортиб қолган мусулмон кишининг моли ҳам мусулмонлар учун фай бўлади. Худди ўзи вафот этиб, меросхўри фақатгина эру хотиннинг бири булган киши каби. Чунки эру хотиннинг бирлари ўзлари учун белгиланган миқдорни олганларидан кейин, қолган мол уларни бирларига қайтариб берилмайди, Меросдан ортиб қолган мол мусулмонлар учун фай бўлиб, мусулмонларнинг байтулмолига қўйилади, Чунки бу молнинг муайян ҳақдори йўқдир ва бу мол меросхури йўқ бўлган мусулмоннинг моли каби мусулмонлар учун фай булади.

МУРТАДЛАРНИНГ МОЛИ

Муртад бу - Ислом динидан куфрга қайтган кишидир. Аллоҳ таоло айтадики:

وَمَنْ يَرْتَدِّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَيُمْتَأْنِي وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حَبَطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ وَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ
هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

„Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, кофир ҳолда ўлса, унда й кимсаларни қилган амаллари дунё ва охиратда беҳуда кетур. Улар дўзах аҳлидир ва унда абадий қолажаклар», [2:217]

Ислом динидан эркак киши бўладими, аёл киши бўладими, яҳудий, насроний, мажусий, будда дини каби бошқа динга қайтган ёки коммунизм каби динсизликка қайтган шахснинг қони ҳимоя қилинмайди. Демак, моли ҳам ҳимоя қилинмайди. Чунки молиник ҳурмати қонининг ҳурматига боғлиқдир. Агар қоннинг ҳурмати муртадлик сабабли бузилса, мол ҳурмати қон ҳурматидан пастроқдир. Расулуллоҳ ﷺ айтадиларки: «Инсонлар: «Ла илаха иллаллоҳ», дегунларигача жанг қилишга буюрилдим, Кимки: «Ла илаха иллаллоҳ», деса мендан жонини ва молини сақлабди. Лекин Ислом ҳаққини сақламабди. Бунинг ҳисоби Аллоҳгадир». Муртадлиги сабабли қон тўкиш қарши жанг қилгани ёки уйланган кишининг зино қилгани ёки қасдан ўлдириш сабабли қон тўкиш каби эмас. Чунки қарши жанг қилиш, зино қилиш ёки қасдан ўлдириш билан мусулмон киши кофир бўлмайди ва молининг ҳаромлиги бузилмайди, балки қарши жанг қилувчи ва уйланган зинокор ва қасдан ўлдирувчи мусулмон мерос оловучи, мерос қолдирувчи ҳолида қолади. Аммо муртадликка келсак, у кофир деб саналиб қони ва молининг ҳурмати бузилади.

Муртад диндан қайтиши биланоқ мусулмонлар унинг қонини тўкиш, молига эгалик қилиш ҳаққига эга бўладилар. Лекин муртадни ўлдириш ва молига эга бўлиш ундан тавба қилиш сўралгандан кейинги ишдир, Агар муртаддан уч кун давомида тавба килиш сўралса, муртад тавба қилмай, Исломга қайтмаса, дарҳол ўлдириш ва молига эгалик қилиш вожиб бўлади. Муртаднинг моли мусулмонлар учун фай бўлиб, у мусулмонлар байтулмолининг фай ва хирож девонига қўйилади. Фай ва хирож сарф қилинадиган ўринларига сарф қилинади, Муртаднинг моли мерос қилиб олинмайди. Чунки агар эр-хотиннинг бири хилватда бўлишдан олдин муртад бўлса, никоҳ аҳди дарҳол бузилади. Шу сабабли эр-хотин орасида мерос олиш бўлмайди. Шунингдек, эр-хотиннинг бири муртад бўлиши хилватда бўлгандан кейин содир бўлса, эр-хотин орасидаги никоҳ бузилади ва қайбири ўлса, иккинчиси мерос олмайди. Чунки уларнинг бири мусулмон, иккинчиси кофирдир. Шунингдек, муртаднинг мусулмон мерос қолдирувчиси вафот этса, муртад мерос олмайди. Чунки муртад кофир, мерос қолдирувчиси мусулмондир. Кофир мусулмондан мерос олмайди. Муртаднинг меросдаги насибаси, агар ундан бошқа меросхўрлар бўлса, қолган меросхўрлар учун бўлади. Агар бошқа меросхўрлар бўлмаса, мероснинг ҳаммаси мусулмонлар учун фай бўлади ва байтулмолга қўйилади. Агар муртаднинг мусулмон ота-она, ўғил ва акукалари бўлса, улар муртаддан мерос олмайдилар, Чунки мусулмон кофирдан мерос олмайди ва муртадни барча моли мусулмонлар учун фай бўлади. Усома ибн Зайддан ривоят қилинган ҳадисда, Усома дедиларки, «Расулуллоҳ ﷺ

айтдилар: «Кофири мусулмондан, мусулмон кофиридан мерос олмайди». Бу муттафақун алайх ҳадисдир. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилиб айтдиларки: Расулуллоҳ ﷺ «Икки миллат аҳли бирбирларидан мерос олмайди», дедилар. Шу каби агарда киши билан бирга унинг барча меросхўрлари муртад бўлса кишининг ва унинг меросхўрлари молининг ҳурмати қолмайди ва мусулмонлар учун фай бўлади. Муртадлар бир-бирларидан мерос олмайди.

Агар бир жамоат муртад бўлиб бирор шаҳарда ҳимояланса, ўзларига ҳокимни ва хос ҳукмларни ўрнатиб олса, улар дорул-ҳарб бўлиб, уларни моллари ва қонларини ҳурмати қолмайди ва уларга қарши жанг қилиш вожиб бўлади. Улар асл кофиirlар каби, балки кофиirlардан ҳам баттарроқ уруш қилишга лойиқ бўлади. Чунки асл кофиirlардан Ислом, сулҳ ёки жизя қабул қилинади. Аммо муртадлардан фақат Исломгина қабул қилинади, “ё Ислом ё қатл”, улардан жизя, сулҳ қабул қилинмайди. Худди Абу Бакр ва саҳобалар муртадларга қарши жанг қилиб, улардан тўла Исломга қайтишни ёки ўлимни қабул қилганлариdek. Расулуллоҳ ﷺ «Ким динини ўзгартирса ўлдиринглар», деганлар.

Муртад муртадлик ҳолида ортирган барча молларининг ҳукми, муртадлигидан илгари эга бўлган моли ҳукмини олиб мусулмонларга фай бўлади. Муртаднинг муртадлик ҳолидаги барча тасарруфлари сотиш, ҳадя, васият ва бошқа ишлари, агар молини олингандан кейин қилган бўлса, бу тасарруфлари ботил бўлади. Агар тасарруфларини молини олиб қўйишидан илгари қилган бўлса, бу тасарруфлари уни Исломга киришига боғлиқ бўлади, агар у Исломга қайтса бу тасарруфлари тўғри, деб, Исломга қайтмаса уни тасарруфлари ботил деб эътибор қилинади.

Агар муртад Исломга қайтса, олиб қўйилган моли ўзига қайтирилади. Унинг Исломга қайтиши унинг мерос қолдирувчиси ўлгандан кейин ва молини тақсимланмасидан илгари бўлса, ўз насибасини меросдан олади. Агарда уни Исломга қайтиши меросни тақсимланганидан кейин бўлса, меросдан бирор насиба ҳам ололмайди.

СОЛИҚЛАР

Солиқлар бу сарфлашга байтулмолда мол бўлмаган вақтда уларга фарз килинган зарур ўринларга сарфлаш учун мусулмонларга Аллоҳ вожиб қилган моллардир.

Аслида байтулмолга доимий кирим бўлган моллар, яъни фай, жизя, хирож, ушр ва умумий мулкдан иборат бўлган қўриқхонадаги моллар байтулмолга вожиб бўлган сарфга давлат мусулмонларга солиқни фарз қилишга эҳтиёжи тушмасдан кифоя қилиши керак.

Шу билан бирга Шореъ мусулмонларнинг байтулмолида мол бўлган ёки бўлмаган вазиятда байтулмол томонидан адо этилиши лозим бўлган зарур ўринларга сарфлашни мусулмонларнинг байтулмолида мол мавжуд бўлмаган пайтда мусулмонларга фарз қилди.

Лекин бугунги кунда Халифалик Давлатининг зиммасига юкланган юкнинг оғирлиги, гоҳо байтулмол сарфлаши вожиб бўлган ўринлар жами нафақаларни қоплашга кифоя қилмай қолди. Агарда байтулмол киримлари байтулмол сарфлаши вожиб бўлган эҳтиёж ва жиҳатларга сарфлашга кифоя қилмаса ва мусулмонларнинг ўзлари ўз ихтиёрлари билан инъом қилмасалар, бу эҳтиёжларга ва ўринларга сарфлашнинг вожиблиги байтулмолдан мусулмонларга ўтади. Чунки Аллоҳ таоло бу эҳтиёжларга сарфлашни уларга фарз қилгандир. Мусулмонларнинг бу эҳтиёж ва ўринларга сарфламасликлари уларни заарга олиб боради. Аллоҳ таоло давлат ва умматга мусулмонлардан заарни кетказишни фарз қилган. Расулуллоҳ ﷺ айтдиларки; «Заар бериш ва заарга заар билан муомала қилиш йўқ». Аллоҳ таоло давлатга бу эҳтиёж ва ўринларнинг нафақасини қоплаш учун мусулмонлардан мол олиш ҳуқуқини берди.

Агар мана шундай ҳолат рўй берадиган бўлса, давлат мусулмонларга бу эҳтиёж ва ўринларга лозим бўлган нафақаларни қоплаш учун, ўзи муҳтоҷ бўлган миқдордан оширмасдан солиқ солади. Давлат бу молларни инсонларнинг асосий ва иккиласчи эҳтиёжларидан ортиқча молларидан олади.

Байтулмолда мол бўлсин, бўлмасин нафақа қилиш унга вожиб бўладиган, байтулмолда мол бўлмаганда нафақа қилишнинг вожиблиги мусулмонларга ўтадиган, давлат нафақа қилиш учун мусулмонларга солиқ соладиган эҳтиёж ва жиҳатлар қуидагилардир:

1Жиҳод за жиҳод учун лозим бўлган қувватли армия тузиш, уни олий даражада тайёрлаш, душманни қайтарадиган ва қўрқитадиган, душман устидан голиб бўлиш имконини берадиган, ерларимизни озод қилишга ва кофирларнинг нуфузини мусулмонларнинг шаҳарларидан йўқ қилишга, шунингдек, Исломий даъватни оламга ёйишга имкон яратадиган даражада сон ва сифат жиҳатидан энг ривожланган қуролларни тайёрлаш нафақаларидир. Жиҳодга ва жиҳод учун лозим бўлган нарсаларга сарфлаш байтулмолда мол бўлсин бўлмасин сарфлаш лозим бўлган ҳақлардандир. Байтулмолда мол бўлса, жиҳод ва жиҳодга тааллуқли нарсаларга сарфланади. Мол бўлмаса жиҳод ва жиҳодга тааллуқли нарсаларга сарфлаш вожиблиги, модомики жиҳод фарзи айн экан, байтулмолдан мусулмонларга кўчади. Чунки мол ва жон билан жиҳод қилиш мусулмонларга фарздир. Аллоҳ таоло айтади:

انفِرُوا خَفَافًا وَثِقَالًا وَجَاهِدُوا بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

— „Хоҳ енгил ҳоҳ оғир ҳолларингизда (истасангиз-истамасангиз жиҳодга) чиқингиз ва молу жонларингиз билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилингиз, Агар билсаларингиз мана шу сизлар учун яхшироқдир” [9:41]

Анас радан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ «Сизлар мушрикларга қарши молларингиз, қўлларингиз, тилларингиз билан жиҳод қилингиз», дедилар. Шу каби мусулмонларга мол ва жон билан жиҳод қилишни фарз қиласидиган ўнлаб оят ва ҳадислар бор.

Шунинг учун жиҳод ва жиҳод учун лозим бўлган нарсаларга нафақа қилиш учун байтулмoldа мол бўлмаса, давлат Расулуллоҳ қилганлариdek молларини инъом қилишга қизиқтиради. Аҳмад Абдураҳмон ибн Ҳаббоб Суламий ривоят қилган ҳадисда айтадики: «Набий хутба ўқидилар ва жайшун усралар (ночор ва етишмовчиликда тузилган армия)га инъом қилишга тарғиб қилдилар. Шунда Усмон ибн Аффон: «100та тия ёнири ва эгари билан мени зиммамда», дедилар. Абдураҳмон айтадиларки: «Расулуллоҳ минбар зинасидан тушдилар, сўнг жайшун усрага ёрдам бериш тарғиб қилдилар. Шунда Усмон «100та тия ёнифи ва эгари билан мени зиммамда», дедилар. Ҳузайфа ибн Ямандан ривоят қилинган ҳадисда айтадиларки: «Набий Мени Усмонга жайшун усрага ёрдам сураб жўнатдилар. Усмон Набий га 1000 динор жўнатдилар ва бу динорлар Расулуллоҳ нинг олдиларига тўкилди. Расулуллоҳ динорларни қўлларида орқа-олдини айлантириб Усмонни дуо қилдилар: «Эй Усмон, сизни Аллоҳ мағфират қилди. То қиёматгача сиз тарафингиздан нима содир бўлса махфий ё ошкорами, Аллоҳ уни кечсин. Бундан кейин ҳар қандай ишида Усмонга зарар йўқ».

Агар мусулмонларни ихтиёрий равишда қилган инъомлари жиҳод фарз бўлган вақтда жиҳодга нафақа қилишга кифоя қилмаса, давлат жиҳод ва жиҳодга лозим бўлган нарсаларга нафақа қилиш учун эҳтиёждан оширмасдан солиқ солади, ортиқаси ҳалол эмас.

2 - Лозим бўлган қуроллар ишлаб чиқаришга имконият яратиш учун ҳарбий саноатга тааллуқли заводларнинг нафақалари. Чунки жиҳод армияга, армия эса қуролга муҳтож бўлади. Армия учун қуроллар олий даражада ва тўла етарли бўлиши учун саноат лозим. Шунинг учун ҳарбий саноат жиҳод билан алоқадор ва мустаҳкам боғлиқдир. Давлат мустақил бошқа давлатларнинг таъсири ва ҳукмронлигидан узоқ бўлиши учун, хусусан, муҳим қуролларни ишлаб чиқиши ва бу қуролларни ўзи ривожлантириши лозим, токи давлат қуроллар қанчалик ривожланган бўлишидан қатъий назар, энг янги ва энг қувватли қуролларга эга бўлсин ва давлатлараро ҳолатга мувофиқ очиқ ва махфий бўлган барча қуроллар унинг тасарруфи остида бўлсин.

Умматда бу завод ва саноатни мавжуд бўлмаслиги мусулмонларни қуролланишда кофирларга суннадиган қилиб қўяди. Бу эса мусулмонларнинг ирода ва қарорларини кофир давлатларнинг ирода ва қарорларига боғлиқ қилиб қўяди. Чунки кофир Давлатлар қуролларини ўзларининг манфаатларини рўёбга чиқарадиган шартлар билан сотади. Бу эса умматга энг даҳшатли зарарлардандир.

Шунинг учун бу саноатни барпо қилиш, мусулмонларга мол ва жон билан жиҳод қилишни вожиб қилган оят ва ҳадисларнинг наслари билан далолати илтизом (насада очиқ айтилмасдан ундан лозим бўладиган, келиб чиқадиган маъно) тариқасида вожибдир. Чунки жиҳод қуролга, қурол эса саноатга

муҳтождир. Шунингдек, барпо қилиш зарур бу саноат Аллоҳ таолонинг ушбу сўзлари билан вожибидир:

وَأَعْدُوا لَهُمْ مَا أَسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوُّكُمْ وَآخَرِينَ
مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ

Улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки у билан Аллоҳнинг ва ўзларингизни душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган Аллоҳ биладиган, бошқа бирорларни ҳам қўрқувга солурсизлар» [8:60]

Аллоҳ мусулмонларга вожиб қилган тайёргарлик даражаси зоҳир ва маҳфий, эҳтимолли бўлган душманларни қўрқитиш мумкин бўладиган тайёргарликдир. Бу душманни қўрқитувчи тайёргарлик, энг муҳим ва энг олий даражада ривожланган қуролларга эга бўлишга боғлиқ. Шунинг учун бу оятлар умматга бу саноатни барпо қилишни вожиблигига далолати илтизом қиласи. Чунки бу саноатни қурмаслик умматга катта заардир. Умматдан заарни кетказиш эса вожибидир, бу заарни кетказиш ҳарбий саноат ва ҳарбий саноатга тааллуқли заводларни қуриш билан бўлади.

Уммат фарзандлари лозим бўлган қуролларни ишлаб чиқариш учун бу заводларни қуришлари даркор. Агар уммат фарзандлари бу заводларни қуришмаса, давлат бу заводларни керакли бўлган қурол-аслаҳаларни ишлаб чиқариш учун лозим бўлган миқдорда қурмоғи вожиб бўлади. Бу заводларни қуриш байтулмолда мол мавжуд бўлсин ёки бўлмасин лозим бўлган ҳақлардандир. Агар байтулмолда мол бўлса, бу заводларни қуришга байтулмолдан сарфланади, байтулмолда мол бўлмаса, бу заводларни қуришга маблағ сарфлашнинг вожиблиги умматга кўчиб, давлат бу заводларга сарфлаш учун етарли миқдорда солиқларни таъйин қиласи.

3 - Камабагал, мискин ва йўловчи-мусофириларниң нафақалари. Буларга нафақа қилиш байтулмолда мол бўлсин бўлмасин лозим ҳақлардандир. Агар байтулмолда мол бўлса, байтулмолдан сарфланади ва мол бўлмаса, буларга сарфлашни вожиблиги мусулмонларга кўчади. Чунки камабагал, мискин ва йўловчи-мусофириларга нафақа қилиш закот, садақот ва бошқа боблар ичида мусулмонларга фарз қилинган. Расууллоҳ ﷺ «Қўшниси очлигини билиб, тўқ ҳолда кечани ўтказган киши менга иймон келтирмабди», дедилар. Шунинг учун байтулмолда камабагал, мискин ва йўловчи-мусофириларга нафақа қилиш учун мол бўлмаса, буларга нафақа қилишнинг вожиблиги мусулмонларга кўчиб, камбағалларга сарфлаш учун етарли миқдордаги солиқларни давлат таъйин қиласи.

4 - Аскарлар, хизматчилар, қози, муаллим ва булардан бошқа мусулмонларнинг манбаатларини бажаришда хизмат қиласидиган кишиларнинг ойлик маош-нафақалари. Чунки булар бу хизматларни бажариш муқобилида байтулмолдан ҳақ тўлашга лойиқ бўладилар. Буларга байтулмолдан мол сарфлаш, байтулмолда мол борми йўқми лозим бўлган ҳақлардандир. Агар байтулмолда мол бўлса, байтулмолдан сарфланади ва бўлмаса, уларга сарфлашни вржиблиги мусулмонларга кўчади. Чунки Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳокимиятни умматнинг ҳақи қилгандир. Аллоҳ таоло умматга халифани ўрнатишни вожиб қилди. Уммат халифага Аллоҳнинг китоби ва Расулиниң суннати билан амал қилиш шарти билан байъат қиласи ва халифа умматнинг ўрнига унинг ишларини Аллоҳнинг китоби ва Расулиниң суннати билан

бошқаради. Уммат ишларини бошқариш ҳоким, қози, аскарлар, муаллим, хизматчилар ва бошқалардан иборат давлат жиҳозини тузиш билан бўлади ва давлат жиҳозини тузиш уларни ойлик-маошига боғлиқdir. Модомики Аллоҳ таоло мусулмонларга давлат жиҳозларини тузишни вожиб қилган экан, мусулмонларга илтизомий далолат орқали давлат жиҳозидаги кишиларнинг ойлик-маошларини беришни ҳам вожиб қилган. Расууллоҳ ғуломларни ўзлари волийлар, омиллар, қозилар, котибларни тузиб, уларга ҳақ ажратардилар. Шунингдек, у кишидан кейинги халифалар ҳам волий, омил, қори, котиб ва аскарларни ташкил қилиб, байтулмолдан ҳақ ажратганлар.

Шу сабабли агар байтулмолда мол бўлса, байтулмолдан сарфланади, бўлмаса давлат мусулмонларга муҳтоҷ бўлган миқдорда солиқ солади.

5 - Умматга қулайликлар яратиш ва уни умматда бўлиши зарур, деб эътибор қилинадиган ва унинг йўқлиги сабабли умматга заар етадиган умумий йўллар, мадраса, мактаб, шифохона, масжидлар ва сувларни кўпайтириш ва шулар каби қулайликларга сарфланадиган нафақалар. Шу ишларга сарфлаш байтулмолда мол бўлса ҳам, бўлмаса ҳам лозим ҳақлардан деб эътибор қилинади. Агар байтулмолда мол бўлса, бу қулайликларни барпо қилиш учун байтулмолдан сарфланади. Мол бўлмаса, бу қулайликларга сарфлашнинг вожиблиги умматга кўчади. Чунки бу қулайликларга сарфлаф мусулмонларга вожибdir. Бу қулайликларни бажармаслик умматга заар етказади. Расууллоҳ ғуломларни «Зарар ва зарар билан муомала қилишлик йўқ» ва «Кимки зарар берса, Аллоҳ унга зарар берур ва ким қаршилик қилса, Аллоҳ унга қаршилик қилур» деган сўzlари сабабли умматдан ва давлатдан зарарни кетказиш вожиб бўлади.

Байтулмолда мол бўла туруб давлат байтулмолга нафақа қилиш лозим бўлган нафақалар учун солиқ солиши жоиз эмас. Буни мисоли давлат манбаатларни кўзлаб барпо қиладиган, уни барпо қилмасликдан умматга ҳеч қандай заар етмайдиган йўл бўла туруб иккинчи йўлни очиш, уни обод қилиш ёки асосийси бўла туруб иккинчи даражадаги мадраса, шифохона ёки заруратсиз йўлни кенгайтириш ёки никель, спирт ишлаб чиқариш учун завод қуриш ё тижорат кемалари учун ҳавза қуриш ва шулар каби буларни қурмаслик сабабли умматга заар етмайдиган ишлаб чиқарувчи хорхоналарни қуриш каби давлат барпо қиладиган қулайликларга сарфланадиган нафақалардир. Албатта давлат бу барча ишларни байтулмолда - бажармаслик сабабли умматга заар етадиган жиҳатларни нафақасидан - ортиқча мол бўлгандагина барпо қилиди. Агар байтулмолда мол бўлмаса, бу иккинчи даражали қулайликларни барпо қилиш учун солиқ солиши жоиз эмас. Чунки буларни барпо қилмаса умматга заар етмайди. Шунинг учун ҳам буларни барпо қилиш умматга вожиб эмас.

Шунга кўра, агар байтулмолда мол бўлса, зарурий қулайликларни барпо қилишга сарфланади, мол бўлмаса, бу зарурий қулайликларни барпо қилиш учун етадиган миқдорда солиқ солинади.

6 - Очарчилик, зилзила, тўфон, душманнинг ҳужумидан иборат бўлган фавқулодда ҳолатларнинг нафақалари. Бўлиши кутилмаган мана бундай ишларга нафақа қилиш байтулмолда мол бўлсин бўлмасин лозим бўлган ҳақлардандир. Агар байтулмолда мол бўлса, бу ҳолатларга сарфланади. Агарда мол бўлмаса, дарҳол кечиктирилмасдан мол жамлаш мусулмонларга фарз бўлади. Агар нафақани кечиктириб юборишдан заар етишидан қўрқилса,

содир бўлган фавқулодда ҳолатлар учун нафақа қилишга кифоя қиладиган миқдорда давлат қарз олади ва қарзни мусулмонлардан тўплаган молидан тўлайди. Мусулмонларга мол жамлаш вожиблигининг далили Расууллоҳ ғонинг «Қўшниси очлигини билиб кечани тўқ ҳолда ўтказган киши менга иймон келтирмабди» деган ва «Бирор бир қишлоқ аҳли ичиди бирор киши оч ҳолда бўлиб, тонг оттирса, улардан Аллоҳнинг аҳди кўтарилид» деган сўзларирид. Бу ҳадислар очарчиликларга нисбатандир. Аммо зилзила, тўфонларга келсак, ноchorларга, муҳтоjларга ёрдам бериш, мусулмонлардан заарни кетказиш вожиблигининг далиллари, мусулмонларнинг «мол сарфлашларининг вожиблигига далил бўлади.

Мана булар, мусулмонларнинг байтулмолида мол бўлмаган ҳолатда ва байтулмолни доимий киримлари ва умумий мулкчиликни ҳимоя киримлари кифоя қилмаган ҳолатда, давлат нафақа қилиш учун мусулмонларга солиқ соладиган жиҳатлардир.

Солиқлар мусулмонларни асосий ва иккиламчи эҳтиёжларидан ортган нарсалардан маълум миқдорда олинади. Кимни ҳузурида асосий ва иккиламчиларидан ортиқча моли бўлса солиқ олинади, бўлмаса олинмайди. Чунки Расууллоҳ ғонинг «Садақани энг афзали беҳожатлик ортидан қилинган садақадир» деб айтганлар. Беҳожатлик бу киши ўз ҳожатларини қондиришга етарли миқдордир, Жобир Расууллоҳ ғонидан ривоят қилиб айтадики: Расууллоҳ ғонинг «Нафақани ўзингга, сўнгра нафақаси вожиб бўлган кишиларга бер», дедилар. Расууллоҳ ғонинг нафақаси вожиб бўлган кишиларни кишининг ўзидан кейинга қўйдилар. Солиқ ҳам шу кабидир. Аллоҳ таоло айтадики:

وَيَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنفِقُونَ قُلْ الْعَفْوَ

„Сиздан нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар (ўзингиздан) ортганини деб жавоб беринг»,

[2:219]

яъни нафақа қилишда машақат бўлмаган, ҳолидан ортиқча нарсани. Солиқ ҳожат-эҳтиёжларга киравчи эмас, балки эҳтиёжлардан ортган барча нарсалардан олинади.

Солиқлар юқорида зикр қилинган жиҳатларга лозим бўлган нафақалара ожизлигини бартараф қилаш учун етарли ва ҳожатга яраша миқдорда фарз қилинади. Солиқ солишда одамларнинг бойликлари ёки бойлик олдини олиш ёки байтулмолнинг киримларини ошириш риоя қилинмайди, балки фақатгина юқорида зикр қилинган жиҳатларга лозим бўлган нафақаларни қоплашга етадиган миқдор риоя қилинади. Бу миқдор ортиқча олинмайди. Чунки бу миқдордан ортиқча олиш, мусулмонларга бериш вожиб бўлмагани учун зулмдир. Зулм эса қиёмат кунининг зулматлариданadir.

Давлатга воситали солиқларни, шунингдек, маҳкамаларнинг расм-русум шаклларига ёки давлатга тақдим қилинган талабларга ёки ерни сотиш ва уни қайдлаш муомалаларига ёки ёпиқ биноларга, торозуларга ва бундан бошқа солиқларни солиш жоиз эмас. Чунки бу каби солиқлар ундан қайтарилиган зулм ва Расууллоҳ ғонинг «Макс аҳли дўзахдадир» ва «Макс оловчи жаннатга кирмайди», деган максданadir.

САДОҚАТ МОЛЛАРИ

ЗАКОТ

Байтумол киримлари жумласидан бўлган садақалар закон дейилади. Закон гоҳо садақа маъносида, садақа эса гоҳо закон маъносида келади. «Зақот» сўзи луғатда «ўсиш», «тозалаш» маъноларидадир. Закон бериш «Садақа сабабли моли камаймади», деган ҳадисга кўра баракага сабаб бўлади, савоб закон билан ўсади, закон нафсни баҳиллик, разилликдан асрайди ҳамда инсонни гуноҳдан поклайди.

Закон шариатда ўсиш ва покланиш маъносида келади. Закон шариатда; «Муайян моллардан ажратилиши вожиб бўлган ҳақ», деб таърифланади. У ибодатлардан бири. Намоз, рўза, ҳаж каби Ислом рукнларидан ҳисобланади. Закон фақат мусулмонларгагина вожиб бўлиб, бошқалардан олинмайди. У китоб ва суннат асосида вожиб бўлгандир. Қуръонда: “ва атуззаката,” “Закот беринглар”, дейилган. Набий ﷺ Муозни Яманга юборган вақтларида унга: «Аллоҳ уларнинг бойларидан олинадиган ва камбағалларига қайтариладиган законни уларга фарз қилганини билдири», дедилар. Закон бермайдиганларга қаттиққўллик билан жазо берилиши хабари келган Набий ﷺ «Тилла ва кумуш эгаси бўлган киши унинг законини бермайдиган бўлса, қиёмат куни унинг учун катта тош жаҳаннам оташида қиздирилади ва у билан унинг (закон бермаган кишининг) ёни, пешонаси ва орқалари куйдирилади. Тош ҳар бор совуса жаҳаннамда қиздирилади. Миқдори эллик минг йил бўлган кунда бу жазо бандалар орасида ҳукм қилиниб киши жаннатга ёки дўзахга бўлган йўлини кўргунича давом этади», дедилар. «Эй Расулуллоҳ, туягачи?» деб сўралдилар, Расулуллоҳ айтдилар: Туя эгаси унинг ҳаққини адо этмайдиган бўлса ва соғиладиган кунда уни соғиш туяни ҳаққидандир, қиёмат куни бўлган вақтда туялар кенг ва текис бир ерга келтириладилар ва ҳаммалари, кичкина болаларига қадар, уни (закон бермовчини) оёқлари билан эзадилар, оғизлари билан тишлайдилар, муддати эллик минг йил бўлган кунда аввалги пода босиб ўтса, сўнгидан кейингиси босиб келаверади. Токи бандалар орасида ҳукм чиқарилиб, киши жаннат ёки дўзахга бўлган йўлини кўргунгача давом этади» дедилар. «Эй Расулуллоҳ, мол ва қўйларгачи?» Молларнинг ва қўйларнинг эгаси Ҳаққини адо этмаган бўлса, қиёмат кунидан уларнинг (молларнинг, қўйларнинг) битта қолмай кенг ва текис ерга олиб келинади, уларнинг орасида битта ҳам шохи синган, шохи эгри. шохи йўқ хўқиз бўлмайди ва уларнинг ҳаммаси уни (закон бермаган кишини) туёқлари билан эзгилайди, шохи билан сузади. муддати эллик минг йил бўлган кунда бир пода ортидан иккинчи пода келаверади. Бандалар орасида ҳукм чиқарилиб, жаннатга ёки дўзахга йўналган йўлинн кўргунича давом этади, дедилар. Биргина Термизийдан ташқари беш ровий бу ҳадисни ривоят қилишган.

Закон қарзларидан ташқари нисобга етган мол-мулки бўлган ва мулкка эга бўлганига бир йил муддат ўтган ҳар бир мусулмонга фарзи айнdir. Қачонки, мусулмоннинг мулкидан закон вожиб бўлса, унинг зиммасидан ҳеч қачон соқит бўлмайди. Законни йифишда умматдан йифишириладиган бошқа солиқлар каби фуқаронинг манфаатига биноан ва давлат эҳтиёжларига мувофиқ деган эътибор риоя қилинмайди. У ҳожат бўлса ҳам, ҳожат бўлмаса ҳам моли нисобига етганлар байтумолга тўлаши лозим бўлган мол ва саккиз тоифанинг ҳаққидир. Закон байтумолнинг ҳаққи ҳам, ўрни ҳам эмас, балки у Қуръондаги садақа ояти билан таъйин қилинган саккиз тоифага муносибdir. Байтумол

халифанинг раъий ва ижтиҳодига кўра, Қуръон оятида таъйин қилинган мазқур саккиз тоифа мусулмонлар учун сақланадиган жой холос.

Ҳар бир эркақ, аёл, ёш бола ва мажнундан ҳам, агар моллари нисобга етган бўлса, олинаверади. Бу, закотни мутлоқ вожиблиги ҳақида келган саҳиҳ ҳадисларни умумий равишда келганлиги сабаблидир. Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари эса боболаридан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ  хутбада айтдиларки, «Огоҳ бўлинг, қайси бир киши моли бўлган етимга валий (қарамоғига олувчи) бўлса, унинг молини тижорат билан кўпайтирсин, ташлаб қўймасин. У ҳолда молни садақа еб қўяди». Анасдан марфу ҳадис ривоят қилинади: «Етимнинг молидан тижорат қилинглар, закот уни еб қўймасин». Қосим ибн Муҳаммаддан ривоят қиладилар: «Оиша  бизлар етим бўлган ҳолимизда, молларимиздан тижорат қилиб, унинг закотини берар эдилар». Анас ибн Молик; «ақли заифнинг молида закот бор», деб раъй қиласар эдилар. Зухрий ҳам шундай раъй қиласардилар, Ибн Шихоб мажнуннинг моли ҳақида сўралди: «Унда закот борми?» У: «Ҳа», деди.

Закот қўйидаги моллардан вожиб бўлади:

1. Туя, мол ва қўйлардан.
2. Экин ҳамда мевалардан.
3. Пуллардан.
4. Тижорат молларидан.

Буларга эга бўлган мусулмоннинг қарзидан ташқари моли нисобга етгандан сўнг бир йил вақт ўтгач закот вожиб бўлади. экин ва меваларнинг закоти эса, ҳосил йиғишириб олинган вақтнинг ўзидан вожибdir.

ҲАЙВОН ЗАКОТИ

ТУЯ

Туя нисобининг аввали Набий ~~ж~~дан Абу Саид Худрий ривоят қилган ҳадисга кўра беш донадир. Наби ~~ж~~ «Беш зуваддан кам бўлган таяда закот йўқ», деган. Зувад учтадан тўқизтагача бўлган тая. Киши бещдан кам таяга эга бўлса, унга закот йўқ. Йилнинг кўп қисмида ўтлоқда ўтлайдиган бешта таянинг соҳибига бир қўй бериш вожиб бўлади. Таянинг нисоби ва ундан тўланадиган закот:

1. Бешта таяга битта қўй.
2. Ўнта таяга иккита қўй.
3. Ўн бешта таяга учта қўй.
4. Йигирма таяга тўртта қўй.

Сонларнинг орасидаги зиёдалиқда закот йўқ. Агар тая йигирмадан зиёда бўлса, унинг адади йигирма бешга етгунча закот йигирма таяга тўланаверади. Сони йигирма бешга етган таялардан қўй соқит бўлиб закот ўз жинсидан (яъни тая) берилади. Саъд ибн Лайсдан ривоят қилинган ҳадисда: «Бу садақа китоби, яъни, хатида ёзилишича, йигирма тўртта ва ундан кам бўлган таядан закотга қўй берилади. Ҳар бешта таяга бир қўй». Бу Умар ибн Хаттобнинг нусхаси. Нофиъ менга шу сўзларни айтганлар», деди. Анас ибн Молик айтдиларки: «Мен Умар ибн Хаттобнинг садақа ҳақидаги хатини ўқидим, унда шундай ёзилган: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу садақа китоби (яъни хати). 24та таянинг ҳар бештасидан битта қўй вожиб. Агар тая йигирма бештага етса, ундан вожиб бўладиган закот шундай:

1. 25та таядан бир урғочи тая «бинту маҳоз» бир ёшга тўлиб, иккинчи ёшга ўтган урғочи тая. (Маҳоз ҳомиладорлик вақти кирган деганидир). Агар тая эгасида «бинту маҳоз» бўлмаса, ундан эркак тая ибну лабун икки ёшга тўлиб, учинчи ёшга ўтган тая олиниши лозим.

2. 36та таядан урғочи «бинту лабун» олинади. Бинту лабун 2га тўлиб, уч ёшга ўтган тая демакдир. Унинг онаси туғиши вақти яқинлашиб, сут беришига оз фурсат қолганлиги учун шундай аталади.

3. 46та таядан битта урғочи «ҳиққа», яъни, торуқотул-фаҳли берилади. Торуқотул-фаҳли уч ёшга тўлиб, тўртинчи ёшга ўтган, эркаги билан алоқа қилишга лаёқатли тая.

4. 61та таядан «жазаъа» берилади. Жазаъа тўрт ёшга етган тая, олдинги тишлари тушганлиги учун шундай номланади,

5. 76та таядан иккита «бинту лабун» берилади.

6. 91та таядан иккита «ҳиққа», яъни, торуқотул-фаҳли берилади.

Сонларнинг орасидаги зиёдалиқда закот йўқ. Агар тая 91тадан зиёд бўлса, 121га етгунча икки нафар торуқотулфаҳли берилаверади. Таяларнинг сони 121га етгач, ҳисоб ўзгаради, таялар қайтадан саналиб, ҳар 40тасига «бинту лабун», ҳар 50тасига «ҳиққа» ҳисоб этилади.

Нисоблар ва ундан вожиб бўлган закот қўйидагидек:

1. 121 таяга» учта «бинту лабун».
2. 130 таяга битта «ҳиққа» ва иккита «бинту лабун».
3. 140 таяга иккита «ҳиққа» ва битта «бинту лабун».
4. 150 таяга учта «ҳиққа».

5. 160 туяга тўртта «бинту лабун».
6. 170 туяга битта «ҳиққа» ва учта «бинту лабун».
7. 180 туяга иккита «ҳиққа» ҳамда иккита «бинту лабун».
8. 190 туяга учта «ҳиққа» билан битта «бинту лабун».
9. 200 туяга тўртта «ҳиққа» ёки бешта «бинту лабун». Буларнинг ҳаммасининг далили ҳазрат Анас *ra* дан ривоят қилинган ҳадисларда бор. Ҳазрат Абу Бакр *as* Анас рани Баҳрайнга юборган вақтларида уларга мана бу мактубни ёздилар: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу (закот) Аллоҳ Расулига буюрган, Расулуллоҳ *as* мусулмонларга фарз қилган садақот фарзири. Мусулмонларнинг қайси биридан садақани шаръий Ҳукмга кўра ўз кўринишида сўралса, уни берсин. Ундан ортиқ сўралса, бермасин, 24та ва ундан камроқ тиянинг ҳар бештасига битта қўй, 25-35тагача битта бир яшар урғочи тая, 36-45тагача битта икки ёшли урғочи тая, 46-60тагача битта уч яшар урғочи тая, 61-75тагача таяси бор одам битта тўрт ёшли тая, 76-90тагача тиядан иккита икки ёшли тая, агар 91-120тагача бўлса, иккита уч яшар урғочи тая берилади. 120тадан кўп бўлса, ҳар қирқ бошдан битта икки ёшли урғочи тая ва ҳар элликтасига битта уч яшар тая бермоғи лозим. Кимнинг тўрттадан бошқа таяси бўлмаса, садақа вожиб эмас. Хоҳласа беради, хоҳламаса йўқ. Кимнинг таяси беш нафарга етса, битта қўй беради».

Закотга берилган тая вожиб бўлган ёшга етмаса, ёши кичикроғи бўлса, ёш тиянинг эгаси унга қўшимча иккита қўй ёки йигирма дирҳам бериши вожиб. Агар закотга берилган тиянинг ёшидан ортиқ ёш олинса, тая эгасига иккита қўй ёки йигирма дирҳам берилади. (Йигирма дирҳам 59,5 грамм кумушга тенг келади). Масалан: тая 46та бўлса, уч яшар тая вожибдир. Агар 3 яшар тая эгасида топилмаса, унда 2 яшар урғочи тая бўлса унга қўшимча 2та қўй ёки йигирма дирҳам бериши вожиб. Бордию унда 2 яшар урғочи тая бўлмасдан 4 яшар тая бўлса, тая эгасига 2та қўй ёки 20 дирҳам берилиши вожиб бўлади. Ҳазрат Анас *ra* ривоят қилган ҳадисга кўра, Абу Бакр *as* Аллоҳ Расули *as* га буюрган садақа фарзини (Анасга) ёзид юборди: «Кимнинг закоти жазаъага 4 яшар тая садақасига етиб борган бўлсаю, унда 4 яшар тая бўлмай, 3 ёшли тая бўлса, ундан 3 ёшли тая қабул қилинади. Тая соҳибидан агар осон бўлса 2 қўй ёки 20 дирҳам 3 яшар таяга қўшимча олинади. Бир кишининг закоти 3 яшар тая садақасига етиб борган бўлсаю, унда 3 ёшли тая бўлмай, 4 ёшли таяси бўлса, ундан 4 ёшли тая қабул қилинади ва бу кишига садақа йиғиштирувчи 20 дирҳам ёки 2 қўй беради».

Тиядан закотни унинг жинсидан ҳамда сифатига қараб, хуросоний тиялардан хуросоний, арабий тиялардан арабий, қимматидан қимматли, семизидан семиз, ориқларидан ориқ олинади, қари, кўзи кўр, касали олинмайди. Набий *as* дандан ривоят қилинади: «З ишни қилган киши, яъни, Аллоҳнинг ўзига ибодат қилган, нафси ризо бўлиб, ҳар йили молининг закотини берган ва қарисини, касалини алоҳида ажратиб, белгили бўлиб турган арзимасини, сил касали борини бермаган киши - иймон таъмини тотиби. Лекин, сизлар молларингизнинг ўртанчасидан беринглар, Аллоҳ сизлардан унинг яхшисини сўрамаган ва сизларни молнинг ёмонига ҳам буюргаган».

Мол (сигир)

Молдан закот бериш суннат ва саҳобаларнинг ижмоси билан вожиб. Даили: Абу Зар Набий ﷺдан ривоят қилган ҳадис. Набий ﷺ «Туя, мол ва қўй эгаси унинг закотини адо этмайдиган бўлса қиёмат куни келганда моли энг катта ва энг семиз ҳолда келиб, уни туёқлари билан тепкилайди, шохлари билан сузади», дедилар. Муттафақун алайҳ. Саҳобалар ижмоидан далил: улар молда закот вожиблигини иттифоқ қилганларидир.

Закот йилнинг кўп қисмида ўтлоқда ўтлайдиган молда вожиб бўлади. Бу молдан насл олиш ва ўстириш учун боқилади. Аммо ишловчи молда закот йўқ. Алий رضдан: «Ишловчи молда закот йўқ», деб ривоят қилинди. Амр ибн Дийнордан; «Расулуллоҳ ﷺнинг «Ер ҳайдовчи ҳўқизда закот йўқ», деганлари менга етиб келган», деб ривоят қилинади. Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиласи: «Набий ﷺ қўзғатувчига садақа йўқ», дедилар. Кўзғатувчи, яъни, ер ҳайдовчи мол демакдир.

Закот вожиб бўладиган мол нисобининг аввали 30тадир. Нисоблар ва ундан берилиши вожиб бўлган миқдор қўйидагидек:

1. 30та молга, табиъ ёки табиъа берилади. Табиъ 1 ёшга етган ва 2чи ёшга ўтган бузоқ. У онасига эргашибга қодир бўлгани учун шундай деб аталади.
2. 40та молга 1та «Мусинна». Мусинна 2 ёшга кириб Зга ўтган бузоқ. Бунинг далили Насоий ва Термизий ривоят қилган ҳадис. «Набий ﷺ Муозни Яманга юбориб, унга 30та молдан 1 ёшли бузоқ табиъ ёки табиъа. 40тадан 2 ёшли бузоқ мусинна олишни буюрдилар».
3. 60та молдан 2та 1 ёшли эркак ёки урғочи бузоқ.
4. 70тадан битта 2 ёшли ва битта бир ёшли бузоқ.
5. 80тадан 2та 2 ёшли бузоқ.
6. 90та молдан 3та 1 ёшли бузоқ.
7. 100тадан 1та 2 ёшли ва 2та бир ёшли бузоқ.
8. 110тадан 2та 2 ёшли ва 1та 1 ёшли бузоқ.
9. 120тадан 3та 2 ёшли ёки 4та 1 ёшли бузоқ.

Яҳё ибн Ҳакам ривоят қилган ҳадисларига кўра, сонларнинг орасидаги зиёдаликда закот йўқ. Муоз *ra*: «Расулуллоҳ ﷺ мени Яманнинг садақасини олгани юбордилар ва менга 30та молдан 1 ёшли бузоқ, 40тадан 2 ёшли бузоқ олишимни буюрдилар. Яманликлар 40 билан 50, 60 билан 70, 80 билан 90танинг орасидаги закотни олишимни таклиф қилдилар. Мен бош тортдим. Мен уларга бу ҳақда Расулуллоҳ ﷺдан сўрайман, деб айтдим. Келиб Набий ﷺга хабар бердим. Менга 30та молдан 1 ёшли бузоқ, 40тадан 2 ёшли, 60 тадан 2та 1 ёш, 70тадан 1та 2ёшли ва 1та 1 ёшли, 80тадан 2та 2 ёшли, 90тадан 3та 1 ёшли, 100тадан 1та 2 ёшли ва 2та 1 ёшли, 110тадан 2та 2 ёшли ва 1та 1 ёшли, 120тадан 3та 2 ёшли ёки 4та 1 ёшли бузоқ олишимни ва буларнинг орасидаги моллардан ҳеч нарса олмаслигимни буюрдилар, дейди». Яҳё ибн Ҳакам ривоят қиласи: «Расулуллоҳ ﷺ авқосда садақа йўқ», дедилар. Авқос вақснинг жами бўлиб, у 2 нисоб орасидаги мол демакдир,

Қўтос (буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвон)нинг ҳукми закотда молнинг ҳукмидир. Қўтос мол билан бирга бўлган вақтда саноқда мол билан бирга ҳисоб қилинади. Анас ибн Молик ривоят қиласи: «Қўтос ва мол баробар. Хурросоний тужа ва арабий тужа баробардир. Қўй ва эчки қўй нисобида баробардир». Ибну Шиҳобдан ривоят қилинган ҳадисда Умар ибн Абдулазиз ўз омилларига, яъни садақа йиғувчиларига қўтос садақаси (яъни закоти) сигир садақаси олинганидек олинишини ёздилар.

Қўй

Қўй закоти суннат ва саҳобалар ижмоси билан вожиб бўлгандир. Суннатдан далил; Абу Зар Набий ﷺдан ривоят қилган ҳадис. Набий ﷺ «Туя, мол ва қўй эгаси закотни адо этмайдиган бўлса, қиёмат куни келганда моли ва қўйи энг семиз ва энг катта ҳолатда уни шохлари билан сузади ва туёқлари билан эзғилайди», дедилар. Муттрафақун алайҳ.

Саҳобаларнинг ижмосидан далил: улар қўйда закотнинг вожиблигига ихтилоф қилмасдан, ҳаммалари ижмо қилганликлари. Йилнинг кўпроқ қисмида яйловда ўтлайдиган қўйга, нисобга етганига комил бир йил ўтган вақтда, закот вожиб бўлади. Набий ﷺ «Яйловда ўтлайдиган қўйда закот бор», «ҳар қандай молга бир йил тўлмагунча унда закот йўқ», дедилар.

Қўй нисобининг ози 40 бош. Агар 40тадан озайса, гарчи биттага бўлса ҳам ундан закот берилмайди. Қўй нисоблари ва ундан берилиши вожиб бўлган закот миқдори қўйидаги шаклда бўлади:

1. 40тадан 1та.
2. 121тадан 2та.
3. 201тадан 3та.
4. 400тадан 4та қўй вожиб бўлади.

Ҳамма саноқнинг орасидаги зиёдага закот йўқ. Қўй 400тага етиб борган вақтда, ҳар бир юзтасига битта қўй берилади.

Яна бошқа 100та мукаммал бўлмагунча 400танинг зиёдасига закот берилмайди, 400тага бериладиган закот берилади. Агар қўй 500тадан битта кам бўлса ҳам, яъни 499та бўлса ҳам, 99танинг закоти берилмайди. Буларнинг далили Мұҳаммад ибн Абдураҳмондан ривоят қилинган ҳадисдир. «Набий ﷺнинг садақа мактубларида ва Умар ибн Хаттобнинг мактубларида 40тадан кам бўлган қўйда закот йўқ. Қўй 40тага етиб бориб то 120 та бўлгунча 1та қўй, 121тадан ортиб 200та бўлгунча 2та қўй, 201тадан ортиб 300тага етгунча 3та қўй. Агар қўй 300тадан зиёдалашган вақтда 400тадан камига закот йўқ. Яъни 399та қўйга ҳам 3та қўй берилади, 4та қўй берилмайди. Сўнг ҳар бир 100та қўйга 1та қўй берилади, қари ва эркагини, садақа йиғишитирувчи хоҳласа, олинади», дедилар. Умар ибн Хаттобнинг оиласидаги садақот мактубида: «Қўй 301тадан зиёда бўлган вақида 400тага етмагунча, унга закот йўқ, 400та қўйдан 4та қўй закот берилади», дейилган.

Қўй закотида ҳисобланадиган, олинадиган ва олинмайдиган нарсалар

Мусулмон кишини қўйлари кичик бўлса ҳам, катта бўлса ҳам, улоқми, қўзичноқми аралаш олинади. Фақат бир йил олдин туғилган бўлиши шарт қилинади.

Қўй закотида 6 ойлик бўлган қўй ҳамда бир ёшга кирмаган эчкини закотга олинади. Эркак билан урғочи орасида фарқ йўқ, эркагини ҳам, урғочисинн ҳам олинаверади. Закот қўйнинг энг яхисидан ва энг ёмонидан эмас, ўртачасидан олинади.

Эчки боласи ва қўзичноқ закотга олинмайди, Уларни олиш жоиз бўлмайди. Боласи бор, туғиш арафасида турган, сут учун ёки гўшт учун боқилаётгани олинмайди. Қўйларнинг қўчқорини эгаси ихтиёран закот қилиб берса, қабул

қилинади, Вожиб бўлганидан кўпроқ бергани учун унинг ажри (савоби) зиёда бўлади. Буларнинг далили Бишр ибн Осим отасидан ривоят цилган Ҳадис, Умар ибн Хаттоб Абу Суфён ибн Абдуллоҳи Тоиф ва унинг атрофидаги закот йиғувчи, омил қилиб таъйинлади. У садақа йиғувчи бўлиб чиқиб, улардаги эчкининг боласини ҳам ҳисобга киритган, лекин улардан улоқларни закот сифатида олмаган, Шунда улар айтдиларки, агар сиз эчкининг боласинн ҳам ҳисобласангиз, уни закотга олинг. Омил уларга бирор жавоб айтмай, келиб Умарга учрашди: «Биз улардаги эчки боласини нисобга қўшиб ҳисоб қилаётганимизни, бироқ закот учун олмаётганимизни зулм деб ўйлаяптилар», деди. Умар унга: «Чўпон ўз қўлида олиб юрган эчки болаларини ҳам ҳисобла ва уларга: мен сизлардан қўйларнинг сўйиш учун семиртирилаётганини, сутлигини, ҳомиладорини, болалигини ва қўчқорини олмайман, деб айтгин ва бир ёшга тўлган эчкини, б ойлик қўйни олгин. Мана бу молнинг кичкинаси (қўзи) ва уни энг яхиси ўртасидаги адл», деди. Бунинг далили Набий ﷺнинг сўзларига кўра: «Бизнинг ҳаққимиз (яъни закот олишда) б ойлик қўй ва бир яшар эчкидир». Аллоҳ таолонинг:

وَلَا تَيْمِّمُوا الْخَيْثَ مِنْهُ تُنْفَقُونَ

„Инъом қилаётган нарсаларингиздан ёмонини қасд қилманглар», [2:267]

деган сўзига биноан ва Набий ﷺнинг: «Садақада закот йиғувчи хоҳласагина қари, бир қўзи кўр ва така олинади», деган сўзларига биноан закотга қари ва айби бор қўй олинмайди, Қўйларнинг ҳаммаси қари ёки айбли бўлганлиги учун закот йиғиширувчи бу навларни қабул қилса жоиз бўлади.

Қўйлардаги шерикларнинг ҳукми

Шерикларнинг сонига ва уларнинг ҳиссаларига қарамай, шериклик қўйдан закот олинаётган вақтда, қўйлар бир кишининг молидек ҳисобланади, ажратилмасдан ёки жамланмасдан ўз ҳолича қолади. Бу шерикчиликдаги қўйларда ҳар бир кишининг ҳиссаси аралашиб кетган бўлиши мумкин, мисоли икки киши бир нисоб миқдори қўйни мерос олиб, ёки шерик ҳолда сотиб олиб ёки ҳадя қилиниб, икки шерик тақсимламасдан ўз ҳолича қолдириши каби. Ёки шерикларни ҳиссалари эмас, балки қўйларининг сифати аралашиб кетган бўлиши ҳам мумкин, мисоли шерикларнинг ҳар бирининг қўйлари ажралган бўлиб, шериклар қўйни аралаштириб шерик бўлишади. Шериклар шерикчиликда баробар бўлишсин ё бўлишмасин ёки подачи, яйлов, қўчкор, сувда баробар бўлишмасин, фарқи йўқ. Албатта шерикчилик қўйлар ёки аралаш қўйлар қанчалик аралашиб кетган ва шерикларни ҳиссаси қанча бўлишидан қатъий назар закот олинаётганда бир кишининг қўйидек саналиб, ажратмасдан ёки жамланмасдан қолдирилади. Қўй 40тага етиб борса, закот йиғиширувчи ундан 1та қўй олади. Қўй 121тага етиб борса, ундан 2та қўй, 201тага етиб борса, 3та, 400та бўлса 4та қўй закот олади. Садақа йиғиширувчи олган закот қўйлардаги шерикларнинг ҳиссаларига қараб, шериклар орасида тақсимланади. Набий ﷺ «Бир-бирига аралашиб кетган қўйларнинг эгалари ўзаро баробарлик билан ўз ҳиссаларини қайтаришади», деган сўзларига кўра, улар бир-бирларида жабр қилмасдан садақани ўзаро тақсимлайдилар. Улардан ҳиссаси кам бўлгани ҳиссаси кўп бўлгандан ўз насибасини олади.

Омил закотни кўп олиш учун қўйларни ажратишлиги жоиз эмас. Масалан: Зта шерикнинг 40тадан қўйлари бор. Закот йиғиштирувчи ҳар бир шерикдан 1тадан Зта қўй олиш учун қўйларни ажратишни қасд қилса, жоиз эмас. У юқоридаги қоидага биноан битта қўй олиши лозим. Шунингдек, қўй эгалари ҳам қўйларга закот бермаслик ёки унинг закотини камайтириш истагида садақа йиғиштирувчи ҳозир бўлган вақтда яхлит сурувни ажратишлири жоиз эмас. Масалан: икки шерикнинг 201та қўйи бор. Бу ҳолда Зта қўй закот беришлари керак эди. Лекин 2та қўй бериш учун икки одамнинг алоҳида сурувли қилиб кўрсатгандаридек, ёки 2 шерик 40та қўйга эга бўлиб, ажратилгандан кейин закот бермаслик учун уни ажратгандаридек, қўйга бериладиган закотни камайтириш истагида жамлаш ҳам жоиз эмас, Масалан: 2 кишининг аралашмаган 40тадан қўйлари бор, омилга 1тадан қўй бериш ўрнига 1та қўй бериш учун сурувни аралаштирадилар,

Жамланганни ажратиш ва ажралганни жамлаш жоиз эмаслигининг далили Саъд ибн Абу Ваққос ривоят қилган ҳадисда бор. Расулуллоҳ ﷺ «Садақада жамланганнинг орасида ажратилмайди ва ажратилганнинг ораси жамланмайди. Аралашган қўй бу қўйларнинг ўтлоқда, сув ҳавзасида, қўчкорда жамланганидир». Яна бир ривоятда «қўй боқувчида» дедилар.

Туядан, молдан ёки қўйдан закот вожиб бўлса, молнинг айнан ўзидан закот олинади, унинг ўрнига қиймати олинмайди. Чунки ҳадислар буларни таъйин қилиб, уларнинг ёшларини ҳам белгилаб берди.

Туя, мол, қўтос ва қўйни тижорат учун олинган вақтда, унинг садақаси ҳайвон закоти бўлмай, тижорат молининг закотига айланади. Бу ҳолда адади ва ёшлари эътиборга олинмайди ва тижорат молининг баҳоси кумуш дирҳам ёки тилла динор билан ўлчанади. Унинг қиймати 200 дирҳам кумушга ёки 20динор тиллага етиб борса, 40дан бири вожиб бўлади. Ву тижорат молидан вожиб бўлган закотнинг миқдори. 200 дирҳам кумуш 595 грамм кумушга teng келади. 20 динор тилла эса, 85 грамм тиллага teng келади. Бир дирҳам кумуш 2,975 граммга бир динор тилла эса 4,25 грамм тиллага teng.

МЕВА ВА ЭКИНЛАРНИНГ ЗАКОТИ

Экин ва мевалар закоти китоб ва суннат билан вожиб бўлган. Китобда Аллоҳ таолонинг:

وَآتُوا حَقَّهُ يَوْمَ حَصَادِهِ

- «Унинг ҳаққини йиғишириб олган кунингизда беринглар», [6:141] деган сўзига биноан ва Набий ﷺнинг: «5 васақдан кам бўлган нарсада садақа ўйқ» деган сўзларига биноан, Ибн Умар Набий ﷺдан ривоят қилган ҳадисида Набий ﷺ «Осмон ва булоқлар суви билан сугориладиган экинлардан ўндан бир (ушр), сувни чеълакда ташиш билан сугориладиган экинлардан ушрнинг ярми олиниади», деб айтган сўзларига биноан вожиб бўлган. Бухорий ривояти.

Закот вожиб бўлган мева ва экинларнинг турлари

Закот буғдой, арпа, хурмо ва майизда вожиб бўлади. Амр ибн Шуайб отасидан, отаси Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ ﷺ буғдой, арпа, хурмо ва майизда закотни вожиб қилдилар», дейди. Яна Мусо ибн Талха: «Расулуллоҳ ﷺ Муоз ибн Жабални Яманга юборган вақтларида буғдой, арпа, хурмо ва узумдан закот олишни унга буюрдилар», дейди. Бу ҳадислар экин ва мева закотини бу 4 навдан - буғдой, арпа, хурмо ва майиздан олиниши, бундан бошқа экин ва мева навларидан олинмаслигини баён қилди, бунинг сабаби, аввалги 2 ҳадис чеклашга далолат қилувчи «иннамо» лафзи билан бошланган. Закот вожиблигини бу 4 навга чеклашни Ҳоким, Байҳақий ва Табароний Абу Мусо ва Муоздан ривоят қилган ҳадислар таъкидлайди. Набий ﷺ уларни одамларга дин ишларидан таълим бергани Яманга юборган вақтларида: «Садақани фақатгина бу 4 нав - буғдой, арпа, хурмо ва майиздан оласизлар», дедилар. Байҳақий ҳадис ҳақида: «Унинг ровийлари ишончли, бирбирига боғланган», деди. Бу ҳадисда экин ва мевалардаги закотни фақат шу 4 навдан олиш лозимлиги равshan кўрсатиб берилган. Чунки «آلی» (илло) лафзидан олдин нафий ёки наҳий ҳарфлари келса «آلی» («илло» лафзи) ўзидан олдинги нарсани ўзидан кейинги нарсага чеклашни ифодалайди, яъни садақа олишни «آلی» (илло) лафзидан кейин зикр қилинган 4 нав: буғдой, арпа, майиз ва хурмога чеклашни ифодалайди.

Чунки ҳадисларда келган «майиз», «хурмо», «арпа», «буғдой» лафзлари жомид (турланмайдиган) исмлар. бу исмларнинг лафзи нутқан ҳам, мағхуман ҳам, илтизоман ҳам ўзларидан бошқага шомил бўлмайди. Чунки бу исмлар сифат исмлари ва маъно исмлари эмас. Балки бу исмлар нимага ном қилиб қўйилган бўлса, ўшангагина чекланган. Шунинг учун уларнинг лафзидан овқатланиш, қуриш ёки жамлаш маънолари олинмайди. Чунки уларнинг лафзлари бу маънолар ва сифатларга далолат қилмайди. Экин ва меваларнинг юқорида зикр қилинган тўрт турида закотнинг вожиблигини чеклаётган: «Осмон сугорган нарсада ушр, катта чеълак ёки чархпалак ёрдамида сугорилган экинга ярим ушр», дейилган ҳадисларда келган умум лафзларини хословчидир. Шунинг учун ҳадисларнинг маъноси осмон сугорган буғдой,

арпа, хурмо ва майизда ушр (ҳосилнинг 10дан бири), катта чека ёки чархпалак билан сугорилган нарсада ярим ушр бўлади.

Шунинг учун закот гуруч, маккажўхори, ясмиқ дони, нўхат, ловия, бошқа дон ва дуккакли ўсимлик (мош, ловия, нўхат)дан олинмайди. Олма, ўрик, анор, апельсин, олхўри, шафтоли, банан (иссиқ мамлакатда ўсадиган ўсимлик ва унинг меваси) ва бошқа ҳул мевалардан ҳам олинмайди. Бу дон ва ҳул меваларни буғдой, арпа, хурмо ва майиз лафзи ўз ичига олмаган. Булардан закот олишга қаратилган саҳих ҳадис, оят, ижмо йўқ. Закот ҳадисларига қиёс кирмайди. Чунки закот ибодатлардандир. Ибодатларга қиёс кирмайди. Шунингдек, қўкатлар, бодиринг, ошқовоқ, шолғом, сабзи каби сабзавотлардан ҳам закот олинмайди. Али ~~дан~~: «Расулуллоҳ ~~нинг~~ «Сабзавотлардан садақа йўқ - деганлари ривоят қилинди. Оиша ~~дан~~ Расулуллоҳ ~~нинг~~ «Ер ўстирган сабзавотларда садақа йўқ», деганлари ривоят қилинди. Термизий Муоз ибн Жабалдан, Муоз Набий ~~дан~~ сабзавотлар ҳақида сўраб, хат ёзганини ва Расулуллоҳ ~~нинг~~ «Унда ҳеч нарса йўқ», деганларини ривоят қилди.

Экин ва меваларнинг нисоби

Закот вожиб бўладиган экин ва меввлар нисобининг энг ози 5 васақдир. Буғдой, арпа, хурмо ва майиз 5 васақقا етиб бормаса, Абу Саъид ал-Худрий ривоят қилган ҳадисга кўра унда закот йўқ. Расулуллоҳ ~~нинг~~ «5 васақдан кам бўлган нарсада закот йўқ», дедилар. Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар. Муҳаммад ибн Адураҳмондан; 5 васақقا етмагунча ҳеч нарса олинмаслиги Умар ~~ва~~ Набий ~~нинг~~ мактубларида ёзилган, деб ривоят қилинди. Расулуллоҳ ~~нинг~~ Садақа 5 васақдагина вожиб бўлади», деганларини Жобир ривоят қилади. Бу ҳадисларни имом Муслим ривоят қилганлар. Бир васақ 60 соъдир. Набий ~~нинг~~ «Васақ 60 соъ» деганларини Абу Саъид ва Жобир ривоят қилдилар. Соъ 4 муддир. Муд эса, Бағдодий 1 ратлга қўшимча 1 ратлнинг 3 дан бирига teng. Соъ 2,176 кг, васақ 130,56 кг буғдойга teng. Шунга кўра, 5 васақнинг вазни буғдойдан закот нисоби 652 килогармм бўлади. Бу вазн арпа, хурмо ва майиз вазнидан фарқ қилиб, нисоб кайл (ўлчов бирлиги) билан эътиборга олинган. Нисоб, закотнинг вожиблиги кайлга тааллуқли бўлганлиги учун вазн билан эмас, кайл билан эътиборга олинган. Ҳадислар шунга далолат қиласди.

Дон ва мевалар 5 васақقا етса, донлар ўриб, ўифишириб, янчиб ва тозалангандан кейин, мевалар ҳўл хурмо қуруқ хурмога, узум майизга айлангандан кейин закот олинади. Дон ва меваларда йил айланishi шарт бўлмайди, балки, Аллоҳ таолонинг:

„Йиғишириб олинган кундан унинг ҳаққини беринглар” [6:141,]

деган сўзига мувофиқ ўифишириш, тозалаш ва қуритиш шарт бўлади. Хурмо ва узум қуриб, хурмо ва майизга айлангач, дон ўифиширилиб, янчилиб, тозалангандагина закотни олишга суннат далолат қиласди.

Мевани чамалаш

Давлат хурмо ва узумлар пишишига кўзи етгач мевалар Ҳосилини чамалаб бериш учун аниқловчи юбориши лозим бўлади. Утоб ибн Усайд: «Набий ~~нинг~~ узумларни ва меваларни чамалаб берадиган кишиларни одамларга юборар

эдилар», деб ривоят қиласи. Абу Довуд, Ибн Можа ва Термизий бу ҳадисни ривоят қилишган. Утобдан ривоят қилинган лафзда: «Расулуллоҳ ғурмо чамалангандек, узумни ҳам чамалашга, ҳўл хурмонинг закотини қуруқ хурмо ҳолида олишганидек, узумнинг закотини майиз ҳолида олишга буюрдилар ва ўзлари унга амал қилганлар». Водил-Қуродаги бир аёлнинг бофини (меваларин) чамалаб берган эдилар, дейдилар. Аҳмад ўз маснади (ҳадислар тўплами)да бу ҳадисни ривоят қилган. Набий ғдан кейин Абу Бакр ғ ва халифалар бунга амал қнлганлар.

Тахминловчи тахминлашда мева эгаларига кенг имконият яратиб бериш учун, бор меванинг Здан бирини ёки 4дан бирини тахминлашда шу мевадан ейдиган меҳмонлари, қўшнилари, аҳллари, дўстлари, бофнинг олдидан ўтувчилар, тиланчилар ҳамда унга тушадиган қушларни ейишини ҳисобга олиб, нисобдан бу ҳақларни чегириб ташлаши лозим. Саҳл ибн Абу Ҳасма: «Расулуллоҳ ғ чамалаган вақтингизда, ҳисобини чиқаринг ва Здан бирини қўйинглар. Агар, Здан бирини қўймасангиз, 4дан бирини қўйинглар», дер эдилар, деб ривоят қиласи. Абу Довуд, Термизий ва Насоий бу ҳадисни ривоят қилганлар. Макхулдан ривоят қилинган ҳадисда: «Расулуллоҳ ғ чамаловчиларни юборганларида одамларга енгиллаштиринглар, молда (меваларда) меваси териб олинган дарахт, пишмай туриб тўкилиб кетганлари ва йўловчилар еб кетганлари бўлади», дедилар. Расулуллоҳ ғдан ривоят қилинмагани учун, буғдой ва арпа чамаланмайди. Чунки уларни чамалаш узум ва хурмодаги ҳолат каби, осон эмас. Хурмо ва узум меваси ҳўл ҳолида қуrimасдан ейилади. Хурмо ва мевадан оила аъзоларининг бемалол ейишлари, сотишлари, ҳадя қилишлари мумкин ва бу борада кенгроқ имкон яратиш учун чамаланади. Улар закотни шу чамалашга қараб адо этадилар. Хурмо ва узумнинг ҳамма навини яхшисини ҳам, ёмонини ҳам, баъзисини баъзисига қўшиб чамаланади. Буғдой арпага қўшилмаганидек, хурмо майизга қўшилмайди.

Мева чамалангандан кейин ва қуришдан олдин офат келса, эгасининг айбисиз талофат етса ёки қуришдан олдин ёки кейин ўғирланса, меванинг эгаси тўламайди, лекин қолгани нисобга teng келсагина шунга яраша закот вожиб бўлади.

Экин ва мевалардан олинадиган закот миқдори

Буғдой, арпа, хурмо ва майиз 5 васаққа етиб борса, агар машаққатсиз сугорилган бўлса, унда 1/10 вожиб бўлади. Машаққатсиз сугоришнинг маъноси ариққа, анҳорга ва суви сизиб чиқиб турадиган ерга яқин экилган дарахт каби инсоннинг меҳнатисиз сугорилган ерлар. Машаққат билан сугорилган, (туялар ёрдамида ва чекак билан сугорилган) мевалардан ушрнинг ярми 20дан бири закот қилиб берилади (1/20). Али ғ «Осмон сугорган нарсдан ушр, чекак ё тия билан сугориладиган ердан ушрнинг ярми берилади», деб – ривоят қиласи *Башр ибн Саид*: «Расудуллоҳ ғ закотни осмон сўвлари ва ҷашма сугорган ердан ва лалмикор ердан ушр, чархпалак сугорган ердан ушрнинг ярмини фарз қилдилар», деб ривоят қиласи. Ҳакам ибн Уйайна: «Расулуллоҳ ғ Муоз ибн Жабалга, у Яманда эди, осмон сугорган ёки ер юзидағи сувда сугорилган нарсада ушр, чекакда сугорилган нарсада ушрнинг ярми бўлади, деб ёздилар», дейди. Бу сугоришда йилнинг аксар қисми

эътиборга олинган. Агар йилнинг кўпроқ қисмида меҳнат сарфламай машаққатсиз сугорилса, бу экиндан ушр берилади. Агар йилнинг аксар қисмида машаққат билан сугорилса, ушрнинг ярми (20дан бири) берилади. Йилнинг ярмида машаққат билан, ярмида эса, машаққатсиз сугорилса ушрнинг тўртдан 3 қисми берилади.

Экин ва мевалардан садақа олиш тарзи

Экин ва мева закотидаги асл вожиб экин ва меванинг айнан ўзидан олиниши, яххиси ва ёмонидан эмас, унинг ўртачасидан олинишидир. Экин ва меванинг эгаси унинг ёмонини закотга мўлжаллаши жоиз эмас. Аллоҳ таоло шундай дейди:

وَلَا تَيْمِّمُوا الْخَبَثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ

„Инфоқ қилаётган нарсаларингиздан сифатсизини қасд қилманглар». [2:267]

Набий ﷺнинг; «Улардаги молларнинг сифатлиларидан олманглар», деган сўзларига биноан закот олувчи садақага мева ва экиннинг энг яххисинн олишдан ўзини тиши лозим. Набий ﷺ садақага сифатсиз хурмо олишдан қайтарганлар. биринчиси: Пўстлоғи данагига ёпишган хурмо; иккинчиси: қуриганда сифатсиз туршак бўладиган хурмо.

Дон ва мева ўрнига уларнинг қийматидаги пул ёки бошқа Нарса олиниши жоиз. Бунинг далили: Амр ибн Диёнор Товусдан ривоят қилган ҳадис: «Набий ﷺ Муозни Яманга юборгандаридан, у буғдој ва арпа садақаси ўрнига кийим олар эди». Чунки хурмодан бир нави тамр (қуриган хурмо)га айланмаганидек, узумнинг ҳам бир нави майизга айланмайди. Улардан қиймати олинади, Хурмо ва узум ўрнига мато олганларини Муоздан ривоят қилинган. Бу Муознинг: «Менга кийим келтиринглар, садақанинг ўрнига оламан, бу сизларга енгилроқ, Мадинадаги муҳожирларга фойдалироқ», деган сўзларидек акс этди. Суннатда Расулуллоҳ ﷺ ва саҳобалардан: «Ҳақ молда вожиб бўлади, сўнг уни бериш, берувчига аслдан кўра осонроқ бўладиган, ундан бошқа нарсага айланади», деган ҳадис топилди. Набий ﷺ жизя ҳақида Яманда турган Муозга йўллаган мактублари бу ҳадислар туркумидандир. Унда шундай дейилган: «Ҳар бир балофатга етган кишига бир динор ёки унинг ўрнига кийим олинади». Набий ﷺ тилланинг ўрнига мато олганлар. Набий ﷺнинг Нажрон аҳлига «уларга ҳар йили 2000 кийимлик ёки унинг ўрнига 40 дирҳам вожиб бўлади», деб ёзган мактублари шулар жумласидан. Умар ؓ жизядаги кумуш ва тилладан бадал олар эдилар. Али ؓ ҳам кумуш ва тилла ўрнига жизядаги игна, арқон ва чипта игнаси олар эдилар.

ТИЛЛА ВА КУМУШ ЗАКОТИ

Тилла ва кумуш закоти хоҳ пул бўлсин, хоҳ пулдан бошқа нарса бўлсин, суннат ва саҳобаларнинг ижмоси билан вожибdir. Абу Ҳурайра  ривоят қилган ҳадисда «Расулуллоҳ  «Тилла ва кумуш эгаси унинг ҳаққини адо этмайдиган бўлса, қиёмат куни бўлганда унга оловдан бўлган тош тўшалади ва уни жаҳаннам оловида қиздирилади, у билан закот бермаган кишининг ёnlари, пешонаси ва орқалари куйдирилади, ҳар бор совуб қолса, уни яна қайтадан қиздирилади. Унинг миқдори 50 минг йил бўлган кунда бандалар орасида ҳукм чиқарилгунча жазоланади, шундан сўнг жаннатга ёки дўзахга бўлган ўз йўлини кўради», дедилар. Бу ҳадисни Термизийдан ташқари 5 ровий ривоят қилган. Расулуллоҳ  «Аллоҳ кишига мол берган бўлсаю, киши унинг закотини адо этмаса, жамғарган бойлиги қиёмат куни ҳар иккала кўзининг тепасида икки нуқтаси бор заҳарли илон шаклига кириб олиб, эгасининг тепасига ўралиб олиб чақади, сўнг: «Мен сенинг мол-дунёйингман, мен хазинангман», дейди», дедилар. Сўнг мана бу оятни ўқидилар:

وَلَا يَحْسِنُ الَّذِينَ يَيْخُلُونَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ هُوَ خَيْرٌ لَهُمْ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَهُمْ سَيْطَوْقُونَ مَا بَخْلُوا بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

„Аллоҳ уларга берган фазлидан баҳиллик қилаётганлар, у ўзларига яхши деб ўйламасинлар, балки, у уларга ёмондир. Қиёмат куни, баҳиллик қилган моллари бўйинларига ўралажак». [3:180]

Бу ҳадисни Абу Довуддан ташқари 5 ровий ривоят қилишган.

Ижмодан далил; саҳобаларнинг ихтилофсиз тилла ва кумушда закотнинг вожиблигига ижмо қилганликлариридир.

Кумуш нисобининг миқдори

Закот вожиб бўладиган кумуш миқдорининг энг ози 5 увқиядир. Набий  «5 увқиядан кам бўлган молдан садақа йўқ», дедилар. Муттафақун алайҳ. Саноқ жиҳатидан миқдори 200 Дирҳам. Чунки ҳар бир увқия 40 дирҳам. Али ибн Толиб: “Ҳар бир 200 дирҳамда 5 дирҳам закот бор», деди. Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Ансорий шундай деб ривоят қиласи: «Расулуллоҳ  нинг мактубларида ва Умарнинг кактубларида: «Кумуш 200 дирҳамга етмаса, ундан закот олинмайди», деган сўз бор эди. Шунга кўра, кумуш 200 дирҳамдан 1 дирҳам озайса ҳам закот вожиб бўлмайди. Чунки у 5 увқиядан кам бўлади. Расулуллоҳ  5 увқиядан кам бўлган молдан закотни вожиб қилмадилар.

Нисоб белгиланадиган дирҳамлар бу шаръий дирҳамлардир. Шаръий дирҳамларнинг 10таси тилла ўлчови (1 мисқол - 4,68 грамм) билан 7 мисқолга teng келади. Дирҳамнинг ҳар бири бир мисқолнинг 10дан 7 қисмидир. Бу шаръий дирҳам вазни бўлиб, у билан закот, жизя, дия (хун пули) ва ўғирликдаги қўл кесиш нисоби белгиланади.

Дирҳамнинг грамм билан бўлган вазни 2,975 граммдир. Кумушдан закот нисобининг вазни 595 грамм бўлади (200 дирҳам 595 граммга teng келади). Зарбланган пул ҳолидаги кумуш бошқа кумуш қўймасига ёки кумуш маъданга қўшилади, Агар кумуш мис, қўргошин ёки ундан бошқа металлар билан аралашган бўлса, унинг таркибидаги соф кумуш, нисобига етиб борса, закот вожиб бўлади. Закотни фақат кумуш миқдоридан чиқарилади.

Кумуш нисобида вожиб бўлган закот миқдори

Кумуш закот нисобига етиб бориб, бир йил айланса, унда ўндан бирининг тўртдан бири вожиб бўлади, яъни 200 дирҳам нисобда 5 дирҳам вожиб, бу суннат билан исботланган. Абу Бакр رض набий رضдан ривоят қилдилар: Набий رض «Риқада рубъул ушр (ушрнинг тўртдан бири) закот берилади», дедилар. Риқа - пул қилинган кумушдир. Бухорий Набий رضдан ривоят қилди: «Ҳар бир 40 дирҳам кумушдан 1 дирҳам садақа беринглар, 190 дирҳамга закот берилмайди» (яъни 200 дирҳамда ҳар 40 дирҳамдан бир дирҳам). Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал-Анзорий «Садақа ҳақидаги Расулуллоҳ رضнинг мактубларида: «Кумуш 200 дирҳамга етганидагина ундан закот олинади», деган сўзлари бор», дейди, Закот нисобида вожиб бўлган 5 дирҳам 14,875 граммга teng, Чунки дирҳамнинг вазни 2,975 грамmdir.

Тилла нисоби миқдори ва тиллада вожиб бўлган закот

Закот вожиб бўладиган тилла миқдорининг энг ками — 20 динор. Агар 20 динордан 1 қийрот (0,195 грамм) камайса ҳам закот вожиб бўлмайди. Али ибн Абу Толиб «20 динордан ярим динор ва 40 динордан 1 динор закот вожиб». деб ривоят қилдилар. Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари бобосидан, бобоси Набий رضдан ривоят қилади: «Набий رض «20 мисқол тилладан камида закот йўқ», дедилар. Ибн Можа Умар ва Оишадан ривоят қилади: «Набий رض 20 динор ва 20 динордан ортиқ тилладан ярим динор, 40 динордан 1 динор тилла закот олар эдилар», Тилланинг баъзисини баъзисига, саҳиҳини синдирилганига, пул қилинганини метал қўймасига ва маъданига қўшилади ва ҳаммасини битта ҳисоб қилинади.

Али ва Оишадан ривоят қилиб ўтилган ҳадисларга кўра, тилла нисобида вожиб бўладиган закот рубъул ушр (ўндан бирнинг тўртдан бири), яъни 20 динор нисобдан ярим динор, 40 динордан бир динор вожиб бўлади. Тилла ва кумуш нисобидан ортиғи ҳисобланиб, ортиғи кўп бўлса ҳам, оз бўлса ҳам ўша ортиғида ҳам рубъул ушр (қирқдан бири) олинади.

Бу ҳайвонлар нисобининг ҳукмидан ўзгача. Чунки ҳайвонларда ҳар бир саноқ ораси афв этилган (яъни 2 нисоб орасидаги зиёдага закот йўқ). Аммо кумуш ва олтин нисобининг зиёдасига закот бор. Унда бир хил нисоб сақланади. Нисобнинг зиёдаси нисоб ҳукмини олади ва зиёданинг закоти берилади. Яъни ундан рубъул ушр олинади.

Тилла нисоби бўлган 20 динорнинг вазни 85 грамmdir. Тилла нисобида вожиб бўлган ярим динорнинг вазни 2,125 грамм тилладир, Чунки 1 динор тилланинг вазни 4,25 грамм тилладир.

Тилла ва кумуш нисобига тўлиқ бир йил ўтган ва йилнинг аввали билан охирида комил нисоб бўлсагина, закот вожиб бўлади. Оиша رض: «Расулуллоҳ رضдан: «Молга 1 йил ўтмагунча, закот вожиб бўлмайди», деганларини эшитганман», дедилар. Агар шахс йилнинг аввалида тилла ва кумуш нисобидан камроқقا эга бўлса, сўнг йил ниҳояланишидан олдин нисобни тўла қиладиган мол топса, унинг йили нисоб тўла бўлган вақтдан бошланади. Бир йил ўтсагина закот вожиб бўлади.

Агар тилла, кумуш нисоби йил аввалидан тўлиқ бўлсаю, у орқали йил мобайнида фойда ҳосил бўлса, бу фойда аслга қўшилган тижоратдан бўлса,

фойда аслнинг йили билан эътибор қилинади, яъни, чиқариб олинган фойдани ҳам закот нисобига қушилади. Унга ҳам 1 йил ўтган деб ҳисобланади. Чунки фойда молнинг ўсиши ва жинсидан бўлиб, унга тобедир.

Агар фойда нисоб жинсидан бўлсаю, мерос ёки ҳадя билан бўлганидек ўсиш йўлидан бўлмаса, бу фойдага комил йил ўтиши лозим. Аслга қўшилмайди ва унинг ҳукмини олмайди. Шунингдек, фойда мол жинсидан бўлмаса, фойда қилинган нарса ҳайвон бўлса, тилла ва кумушга қўшилмайди. Закот вожиб бўлиши учун фойда нисобга етган бўлса, комил йил ўтиши лозим. Хурмо нисобини майиз билан, тую нисобини мол билан тўлдирилмаганидек. Чунки ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ «5 увқиядан кам бўлган нарсада закот йўқ», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ тилла ва кумушни турли хил жинс қилдилар ва улар орасидаги айирбошлиш муомаласида тафовут бўлишига рухсат бердилар.

Қоғоз пуллардаги закот

Пул давлат чиқарадиган ва уни ўзи учун муносабатга киритадиган молиявий қоғозлардир. Давлат у билан сотиб олинадиган нарсалар ва хизматларнинг қийматини белгилайди. Қоғоз пулларнинг закоти тилла ва кумушнинг закоти кабидир. Қоғоз пулларнинг ҳақиқатига қараб закот ҳукмлари юргизилади. У уч турдир:

1. Бадал қоғоз пуллар. Бу маъданий пул низомида юрадиган давлат чиқарган қоғоз пуллардир, Бу пуллар тилла ёки кумушга нисбатан чекланган миқдорда юргизилади. Айланишда тилла ва кумушга ноиб (ўринбосар) бўлади ва талаб вақтида бу пуллар сарфланади. Бундай қоғоз пуллар тилла ва кумуш деб эътибор қилинади. Чунки уни ҳар қандай вақтда тилла ва кумушга алмаштириш мумкин. Унинг закоти тилла ва кумушнинг закоти каби. Агар тиллага ноиб бўлса, қоғоз пулнинг тиллага нисбатан қиймати 20 динор (85г)га етиб борса ва бир йил айланса, закот, яъни, рубъул ушр вожиб бўлади. Агар кумушга ноиб бўлса, унинг миқдори 200 дирҳам 595 грамм кумуш миқдорига етиб борса, йил тўлса, закот, яъни, рубъул-ушр вожиб бўлади. Бадал қоғоз пулдан закот вожиблигининг далили, тилла ва кумушдан закот вожиблигига далолат қилувчи юқорида келган ҳадислардир. Чунки бу пуллар тилла ва кумушга вакил ёки ноибдир. Вакил ва ноиб аслнинг ҳукмини олади,

2. Ишончли қоғоз пуллар. Бу пуллар давлат ёки давлат унга чиқариш ҳаққини берган банклардан бири чиқарган қоғоз пуллардир. Ишончли қоғоз пулнинг кўрсатилган қийматидан паст муайян нисбатда кумуш ёки тилладан доимий қопламаси бўлади. Бу қоплама давлат ёки бу пулларга жавобгар банк ҳузурида сақланади. Ишончли қоғоз пул чиқарувчи (давлат, банк) талаб қилинган вақтда, қопланган тилла ва кумушдан бўлган қийматни олувчига қайтариши унинг зиммасидадир. Унинг қопламаси комил бўлмайди, балки унинг қийматига муайян нисбат билан бўлади, гоҳо 4дан 3 қисми, Здан 2 қисм, ёки ярми ёки бошқа ҳамма муайян фоиз билан бўлади.

Бу ишончли қоғоз пуллардан қопланган қисми бадал қофозлар, тилла, кумуш деб эътиборга олинади. Чунки улар ҳар қандай вақтда алмаштириллади. Унинг закоти тилла ва кумуш закоти каби бўлади. Масалан, агар ишончли қоғоз тилла билан қопланган бўлса, унинг қопламаси исмий қийматининг ярмига тенг келса ва 40 динорга етса, бир йил ўтгач, ундан закот вожиб бўлади.

Унинг закоти ўз жинсидан бир динорлик қисми тўланади. Агар 40 динорга етмаса, нисобдан оз бўлганлиги учун унга закот берилмайди.

Масалан, агар бу пуллар кумуш билан қопланган бўлса ва қопламаси исмий қийматининг ярми бўлса, бунда агар 400 дирҳамга етиб, бир йил айланса закот бериш вожиб бўлади. Закот ўз жинсидан 10 дирҳамга teng қисми бўлади. Агар 400 дирҳамга етмаса закот берилмайди.

Ишончли қофозларда закот вожиблигининг далили тилла ва кумушда закотнинг вожиблигига далолат қилувчи ҳадислардир. Чунки ишончли қофозлар исмий қийматида қопланган миқдорда кумуш ва тиллага вакилдир. Закот унда вожибдир. Вакил ва ноиб аслнинг ҳукмини олади.

3. Мажбурий қофоз пуллар давлат фармони билан чиқарилади ва давлат айлантиришга ташлайди, уни нарсаларга баҳо қилиб, хизмат ва манфаатларга ҳақ қиласди. Тилла ва кумушга айирбошлаб бўлмайди, тилла ва кумуш билан қопланмаган ва эҳтиётий тилла, кумуш ёки қопланган қофоз пул билан кафолатланмаган, шунинг учун мажбурий қофоз пулларни қонунин қийматидан бошқа қиймати йўқ.

Бу мажбурий қофоз пулларни пул, нарсаларга баҳо ва манфаатлар, хизматларга ҳақ қилишиб олинган, унинг ёрдамида бошқа молларни ва нақд нарсаларни сотиб олинганидек, бу билан тилла ва кумушни ҳам сотиб олиш мумкин. Бу вақтда мажбурий қофоз пулларда ҳам тилла ва кумуш рўёбга чиққан пуллик ва баҳолик сифати рўёбга чиқади. «Кумушда рубъул ушр», «5 увқиядан озда садақа йўқ», «кумуш закотини келтиринглар», «Кумуш 200 дирҳамга бормагунча, кумушдан закот олинмайди, қачон 200 дирҳамга етиб борса, 5 дирҳам закот олинади», «сизнинг 20 динорингиз бўлиб, 1 йил тўла айланса, шундагина яrim динор закот берасиз», деб тилла ва кумушда закотнинг вожиблигига ишора қилувчи ҳадисларнинг ҳаммаси пулга ва баҳога далолат қилган, Чунки ҳадисда келган «риқа», «вариқ» ва «увқия» лафзлари араблар лугатида зарб қилиб пул қилинган дирҳамларга нисбатан ишлатилади. Шунингдек, «динор» лафзи ҳам зарбланган, пул қилинган тиллага, яъни, пул ва баҳо бўлган тиллага айтилади. Ҳадисда “тилла” ва «кумуш» лафзлари ишлатилмасдан, динор сўзлари билан ифодаланиши улардаги мақсад, пул ва баҳо эканлигига далолат қиласди. Пул ва баҳога закот, дия, каффорат, ўғирликда қўл кесиш ва бошқа ҳукмлар боғлангандир,

Мажбурий қофозларда пул ва баҳо рўёбга чиқса, улар тилла, кумуш, пулда закот вожиблиги ҳақида келган ҳадисларни ўз ичига олиб закот вожиб бўлади. Закот тилла ва кумуш билан белгиланади. Масалан, кишида мажбурий қофозлар қиймати тилла нисоби бўлмиш 20 динор (85 грамм тилла) қийматига teng келса, ёки кишидаги маблағ 200 дирҳам (595 грамм) кумушга teng келса ва 1 йил айланса, у 40дан бирини закот қилиб бериши вожиб.

Закот тилладан тилла, ноиб пуллар ва ишончли қофоз пуллар билан берилади. Кумушдан кумуш, ноиб ва ишончли қофоз пуллар билан закот бериш жоиз. Шунингдек, тилладан кумуш, мажбурий қофоз пуллар, кумушдан тилла ва мажбурий қофоз пуллар билан закот берилади, чунки уларнинг ҳаммаси пул ва баҳолардир. Унинг баъзиси баъзисининг ўрнига ўтади ва бундан мақсад амалга ошганлиги учун баъзисининг ўрнига баъзисидан закот бериш жоиз. Экин ва меваларнинг закоти бобида, закот вожиб бўлган мол ўрнига қийматни олиш далилини айтиб ўтган эдик. Ибн Масъуддан ривоят қилинган ҳадисда: «Аёли унга менинг 20 мисқолга teng келадиган маржон шодам бор, деганда ундан 5 дирҳам закот бергин», дедилар.

ТИЖОРАТ МОЛЛАРИНИНГ ЗАКОТИ

Фойда олиш мақсадида пулдан ташқари сотиб олиш ва сотиш билан тижорат қилинадиган нарсаларнинг ҳаммаси тижорат моллари дейилади. Уларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй жиҳозлари, саноат моллари, ҳайвон, металлар, ер ва бинолар, шуникгдек, сотиб олинадиган ва сотиладиган бошқа нарсалар киради.

Тижорат қилинадиган моллардан илгариги ва кейинги олимларнинг иттифоқи билан закот вожиб бўлди. Сумара нbn Жундуб (Аллоҳга ҳамду санодан кейин): «Расулуллоҳ ғотиши учун тайёрланган нарсадан албатта садақа беришни бизга буюрар эдилар», деди, Бу ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган. Абу Зар Набий ғдан: «Базда садақа бор», деб ривоят қилади. «Баз»нинг маъноси - тижорат қилинадиган мато ва кийимлар. Абу Амр ибн Ҳаммос отасидан: «Умар ибн Хаттоб олдимдан ўтиб кетаётиб: «Эй, Ҳаммос, молингнинг закотини адо этгин», дедилар. Мен айтдимки: «Менда мол йўқ, фақатгина, тери ва ўқдон бор». «Унинг қийматини чиқариб, сўнг закотини адо эт», дедилар, деб ривоят қилади. Абдураҳмон ибн Абдулқоррий: «Мен Умар ибн Хаттобнинг замонасида байтулмолда омил эдим. Умар байтулмолдан ҳадя тарқатгани чиққан пайтда тоҷирларнинг молларини жамларди, сўнг унинг шу ердаги ва бошқа барча молларни ҳисоб қилиб ва ҳаммасининг устидан бошқа жойдаги ва шу ердаги молидан закот олар эдилар», деб ривоят қилади. Ибн Умар: «Тижорат ирода қилинган нафис-нозик кийим ва матоларда закот бор», дедилар. Тижоратда закот вожиблигини Умар, унинг ўғли, Ибну Аббос, етти фуқаҳо, Ҳасан, Жобир, Товус, Нахаҳий, Саврий, Авзоъий, Шофиъий, Аҳмад, Абу Убайда, асҳоби раъй, Абу Ҳанифа ҳамда улардан бошқалардан ҳам ривоят қилинди.

Тижорат молининг қиймати тилла ва қумуш нисоби қийматига етган ва 1 йил айланган вақтда Расулуллоҳ ғнинг: «1 йил айланган молгагина закот берилади», деган сўзларига биноан, тижорат молидан закот вожиб бўлади.

Тожир нисобдан озроқ мол билан тижоратини бошласа, йил охирида мол нисобга етса, нисобга 1 йил ўтмагани учун унга закот вожиб эмас. Бу нисобга 1 йил ўтгандан кейингина, закот вожиб бўлади.

Нисобдан ортиқ 1000 динор мол билан тижорат бошлаган тожир йилнинг охирида тижорати охирлаб, моли фойдаси билан 3000 динорга етса, дастлаб 1000 динорнинг эмас, 3000 динорнинг закотини беради. Чунки 3000динор 1000 динорга тобе бўлган. Уч минг динор қачон ҳосил бўлганидан қатъий назар, аслнинг айланишига йил ўтгач, закот берилади. Бу эчки ва қўй болаларининг эчки ва қўй билан бирга ҳисобланганидекдир. Мол фойдасининг айланиш ўили ҳам, фойда туғилган асл молнинг айланиш ўили билан ҳисобланади. Йил якунланганда тожир тижорат молининг қийматини чиқаради. Бунда тижорат молидан закот тужа, мол ва қўйларгами, ёки кийимкечак, саноат маҳсулотлари, ер ва бино каби мулкками, фарқи йўқ, тижорат молининг ҳаммасини тилла ёки қумуш билан битта баҳолайди. Агар тижорат молининг қиймати тилла ёки қумуш нисобининг қийматига етса, ундан муомаладаги пул билан рубъул ушр беради. Агар унга енгил бўлса, тижорат молининг закотини тижорат молидан беришн ҳам жоиз. Масалан, бир киши қўй, мол ёки кийим билан тижорат қилса, унга вожиб бўлган закот қиймати қўй, мол ёки кийим қиймати билан баробар келса, у пул бериши ёки қўй, мол ва кийим бериши ҳам мумкин. Қайси бирини хоҳласа, шуни беради.

Туя, мол ва қўй каби айни ўзидан вожиб бўладиган тижорат молларида, ҳайвон закоти эмас, тижорат молининг закоти берилади. Чунки чорва соҳибининг нияти тижоратдир, буларни қўпайтириш эмас.

Қарзнинг закоти

Кишида нисобга етган ва 1 йил айланган мол бўлсаю, унинг гарданида нисобни тўлиқ қоплайдиган бўлса ёки қарзини тўлангандан кейин қолган моли нисобга етмайдиган бўлса, унга закот вожиб бўлмайди. Масалан, бир киши минг динорга эга, лекин, унинг гарданида 1000 динор қарзи бор ёки 40 динор тиллага эга, лекин, уни гарданнда 30 динор қарзи бор, бу икки ҳолатда у нисобга эга бўлмагани учун закот бермайди. Нофиъ ибн Умардан ривоят қилади. Расулуллоҳ ﷺ «Кишининг минг дирҳами бўлсаю, унинг гарданида 1000 дирҳам қарзи бўлса, унга закот вожиб бўлмайди, дедилар».

Аммо қарздан ортиб қолган мол нисобга етса, Язийд ибн Соиб Усмон ибн Аффоннинг: «Бу сизларнинг закот ойингиз, кимнинг қарзи бўлса, молларингиз закотини бериш учун, уни адo этсин» (яъни: қарзини тўласин). Яна бир ривоятда «Кимда қарз бўлса, тўласин, сўнг қолган молининг закотини берсин», деганларини эшиздим дейди. Бу гап саҳобалар ҳузурида бўлган эди. Улар буни инкор қилмадилар. Бу уларнинг ижмоига далолат қилади.

Агар шахснинг қарзга берган пули пайсалга солмайдиган бой кишининг гарданида бўлса, хоҳлаган вақтида қайтариб олиш имкони бўлса, қарзга йил тўлган вақтда унинг закотини бериш вожиб бўлади. Умар ибн Хаттоб ра «Садақа фарз бўлган вақтда берган қарзингни ҳамда ўзингдаги нарсаларни ҳаммасини жамлаб, ҳисоблаб, сўнг унинг закотини бер», дедилар. Усмон ибн Аффон: «Агар хоҳласанг эгасидан талаб қилиб оладиган, уялганингдан ёки чиройли муомала қилганинг сабабли сўрамай турган бой кишидаги қарзингга закот вожибdir», дедилар. Ибн Умар: «Сен олишни умид қилаётган берган қарзингга 1 йил тўлса, унинг закотини беришинг лозим», дедилар.

Аммо қарздори қийналган киши ёки пайсалга солувчи бой бўлса, қарз қайтариб олингандан кейин закотини бериш вожиб. Ололса, аввалги (закоти тўланмаган) йиллар учун ҳам закот беради. Эгасининг ундириш ё ундири маслиги гумон бўлган қарз ҳақида Алидан ривоят қилинган ҳадисда: «Агар, қарзни ундиrsa, ўша вақтда ўтган йиллар учун ҳам закот берсин», дедилар. Ибн Аббос қарз ҳақида ривоят қиладилар: “Уни олишни умид қилмаган пайтингда, қарзинг қўлингга тегмагунча закот бермайсан. Уни олган вақtingда закотини адo эт”.

ҚИММАТБАХО ТАҚИНЧОҚЛАР ЗАКОТИ

Аёллар билагини, бўйини, қулоқларини, жисмини зийнатлаш учун тақадиган қимматбаҳо тошлар, металлар, жавоҳирлардан нисобга етган ёки қимматбаҳо тошлар хоҳ оз, ёки кўп бўлсин, фарқи йўқ, тақинчоққа закот берилмайди. Чунки аёллар бу тошларни хазина ёки тижорат учун олмай, зийнатланиш, истеъмол учун олган деб эътибор қилинади. Агар тақинчоқ хазина ёки тижорат учун олинган бўлса, ундан закот берилади. Лайс ибн Саъд Абу Зубайрдан, Абу Зубайр Жобирдан, Жобир Набий ﷺдан ривоят қилди: Набий ﷺ «Тақинчоқда закот йўқ», дедилар. Амр ибн Дийнор айтадиларки: Жобир ибн Абдуллоҳдан сўрадилар: «Тақинчоқда закот борми?» «Йўқ!» «Агар 10 мингга етса ҳам-а?» «Ундан кўпроқ бўлса ҳам!» дедилар. Нофіъ Ибн Умардан ривоят қилади: “Ибн Умар қизларидан бирини 10 минг олиб турмушга бердилар. 10 мингдан 4 мингиға қизларига тақинчоқ совфа қилдилар. Улар тақинчоқдан закот бермаганлар”. Абу Мулайкадан ривоят қилинади: «Оиша инисининг қизларини тилла ва кумуш билан зийнатлар ва унинг закотини бермэс эди». «Тақинчоқда закот вожиб бўлади», деган кишилар бир неча ҳадисларни ҳужжат қилиб келтиришди. Тилла ва кумушда закотни вожиб қилувчи ҳадисларда келган «риқа», «увқия», «вариқ» ва «динор» лафзлари тақинчоқ маъносини ўз ичига олмайди. Бунинг сабаби, мазкур лафзлар араб луғатида одамлар орасида қўлма-қўл ўтиб юрувчи, зарбланган динор ва дирҳамларга нисбатан айтилади. Бу дирҳам ва динорлар нарсаларнинг баҳоси, хизмат, манфаат, тақинчоқ ва бошқа нарсаларнинг нархи бўлган пуллардир. Агар ҳадисларнинг лафзлари кумуш фалончига етиб борса, унда фалонча закот бор деган сийға билан бўлганида, тақинчоқ кумуш лафзининг ичига кирган бўлар эди. Лекин ҳадислар, «риқа», «вариқ», «увқия» ва «динор» лафзларини ишлатган. Лафзларнинг ҳаммасини зарбланган пул ҳолатидаги тилла ва кумушга ишлатилади. Тақинчоқ эса бу лафзлардан эмас. Бу ҳадислар умумий ҳадисни хословчидир. Умумий ҳадис эса мана бу: «Тилла ва кумуш эгаси уни ҳаққини адo этмайдиган бўлса, қиёмат кунида унга оловдан бўлган тош тўшалади».

Аммо Амр ибн Шуайб ривоят қилган ҳадисларига кўра: «Бир аёл қизини етаклаб, Набий ﷺнинг олдиларига келди. Қизининг қўлида тилладан қўйилган 2та тақинчоги бор эди. Набий ﷺ дедилар; «Бунинг закотини берганмисиз?» «Йўқ», деди аёл. Набий ﷺ «Аллоҳ бу 2 тақинчоқ ўрнига дўзахдаги оловдан бўлган икки билакузук тақиб қўйиши сизни хурсанд қиладими?», дедилар. Бу ҳадис ҳақида Абу Убайд айтадиларки: «Одамлар бу ҳадис ҳақида гапириб, унинг фақат бир йўл орқалигина ривоят қилинганини биламиз». Агар бу ривоят рост бўлганда, Расулуллоҳ ﷺдан сақланиб қолган бўлар эди. Биз юқорида гапириб ўтган уламолар Саъид ибн Мусаййаб, Шаъбий, Ҳасан ва Қатода бу ҳадисни: «Тақинчоқнинг закоти орияга (фойдаланишга) беришdir», деб тафсир қилганлар. Эҳтимол, Расулуллоҳ ﷺ «Закот», деганларида ана шу «орияни» кўзда тутган бўлишлари мумкин. Агар тақинчоқда закот фарз бўлганида эди, китоб ва суннатларида аниқ кўрсатилган бошқа садақалар каби бўларди.

Термизий айтадиларки: «Бу бобда саҳиҳ бўлган нарса йўқ». Яъни тақинчоққа закот бериш ҳақида саҳиҳ бўлган ҳадислар йўқ.

Оиша ~~о~~ айтган ривоятга келсак, «Агар, закотини берсанг, тақинчоқ тақишингда зарар йўқ». Ёки Расулуллоҳ ~~о~~ Оиша ~~о~~нинг катта кумуш узук тақиб олганини кўрган вақтларида: «У сени дўзахга киритишга кифоя қиласди», деган Набий ~~о~~нинг сўзларини юқоридаги Амр нбн Шуайб ҳадисидек тушунилади. Хусусан, Оиша ~~о~~дан бу фикрга зид келадиган ривояг бор. Оиша ~~о~~нинг жияни Қосим ибн Мұхаммад: «Оиша ўзининг аёлларига ёки иניסининг қизларига тақинчоқдан закот беришга буюрмаган. Оиша иניסининг қизларини тилла-кумуш билан зийнатлар ва унинг закотини бермаган эди», деб ривоят қиласди. Кумуш узук ҳақидаги Оиша ~~о~~нинг ҳадиси Яҳё ибн Айюб йўлидан ривоят қилинган ва бу ҳадис заифдир. Бунинг устига, узукнинг вазни закот вожиб бўлиши учун 1 йил айланган кумуш нисобининг вазнига тенг бўлиши мумкин эмас. Бу, ҳадиснинг заифлигини яна ҳам таъкидлайди. Аммо, Умму Саламадан ривоят қилинган авзоҳ (кумушдан бўлган тақинчоқ) ҳадиси, Аттобнинг йўлидан ривоят қилинган. У киши номаълумдир.

Абдуллоҳ ибн Амр қизларининг тақинчоғининг закотини бергани ҳақидаги ҳадис санадида, зикри юқорида гапириб ўтилган, Амр ибн Шуайбнинг санадида гапирилган, сўз бор.

Иbn Умар, Жобир, Анас, Оиша, Асмо, Қосим, Шаъбий, Катода, Мұхаммад ибн Али, Молик, Шофифий, Аҳмад, Абу Убайда Исҳоқ ва Абу Савр «Тақинчоқда закот вожиб булмайди», дейишган. Булар аёллар тақинчоқлари ҳақидаги сўзлардир.

Агар, эркак киши тақинчоқни истеъмол учун олса, бу унга харом ва закот бериш вожиб бўлади. Аммо, истеъмол қилмай, аёлларига, қизларига ва бошқаларга ория қилиб бериш ёки бериб туриш учун олган бўлса, унга закот берилмайди, Чунки бу тақинчоқ мубоҳ истеъмол учун бўлган ва унга гуноҳ бўлмайди. Агар тижорат учун олган бўлса, закот бериш вожибдир.

ЗАКОТНИ ХАЛИФАГА БЕРИШ

Закот нимадан бўлишидан қатъий назар уни халифага ёки халифа таъйинлаган волийга ёки халифа таъйинлаган закот йиғувчиларга берилади. Аллоҳ таоло айтади:

خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُرْكِيَّهُمْ بِهَا وَصَلٌّ عَلَيْهِمْ إِنَّ صَلَاتَكَ سَكَنٌ لَهُمْ

„уларнинг молларидан уларни поклайдиган ва тозалайдиган садақани олинг ва уларни дуо қилинг. Сизнинг дуойигиз уларга ором-осойишталикдир”. [9:103]

Аллоҳ бу оятда Расулига мол эгаларидан садақа олишни буюрди. Расулуллоҳ узум ва хурмони чамалаш учун чамаловчиларни таъйинлаганлариdek, мол эгаларидан садақа олиш учун садақага волий, ҳоким ва садақа йиғувчиларни таъйинлар эдилар. Одамлар Расулуллоҳ замонларида закотни Расулуллоҳга ва улар таъйинлаган волий, ҳоким ва садақа йиғувчиларга берар здилар, Расулуллоҳдан кейин Абу Бакр Умар Усмон Али ва улардан кейинги даврларда ҳам ҳолат мана шундай давом этди. Ибн Сийриндан ривоят қилинади: «Садақа Набий га ёки у киши буюрган кишиларга, Абу Бакр ва у киши билан Умарга ёки у киши буюрган кишиларга, Усмонга ёки Усмон буюрган кишиларга берилар эди. Усмон ўлдирилганда, ихтилоф қилдилар: улардан баъзилари халифа буюрган кишиларга берардилар, баъзилари ўзлари тақсимлаб юборардилар». Ибн Умар закотни у буюрган кишиларга берувчилар жумласидан эди.

Закотни халифага ёки халифа таъйинлаган амирлар, волийлар, ҳокимлар ва закот йиғиширувчиларга берилади, гарчи зулм қилувчи бўлсалар ҳам. Модомики, Ислом хукми татбиқ этилган экан ёмон татбиқ бўлса ҳам, закот шуларга берилади. Суҳайл ибн Абу Солиҳ отасидан ривоят қилиб дедилар: «Саъд ибн Абу Ваққос, Абу Ҳурайра, Абу Саид Худрий ва Ибн Умардан сўрадим: «Бу халифа сизлар кўриб турган ишларни қиласапти. Мен закотимни унга беравераманми?» Уларнинг ҳаммалари: «Закотни унга бер», дедилар». Ибн Умар: «Закотни Аллоҳ сизларга волий қилган кишиларга беринглар. Киши яхшилик қилса ўзига фойда, гуноҳ қилса ўзига зарар бўлади», дедилар.

Шахснинг ўзи пулдан бўлган закотни тарқатишни ва закотни ўз ўрнига қўйишининг жоизлигига саҳобалардан ва тобеинлардан ривоятлар келган. Кайсон Умарга 200 дирҳам садақа келтириб: Эй, амирул мўминийн, бу молимни закоти, дедилар. Умар унга: Уни ўзинг олиб бориб, тақсимла, дедилар. Бу сўзлар Кайсондан ривоят қилинади. Шунингдек, Ибн Аббосдан шундай ривоят бор: «Закотни ўз ўрнига қўйгач, закотдан ўз қарамоғингдаги бирор кишига бирор нарса бермаган бўлсанг зарари йўқ». Иброҳим ва Ҳасан: «Закотни ўз ўрнига қўй ва уни маҳфий қил», дедилар. Пуллардан закот беришда шундай бўлади. Аммо, ҳайвонлар, экинлар ва меваларни халифага ёки халифа таъйин қилган кишиларга бериш лозим. Абу Бакр волий ва халифа таъйинлаган закот йиғувчиларга закот беришдан бўйин товланган вақтда, закот бермайдиганларга қарши жанг қилдилар ва: «Аллоҳга қасамки, агар Аллоҳнинг Расулига беришган улоқчани менга бермасалар, мен улар билан урушаман», дедилар.

Закот берәётган вақтда закот берувчига: «Аллоҳим, буни фойдали ғанимат қилгин, зарар қилмагин», дейиш ва закотни адо этишга муваффақ қилгани учун Аллоҳга ҳамд айтиш мустаҳаб бўлади. Абу Ҳурайра Расулуллоҳ “Закот берган вақтингизда: «Эй, Аллоҳим, уни ғанимат қилгин, зарар қилмагин», дейишни унумтманглар», дедилар. Ибн Можа ривоят қилган.

Закот оловчи эгасини қўйидаги сўзлар билан дуо қилиб: «Аллоҳ берган нарсангиздан сизга ажр берсин ва сиз инфоқ қилган нарсада сизни баракали қилсин ҳам уни сизнинг гуноҳларингизни покловчи қилсин», дейиши мустаҳаб бўлади. Агар закотни халифага ёки халифа таъйинлаган кишига берилса, халифа ёки таъйинланган киши закот берувчини дуо қилади. Аллоҳ:

خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُرْكِيَّهُمْ بِهَا وَصَلٌّ عَلَيْهِمْ إِنَّ صَلَاتَكَ سَكَنٌ لَهُمْ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلَيْهِ

— „Уларнинг молларидан уларни поклайдиган ва тозалайдиган садақани олинг ва уларни дуо қилинг, сизнинг дуоингиз улар учун оромосойишталикдир», [9:103]

деди. Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ривоят қилинди: «Отам шажаратурризвон аҳлидан эдилар.. Набий садақани олиб келганда Набий «Эй, Аллоҳ, Абу Авфонинг оиласига раҳм қилгин», дедилар. Бир қавм Набий садақаларни олиб келишганда, Набий «Эй, Аллоҳ, фалон оиласига раҳм қилгин», дедилар. Муттафақун алайҳ.

Закот бермайдиган кишининг ҳукми

Муслим киши закот вожиб бўлган моллардан нисоб миқдорига эга бўлса, молларда вожиб бўлган закотни адо этиш унга фарз бўлади, Агар бўйин товласа, қаттиқ гуноҳкор бўлади ва садақа моллари мавзусида келган ҳадисларда айтилганидек, қаттиқ жазога йўлиқади.

Закотни адо этишдан бўйин товлайдиган кишининг ҳолат-воқесига қаралади: Агар, закот вожиблигини билмагани учун адо этишдан ўзини тийган бўлса, бундай киши одатда жоҳил бўлади, унга закот вожиблигини билдирилади, узрли бўлганлиги учун уни «кофир» дейилмайди ва таъзир ҳам берилмайди.

Агар закот вожиблигини инкор қилиб, адо этишдан бўйин товлаётган бўлса, у муртад (яъни диндан чиққан) бўлиб, унга муртад муомаласи қилинади. З кун динга қайтишини талаб қилинади. Агар қайтса, ундан закот олинади ва у ўз ҳолига қўйилади. Агар, қайтмаса, ўлдирилади. Чунки закотнинг вожиблиги, шариатда маълум ва машҳурдир. Закотнинг вожиблиги далиллари китоб, суннат ва ижмода очиқ-оидин акс этган. Мусулмонлардан бирортасига бу нарса махфий эмас.

Агар киши закотнинг вожиблигига эътиқод қилган ҳолда адо этишдан бош тортса, ундан куч билан олинади. Агар, жамоат давлатга закот беришни тарк этса ва улар давлатга закот бериш вожиблигидан, давлатга итоат қилишдан бош тортса, бир маконга яшириниб олган бўлсалар, Абу Бакр ва сахобалар закотни ман қилувчиларга қарши жанг қилганлариdek давлат бофийлар (давлатга қарши чиқувчилар)га қарши жанг қилади.

ЗАКОТНИНГ САРФ ҚИЛИШ ЎРИНЛАРИ

Закотнинг сарф қилиш ўринларини Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўз сўзида белгилаб берди:

إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسَاكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤْلَفَةُ قُلُوبُهُمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَارِمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ
وَأَبْنَى السَّبِيلِ فَرِيضَةٌ مِّنْ اللَّهِ

„Албатта садақалар Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари Исломга улфатланувчиларга, қулларни озод қилишга, қарздорларга, Аллоҳ йўлидаги кишиларга ҳамда мусофириларга берилади». [9:60]

Бу ояти карима закотнинг сарф қилиш ўрнини 8 синфга ажратган ва закотни унга хослаган. Бу синфлардан бошқасига берилиши жоиз эмас. Чунки оят **إِنَّمَا** билан бошланган. **إِنَّمَا** чеклашни англатади. **إِنَّمَا** дан кейин ломилмулк (мулкиятни англатадиган лом ҳарфи) келган, Булар садақа ҳақини ва уни мулкиятини бу саккиз синфга чеклашга далолат қиласи. Саккиз синф қўйидагилардан иборат:

1 Фақирлар. Улар асосий ҳожатлари - ейиш, ичиш, кийиниш ва турар жойлари учун кифоя қиласидиган моллари бўлмаган кишилар. Асосий ҳожатини қондириш учун зарур бўлган маблағдан кам молга эга бўлган кишини фақир, дейилади. У садақадан олиши мумкин. Унинг ҳожатини ва фақирлигини кўтарадиган ҳадгача закотдан берилиши жоиз.

Аллоҳ закот олишни бойларга ҳаром қилди. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади, Расулуллоҳ ﷺ «Садақа бойга ва касб қилувчи қудрат ва қувват эгасига ҳалол бўлмайди», дедилар. Агар касб қила оладиган киши иш топа олмаса, фақир дейилади. Бой бошқадан беҳожат бўлган ва ҳожатларини қоплайдиган молдан зиёда маблағга эга бўлган киши. Бой ким эканлигини баён қилган ҳадислар келган. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади. Расулуллоҳ ﷺ «Сўрамайдиган ва сўрашдан беҳожат бўлган киши бойдир. Агар сўраса, қиёмат куни келганда уни юзи тирналган бўлади», дедилар, Шунда: «Эй, Расулуллоҳ, уни нима нарса беҳожат қиласи», дейилди. «50 дирҳам ёки тилладан 50 дирҳамга teng келадигани», дедилар. Бу ҳадисни 5 ровий ривоят қилишган. Кимки 50 дирҳам, яъни 148,75 грамм кумушга ёки овқатланиши, кийиниши, турар жойлари, аҳллари, болалари, ходимининг нафақасидан ортиқ 50 дирҳам кумуш баробарида тиллага эга бўлса бой дейилади. Унинг учун садақа олиш жоиз бўлмайди.

2—Мискинлар. Улар ҳеч нарса топа олмаган кишилар, йўқсиллик уларни мискин қилган, аммо улар одамлардан тиланмайди, Расулуллоҳ ﷺ «Одамлардан сўрайдиган ва унга бир ёки икки луқма, бир ёки 2 дона хурмо берилса, қайтиб кетадиган киши мискин эмас. Ўзини беҳожат қиласидиган бойликни топа олмайдиган, садақа қилиниши учун ўзини сездирмайдиган ва одамлардан сўраб юрмайдиган киши мискинdir», дедилар. Муттафақун алайҳ. Аллоҳ таолонинг сўзига биноан «Мискин» фақирдан ҳам муҳтојроқ,

أَوْ مَسْكِينًا ذَا مَتْرَبَةً [90:16] - яъни яланғоч ва оч бўлганлиги учун тупроққа ёпишувчи киши. Мискинга садақа ҳалол. У садақадан олиши мумкин. Асосий

ҳожатларини қондириш учун кифоя қиласынан да садақадан берилши жоиз.

3—Ал-омилувна алайҳо. Садақа вожиб бўлган кишилардан садақаларни жамлаш ёки ҳақлиларга тарқатиш учун таъйинланган садақа йиғувчилар. Агар бой бўлсалар ҳам садақаларни жамлаш ёки тарқатиш вазифасини бажаргандар мүқобилига садақотлардан уларга берилади. Ато ибн Ясордан ривоят қилинди. Расулуллоҳ ﷺ «Садақа бой учун ҳалол бўлмайди. Лекин 5 кишига: садақа йиғувчига, ўз моли билан садақани сотиб олган кишига, садақа қилинадиган қўшниси бўлиб, садақани унга ҳадя қилган кишига, мужоҳидга ва қарздорга садақа ҳалол бўлади», дедилар. Буср ибн Саъиддан ривоят қилинади. Ибн Саъдий ал-Моликий: «Умар мени садақага омил қилди. Садақадан бўшаган ва садақани унга топширган пайтимда, мени пул олишимга буюрди. Мен Аллоҳ учун қилдим», - дедим, Умар: «берилган нарсани ол», дедилар. Мен ҳам Расулуллоҳ ﷺ даврларида омил бўлдим, Набий ﷺ мени омил (закот йиғувчи) қилдилар. Мен сенинг сўзингга ўхшаш сўзни гапирдим. Расулуллоҳ ﷺ менга, сен сўрамаган нарса сенга берилса ол истеъмол қил ва садақа қил», дедилар». Муттафақун алайҳ.

4—Ал-Муаллафату қулубухум. Улар ҳали иймони мустаҳкам бўлмаган шижоатли, таъсир кўрсатувчи кишилар, саййидлар (раислар) ва қўмондонлардан иборат синф. Халифа ёки волийлар уларнинг қалбларини улфат қилиш, иймонларини мустаҳкамлаш, Ислом ва мусулмонлар манфаатига хизмат қилиши ёки жамоатларига таъсир кўрсатишлари учун уларга закот беришни раъй қилади. Масалан: Расулуллоҳ ﷺ Абу Суфён, Уяйна ибн Ҳисн, ал-Ақраъ ибн Ҳобис, Аббос ибн Мардос ва шулар каби кишиларга закот берганлар. Амр ибн Тағлибдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ га мол ёки асиirlар келтирилди, уни бир неча кишиларга тақсимлаб бердилар. Баъзиларга бериб, баъзиларга бермадилар. Сўнг қолдирилган кишиларни маломат қилганларини эшилдилар. Расулуллоҳ ﷺ Аллоҳга ҳамд ва мақтовлар айтиб, сўнг дедилар: «Аллоҳга қасамки, мен бир кишига бераман бир кишини қолдираман. Қолдириган кишим, мен берган кишимдан яхшироқdir. Лекин мен уларнинг қалбларида жазаваланиш ва душмандан қўрқоқликни кўрганлигим учун бу қавмларга мол бераман. Ва мен Аллоҳ уларнинг қалбларида беҳожатликни ва эзгуликни қўйган қавмларни шу хислатларига топшириб қўяман», дедилар».

Қалбларини улфат қилинадиган кишиларга мусулмон бўлсаларгина закот берилади. Агар коғир бўлсалар, Расулуллоҳ ﷺ Яманга юборган вақтларида Муозга; «Аллоҳ бойлардан олинадиган ва камбағалларга бериладиган молларидан закотни уларга фарз қилганини билдири» деган сўзларига кўра, коғирга садақотдан берилмайди.

Бу синфга нима учун берилаётгани сабаби мавжуд бўлгандагина закотдан ажратиб берилади. Ислом азиз бўлиб тарқалгандан кейин Абу Бакр ؓ ва Умар ؓ закотдан уларга беришдан бош тортганларидек, бирор истисно бўлмаса, уларга закот берилмайди.

5—Риқоб. Қуллар. Мукотабга (агар уларни қуллигидан озод қилиш учун маълум пул миқдорига келишиб олинган бўлса) закот берилади. Агар улар мукотаб бўлмасалар, балки қул бўлсалар уларни сотиб олиб озод қилинади. Бугунги кунда эса қуллар йўқ.

6—Ал-Форимувна. Улар орани ислоҳ қилиш, хун пулини тўлаш ёки ўзларининг хос манфаатини ўташ учун қарз олган қарздорлар.

Орани ислоҳ қилиш ёки тўловларни тўлаш учун қарз олган кишиларга, улар бой ёки камбағал бўлсалар ҳам, закотдан берилади ва уларнинг зиммаларидағи қарзлари қанча бўлса, шунча пул берилади. Анасадан ривоят қилинади, Набий ﷺ «Сўраш З кишига: ўта камбағал кишига, кўп қарздор кишига ва одам ўлдирган кишига (дия тўлаш учун) ҳалол бўлади», дедилар. Қабийса ибн Махориқ ал-Ҳилолийдан ривоят қилинади; «Қарздор бўлиб Расулуллоҳ ﷺдан қарзни узиш учун пул сўрагани келдим. Набий ﷺ «Бизга садақа келгунча кутиб тургин, сенга садақадан беришга буюрамиз», дедилар. Сўнг, Эй, Қабийса, сўраш З кишининг бири учун ҳалол бўлади, яъни, қарздор киши қарзига етарли пулни сўраши ҳалол бўлади, сўнг бир кишининг молига мусибат тушган бўлса, зарурий эҳтиёжини қоплагунгача ёрдам сўраш унга ҳалол, яна бир киши йўқсилликдан қийналган, ҳаттоки, қавмидаги ақлли З киши: «фалончи»га йўқчиллик етди деса сўраш ҳалол бўлади. Мана бундай кишига ҳам зарурий эҳтиёжини қондиргунича сўраш ҳалол бўлади. Эй, Қабийса, булардан ташқари кишиларнинг сўраши ҳаром. Сўровчи ҳаром еган бўлади», дедилар.

Хос манфаатларини ўташ учун қарз олган кишиларга, агар улар камбағал бўлсалар ёки камбағал бўлмасаларда қарзларини ўтай олмайдиган даражада бўлсалар, қарзларини узиш учун уларга закотдан берилади. Аммо улар қарзларини тўлашга қодир бўладиган бой бўлсалар, закот уларга ҳалол эмас. Уларга закотдан берилмайди.

7—Фи сабилиллаҳи. Яъни, жиҳод ва жиҳодга лозим бўлган армия (қўшин) тайёрлаш, корхоналарни қуриш ва қуролсозлик. Қуръонда «фи сабилиллаҳи» келган ўринда жиҳоднигина билдиради: Жиҳод ва жиҳодга лозим бўлган нарсаларга закотдан ажратилади. Буни миқдор билан белгиланмайди. Закотга ҳақли бўлганларнинг манфаатидан келиб чиқиб, халифанинг раъйига кўра, жиҳодга закотнинг ҳаммаси ёки бир қисми берилиши жоиз бўлади. Абу Саъиддан ривоят қилинди. Расулуллоҳ ﷺ «Садақа бойга ҳалол бўлмайди, фақат, агар у Аллоҳ йўлида бўлса (яна бир ривоятда) Аллоҳ йўлидаги муҳоҳидга ҳалол бўлади», дедилар.

8—Ибнус-Сабийл. У шаҳригача етиб олишга мол топа олмаётган, сафари давомида йўлда қолиб кетган киши. Шаҳрига етиб олиши учун йўл ҳақига етарли миқдорда закот берилади. Расулуллоҳ ﷺнинг: «Садақа бой учун ҳалол бўлмайди, фақат Аллоҳ йўлидаги ёки мусофири кишига ҳалол бўлади», деган сўзларига биноан ўз шаҳрида бой бўлса ҳам мусофирига закот берилади.

Оятда зикр қилинган саккиз синфдан бошқага закот берилиши ножоиз. Закот масжид, касалхоналар қуриш, хайрия жамияти ёки уммат ва давлат манфаатлари учун берилмайди. Чунки закот бошқалар шерик бўлмайдиган мазкур саккиз синфга хос мулкдир. Расулуллоҳ ﷺ ва тўғри йўлда юрган халифалар шундай қилишган.

Закотда бу синфлар манфаатини рўёбга чиқарадиган фикр салоҳияти халифага оид бўлади. Фақат халифа закот беришда бу синфларнинг баъзисини чеклаши жоиз бўлганидек, фақат унинг раъйига қараб, закотни саккиз синфга тарқатиш ҳам жоиз бўлади. Агар жамиятда бу синфлар бўлмаса, ҳожат туғилганда сарф ўринларига сарф қилиш учун байтулмолда садақотлар девонида сақланади. Садақа ҳақида Ибн Аббосдан ривоят қилинади. Ибн

Аббос: «Бу саккиз синфдан қайси бирига сарф қилсанг ҳам бўлаверади», дедилар. Ато, Ҳасан ҳам шу сўзни гапирган. Молик: «Садақот тақсимлашда биз ихтилоф қилмаганмиз. Бу волийнинг ижтиходига биноан бўлади. Синфлардан қайси бирида ҳожат ёки адад бўлса, ўзи раъй қилган миқдорда, ўша синфни афзал кўради», дедилар.

ПУЛЛАР

ИСЛОМДА ПУЛЛАР

Лугатда «нақд» деб, дирҳамларни тозалашга дирҳамлардан соҳтасини чиқариб олишга айтилади, яна дирҳамларни олиш ва бериш маъносидаги ҳам қўлланилади, Расулуллоҳ Жобирдан туя сотиб олганлар. Жобирнинг бу ҳақда: «Нақадани саманаҳу» («Расулуллоҳ туяниң нақд пулини бердилар»), деган ҳадиси юқоридаги сўзларга далолат цилади.

Шунингдек, нақд деб, пулнинг ўзи ҳам номланади. «Нуқуд» одамлар мато учун баҳо ёки кўрсатилган хизматлар учун бериладиган ҳақ устида келишиб олган нарсадир. Нуқуд метал ҳолида бўладими ёки бўлмайдими фарқи йўқ, матоларни ёки меҳнат ва хизматларнинг ҳаммасини у билан қиёсланади, баҳоланади.

Ҳали пул мавжуд бўлмаган вақтларда одамлар мато билан жисмоний меҳнатни айрибошлиш орқали олди-берди қилишган. Лекин жисмоний меҳнатни матоларга алмашиши тижорат муаммоларини келтириб чиқарган. Шунда жамоатлар ўз қийматига эга бўлган, мато ва меҳнат қиёсланадиган ва баҳоланадиган, айланиши осон бўлган пулларни ихтиро қилишди. Тилла ва кумушнинг қадим замонлардан бери, башариятда қиймати баланд бўлганлиги учун улардан пул ясадилар. Улардан дирҳам ва динорларни зарбладилар. Тилла замон ўтиши сайин қадрини йўқотмаслиги билан ажралиб туради. Чунки тилла ва кумуш бошқа нарсаларга нисбатан ноёб маъдандир.

Румоний давлат ва унга тобе шаҳарлар тиллани ўз пули учун асос қилиб олган ва ундан ҳирақлий динорлар ясаб, муайян шакл ва вазн берган. Шунингдек, форс давлати ва унга тобе шаҳарлар ҳам кумушни ўз пули учун асос қилиб, ундан дирҳамлар қўйган ва унга муайян шакл ва вазн берган. Рум динорлари ҳар хил бўлмай, бир хил вазн ва шаклга эга эди. Аммо, форс дирҳамлари турли хил шакл ва вазнларда бўлган.

Араблар, хусусан, Қурайш қўшни шаҳар ва мамлакатлар билан тижорат қилиб,

لِيَلَافَ قُرَيْشٌ إِيلَافُهُمْ رِحْلَةُ الشَّتَاءِ وَالصَّيفِ

„Қурайшга осон қилганлиги, уларнинг қишда ва ёздаги сафарини осон қилгани учун“ [106:12]

Шомдан Рум тилла динорларини, Ироқдан Кисровий кумуш дирҳамларини, ахён-ахёнда Ямандан ҳимёрий дирҳамларини олиб келишар эди. Ҳижозга ҳирақлий (гераклий) тилла динорлари ва сосоний кумуш дирҳамлари келарди. Лекин улар бу динор ва дирҳамлар билан битталаб саналган ҳолда савдо қилишмас, балки, бу динор ва дирҳамларни зарб қилинмаган тилла ва кумушдан иборат соф модда эътибори билан тарозида тортган ҳолда муомала қиласилар эдилар. Дирҳамлар турли хил навда, гарчи ўша пайтда вазн ўзгармас бўлсада, ўлчовда ҳам турлича бўлгани ва динорлар кўп айланишдан сийқаланиб камайиб кетишини ҳисобга олиб, динор ва дирҳамлар зарб қилинган пул эканлигига аҳамият бермас эдилар. Улар алдов бўлмаслиги учун вазнга эътибор берар, ўзларининг хос ўлчовлари бор эди У: ратл, увқия, нафий, навот, мисқол, дониқ, қийрот ва ҳабба. Үрфда вазн асоси мисқолнинг оғирлиги бир ҳабба кам 22 қийрот, 10 дирҳамнинг вазни 7 мисқол эди.

Ислом келганда Расулуллоҳ қурайшлар бу динор ва дирҳамларни ўлчайдиган вазнларининг оғирлик бирлиги қилиб белгилаганлари каби, динор ва дирҳамларни пул бирлиги қилиб белгиладилар. Ибн Умардан Товус ривоят қиласи: «Расулуллоҳ қурайшларининг вазни, микёл Мадина аҳлининг мекёли», дедилар. Абдуллоҳ ибн Саълаба ибн Саирдан Балозарий ривоят қиласи. Ҳирақл (геракл) динорлари ва форс дирҳамлари жоҳилиятда Макка аҳлига келар эди. Улар дирҳам ва динорларни соф тилла эътибори билан олдисотди қиласи эдилар, улардаги мисқол вазни озгина кам 22 қийрот эди. 10 дирҳамнинг вазни 7 мисқол, ратл 12 увқия, бир увқия 40 дирҳам, деб эътибор қилинган. Расулуллоҳ Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али буни тасдиқладилар.

Мусулмонлар Расулуллоҳ ҳаётликларида, Абу Бакр ҳалифалик даврида ва Умар ранинг ҳалифалик даврининг аввалида ҳирақлий динорларни ва кисровий дирҳамларни ўзининг сурати, зарби ва шаклида ишлатар эдилар. Ҳижратнинг 20 йилида, Умар ибн Хаттоб ҳалифалигининг саккизинчи йилида дирҳамлар сосоний услубда зарб қилинди ва бу дирҳамлардаги сурат ва паҳлавий тилидаги ёзувни қолдирди. Лекин, унга «бисмиллаҳ», «бисмиллаҳи роббий» каби куфий арабий ҳарфлар билан баъзи калималарни қўшдирди. Мусулмонлар Абдулмалик ибн Марвон замонигача арабий ҳарфлар билан баъзи исломий калималар ёзилган сосоний шаклдаги дирҳамлар ва византий шаклдаги динорлар билан ишлашни давом эттиришди. Ҳижратнинг 75-76 йилида, ҳалифа Абдулмалик сосоний услубдаги дирҳамларни тарк қилиб, куфий хат билан исломий нас(оят, ҳадис)ларнинг нақши туширилган хос исломий кўринишдаги дирҳамларни зарб қиласи. Ҳижрий 77 йилда Абдулмалик динорларга куфий арабий хат билан исломий насларни нақш қилиб, динорларни хос исломий услубда зарб қилдирди ва динорлар унга қадар бўлган византий услубни ўқотди. Абдулмалик дирҳам ва динорларни хос исломий услубда зарб қилгандан кейин, мусулмонларнинг муайян исломий услубда ўзларига хос пуллари бўлди ва бошқаларнинг пулларидан воз кечилди.

Дирҳам ва динор вазни

Динорнинг вазни жоҳилиятда ҳам, Исломда ҳам бир хил бўлган, ўзгармаган. Византий динори жоҳилият даврида, Расулуллоҳ замонларида ва ундан кейинги ҳалифалар ҳукмронлигига ҳам истеъмолда бўлган эди. Сўнгра Абдулмалик ибн Марвон Исломий динорни ҳам шу вазнда зарб қиласи. Византий динор - 1 мисқол вазнида эди. Мисқол саккиз дониққа teng. Мисқолнинг вазни 20 қийрот ёки озгина кам 22 қийрот. Бу иккала ўлчов ҳам бир хил вазнга эга. Чунки бу икки ўлчовдаги қийротларда фарқ бор. биринчисини мисқолни ўртacha иккита ингичка тарафи кесилган 72 арпа дони билан белгиладилар, шунингдек, иккинчисини мисқолни ўртacha ёввойи хардал уруғидан (жуда кам кичкина қора уруғ берадиган хардал ёғ олинадиган ўсимликнинг) 6000 уруғига тенглаштирилар.

Расулуллоҳ динорнинг бу вазнини тасдиқладилар. Закот, дия (хун пули) ва ўғирликдаги қўл кесиш ҳукмларини унга боғлиқ қилдилар ва бу вазн шаръий вазн бўлди. Абдулмалик ибн Марвон ҳам исломий динорни зарб қилгандан, шу вазнга асосланиб динорни бир мисқол қилиб чиқарди.

Аммо дирҳамларнинг вазнлари турли хил бўлган. Форсий дирҳамлар уч хил: каттасининг вазни - 1 мисқол, яъни 20 қийрот, кичкинасининг вазни -

мисқолнинг ярми, яъни, 10 қийрот, ўртансаси - 10таси 6 мисқол, яъни, 12 қийрот бўлган. Ҳасан ибн Солиҳдан Балозарий ривоят қилди: «Ажамлар зарб қилган Дирҳамлар катта, кичик, турли хил бўлган эди. Улар 1 мисқол Вазнидаги дирҳам, яъни 20 қийрот вазнида ва 12 қийрот вазнида ва 10 қийрот вазнида, (бу мисқолнинг ярмидир) зарб қилганлар». Балозарий, яна Ҳасан ибн Солиҳдан ва бошқалардан ривоят қилади: «Ажамларнинг дирҳамларидан 10таси 10 мисқол, 6 мисқол ва 5 мисқол вазнида бўлган». Катта дирҳамларни бағлавий дирҳам ёки уларда дирҳамнинг асосий вазни тўла бўлганлиги учун «Ас-сувдул-вофия» деб номланган. Булар тилла мисқолининг вазнидир, яъни, 8 дониқ (1 дониқ 2,5 қийрот). 1 мисқолнинг тилладаги вазни 20 қийрот. Дирҳамларни сосонийлар, хулафои рошидийлар ва уммавийлар даврида шу вазн билан зарб қилишган.

Мисқолнинг ярми бўлган кичкина дирҳамларнинг зарб макони Табаристонга нисбат берилиб, «табарий дирҳам» деб номланган. Кичкина дирҳамнинг вазни 4 дониққа ва у 10 қийрот вазнига teng. Ўртача дирҳамлар зарб қилинган Жаварқон шаҳрига нисбат берилиб, «жавориқиййа дирҳами» деб номланди. Унинг вазни 4,8 дониқ, яъни 12 қийрот. Ислом келгач, кумушга закотни фарз қилиб, 200 дирҳам кумушда 5 дирҳамни вожиб қилди. Дирҳамлардан 10тасини 7 мисқол вазнида эътиборга олинди. Етти мисқолни етти вазн дейилади ва бу 7 мисқол дирҳамларга нисбатан ўртача дирҳамлардир. Бунинг сабаби улар катта, кичик, ўртача дирҳамларни жамлаб уч қисмга тақсимладилар. Натижада 14 қийрот ёки 6 дониқ икки тарафи кесилган ўртача арпа донининг 50тасига ёки хардал уруфининг 4200тасига teng келади. Бу закот ва дия ҳукмларида эътиборли шаръий дирҳам бўлди. Бу вазн Расудуллоҳ  замонларида эътиборга олинган ва урф бўлган эди. Умар  замонларида бу вазн миқдори Расулуллоҳ нинг: «Вазн Макка аҳлиниңг вазни», деган сўзларига биноан дониқ ва қийрот билан белгиланиб, миқдор ва нисбатларни Қурайш келишиб олган ва Расул  тасдиқлаган вазнларда белгиланди. Бу вазн шаръий дирҳам деб номланиб, унга закот ва дия ва бошқа шаръий ҳукмлар боғланди. Бу вазн форсий дирҳамлардан воз кечилгач, Абдулмалик ибн Марвон зарб қилган Исломий дирҳам вазнининг айнан ўзиdir. Ваҳб ибн Кайсондан ал-Воқидий ривоят қилди: «Форсий динор ва дирҳамларни ўчган ҳолда кўргандим, уларнинг вазни Абдулмалик зарб қилган динор ва дирҳамларнинг вазнига teng», дейди. Яна Воқидий Абдулмалик ибн Соибдан, Соиб эса Абу Вадоъа Саҳмийдан ривоят қилади. Абу Вадоъа Саҳмий Абдулмалик ибн Соибга мисқол вазнини кўрсатиб, шундай деган: «Мен мисқолни тортиб кўриб, Абдулмалик ибн Марвон мисқолининг вазнида эканлигини билдим». Бу мисқол, жоҳилиятда Абу Видоъа ибн Забийра Саҳмийницида бўлган эди. Балазорий Усмон ибн Абдуллоҳдан ривоят қилиб дедилар. Отам менга: «Бизга, яъни Мадинага Абдулмаликнинг дирҳам-динорлари келарди. Мадинада бир нафар саҳоба ва тобеинлар бор эди. Булар Абдулмаликнинг дирҳам ва динорларини инкор этмадилар», деб айтдилар. Муҳаммад ибн Саъд, «Бизнинг бир дирҳамнинг оғирлиги 14 қийрот, мисқолимиз 20 қийротдир ва бу 21 3/7 қийротга нисбатан 15 қийрот вазнида дейдилар».

Бу тилла динорлар ва кумуш дирҳамларнинг вазнлари билан бугунги оғирлик ўлчовлари ўртасидаги фарқни билишимиз лозим.

Архиолог олимлар кашфиётларидан кейин византий динор, кисровий дирҳам ва исломий, хусусан, Абдулмалик ибн Марвон замонидаги шаръий дирҳам ва

динор вазнини аниқлаш мумкин бўлди. Абдулмалик даврида зарб қилинган исломий динор вазни - 4,25 гармм эканлиги аниқланди. Бу сулийдус вазнининг ўзи. Сулийдус Византияда кенг тарқалган тилла танга. Юноний дирҳамлар ҳам шундай вазнда зарблланган. Шундай қилиб сулийдус жоҳилият ва Ислом даврида ҳам муомалада бўлган Византия диноридир.

Динор мисқолдир. Мисқол вазнларнинг асосидир. Мисқолни билиш билан дирҳам, доник, қийрот ва ҳаббалар вазнларини мисқолга нисбатан билиш осон бўлади.

Мисқол 4,25г ва бу 8 дониқقا тенг. Дониқнинг вазни 0,53125г бўлади.

Мисқол 20 қийротга тенг. 1 қийротнинг вазни 0,2125г.

Мисқол 72 дона арпа донига тенг. 1 дона арпа вазни 0,059 гарммдир. 0,059 гарммнинг оғирлиги хардал уруғининг 83,3 донасига тенгдир.

Дирҳам мисқолнинг 10дан 7сига (7 / 10) тенг.

Ҳар бир 10 дирҳам 7 мисқол бўлади. Грамм билан ўлчаганда дирҳамнинг вазни - 2,975г, 10 дирҳам 29,75 граммга тенг бўлади. 7 мисқол 29,75 граммга тенг бўлади.

Дирҳам. 6 дониқقا тенг. 1 дониқ кумушнинг вазни 0,495г бўлади.

1 увқия 40 дирҳамга тенг, 1 увқияни вазни 119г бўлади.

Бу жоҳилият замонида ишлатилган пул ва унинг оғирлик ўдчовидир. Ислом Макка аҳли вазнига иқорор бўлгани учун, бу пуллар шу ҳолича ишлатилган. Шунингдек, тижорат учун восита, мато ва меҳнатни баҳолайдиган миқёс қилиб олинди.

Шу билан бирга, Ислом ижара, тижорат ҳукмларини қарор қилган вақтда бу пулларни ягона пул бирлиги деб белгиламади, балки, бир бирига мос келадиган ҳар қандай нарса билан меҳнат, манфаат ва матони алмаштиришни, инсоннинг ўзига ташлаб қўйди. Ислом инсонга қилични хурмо билан, қўйни буғдоў билан, кийимни динор билан, гўштни дирҳам билан сотиб олишни ва майиздан 1 соъга 1 кун ишлашни, 5 динорга жавон ясашни, белгиланган ерни ҳайдаш баробарига белгиланган уйни бино қилишни мубоҳ қилди. Ислом башариятга ўзига хоҳлаган нарса билан, хоҳ мато билан бўлсин, хоҳ меҳнат ёки пуллар билан бўлсин, бир бирига мос нарсалар билан алмашишни инсонларга ҳавола қилди,

Ислом башариятга ўзи хоҳлаган нарса билан алмашишни эркин қўйиш билан бирга, у билан амалга ошириладиган пулларни белгилаб, уни тилла ва кумуш қилди. Тилла ва кумушни мато ва хизматлар қиёсланадиган пул миқёси қилди. Бу пулнинг вазнини Макка аҳлининг пул вазни билан муайян вазнда белгилади.

Ислом уларни тилла ва кумуш деган эътибор билан ва уларни нарсалар учун баҳо ёки меҳнат учун ҳақ ва пул деган эътибор билан тилла ва кумушга шаръий ҳукмларни боғлади.

Бу ҳукмлардан:

1. Уларни йиғиб хазина қилишни ҳаром қилди.

وَالَّذِينَ يَكْنُزُونَ الْذَّهَبَ وَالْفَضَّةَ وَلَا يُنْفَقُونَهَا فِي سَيِّلِ اللَّهِ فَبَشِّرُهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ

„Тилла ва кумушни йиғиб уни Аллоҳ йўлида нафақа қилмайдиганларга аламли азоб хабарини беринг». [9:34]

Ислом уларни тилла ва кумуш деган эътибор билан ва уларни пул, савдо учун улар билан савдо-сотиқлар ва амаллар комил бўладиган восита деган эътибор билан хазина қилишни ҳаром қилди.

2. Тилла-кумушга ўзгармас, событ, муайян ҳукмларни боғлади.

а) - уларни пуллар ва сотиладиган нарсалар учун баҳо ва меҳнат учун ҳақ деган эътибор билан тилла ва кумушда закотни фарз қилди, улар учун тилла динорларидан, кумуш дирҳамларидан муайян нисобни таъйин қилди. Ҳар бир 20 динорда ярим динор, 200 дирҳамда —5 дирҳам закот вожиб қилди;

б) Дияни (қасд қилмасдан одам ўлдирган киши ўлган кишининг яқинларига (валийларига) тўлайдиган тўлов) фарз қилган вақтда Ислом дияда тилла ва кумуш бериладиган қилди ва дия учун тилладан муайян миқдор - 1000 динор ва кумушдан муайян миқдор - 1200 дирҳамни таъйин қилди. Ибн Аббосдан ривоят қилинди: «Бану Адий қабиласидан бир киши ўлдирилди. Набий ﷺ унинг диясини 12000 дирҳам қилиб белгиладилар». Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Хазм отасидан, отаси эса бобосидан ривоят қилади. «Расулуллоҳ ﷺ Яман аҳлига мактуб ёздилар. Мактубларида шундай сўзлар бор эди: «Мўмин нафсада 100та тую дия бор, тилла эгаларига 1000 динор». Бу ҳадисни Насрий ривоят қилди;

в) Ўғирликда қўл кесишни вожиб қилган вақтда, ўғрининг қўли кесиладиган миқдор: тилладан динорнинг 4дан бири ($1/4$) ва кумушдан 3 дирҳам таъйин қилинди. Буни ўғриланадиган ҳамма нарса учун миқёс қилди. Оиша ﷺ Набий ﷺдан ривоят қилди. Набий ﷺ «Ўғри қўлини 1 динорнинг 4дан бирида ва ундан ортиғида кесилади”, дедилар, Бу ҳадисни 5 ровий ривоят қилган. Ибн Умардан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ қиймати 3 дирҳам бўлган қалқон ўғирлаган ўғрининг қўлини кесдилар».

3, Ислом пулга оид айирбошлаш учун ҳукмларини қарор қилган вақтда айирбошлаш учун тилла ва кумуш қийматини асос қилди. Айирбошлаш пулни пулга айирбошлаш ва пулни пулга сотишидир. Айирбошлаш тиллани тиллага ва кумушни кумушга сотиш каби ўз жинсидан бўлади, ёки кумушни тиллага ва тиллани кумушга сотиш каби ўхшаш жинсдан бўлади. Абу Бакр ﷺдан ривоят қилинди, «Набий ﷺ кумушни кумушга ва тиллани тиллага теппа-тeng сотишга буюрдилар ва бизни кумушни тиллага ва тиллани кумушга қандай хоҳласак, шундай сотиб олишга буюрдилар». Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Ислом бу шаръий ҳукмларни тилла ва кумушга бу икковини айланиш учун пул ва сотиладиган нарсалар учун баҳо деган эътибор билан боғлаши бу Расул ﷺ тилла ва кумушни, сотиладиган нарсаларни баҳоси, меҳнатнинг ҳаққи ўлчанадиган пулнинг қиёсий бирлиги эканлигига иқорор бўлишларидир.

Бу нарсалар Исломдаги пул тилла ва кумуш, деб эътибор қилишга далолат қилади. Чунки пулларга боғланган ҳукмларнинг ҳаммаси тилла ёки кумушни мато ва меҳнат учун баҳо, муомала учун пул деган эътибор билан тилла ва кумушга боғлангандир. Тилла ва кумуш хоҳ зарб қилинган бўлсин, хоҳ зарб қилинмаган, хоҳ маъдан ҳолда бўлсин, фарқи йўқ.

Лекин бу мусулмонлар ва Исломий Давлат улардан бошқа пулни олиши ёки улардан бошқа нарсани айирбошлаш муомаласи қилиб олишн жоиз эмаслигини билдирадими?

Тилла ва кумушдан бошқаси ҳам жоиз. Бунда ихтилоф йўқ. Чунки сотиш ва сотиб олиш, тилла ва кумушдан бўлган пуллар билан ҳосил бўлганидек,

Расулуллоҳ замонларида матоларни баъзисини баъзиси билан алмаштирилар эди. Расулуллоҳ буларни ҳеч қайсисини ман қилмасдан ва инкор қилмасдан рози бўлган эдилар, бундай муомалани мубоҳ қилдилар. Убода ибн Сомит Набийдан ривоят қилдилар. Набий «Тиллани тиллага, кумушни кумушга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга ва буғдойни буғдойга нақд ва теппа-тeng қўлдан қўлга олиш билан алмаштирилади. Агар бу моллар турли хил бўлса, нақд бўлган вақтда қандай хоҳласангиз сотоверинглар, агар қўлдан қўлга бўлса», дедилар ва бизни буғдойни арпага ва арпани буғдойга нақд ҳолда қандай хоҳласак, шундай сотоверишимизни буюрдилар”.

Аммо мусулмонлар ва Халифалик Давлати тилла ва кумушдан бошқа пулни давлат пули қилиб олиши жоизлиги ёки жоиз эмаслигини мавзусига келсак, буни ҳукмига етиб бориш учун Расулуллоҳ замонларида мавжуд бўлган пул воқесини идрок этиш, тилла ва кумушга тааллуқли бўлган шаръий ҳукмларга мурожаат қилиш лозим.

Расулуллоҳ даврларида сотиладиган нарсаларнинг баҳосини ва меҳнат ҳақини қиёслайдиган қиймат (пул) фақат тилла ва кумуш бўлган. У пайтда олтин-кумушдан бошқа пул бўлмаган, қофоз ва тери, мис ва жез тангалар бўлмаган. Сотиш ва сотиб олишда тилла ва кумушга, гарчи зарбланган бўлса ҳам уларни маъдан деган эътибор билан унинг сонига эмас, балки вазнига қаралар эди. Киши матони 1 дирҳамга сотса, вазнига ишонч ҳосил қилиш учун дирҳамни тортар эди, Бир кишида 20 динор бўлиб, унга йил айланган бўлса, уни тортар эди ва ундан бир қийрот камайганлигини сезса, закот нисобидан камайгани учун закот бермас эди. Бир кишида 200 дирҳам бўлса, уни тортар ва кумуш нисобининг вазнидан бир қийрот камайганлигини сезса, нисобдан озайганлиги учун ундан закотини бермас эди.

Тилла ва кумуш зарб қилинган ёки зарб килинмаган бўлишидан қатъий назар, тилла ва кумушни пул ва баҳо деб эътибор қилинган, уни мато, меҳнат ва хизматларни киёслайдиган пул деб ҳисоблашга келишиб олинган. Расулуллоҳ бу келишиб олишни ва пул деб эътибор қилишни тасдиқ этдилар. Тилла ва кумуш Расулуллоҳ ва у кишидан кейин хулафои рошидинлар, уммавийлар ва аббосийлар замонларида истеъмолдаги пул бўлиб қолди, Мусулмонлар ўша муддат мобайнида улардан бошқа пулни билмаганлар. Расулуллоҳ тилла ва кумуш, пул ва баҳо бўлганлиги учун улардан бошқа пулни олишга буюрмадилар.

Аммо, тилла ва кумушга тааллуқли бўлган шаръий ҳукмларга мурожаат қилишдан билинадики, хазина қилишни ҳаром қилиш, бошқа молларга эмас, фақат тилла ва кумушга тааллуқlidir. Тилла ва кумушдан бошқа молларда эҳтикор, нарсанинг қиммат бўлиши тасаввур қилинади, хазина қилиш эмас, Матъумотлар озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ турмайди. Ҳайвон ва қушларда ҳам хазинани тасаввур қилиб бўлмайди, Чунки булар доимо ўсиб туради. Хазина фақат пулларда содир бўлгани мусулмонларда улардан бошқа пул мавжуд бўлмагани учун, хазина ҳаромлигининг ҳукми тилла ва кумушга тааллуқли бўлиб келди.

Гарчи, Аллоҳ, дия ва закот ҳукмлари каби ўзгармайдиган, событ, муайян ҳукмларни тилла ва кумушга боғлаган бўлсада, ўша шаръий ҳукмларда тилла ва кумуш билан чегараланмаган, балки, дия ва закотни тилла ва кумушдан бошқа молларга боғлаган. Дияни туяга, молга, қўйга ва кийимга боғлади.

Закотни тилла ва кумушда вожиб қилганидек, мол, қўй, экин, мева, тижорат моли ва туюда вожиб қилди.

Шунинг учун тилла ва кумушга тааллуқли бўлган бу ҳукмлар фақат тилла ва кумуш билан чекланмаган, улардан бошқа молларга ҳам боғланган. Бу ҳукмлар тилла ва кумушдан бошқа пул мавжуд бўлмаганлиги учун улардан бошқа пулга бу ҳукмлар гапирилиб ўтилмади. Аммо тилла ва кумушга тааллуқли бўлган рибо ва пул алмаштириш ҳукмларига келсак, албатта рибо фақат тилла ва кумушга тааллуқли бўлмай, ҳадислар белгилаб берган тилла ва кумушдан бошқа рибога оид молларга ҳам тааллуқлидир. Аммо пулларни айирбошлиш фақатгина ишлатилаётган пулда бўлади.

Расууллоҳ ﷺ даврларида ишлатилган тилла ва кумуш пуллар воқелигини, тилла ва кумуш низоми, унинг фойдалари ва келгусида келадиган бошқа пулга оид низомларини муфассал текшириб чиқишдан шундай хулоса чиқадики, гарчи тилла ва кумуш пулларининг кичкина бўлакларини зарблаётган вақтда тилла ва кумуш билан бирга бошқа маъданларни ишлатиш жоиз бўлсада, мато ва меҳнатнинг баҳосини қиёслаш учун асос бўлган ҳолда Халифалик Давлатининг пули тилла ва кумушлиги учун сақлаб қўйиш бўлади.

ПУЛГА ОИД НИЗОМЛАР

Пуллар икки турли метал ва қоғозга оид. Металли пуллар — тилла, кумуш, мис, қўрғошин ва никель каби маъданлардан олинади. Қоғозга оид пуллар эса, тилладан ёки кумушдан бадал, тилла ёки кумуш билан қопланган, уларни иккови билан қопланган ёки тилла ва кумушга бадал бўлмаган ва улар билан қопланмаган қофозлардан ишланган пуллардир.

Дунёда Биринчи Жаҳон Урушидан бироз олдин ҳам тилла ва кумуш билан пул муомаласи қилиб келинди. Биринчи Жаҳон Урушидан сўнг тилла ва кумуш билан муомала тўхтади, Урушдан кейин эса, тилла ва кумушни қисман ишлатишга қайтилди ва яна бу муомала озая бошлади. 1971 йил 15 июлда Америка президенти Никсон долларни тилла билан қоплаш ва уларни ўзгармас баҳо билан тиллага боғлаш тўғрисидаги «Ведз ва Бритун Низоми»ни бекор қилишга расман карор қилди. Шу билан тилла ва кумуш муомаласн умуман бекор қилинди.

Пул низоми бу давлатлардан бирида пул ишлаб чиқариш, уларни ишлатиш тадбирлари асосланадиган қоидалар мажмуасидир. Пулга оид ҳар бир Низом диққат марказида бошқа навдаги пуллар қиймати унга нисбатланадиган асосий пул бирлигини аниқлаштириш муаммоси туради. Агар, асосий пул тилла бўлса, бу Низом “Тилла Низоми”, деб номланади. Ёки пул бирлиги тилла пул бўлса, низомининг асосий пули тилла пул бўлади.

Пул низоми одатда ўз номини асосий пулнинг табиатидан олади. Агар асосий пул тилла бўлса, бу Низом «тилла Низоми» ёки «тилла қоидаси» деб номланади. Агар асосий пул 2 бирлик: тилла ва кумушдан иборат бўлса, бу Низом «2 маъдан Низоми», деб номланади. Асосий пул бирлиги қиймати тилла ёки кумуш билан ўзгармас алоқада боғланмаган бўлса, бу Низомни, мис пуллари каби метал маъданларидан олинган ёки қоғоз пуллар каби (банкнот) қофоздан олинган бўлсин фарқи йўқ, «мажбурий пул Низоми» деб номланади.

МАЪДАН НИЗОМИ

Маъдан низоми асосий пул бирлиги 2 хил маъдандан тузилган низомдир. Маъдан низомида асосий пул бирлиги битта маъдан ёки икки маъдандан ҳосил бўлган бўлади.

Ягона маъдан низоми

Бу маъданга оид пул низоми битта тилла ёки кумуш маъданга сужнадн. Бу Низом уч шаклда ўз аксини топиши мумкин:

- 1—Қолипланган-зарбланган тилла ёки кумуш Низоми,
- 2—Эритилган тилла ёки кумуш Низоми.
- 3—Тилла ёки кумуш билан айирбошлаш Низоми.

Зарбланган тилла ва кумуш низоми

Бу Низомда муайян ўзгармас вазнлар билан зарбланган кумуш ёки тилла бўлаги айланиб юради. Тилла ёки кумуш бўлакчасининг ўзи айланиш воситасидир. Гоҳо тилла ёки кумуш бўлакларининг ёнида тилла ёки кумушни тўла ифодалайдиган, ҳар қандай вақтда тўсиқсиз алмаштириладиган тилла ёки кумушдан бадал қофозлар ҳам айланади.

Тилла ёки кумуш ём билари низоми

Бу Низомда, давлат ёки давлатнинг марказий банки тилла ёки кумушнинг зарбланган бўлакларини муомаладан олиб, тилла ёки кумуш ём биларини ўз хазинасида сақлайди ва айланишга ташлайдиган тилла ёки кумуш бадалига қофоз пул чиқарди. Уни тилла ёки кумушга алмаштириш мумкин бўлади.

Лекин давлатлар ём билар Низоми билан ишлаётган вақтда тилла ва кумушни қофоз пулга эркин алмаштиришни чеклаб, ҳар бир инсон сотиб олмаслиги учун катта ҳажмдаги ём биларни қўяди. Эҳтиёт учун заҳирада сақлаб қўйилган тилла ёки кумушни муҳофаза қилиш, тўлов мувозанатида ҳар қандай камчиликни ундан қоплаш, айниқса, ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймаслик каби чора ва тадбирларга эътибор беради. Шу билан бирга пулни идора қилишни ҳамда тилла ва кумуш ҳаракатларини назардан қочирмайди.

Тилла ёки кумуш билан айирбошлаш низоми

Бу Низомни қабул қилган мамлакат пул бирлиги тилла ёки кумуш билан чегараланмай, бошқа юртнинг тилла ёки кумуш низомида юрадиган пули билан боғлангани билан ажralиб туради. Шунингдек, бу низом, тобе ўлканинг пулининг тилла ёки кумуш қоидасида юрадиган эргаштирувчи (яъни мустамлака қилувчи) давлатнинг пули билан алоқасида кўринади. Масалан, Сурия ва Ливан пуллари, Франциянинг ҳукмронлик кунларида унинг пулига боғлиқ бўлган. Миср ва Ироқнинг пули инглизлар ҳукмронлиги остида бўлган кунларида инглизлар пули билан боғлиқ бўлган.

Икки маъдан низоми

Бу Низомни асосий пули 2 бирлик: тилла ва кумушдан ҳосил бўлади. Бу низомда уларнинг биттасини иккинчисига қиёслаш ва алмаштириш қийматини билиш учун тилла ва кумуш бирлиги орасида вазн ва меъёрдаги ўзгармас нисбатни аниқлаб олиш лозим. Бу низомда тилла бирликларининг бўллаги кумуш бирликлари бўллаги ёнида айланади. Давлатлардан баъзи бири улар орасидаги айирбошлаш баҳоси ўзгармас бўлиши учун, тилла бирлигини кумуш бирлигига айирбошлашга қонуний нисбат белгилаб олган.

Тилла ва кумуш низомини олиш тилла ва кумушдан бўлган асосий пул бирлигини ўзгармас муайян меъёр ва вазн билан чегаралаб олишни, одамларга тўсиқ қўймасдан тилла ва кумушни сотиб олишни, сотишни, уларни четдан олиб келишни ва четга чиқаришни, одамлар ихтиёрига ташлаб қўйишни, хорижий тижорат амалларини осонлаштириш учун бошқа пулларни тилла ва кумушга алмаштириш, тилла ва кумушни ўша пулларга алмаштириш имкониятини одамларга тўла таъминлаб берилишини, инсонларга тилла ва кумуш ёмбиларини, давлат ичидағи зарбхона оладиган озгина қиймат эвазига тангаларга айлантиришни, тилла ва кумуш тангаларни ёмбиларга айлантириш имконини яратиб беришни тақозо қиласди.

ҚОҒОЗГА ОИД НИЗОМ

Қоғоз низоми — қоғоз пулларнинг айланиш учун восита қилиб оловчи низомдир. Қоғоз пуллар, агар тилла ёки кумушга бадал бўлса, ёки тилла ва кумуш билан қопланган ҳужжатли қоғозлар бўлса, уни чиқарган банк ёки давлат зиммасида муайян қарзни ифодалайдиган ва уни оловчиси учун чиқарилган айланувчи ҳужжатлардан иборат бўлади.

Қоғоз пуллар гоҳо давлатда мавжуд тилла ёки кумушга бадал бўлади ва уларни тўла ифодалайди, яъни, бу айланувчн қоғоз пулларни тилла ёки кумуш копламаси 100% қоғоз пул қийматини ифодалайди. Бу бадал қоғоз пулни оловчи, қачон хоҳласа, тўсиқсиз ёки чегарасиз, унинг қопламасига кўра, қоғоз пулни тилла ёки кумушга айлантиришга ҳақли. Бундай бадал қоғозлар ўз воқесида маъданга оид низомдан деб ҳисобланади. Ноиб қоғоз пулларнинг тилла ёки кумуш ўрнига муомалага киритилиши тилла ёки кумушга бадаллик эътибори билан айланишда тилла ва кумуш ўринини босади.

Бу қоғоз пуллар гоҳо муайян чекланган нисбат билан тилла ёки кумуш қийматининг бир қисми билан қопланган бўлади. Бу каби қоғоз пуллар ҳужжатли пуллар деб номланади, Аммо улар тилла ёки кумуш билан комил қопланган эмас. Унга ишонч уни чиқарган давлат, муассасага ишончдан ҳосил бўлган, Унинг фақат тилла ёки кумуш билан қопланган қисмигина, тилла ёки кумушга ноиб пул бўлади. Тилла ёки кумуш муқобил бўлмаган қисми айланишдаги ўз қувватини уни чиқарган давлат, муассасага одамларнинг ишончидан келиб чиқсан ҳужжатли қоғоз пуллар бўлади.

Қоғоз пуллардан учинчи нави тилла ёки кумушдан мутлақо қопламаси бўлмаган тилла ёки кумушга бадал бўлмаган қоғоз пуллар. Бу пулларни мажбурий қоғоз пул деб номланади, уларни тилла ёки кумуш билан айирбошлаш мумкин эмас. Унинг қиймати қонун берган умумий лицензик қувватига суюнади. Унинг ўзини бирор-бир қиймати йўқ. У ўз қийматини, айланиш пули бўлишини қонуний қилган фармондан олади Агар у билан муомала бекор қилинса ёки одамларнинг унга ишончи йўқолса, фойдаси йўқ бўлиб қолаверади.

ПУЛЛАРНИ ЧИҚАРКШ

Ҳар бир давлат муайян нарсадан иборат бўлган ва бошқа нарсалар ва меҳнат унга нисбат бериладиган ва унга қиёсланадиган асос қилган, уни ўзгармас чекланган меъёр ва вазн билан ўзига хос услугда ва муайян шаклда уни қолиплайдиган, муайян бирликни олишга келишиб олишган. Жамиятлар қадим замонлардан бери, қиёсий бирликни ўз қийматига эга бўлган нарсалардан олишда давом этиб келди. Одамлар тилла ёки кумушни ҳамма замонларда зотий қиймати бўлгани учун мато ва хизматларнинг қийматига миқёс қилиб олдилар. Улар тилла ёки кумушдан чекланган муайян меъёр ва вазн билан хос услугда ва аниқ шаклда пул бўлагини зарбладилар,

Тилла ёки кумуш бирлигини ўз пули учун асос қилиб олган давлат маъдан низомида юрувчи бўлади. Агар давлат тилла бирлигини ўзига пул қилиш учун зарблайдиган пулига асос қилиб олса, тилла қоидасида ёки тилла низомида юрувчи бўлади. Агар давлат кумуш бирлигини ўзига пул бўлиши учун зарблайдиган пулига асос қилиб олса, кумуш қоидасида ёки кумуш низомида юрувчи бўлади. Агар давлат тилла ва кумушни ёнма-ён ўзи зарблайдиган пулига асос қилиб олса, тилла ва кумуш қоидасида ёки 2 маъдан Низомида юрувчи бўлади.

Мато ва меҳнатни қофоз пулларга алмаштирадиган давлат, қофоз пул низомида юрувчи бўлади. Агар у босаётган ва ўзи учун пул қилаётган қофоз тилла ёки кумушга бадал бўлса, давлат бадал қофоз пул низомида юрувчи бўлади. Агар давлат босаётган ва уни ўзи учун пул қилаётган қофоз пул қийматидан муайян нисбатга тенг келадиган тилла ёки кумуш қопламаси бўлса, расмий қофоз навларидан бўлган қофоз пул низомида юрувчи бўлади.

Давлат босиб чиқараётган қофози тилла ёки кумушга бадал бўлмаса, бу пулнинг тилла ёки кумушдан қопламаси бўлмаса, бундай давлатга мажбурий қофоз низомида юрувчи деб эътибор қилинади. •

Румоний давлат меъёр ва вазни чекланган тилладан бўлган ўзгармас бирликни ўз пули учун асос қилиб олди, бу бирлик асосида муайян шаклда тилла пулларни зарблаб чиқарди. Шу билан румонийлар тилла қоидасини олган ва қолипланган тилла низомида юрган давлатлардан бўлди.

Сосоний давлати кумуш бирлигини ўз пули учун асос қилиб, уни Зта вазнда қилди. Кумуш дирҳамларини маҳсус безак билан ишлаб, хос кўриниш ва муайян шаклда қолиплади. У қолипланган кумуш пулни айланишга ташлаб, қолипланган кумуш Низомида юрди.

Мусулмонлар эса, тилла ва кумуш бирлигини ўзларидаги пул учун асос қилиб олдилар. Уларни ёнма-ён ишлатдилар. Лекин улар византий динорлар ва кисровий дирҳамлардан ҳам фойдаланар эдилар. Улар Расулуллоҳ  замонларидан то Абдулмалик ибн Марвон даврларигача ўзларига хос пул чиқармаганлар. Абдулмалик ибн Марвон ўз даврида хос Исломий безаклар билан нақшлаб, хос услуг ва муайян шаклда исломий пул зарб қилди ва унга шаръий дирҳам ва динор вазни билан кумуш ва тилла бирлигини асос қилиб олди. Шу билан мусулмонлар тилла ва кумуш қоидасида, яъни 2 маъдан қоидасида юрдилар. Аббосийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида ва Мисрдаги Атобика даврида мусулмонлар тилла ва кумуш билан бирга мисни зотий қиймати озроқ деган эътибор билан, кичкина нарсаларни сотиб олиш учун ундан пул қолипладилар. Мис пул тилла ва кумушга бадал бўлмаган ва

ўзининг қийматига таянган. Атобика замонида тилла ва кумуш камайиб кетиб, улар мис билан барча қиймати арzon матоларни сотиб ола бошладилар.

Дунё XX асрнинг аввалларигача қолипланган низом асосидаги тилла ва кумуш қоидасида юриб келди. Ҳар бир давлат, мустамлакачи буюк давлатлар ҳам, қариб биринчи жаҳон уруши давригача тилла ва кумуш қоидасидан воз кечиб, мажбурий қофоз пулларни ўзи учун пул қилиб олгунга қадар, ўзгармас, чекланган вазн ва меъёр билан ўзига хос муайян услубда ва шаклда тилла ёки кумуш пулини қолиплар эди.

Мана булар пулни чиқариш ва мусулмонлар чиқарган пулнинг, пулни чиқаришдаги шаръий ҳукмнинг воқесидир.

Шуларга биноан, Расууллоҳ ﷺ ва халифалар даврларида шундай бўлгани каби мусулмонларнинг пуллари тилла ва кумуш бўлиши ҳамда Халифалик Давлати тилла ва кумуш қоидасида, яъни 2 маъдан қоидасида юриши лозимдир. Халифалик Давлати тилла динор ва кумуш дирҳамларини олий меъёрга эга соф тилла ва кумуш моддасидан қоплаши, Халифалик Давлатига хос, Исломий услугуб ва муайян шаклда тилла динор вазнини шаръий динор вазни яъни, мисқол вазни қилиши лозим. Бир динорни 4,25 грамм вазн билан қоплаши лозим. Кумуш дирҳам вазни 7 вазн деб номланган, яъни, кумушдан 10 дирҳам 7 мисқол вазнига teng бўлган шаръий дирҳам вазнида қилиш ва дирҳамлардан бир дирҳамни 2,975 грамм вазн билан қолиплаш лозим.

Давлат тилла динорни ва унинг бўлакларини, динор вазнини икки ҳисса оширишни қўйидаги шаклда қолиплаши мумкин,

1. Динорни тўртдан бири рубъу динор. Бу тўртдан бирнинг вазни 1,0625г. Бир ўғри 1,0625г тилла ўғирласа, қўли кесилади.

2. Ярим динор 2,125г.га teng. Бу закот нисобидан бериладиган вожиб миқдор.

3. 1 динор 4,25г.га teng.

4. 5 динор 21,25г.га teng. Бу закот нисобининг 4дан бири.

5. 10 динор 42,5г.га teng. Бу закот нисобининг ярми.

6. 20 динор 85г.га teng. Бу закот нисоби.

Шундай қилиб, зарб қилинган 6 хил вазндаги динор, закот нисобининг вазни, тилла вазнининг асоси бўлган динор вазни, закот нисобида бериладиган вожиб миқдор вазни ва тўртдан бир динор вазнида, яъни, ўғрининг қўли кесиладиган миқдор вазни билан чиқарилган бўлади.

Давлат кумуш дирҳамларини, унинг бўлакларини ва дирҳам вазнини икки ҳисса ошириши қўйидаги шаклда бўлиши мумкин:

1. Ярим дирҳам 1,4875гр.га teng.

2. 1 дирҳам 2,975гр.

3. 5 дирҳам 14,675гр. Кумуш нисобида берилиши вожиб бўлган миқдор.

4. 10 дирҳам 29,75гр.

5. 20 дирҳам 59,50гр.

Давлат арzon нарсаларни сотиб олиш осон бўлиши учун тилла ва кумушдан иборат бу бирликлар таркибига, қимматбаҳо бўлмаган маъданлардан муайян фоизда қўшиб, майда пуллар чиқаради, Давлат ҳар қандай чигалликка йўл қўймаслик учун зарбларда бирликлардаги металлар фоизи вазнини баеё қилиши лозим.

Халифалик Давлати, Америка каби давлатлар ўз манфаатларига мувофиқ оламдаги пулларга ҳукмрон бўлиб қолмаслиги учун, дунёни тилла ва кумуш билан муомала қилишга қайтариш роясига амал қилиши лозим.

Тилла ва кумуш меъёри

Исломий Давлат ўзининг турли даврларида динор билан дирҳамлардаги тилла ва кумуш меъёрини муҳофаза қилишда доим хушёр бўлди. Давлат қаллобликни ман қилар ва динор ёки дирҳамларга алдов ишлатадиган кишиларга қатъий жазо чорасини қўллар эди.

Шунинг учун тилла динорлари ва кумуш дирҳамлари бошқа ҳар қандай маъдан билан аралашиб кетмасдан холис бўлиши, унга алдов ишлатишнинг ман қилиниши ва унга бошқа ҳар қандай маъданни аралаштириб юборган кишига жазо қўлланиши вожиб бўлади. Чунки алдов ҳаромдир. Расулуллоҳ ﷺ «Алдаган киши биздан эмас», яна бир ривоятда: «Бизни алдаган киши биздан эмас», дедилар.

Тилланинг кумушга нисбати

Халифалик Давлати тилла ва кумуш орасидаги айирбошлаш нисбатини чекламасдан ўз ҳолига қўйиши вожиб. Расулуллоҳ ﷺ ва халифалар замонларида бўлганидек, талаб ва таклифга кўра тилла кумушга ва кумуш тиллага бозорда юрувчи баҳо билан айирбошланади. Расулуллоҳ ﷺ тилла ва кумуш орасида муайян нисбатни чекламаган ва улар орасида белгиланган айирбошлаш баҳосини белгиламаганлар. Балки, улар орасида муайян нисбатни чекламай нақд ҳолда тиллани кумушга ва кумушни тиллага сотишга рухсат берганлар. Расулуллоҳ ﷺ «Тиллани кумушга нақд ҳолда қандай хоҳласаларинг шундай сотинглар», дедилар. («Қўлмақўл»нинг маъноси нақд ҳолда ўша ернинг ўзида қўлдан-қўлга ўтиши). Ибн Умардан ривоят қилинади: «Мен таяни Бақийъ деган жойда динорга сотаман ва дирҳам оламан. Таяни дирҳамга сотсам динор оламан. Уни бунинг ўрнига оламан ва буни унинг ўрнига бераман. Набий ﷺ олдиларига келдим, Набий ﷺ Ҳафсанинг уйида эканлар. Мен эй, Расулуллоҳ, таяни Бақийъда динорга сотиб, дирҳам оламан, дирҳамга сотиб, динор оламан, бунисини ўрнига унисини оламан, унисини ўрнига бунисни бераман. Расулуллоҳ ﷺ «Сизларни орангизда бир нарса бўла туриб, ажралмасанглар ўша кунни баҳоси билан тилла ёки кумушни олишингизнинг зарари йўқ» дедилар». Тиллани тиллага ва кумушни кумушга сотишда эса бунақа бўлмайди. Тиллани тиллага, кумушни кумушга сотишда қўлма-қўл ва теппа-тенглик вожиб бўлади. Расулуллоҳ ﷺ «Тиллани тиллага ва кумушни кумушга қўлма-қўл ва теппа-тенг, ўзини ўзига сотилади зиёда бўлса у рибо», дедилар.

Тилланинг кумушга нисбати ўзгарувчан ва тилла, кумуш моддаларнинг қўплиги ва озлигига, талаб ва таклифга боғлиқ бўлади. Расулуллоҳ замонларида тилланинг кумушга нисбати ўнга бир, Умар қадарларида 12га 1 сўнг 14га 1 бўлган. 1971 йилда 45га 1гача тушиб, шундан кейин бир неча ойлар давомида 16га 1га кўтарилди. Тилла ва кумуш ўртасидаги айирбошлаш нисбатини ўзгармас, муайян қилиб белгилаш зарар. Чунки белгиланган қонуний нисбат билан тилла ва кумуш орасидаги айирбошлашга аниқ нарх

қўйилган вақтда тилла ва кумушнинг қонуний қиймати бозордаги қийматидан ўзгача бўлиб қолади, Бу тафовут давлат ичида ёки ташқи бозорларда содир бўлса, агар пулнинг ташқи бозордаги қиймати давлат қонуний қийматидан ортиқ бўлса ҳам, бу тафовут сабабли, баҳоси кўтарилган пул камайиб яширинча ташқарига олиб чиқиб кетилади.

ТИЛЛА ВА КУМУШ НИЗОМИНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Тилла ва кумуш дунёда айланувчи пул бўлган вақтда. оламда мутлақо пулга оид муаммолар бўлмаган. Бу муаммолар олам тилла ва кумуш низомидан воз кечгандан кейин содир бўлди. Мустамлакачи давлатлар оламга ҳукмрон бўлишга имкон топиш учун молиявий ва иқтисодий мустамлака услубларини ривожлантириб, пулни мустамлака воситаларидан бири қилиб олишди ва тилла, кумуш қоидасидан воз кечиб, пулни бошқа низомга айлантирилар. Улар бу низомда пул миқдоридаги тилла ва кумушга таянмайдиган мажбурий пуллар ва банкка оид омонатларни қабул қилишди ҳамда дунё пулини ўз манфаатларига мувофиқ юрита бошлиши. Инфляция пул бекарорлгини яратдилар ва иқтисодий муаммоларни юзага чиқардилар. Улар мажбурий пулларни кўпайтирилар. Бу ишлар пулдаги катта қадрсизланишни пайдо қилди ва пулларнинг харид қуввати тушиб кетди. Булар тилла ва кумуш қоидасидан воз кечиш оқибатларидир.

Тилла ва кумуш қоидаси пул муомалаларига, оламга ёйилган шиддатли қадрсизланишга барҳам беришга, давлатлараро тижоратда тариққиётни ва айирбошлиш баҳолари учун саботни, ўзгармасликни ва пул барқарорлигини таъминлашга қодирдир, негаки тилла ва кумуш низоми бир неча иқтисодий имтиёзларни ўз ичига олади. Булардан:

1. Тилла ва кумушни оламда ишлаб чиқариш, конларни излаш ва уни қазиб олиш, ишлаб чиқариш сингари хизматларга ҳамда бошқа мато ва хизматларга айирбошлишга муҳтождир. Бу эса оламда пулни кўпайишига ва бу пулнинг кўпайишини мустамлакачи давлатлар тасарруфида қилмайди. Оламни қофоз низомидаги пул билан таъминлаш раъйидаги мустамлакачи давлатлар зулмидан қутқаради. Чунки давлат бошқа давлатлар билан бирга тўлов ва бюджетни яхшилаш мақсадида, ортиқча пул босиб чиқиш йўли орқали, қофоз пул низоми тақозоси билан ўзи хоҳлаганча пул босиб чиқаришга қодир бўлади.

2. Тилла ва кумуш низоми, қофоз пуллар низомида бўлганидек тўсатдан пулнинг кўпайиб кетишидан оламни муҳофаза қилади. Шу билан пул ўзгармаслик ва барқарорлик сифатини олади ва унга ишонч зиёдалашади.

3. Тилла ва кумуш низоми, давлатлар пуллари ўртасидаги айирбошлиш баҳоси издан чиққанда ҳозирги вақтда содир бўлаётгани каби, марказий банкнинг аралашувисиз, файри ихтиёрий равища, давлатлараро тўловларидаги камчиликни тўғирлаш учун мувозанатга (яъни балансга) эга бўлади. Ташқарига чиқувчи мол экспортга қараганда ташқаридан келувчи импортнинг кўпайиб кетиши, бошқа давлатлар бу давлат пулларини эгаллаб олишини кўпайтиради, тилла ва кумушнинг ташқарига чиқиб кетиши, давлат ичидаги баҳоларнинг пасайиб кетишини кўпайтиради ва ичкарида товарлар нархини пасайтиради. Ички матоларни ташқаридан келтириладиган матолардан арzon қилади ва ниҳоят ташқаридан товар келтириш камаяди. Бунга қўшимча тўлов мувозанатида ўзгариш давом этган вақтда, давлат эҳтиётдаги тилла ва кумушнинг йўқолишидан қўрқиб қолади. Тўлов мувозанати бузилган вақтда қофоз низомини соясида пул босиб чиқишга тўсиқ бўлмаганлиги учун, қофоз пул босишини кўпайтиради, Бу пул қадрсизланишининг ортишига ва пулнинг сотиб олиш қуввати пасайиб кетишига олиб боради. Аммо тилла ва кумуш Низомидаги қофоз пул

белгиланган баҳо билан тилла ва кумушга алиштиришни қабул қиласар экан, давлат қофоз пул босиб чиқиши кенгайтириши мумкин эмас. Чунки давлат пул босиб чиқариши кўпайтирса, тиллага талабнинг зиёдалашувидан ва бу талабга юзланишдан ёки тиллани ташқарига чиқиб кетишидан қўрқади. Бундай ҳолатда давлат ўз эҳтиёт маблағини, яъни, тилла ва кумушни йўқотиб қўяди.

4. Тиллани давлат ҳукмрон бўлмайдиган пул бирлиги бўлгани, давлатдаги пул миқдори оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар давлатдаги ҳар қандай пул миқдори, бозор муҳтож бўладиган пул алмашинувига кифоя қилиши нуқтаи назаридан тиллага буюк имтиёз яратади. Чунки матоларнинг ҳаммаси тилла билан алмашув қийматига эга бўлади ва бошқа матоларни ишлаб чиқариш зиёдалашиб, баҳолар пасаяди. Қофоз пул низомида эса, пулнинг кўпайиши унга олиб бормайди, аксинча, пулларни сотиб олиш қиймати пасайиб кетишига олиб боради, бу эса пулни қадрсизланишига олиб боради. Бу билан қофоз пул низоми пулни қадрсизланишини зиёдалаштирган вақтда тилла ва кумуш низоми эса пулнинг қадрсизланишига барҳам бера олиши маълум бўляпти.

5. Тилла ва кумуш низомида, турли хил давлат пулларининг ҳаммаси тилла ёки кумушдан муайян бирлик билан белгиланган бўлганлиги учун турли хил давлат пуллари орасидаги айирбошлаш баҳосини ўзгармас бўлишига сазовор бўлади. Шунинг билан, давлатларнинг ўзига хос пуллари турли хил бўлсада, бутун дунё учун ҳақиқатда, тилла ёки кумуш қийматини сақлайди. Олам бу вақтда эркин тижорат қилишга эришади ва турли хил давлатлар ўртасида моллар ва матолар эркин кўчиб юриши осон бўлади. Ҳисобга олиш ҳамда нодир пуллар қийинчилиги барҳам топади. Бу халқаро тижоратда ривожланиши вужудга келтиради. Чунки тужжорлар айирбошлаш баҳоси ўзгармас бўлганлиги учун, ташқи тижоратда кенг фаолият олиб боришдан қўрқмайдилар.

6. Тилла ва кумуш низоми ҳар бир давлатнинг тилла ва кумуш бойлигини муҳофаза қиласи, тилла ва кумушни бир шаҳардан бошқа шаҳарга чиқиб кетиши юз бермайди. Давлатдаги тилла ва кумуш фақатгина мато учун баҳо ёки хизмат қилувчиларга ҳақ бўлганлиги учун, давлат уларни муҳофаза қилиш учун кузатувчиларга муҳтож бўлмайди.

Бу фойдаларнинг ҳаммаси тилла ёки кумуш бўлган битта маъдан низомида ва тилла ва кумушдан иборат бўлган икки маъдан низомида рўёбга чиқади. Бунга қўшимча, икки маъдан низоми, маъдан қоидаси ҳажмини зиёдалаштиради. Бунга кўра, пул учун умумий эҳтиёж кўпроқ бўлиши келиб чиқади. Булар давлатнинг инсонларни пулга бўлган эҳтиёжини осонгина тўлдириш қодирлигини ошириб, пулнинг харид қийматлари даражасини мустаҳкамлайди.

Бу имтиёзлар тилла ва кумуш қоидасини фойда ва имтиёзларидир. Лекин, оламшумул монополия ва божхона тўсиқларини мавжудлиги сабабли ва ишлаб чиқариши ривожланган ва халқаро тижоратда рақобатбардош ишбилармон мутахасислар билан маҳорати ошган буюк давлатлар хазиналарида тилла ва кумушдан кўп миқдорда тўпланганилиги ва тилла, кумуш низоми ўрнига мажбурий қофоз пул низомини олиши натижасида, бу низом муаммолардан холи бўлмайди.

Тилла ва кумуш қоидасини ушлаган давлатлар бу тўсиқларни ва бу муаммоларни босиб ўтиши учун хусусан, оламни буюк давлатлари ва халқаро

тижоратга таъсири бўлган давлатлар тилла ва кумуш қоидасида юрмас эканлар тилла ва кумуш қоидасида юрадиган давлатлар ўзидағи мол билан кифояланиш сиёсатида юриши, четдан мол келтиришни озайтириши, четдан келтирилган матоларни тилла ва кумушга айирбошламай, ўзида мавжуд бўлган матога айирбошлиши ва шунингдек ўзида мавжуд матони ўзи муҳтоҷ бўлган матога сотиши ёки тилла ва кумушга ёки ўзи муҳтоҷ бўлган мато ва хизматларни четдан келтириш учун муҳтоҷ бўлган пулга сотиши лозим бўлади.

Бунга қўшимча икки маъдан: тилла ва кумуш қоидасида юрадиган давлат тилла ва кумуш бирлиги ўртасини ўзгармас айирбошлаш баҳосини чеклашдан сақланиши, айирбошлаш баҳосини баҳоларни ўзгаришига тобе бўладиган ҳолда юргизиши лозим. Чунки икки бирлик орасида ўзгармас айирбошлаш баҳоси таъйинлаш, бозорий қиймати қонуний қийматидан юксалган пул бирлигини айланишдан яшириниши ва арzon пулни ўзи қолиб қиммат пулни айланишдан сиқиб чиқариши мумкин.

Оlamda mавжуд тилланинг кифоя килиши

Тилла Низоми қадрсизланишга олиб борадиган захирасиз қофоз пуллардан катта миқдорини чиқаришдан ҳукumatларни ман қилиш учун энг яроқли низом. Тилла Низоми халқаро тижоратни ривожлантирадиган халқаро муомала учун ўзгармас бирлик тақдим қиласди.

Лекин, оламдаги мавжуд тилла аввалда бўлгандек, оламни тилла қоидасида юришга қайтариш учун етарлими? Тижорий амаллар учун лозим бўлган пулни тақдим қилиш учун кифоя қиласдими? Халифалик Давлатида тилла қоидасига қайтиш учун унга имкон берадиган тилла борми?

Бу саволларга «Ҳа!» деб жавоб берамиз. Оламдаги мавжуд тилла оламни тилла қоидасида юришга қайтариш учун етарли. Мавжуд тиллада тижорий амалларни қоплаш ва оламдаги иқтисодий ҳожатларга етарли бўлган пулни тақдим қилиш учун кифоя қилувчи мослашувчанлик бор, булар қўйидагича:

1. Инсоният тарихи мобайнида маъданлардан бирортасига, тиллага аҳамият берилганчалик, аҳамият берилмаган. Инсон чиқариб олган тилланинг ҳаммаси минг йил олдин чиқариб олинганлигига қарамасдан, бугунгача хизмат қилиб келяпти, Чиқариб олингани ўйқолиб кетишга олиб борадиган даражада истеъмол қилинган эмас. Бор ўйғи уни пул ва тақинчоқ суврати ёки саноатга киргизиш ва уни қайтадан эритиш сувратида айланиб юради.

2. Тилла ўтмиш асрларнинг ҳаммасида, XIX аср ниҳоясигача, тижорий амалларнинг ҳаммаси ва молиявий ёки иқтисодий муаммолар ҳосил қилмасдан, иқтисодий ҳожатларни қоплаш учун етарли бўлган. Иқтисодий ўсиши юксак даражага кўтарилиган XIX аср мобайнида, олам мато ва хизматларни зиёдалашувига қарамасдан, таклиф қилинган тилла пул миқдорига муҳтоҷ бўлмасдан халқлардаги зиёдалик ва баҳолардаги пасайишнинг ва юксак иқтисодий ривожланиш ва ўсишнинг шоҳиди бўлди.

3. Тилла ва кумушга ноиб бўлмаган қофоз пулларни кўп миқдорда босиб чиқариш олам бошидан кечираётган иқтисодий, молиявий йирик муаммоларга, пул қадрсизланишини зиёдалашувига, қофоз пулни сотиб олиш қийматини пасайиб кетишига олиб борган вақтда ҳам, сотиб олинувчи тилла бирлигининг қуввати катта бўлган ва саботни, барқарорликни мавжуд қилиб, фаровонлик

ва ривожланишга сабаб бўлган. Одамларга муҳим нарса, ҳақиқатда, пулларнинг кўплиги эмас, балки пулнинг харид қийматидир.

4. Иқтисодий низомда баҳоларни аниқ белгилаш ёки монополия каби тўсиқлар (чеклашлар) бўлмайди. Иқтисодий низомда мавжуд пул миқдори муҳим эмас. Чунки айланувчи ҳар қандай пул миқдори бозорда мавжуд хизматлар ва матоларни сотиб олиш учун яроқли бўлади. Мавжуд хизматлар ва матолар, айланувчи пул миқдорини ўзгармай туриши билан зиёдалашган вақтда, бу пул бирлигини мато ва хизматлардан кўпроқ миқдорини сотиб олишга қодир қиласкеради. Бунинг акси ҳам саҳих. Яъни, пул миқдори ўзгармай туриши билан хизмат ва пул миқдори камайган вақтда мато ва хизматларни сотиб олишга пул қудрати озаяди. Қандай ҳолатда бўлса ҳам, айланувчи пул миқдори қанчалик бўлса ҳам, айланувчи пуллар пулнинг айланишига кифоя қиласи.

5. Тиллада кўринган камлик оламшумул инфляция қадрсизланиш натижасидир. Агар олам тилла Низомига қайтса, пул баҳоси асло ўзгармайди. Утмишда тилладан ҳаргиз тижорий олиб сотарлик йўлида фойдаланилмагани учун тиллага бўлган шиддатли қизиқишни озайтиради ва уларнинг ҳаммасини тижорий амалиёт ва иқтисодий ҳожатларга йўналтиради. Чунки тилла билан тижорат ва музораба қилиш амалиётлари, пул баҳосида сабот ҳосил бўлганлиги учун, тўхтаб қолади. Чунки пул баҳоси ва пулнинг баъзисини баъзисига нисбати тилла билан белгиланади. Оламдаги пулларни битта пул қилиб қўяди. Бу пул билан олиб сотарлик қилиш имкониятининг йўқолишига ва тилла билан тижорат қилиш фойданинг озайишига олиб боради. Шу билан тилла кўпаяди ва тилладаги камайиш йўқолади,

Бу сабабларнинг ҳаммаси, оламнинг тилла қоидасига қайтиш имконяти бор эканлигини ва оламда мавжуд бўлган тилланинг пул ҳожатларига кифоя қилишини, тижорий амалиётларни қоплаб олиши ва иқтисодий ҳожатлар учун лозим бўлган молни таҳминлаб бериш имконяти бор эканлигини кўрсатади. ,

Халифалик Давлатига муносиб келадиган нарса бошқа давлатларга ҳам муносиб келади, аввалда гапириб ўтилган сабаблар ҳамда Халифалик Давлатининг ҳам тилла қоидасига қайтиши ва Исломий ўлкалардаги банкларда ва хазиналарда сақланаётган мавжуд тилла, Халифалик Давлатининг тилла қоидасига қайтиши учун имконият яратиб беришга тўла кифоя қиласи. Ва яна исломий шаҳарларда мавжуд бўлган кумуш миқдори Халифалик Давлатининг кумуш ва тилла қоидасига қайтишини енгиллаштирадиган миқдорда мавжуд. (Кумуш бирлик Халифалик Давлатини пулида тилла бирлиги билан бирга, асосий ўринни эгаллайди. Чунки Халифалик Давлати пул жиҳатидан икки маъдан низомида, яъни, тилла ва кумуш қоидасида барпо бўлади).

Исломий ўлкаларда уммат ва Халифалик Давлати учун лозим бўладиган хомашё моддалари етарлидир. Бу Халифалик Давлати ўзидан бошқаларнинг товарларига зарурий жиҳатдан муҳтоҷ қилиб қўймайди (бу ерда асосий, зарурий эҳтиёжларни назарда тутилаяпти), Шу билан Халифалик Давлати маҳаллий ўз матоси билан кифояланади ва ташқи матоларни олиб келишга кўп ҳам ҳожат сезмайди. Бу эса, тилланинг ташқарига чиқишини камайтиради ва уни мамлакат ичida қолишини таъминлайди.

Шунингдек, исломий ўлкалар олам давлатларининг ҳаммаси муҳтоҷ бўладиган нефт каби муҳим матога эга бўлганлигидан Халифалик Давлати нефтни тиллага ёки муҳтоҷ бўлган мато ва хизматларни четдан келтириш

учун сотишга қодир бўлади. Халифалик Давлати ҳар қандай давлатга нефтнинг пулини тилла қилиб берган вақтда сотади. Бу матоларга ўхшаш матоларни тиллага сотиш, тиллани мамлакатга кўплаб келтиради. Бу Халифалик Давлатидаги эҳтиёж тиллани кўпайтиради.

Халифалик Давлатининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан бошқа давлатлардан беҳожат бўлиши бадавлат инсонлар муҳтоҷ бўлган пулини эса инсонлар тилла билан тўлайдиган матоларга эга бўлиши, тиллани мамлакат ташқарисига фойдасиз чиқишдан сақлайди ва мамлакатга тилла оқиб киришини зиёдалаштиради. Шу билан Халифалик Давлати таъсир қўрсатувчи бўлишга, оламий пул бозорларига ҳукмронлик қилишга ва ўз пули билан ҳар қандай давлатнинг ҳукмронлигини тўсиб қўйишга қодир бўлади,

Халифалик Давлатининг кумуш ва тилла қоидасига қайтиш имкони бор эканлиги ҳамда Исломий юртларда мавжуд тилла давлатга лозим бўлган пулни таъминлаш учун кифоя қилгандек, тилла ва кумуш низоми учун ҳам етарлилиги тамоман равshan бўляпти.

Тилла қоидасига қайтиш қандай тўлиқ амалга ошади?

Тилла қоидасига қайтиш учун тилла қоидасидан холи бўлишга йўналтирилган сабабларни олиб ташлаш ва тилла нархининг тушиб кетишига олиб келган таъсир чораларини йўқ қилиш вожиб бўлади. Бунда қўйидагича амал қилинади:

1. Қофоз пул босиши тўхтатиш.
2. Тилла пулларни муомалага қайтариш.
3. Тилла олдидан божхона тусиқларини, тиллани четдан келтиришга ва четга чиқаришга бўлган тўсиқ (чеклаш)ларнинг ҳаммасини йўқ қилиш.
4. Тиллага эга бўлиш, сотиш, сотиб олиш ва битимларда тилла билан муомала қилишга бўлган чеклашларни олиб ташлаш.
5. Оламдаги етакчи пулларга эга бўлишга қаратилган тусиқларни олиб ташлаш ва ўз пулларини кўтариш ва пасайтмишга давлатнинг аралашувисиз, оламдаги етакчи пулларни баъзиси баъзисига ва тиллага нисбатан ўзгармас баҳони олиши учун пуллар орасида рақобатга эркинлик бериш.

Тилла ўз ҳолига қўйилса, қисқа даврда тилла учун очиқ бозор бўлади, демак, давлатлар пулларини ҳаммаси тиллага нисбатан ўзгармас айирбошлиш баҳосини олади ва давлатлараро тилла билан муомала қилиш мавжуд бўлади. Чунки қиймати белгиланган мато учун бўлган битимлар қийматини тўлаш тилла билан жорий бўлади.

Битта қувватли давлат бу йўлда қадам босса, унинг зафари бошқа давлатларни унга эргашишга шижаотлантиради. Бу эса иккинчи маротаба тилла низомининг дунёга қайтишига сабаб бўлади. Бу ишларни бажаришга Халифалик Давлатидан лойиқроқ давлат йўқ. Чунки тилла ва кумуш қоидасига қайтиш шаръий ҳукмдир. Халифалик давлати эса, оламни ҳидоятга бошлаш (ҳақ йўлга бошлаш) ва бошқаришга масъулдир.

Китоб Аллоҳ таолонинг мадади билан ҳижрий 1402 йил 19 Ражаб, милодий 1992 йкл 18 майда ниҳоясига етди.

